



ALISHER
NAVOIY

ҒАРОЙИБ
УС-СИҒАР

5 ЖИЛД

84(5Y)1

179

A-50

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ

Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

Ўн жилдлик

5 ЖИЛД

Монография

ТОШКЕНТ
“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти
2020

УЎК: 821.512.133-14

КБК: 84(5Ў)1

A 50

Масъул муҳаррир:

Тўхлиев Б. – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Жабборов Н. – Алишер Навоий номидаги Тош ДЎТАУ профессори,
филология фанлари доктори

Омонов Қ. – ТДШУ профессори, филология фанлари доктори

A 50

Б.Тўхлиев, И.Ҳаққулов, Р.Зоҳидов, Д.Юсупова, Ҳ.Эшонқулов,
В.Раҳмонов, К.Муллаҳўжасва, Н.Бекова, З.Мамадалиева, С.Жумаева, Ақром
Малик, О.Болтабоева;

**Алишер Навоий. “Ғаройиб ус-сиғар”. Ғазалларнинг шарҳ ва
изоҳлари.** Ўн жилдлик. 5-жилд. – Тошкент: “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020. –
242 б.

Таҳрир ҳайъати:

Давлатов О., Имомназаров М., Маннонов А.М., Махмудов Н.М.,
Муҳиддинов М., Омонов Қ., Раҳмонов Н., Рихсиева Г.Ш., Содиқов Қ.,
Сирожиддинов Ш.С., Тўхлиев Б., Қуронбеков А., Ҳаққулов И.Ч.


Монография Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазал-
лар шарҳига бағишланган. Шарҳлар адиб ғазалларининг матни, уларнинг
вазн кўрсаткичлари, лугат ва насрий баён билан таъминланган.

Девондаги ғазалларнинг яхлит ва изчил илмий шарҳи биринчи марта
амалга оширилмоқда.

Китоб илмий тадқиқотчилар, таълимнинг турли босқичларида фаоли-
ят юритаётган ўқитувчи ва мураббийлар, талаба ва ўқувчилар, шунингдек,
Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига қизиқувчи барча китобхонларга мўл-
жалланган.

Монография ПЗ-20170930393 “Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар”
деворидаги ғазалларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги илмий изоҳ ва
шарҳларини яратиш” грант лойиҳаси асосида яратилган ҳамда Тошкент дав-
лат шарқшунослик университети Илмий кенгашининг 2020 йил 26 ноябрда-
ги 4-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6858-8-8



© ТДШУ, 2020
© “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020

ЗОҲИРИЙ ВА БОТИНИЙ МАЪНОЛАР ТАЛҚИНИ

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ўз пайтида замондошларига, барча ижодкорларга ҳам, ихлосмандларга ҳам ўрнак ва намуна мактаби эди. Бу анъана ҳозир ҳам мунтазам ва барқарор тарзда давом этмоқда. Эндиликда мамлакатимизда буюк мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодини кенг ўрганишга алоҳида эътибор берилаётгани яхши маълум. Яқиндагина Президентимизнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги” Қарори эълон қилинди. Унда, жумладан, Алишер Навоий асарларининг шарҳларини яратишга оид алоҳида банд ҳам бор.

Алишер Навоийнинг ҳар бир асари, ҳар бир банди ва ҳар бир мисраси шарҳланиши, изоҳланиши, уларнинг замирига яширинган нодир маънолар замондошларимизга, хусусан, ёш авлодга етиб бориши керак.

Алишер Навоий асарларининг кўриниб турган ҳамда матн остида сир бўлиб сақлаётган маъноларини инкишоф этиш навоийшуносларимиз олдида турган энг асосий вазифалардан биридир. Буни жуда оддий бир мисол воситасида тасаввур этиш қийин эмас. Мана бу рубоийни тинглаб кўрайлик:

*Кундуз кўрсанг ўзунгни маҳзун, қадаҳ ич,
Андоқки, қуёш равшану мавзун қадаҳ ич.*

*Ул дамки, қуёш ботти, шафақгун қадаҳ ич,
Жомингни қилиб нечукки гардун, қадаҳ ич.*

Бир қарашда мазкур рубоий бир кеча-кундуздаги инсон ҳолатларини тасвирлагандек кўринади. Аниқроғи, инсоннинг эрталабдан кечгача ўз вақтини қандай ўтказиши лозимлиги

ҳақидаги кўрсатмадай тасаввур ҳосил бўлади. Унга кўра, агар инсон эрталаб ўзини маҳзун – кайфиятсиз ва афтодаҳол ҳис этадиган бўлса, қадаҳ кўтариши, яъни май ичиши лозим. Куёш кўкка кўтарилиб ёруғ ва чиройли кўрина бошлаганда, яъни кундуз куни ҳам шу иш давом этиши мақсадга мувофиқдир.

Куёш ботганида, уфқнинг рангига мос бўлган ичимликни ичиш, ичганда ҳам унинг ҳажмини анча кўпайтирган ҳолда ичиш тавсия этилаётганидай. Зеро, бунда қадаҳнинг гардун даражасига кўтариш таклифи мавжуд.

Аслида ҳам шундайми? Тўғри, гап инсон умри, аммо унинг бир куни эмас, балки бутун умри ҳақида бормоқда. Кундузнинг бошланишидан куёшнинг ботишигача бўлган вақт оралиғи инсон умрининг яхлит тимсолидир. Фақат бу ердаги қадаҳ ва унинг ичидаги ичимлик тўлалигича рамзларга таянган образлардир.

Май – реал маънода, ичимлик сифатида, инсон кайфиятини кўтаришга омил бўладиган восита деб талқин қилинади. Бу – тўғри. Аммо унинг ирфоний маъноси илоҳий билимлар мажмуини, илоҳий ишқнинг ўзини, мана шу ишқдан ҳосил бўладиган шавқ ва ҳузурни, қадаҳ эса мана шу илоҳий билимлар мужассамлашган манбани англантиши тасаввуфга оид адабиётларда кўрсатиб ўтилган. Бу манба эса ирфоний билимлар билан лиммо-лим бўлган қалб – комил инсон қалбидир. У пир, муршид, устоз, шайх сингари образларда мужассамлашади.

Агар мана шу изоҳ ва талқинларга асосланадиган бўлсак, юқоридаги рубоий мазмуни мутлақо бошқача манзараларни намоён этади. Унга кўра, Инсон болалигида ҳали ғўр ва тажрибасиз ҳолатида олам ҳодисаларининг асл мазмуни ва моҳиятини тўла ва тўғри идрок эта олмайди. Мана шу мураккаблик ва мавҳумлик олдида ўзини йўқотади. Унинг маҳзунлиги шу билан изоҳланади. Демак, у қадаҳ ичиши, маҳзунлик (олам ҳодисалари моҳиятини англашдаги имконсизлик, мавҳумлик)дан қутулиши, яъни майхона эгаси (комил инсон)дан ўзига мос ва муносиб даражадаги қадаҳни олиш (билимларни ўзлаштириш)га майлу рағбат кўрсатиши жоиз.

Умрнинг давом этаётгани қуёшнинг равшан ва мавзунлигида ўз ифодасини топган. Бу болалик билан қариликнинг оралигини англатмоқда. Демак, олам ва одам ҳақидаги билимларни ўзлаштиришнинг қулай фурсати ҳам мана шу муддатларда амалга оширилмоғи керак.

Кундуз тутамокда, яъни умр дақиқалари санокли. Модомики қуёш ботар экан, табиийки, ёруғ лаҳзалар қоронғилик билан алмашади (Юсуф Хос Ҳожибнинг ёшликни мунаввар ёзга, қариликнинг эса қаҳратон қишга менгзатганини эсга олайлик). Демак, мунаввар ёшлик ўрнига қарилик етиб келди. “Шафақгун” – шафақ – уфқнинг рангига ишора. Айни пайтда бу майнинг ранги ҳамдир. Қизил май мазкур ичимлик тури орасида энг тоза, тиниқ ва кучининг баландлиги, табобатда шифолик хусусиятларининг мўллиги билан ажралиб туради. Демак, ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар даражаси ҳам мана шунга мувофиқ бўлиши керак. Жомнинг осмон гардиши даражасидаги катталикка эга бўлиши ҳақидаги талаб, мана шу билимларнинг ҳажми ва даражасига қилинётган ишорадир.

Рубоийни яхлит ҳолда тасаввур қилиш энди биз учун бошқа хулосалар чиқариш омилига айланади. Демак, инсон бутун умри давомида билим олиш билан банд бўлиши лозим. Зеро, бу рубоий моҳияти “бешиқдан қабргача илм ўрган” деган ҳадиси шариф мазмуни билан уйғун келади.

Айни ҳолат ғазаллар шарҳи билан ҳам муҳим натижаларни беради. Тошкент давлат шарқшуносик университетида бу борада бир қатор ишлар амалга оирилмоқда. Жумладан, “Хазойин ул-маъоний” таркибидаги биринчи девон “Ғаройиб ус-сиғар”даги ғазалларнинг шарҳли тадқиқи амалга оширилди. Ундаги ғазалларнинг барчасига луғат тузиш, уларнинг насрий баённи яратиш ҳамда илмий изоҳ ва шарҳларини юзага келтириш кўзда тутилган эди.

Гарчи бу алоҳида давлат гранти лойиҳаси доирасида бажарилган бўлса-да, аслида бундай муҳташам ишнинг бошланганига анча бўлган эди.

Бундан анча олдин 2009-2010-ўқув йилидан бошлаб – устоз филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов

бизнинг таклиф ва илтимосимиз билан мана шу ишга алоҳида урғу бериб дастлаб ўнта ғазални шарҳлаганларидан кейин уларнинг сонини юзтага етказишни кўнгилларига тугиб қўйган ва бу ҳақда бизга ҳам билдириб қўйганларида қанчалик хурсанд бўлган эдик. Бевақт ўлим у кишини орамиздан олиб кетди, мана шундай гўзал ва хайрли ташаббус чала қолди.

Устознинг илк таҳлил ва шарҳлари турли анжуманларда, маъруза, айрим газета ва журналларда алоҳида мақола шаклида ҳам, тўплам ва алоҳида китоб шаклида ҳам оммалашди.

Ниҳоят, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазаллар тўлиқ шарҳланди. Бу ишда таниқли олимларимиз Иброҳим Ҳаққулов, Дилором Салоҳий, Рашид Зоҳидов, Хусниддин Эшонқулов, Дурдонахон Зоҳидова, Эргаш Очилов, Назора Бекова, Каромат Муллаҳўжаева, Муқаддасхон Тожибоева, Акрам Дехқонов, Абдулҳамид Курбонов, Озода Тожибоева, Сирдарё Ўтановалар яқиндан ёрдам беришди.

Ўрни келганида эътироф этиш жоизки, бу борада филология фанлари доктори Дилнавоз Юсупова, филология фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори Олимжон Давлатов ҳамда филология фанлари номзоди Зухра Мамадалиевалар энг кўп ва ҳўп юмушларни адо этишди.

Бу бир ғазал шарҳидан келиб чиқадиган хулосалар. Ушбу китоблар жамланмасида “Ғаройиб ус-сиғар”даги барча ғазаллар маъносини англаш учун дастлабки қадам қўйилган. Ўйлаيمизки, улар сизга манзур бўлади. Қаердадир меъёрига етмаган ҳолатлар учраб қолса, қадимги боболаримиз айтганларидек, уларга ислоҳ кўзи билан қарашингизга ишонамиз.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Ғаройиб ус-сизар”



“Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур...”



Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлуғ дарё киби ошуфта кўнглум кўзгалур.

Йиғлама, эй кўз, недин соҳилға чиқмас кема деб
Ким, ёшинг дарёсидур ҳар сариким эл кўз солур.

Титрабон сиймобдек кўнглум, етар жон оғзима
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки, дарё чайқалур.

Сабр кўнглумда, кўнгул ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, бориб телмуруб кўз, мунграйиб жоним қолур.

Дам тутулғандин ўлар элдек етибмен ўлғали
Сурмасун деб кемасин баским нафаслар асралур.

Кирма савдо баҳриға оламдин истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғалур.

Ғарқ етар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илгига чунким Навоий бода киштийсин олур.

— V — — V — — — V — — — V —

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Шарҳ ва изоҳлар

Шеърятда таассурот – тасаввурга, тасаввур эса таассуротга йўл очиб, доимо улар бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Ўз вақтида тасвирланмаган таассуротни тасаввур заминиде тиклаш мумкин бўлганидек, тасаввурда сақланиб қолган таассуротдан асар яратиш учун бемалол фойдаланиш мумкин. Баъзан шоир илк таассуротдан эмас, унинг такроридан шеър яратадики, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги:

Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солур,
Мавжлуг дарё киби ошуфта кўнглум қўзғалур, –

байти билан бошланадиган ғазал бунинг бир мисолидир.

Илк мисрадаги маълумотиға қараганда, маъшуканинг сув йўли билан сафарга жўнаши биринчи бора эмас – у кийим-кечакларини йиғиштириб аввал ҳам кемага чиққан. Бу ҳодисадан ошиқнинг кўнглида дарё тўлқинига монанд шиддатли бир қўзғалиш бош кўтаради. Кўнгилдаги қўзғалиш, албатта, айрилиқ дарди, хижрон аламидир. Бу ҳол шўрлик ошиқни шу қадар йиғлатадики, унинг кўз ёшларидан ёр кемаси соҳилга чиқа олмайдиган ўзга дарё юзага келади:

Йиғлама, эй кўз, недин соҳилға чиқмас кема деб
Ким, ёшинг дарёсидур ҳар сориким эл кўз солур.

Ёрнинг дарё ичра кетиши ошиқ дилини аламга чулғаган бўлса, кеманинг соҳилга чиқолмаслик хавфи унинг жонини ҳам ҳалқумига келтиради. Бу ҳолат энди телба шамол ҳаракатидан тўхтовсиз чайқаладиган дарёга қиёсланади.

Титрабон сиймобдек кўнглум, етар жон оғзима,
Тунд ел таҳрикидин ҳар дамки дарё чайқалур.

Ошуфта кўнгулнинг қўзғалиши, кўз ёшининг тинмай оқиши, юракнинг симобдай титраши – булар ошиқнинг ички аҳволини кўрсатувчи ҳаракат. Ошиқ – ҳаракат соҳиби. У ҳамма нарсага қар-

ши турса ҳам, руҳ ва кўнгил ҳаракатига ҳеч монелик қилмайди. Шунинг учун кўнгилни сабр қўлига топширган бўлса-да, бундан ҳеч натижа чиқмаслигини у жуда чиройли тарзда ифодалайди:

Сабр кўнглумда, кўнгул ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, бориб телмуриб, кўз мунграйиб, жоним қолур.

Кўнгил ёрда. Ёр кемада. Бориб ёр жамолига термулгач, кўзнинг мунграйиб, жоннинг жонон билан қолишини шеърхон ҳиссиёт билан ҳаёлдан ўтказди. Жон соҳибасига топширилгач, тириклик нима бўлади? Ва уни тириклик дейиш мумкинми? Навбатдаги байт шу ҳақда:

Дам тутулгандин ўлар элдек етибмен ўлгали
Сурмасун деб кемасин баским нафаслар асралур.

Нафас чиқмагандан кейин ўладиган кишиларга ўхшаб қолиш табиий, албатта. Аммо ошиқ ҳали тирик – ҳар қалай нафас олиб турибди. Қарангки, шу нафас ҳам унга халақит бераётир. Чунки, ошиқ нафаси кемани илгари силжитиши мумкин. Демак, нафас чиқмаслиги, яъни нафасни ичга ютиш жоиз – токи кема ўрнида собит турсин.

Ақл ва фикр соҳиби ҳаётдаги ҳар бир воқеа, ҳодиса ёки ҳолатдан тегишли хулоса чиқаради. Ишқ-муҳаббат дарёсига ғарқ бўлишни олайлик. Бу – ошиқлар учун шараф. Зеро, ҳамма ҳам бундай ишга журъат этолмайди. Ҳаётда бошқа “дарё”лар ҳам кўп. Масалан, савдо-сотик дарёси. Унда кимлар сузмаган-у, кимлар чўкмаган? Ҳазал қаҳрамонининг фикрига кўра, ўтар дунё манфаати ва фойдасини ўйлаб зинҳор-базинҳор “савдо баҳрига” кирмаслик лозим. Чунки кумуш тангаларни йиғиш, умр бойлигини асраб қолишга кафолат беролмайди.

Кирма савдо баҳрига оламдин истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғалур.

Шеър ёзиш – азобдан қутулиш демак. Қалбидаги ғам-ғусса ва изтиробни шоир асосан шеър воситасида бартараф этади. Наво-

ий ғазалнинг тили ва мажозий табиатига мувофиқ равишда “ғам заврақи” – ғам кемасига диққатни қаратади:

Ғарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Илгига чунким Навоий бода киштийсин олур.

“Баҳри фано” – фано дарёси, “ғам заврақи” – ғам кемаси, “пири дайр” – бутхона пири, “бода киштиси” – қайиқ шаклидаги қадах – бу иборалар замиридаги маънони ҳар ким ўзича англаб, ҳар хил шарҳлаши шубҳасиз. Лекин фано ҳақиқати тўғри тушунилмаса, байтдан умумий бир маъно чиқариб бўлмайди.

Абу Наср Саррожнинг таърифлашича, фано нафснинг ёмон сифатлардан халос бўлиши ва покланиши. Нафсни поклаш – руҳий-маънавий ҳаётдаги мислсиз ғалаба. Мана шу ғалабага эришилгач, дард, алам, ҳасрат аталмиш ҳиссиётлар ўз қийматини бой беради. “Фано дарёси ғам кемасини ғарқ этар”, дейилиши худди шу ўзгаришга ишорат бўлса, қайиқмонанд қадахни қўлга олиш эса покланиш ҳолидан шодланишни ифодалайди.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ

“Жон берур элга агарчи лабидин қон томадур...”

Жон берур элга агарчи лабидин қон томадур,
Ваҳ, дема қон томадур, балки чучук жон томадур.

Ноз ўқи бирла кўзум мардумин этдинг мажруҳ,
Ашки гулгун дема захмидин анинг қон томадур.

Ваҳ, ярам ичра не қондур буки девона кўнгул
Топса таскин турадур, айласа афғон томадур.

Гўйиё фитна саҳобидин эрур сели бало,
Рахшидин қатраки, жавлон аро ҳар ён томадур.

Томчидек ашким эмас, кўнглум ўти дафъи учун
Ғаҳ бадан кулбасини қилғали вайрон томадур.

Ваҳки, гул шамъин ўчурмаклик учундур гар худ
Қатра ўрниға булутдин дурри ғалтон томадур.

Лаъли васфида Навоий сўзидин оби ҳаёт
Қилса пайдо, оқадур, айласа пинҳон, томадур.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Эл – бу ерда бегона, рақиб маъносида қўлланган.

Ёр – маъшуқа, дўст; ҳақ зотининг мушоҳадаси

Оғиз – мутакаллимлик сифати ва илоҳий ишорат.

Лаб – ҳаёт, “қудсий нур туфайли мунаввар бўладиган ақл”.

Кўнгул – қалб, кўнгил. кўч. Илоҳий нур тажаллиси жой оладиган манзил, жисмоний ва илоҳий олам воситачиси (Шарҳи бист ғазали Хожа Ҳофиз Шерозий. Ба кўшиши Ш.Р.Исрофилниё. – Душанбе, “Пайванд”, 2016, с.24.).

Мардум – кўз қорачиги

Бало – мусибат, офат.

Насрий баён

Лабидан қон томиши (аччиқ сўзлар айтиши)га қарамай, булар эл (бегона, рақиблар)ни хурсанд қилади. (Шунинг учун), шу ҳолатда), қон эмас, балки ширин жон томади, деб айт.

Ноз ўқи билан кўзум мардуми (қорачиги)ни ярадор қилдинг,

Ундан томаётган қизил кўз ёши дема, у ўқ зарбидан томаётган қондир.

Воҳ, ярам ичидаги қон ғалатики, девона кўнглим
Таскин топса тўхтади, изтироб чекса томади.

(Ёр от миниб олган). Бу фитна булутидан бало сели ёғаётган пайтда отининг ҳаракатланаётганида ҳар томонга томаётган қатраларга ўхшайди.

Кўз ёшларим (оддий) томчи эмас, улар кўнглимдаги ўтни йўқотиш учун гоҳида бадан кулбасини бузиш учун томади.

Булутдан қатра ўрнига йирик, думалоқ дурлар томишига қарамай, улар гул шамъини ўчириш учун хизмат қилади, (холос).

Лаби васфида Навоий сўзидан оби ҳаёт
Пайдо қилса оқади, яширса – томади.

Шарҳ ва изоҳлар

Ёрнинг хислатлари кўп, айримлари жуда ғалати. Шулардан бири унинг ошиққа ўзини бепарво кўрсатгани ҳолда, бошқаларга илтифот қилишидир. Шунинг учун ҳам ёрнинг элга илтифотида жон бериш даражасидаги меҳр бор. Мазкур ғазал ёр портретининг ўзига хос тасвирларидан иборат. У мумтоз адабиётдаги маъшуқанинг анъанавий ҳаракатларини такрорлайди: ошиққа азоб, бегоналарга ҳузур бағишлайди:

Жон берур элга агарчи лабидин қон томадур,
Ваҳ, дема қон томадур, балки чучук жон томадур.

Лабдан қон томиши икки маънони акс эттиради: 1) лабнинг қизиллигини англатади. Лабнинг қизиллиги эса мумтоз адабиётдаги гўзалликнинг ўзига хос “ўлчов бирликлари”дан биридир. Лабнинг ҳаракатлари (сўзлаши) туфайли ошиқ кўнглил яраланади, бегоналар эса ундан завқ олишади. Шунга кўра, буни лирик қаҳрамон “қон эмас, балки ширин жоннинг томиши” сифатида баҳолайди.

Такрир, истиора, таносиб, муболаға, ружу сингари шеър санъатлари, шунингдек, ички қофия ва радифнинг иштироки байтдаги мазмуннинг таъсирчан ифодаланиши учун хизмат қилган.

Бундай пайтда ёрнинг озгина илтифоти ҳам ошиқ кўнгил завқини ошириб, унинг кўз ёшларига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун у “ашки гулгун” (“қизғиш кўз ёшлари”) эмас, балки “ноз ўқи” қадалганидан кейин пайдо бўладиган ярадан томаётган қон томчиси бўлади:

Ноз ўқи бирла кўзум мардумин этдинг мажруҳ,
Ашки гулгун дема захмидин анинг қон томадур.

“Ноз ўқи”, “ашки гулгун” истиоралари тасвирга руҳ бағишлайди, жанг ва ундаги қуроллар, қуролларнинг иштироки ва уларнинг натижаси маъноларини акс этирган сўзлар таносиб санъатини юзага келтириши билан тасвирга ноодатийлик бағишлайди. Ирфоний маънода “ноз” ёрнинг алдовларини ҳам англатади. Мана шу маъно туфайлигина кўз мардумидаги қоннинг сабабларини ҳис этиш мумкин бўлади. “Кўз мардумини мажруҳ этиш” ўзига хос муболағани юзага келтиради. Тасвирнинг ёр гўзаллигини ҳам, ошиқнинг руҳий аҳволини ҳам кўрсатиши эътиборлидир. Ошиқ тўкаётган “ашки гулгун”нинг мантикий асоси ҳам ўша йўсинда изоҳланади.

Ҳазалда айни мана шу тасвир алоҳида эътиборга олинади ва давом этади. Адиб уни ярадаги қон гоҳида тўхтаб қолади ва гоҳида яна тома бошлайди” тарзида тасвирлаган. Аммо бу ҳодисалар қачон содир бўлади?

Ваҳ, ярам ичра не қондур буки девона кўнгул
Топса таскин турадур, айласа афғон томадур.

Кўринадики, қоннинг ҳаракатлари ошиқдаги “девона кўнгул”нинг ҳаракатларига боғлиқ: у озроқ таскин ва тасалли топса тўхтаб туради, безовта бўла бошласа, яна тома бошлайди. Иккинчи мисрада тафриқ санъатининг қўллангани байтга ҳам ўзгача руҳ бериб турибди.

Қуйидаги байтда ташбеҳ етакчи ўрин тутади:

Гўйиё фитна саҳобидин эрур сели бало,
Рахшидин қатраки, жавлон аро ҳар ён томадур.

(Ёр от миниб олган). Бу фитна булутидан бало сели ёғаётган пайтда отининг ҳаракатланаётганида ҳар томонга томаётган қатраларга ўхшайди.

Истиора ва ташбеҳлар муболагани ҳосил қилган ҳолатлар ҳам йўқ эмас:

Томчидек ашким эмас, кўнглум ўти дафъи учун
Ғаҳ бадан кулбасини қилғали вайрон томадур.

Лирик қаҳрамон кўз ёшларининг (оддий) томчилар эмаслигини, уларнинг ичкарида – кўнгилда гуркираб ёнаётган алангани бартараф этишга йўналтирилганини таъкидламоқда. Ўт баланд ёнганидан кейин фақат олов ёнаётган жой эмас, балки бинонинг ҳамма жойига сув сепилганидек, бу ерда ҳам ошиқ кўнгли жойлашган бино – “бадан кулбаси” га ҳам шикаст етади.

Ёр ошиқнинг қадрига етиши лозим. Ошиқнинг бевақт хароб бўлиши (изтироб чекиши, умрининг ўтиши) маъшуқа (“гул”) учун ҳам изсиз кетмайди.

Умуман, ғазалда истиоралар анча фаол қўлланган. Қуйидаги байтда ҳам “гул”, “гул шамъи”, “шамни ўчурмак”, “дурри ғалтон” ифодалари истиорани ҳосил қилган.

Ваҳки, гул шамъин ўчурмаклик учундур гар худ
Қатра ўрнига булутдин дурри ғалтон томадур.

Ўхшатиш фавқулоддалиги билан ажралиб туради: осмондан йирик ва гўзал дур томчилари ёғишига қарамай, улар ёниб турган шаъмнинг умрини ҳам қисқартиради.

Шеър ҳусни мактаъ билан якун топади:

Лаъли васфида Навоий сўзидин оби ҳаёт
Қилса пайдо, оқадур, айласа пинҳон, томадур.

Агар “лаъл”дан мурод “маъшуқа каломи” (Сажожодий, 683-бет), илоҳий мужда эканини назарда тутсак, гапнинг илоҳий шафоатдан миннатдорлик устида бораётгани англашилади. Ана шунда “оби ҳаёт”нинг оқиши ҳам, томиши ҳам нисбатан тушунарли бўлади.

Бокижон ТҶҲЛИЕВ

“Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулғузор...”

171 ғазал

Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулғузор,
Ғоҳе кўзумга хол тушуптур, ғоҳе губор.

Юзунгда хол сафҳада томған киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қарода бор.

Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.

Билман кўнгулда холларингнинг хаёлидур,
Ё кирпигинг тиканларин айлабсен устувор?

Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмагин
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.

Машшотаи қазо бедамиш холу хаттини,
Беихтиёрликда манга борму ихтиёр?

Мискин Навойи холи лабинг кўрса жон берур,
Боқсанг не бўлди сурати ҳолиға, эй нигор.

--V -V-V V--V -V-

мафъувлу фоилоту мафойилу фоилон
музориъи мусаммани ахраби макфуфи мақсур

Лугат

Хол – хол, менг. Баданда, тери устида бўладиган туғма доғ, бўртма

Хат – лаб устидаги майин туклар

Гульзозор – гул юзли

Шарор – аланга, учқун; чўғ

Холдор – холи бор

Машшотаи қазо – тақдир безакчиси, Аллоҳ

Мискин – бечора, нотавон, фақир

Лаб – ҳаёт, қудсий нур туфайли мунаввар бўладиган ақл.

Кўнгул – қалб, кўнгил. кўч. Илоҳий нур тажаллиси жой оладиган манзил, жисмоний ва илоҳий олам воситачиси¹.

Насрий баён

Холинг ва лабинг устидаги майин туклар ҳаёлидан, эй сарвга ўхшаш гул юзли дилбар, гоҳ кўзимга хол тушади, гоҳ ғубор қўнади.

Юзингдаги хол саҳифага томган сиёҳ (томчиси)га ўхшайди.

Холинг қора рангда бўладиган малоҳатга эга.

Жонимни ўртаган юзу холинг нималигини билмасанг, (мен айт-тай):

У ўтнинг шуълаёсида турган ўчик бир учқунни эслатади.

Билмайманки, кўнгилда холларингнинг ҳаёллари (қалашган)ми?

Ёки килригинг тиканларини устма-уста қалашгириб қўйганмисан?

Кўнгилнинг ҳар дам ҳалоку кўзимнинг хиралашишини

Шўҳ ва холдор бўлган ёри борларгина билади.

Унинг хол ва хатини тақдирни белгиловчининг ўзи қўйган бўлса, бундай беихтиёрликда менда қандай ихтиёр бўлиши мумкин?

Бечора Навоий лабинг холини кўриб жон беради, эй нигор,

(Шунинг учун) унинг сурати ҳолига бир қараб қўйсанг нима бўлади?

¹ (Шарҳи бист ғазали Хожа Ҳофизӣ Шерозӣ. Ба кўшиши Ш.Р. Исрофил-ниё. – Душанбе, “Пайванд”, 2016, с.24.)

Шарҳ ва изохлар

Алишер Навоийнинг кўплаб шеърларида мажозий ва ирфоний маънолар ёнма-ён яшайди. Уларнинг ҳар икки маънода тушуниш учун ҳам имкониятлар етарли бўлади. Юқоридаги ғазал ҳам шу сирага мансуб. Бир қарашда унда ошиқнинг дил изҳорлари акс этгандек кўринади:

Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулгузор,
Гоҳе кўзумга хол тушуптур, гоҳе ғубор.

Байтда ёр портретига чизгилар кўзга ташланади. Хол, хат, гулга ўхшайдиган юз унинг асосий унсурлари каби намоён бўлади.

Холинг ва лабинг устидаги майин туклар хаёлидан, эй сарвга ўхшаш гул юзли дилбар, гоҳ кўзимга хол тушади, гоҳ ғубор қўнади. Демак, “холу хатнинг хаёли” яратганнинг зотини тасаввур қилишдаги ўзига хосликларга ишорадир. “Сарви гулузор” маъшуқанинг портретидаги умумий баҳо. Унинг гўзаллигини таъминлаб турган унсурларнинг асосийлари “хол” ва “хат”дан иборат. Бу сарв қадли ёрнинг гулдай юзи, мана шу гул юзда унга мос ва муносиб бўлган хол ва лаблари устида майин тукчалари мавжудликнинг адабий қайдидир. Бошқачароқ айтиладиган бўлса, маъшуқа гўзаллиги ошиқ ҳайратига сабаб бўлаётир.


Юздаги хол тавсифи давом этади. Шоир уни дафтар саҳифаси – оқ қоғозга томган сиёҳ томчисига ўхшатади:

Юзунгда хол сафҳада томган киби қаро,
Холинг малоҳати туз эрурким, қарода бор.

Навбат ошиқнинг ўзига келади. Ёрнинг бепарволиги уни безовта қилади. Шунга кўра, ёрнинг кўз олдида ўз изтиробларини тасаввур қилдириш учун шундай муболағага йўл қўяди:

Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,
Ўт шуъласида айла гумон бир ўчук шарор.

Ёр ўзидаги хату холнинг ошиқни қай даражада ўртаётганини билмайди. Шунинг учун унга “тушунтириш” керак. Жонимни ўр-



таган юзу холингинг нималигини билмасанг, (мен айтай): У ўтнинг шуълаъсида турган ўчик бир чўғдир.

Навбатдаги байтда хол мавзуси давом этади. Фақат энди маълум бўладики, ёрнинг холи бир донагина эмас экан – “хол”нинг кўплик ҳамда иккинчи шахс эгалик кўшимчаси билан қўланаётгани шу ҳақда далолат қилади:

Билман кўнгулда холларингнинг хаёлидур,
Ё кирпигинг тиканларин айлабсен устувор?

Ёр тавсифи давом этади. Унинг “шўх” ва “холдор” экани урғуланади:

Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзум тийра бўлмагин
Билгай бировки, ёри эрур шўху холдор.

Ёрнинг бундай ҳолати, аниқроғи, гўзаллиги шу йўл билан тасвирлаб борилади. Энди бунинг тақдирнинг инояти эканлиги тажохили орифона тарзида ифодаланади:

Машшотаи қазо бежамиш холу хаттини,
Беихтиёрликда манга борму ихтиёр?

Ҳазал ёрнинг эътиборини ўзига тортиш тарзидаги оҳанглар билан яқунланади. Бунда бевосита мурожаатни кўрсатувчи нидо, ўз ҳолатини англатишга хизмат қиладиган “мискин”, “сурати холи” сингари ифодалар, “хол” ва “хол” иштироки сўз ўйинлари (тажниси хат) ни юзага келтиради:

Мискин Навоий холи лабинг кўрса жон берур,
Боксанг не бўлди сурати холиға, эй нигор.

Юқорида айтилганидек, ҳазалнинг ирфоний маънолари ҳам эътиборга молик.

Хол ҳасрат оламининг тимсоли. У олам ранг-баранглигининг мана шу ранг-баранглик олдидаги ҳасратнинг бошланиш нуқтаси. У ҳақ йўлига кирган солиҳ мушоҳадаларидаги олам гўзаллигининг идрок этиши даражаларини хол кўрсатиб туради. У борлиқ оламини англатади. Қора хол эса кўпроқ ғайб оламга ишора қилади.

Сажжодий “тариқат соликлари ҳамда завқ аҳли қошида ҳақиқат ваҳдатининг нуқтасидир, дейди ва давом этади:

Бар он рух нуқтаи холаш басит аст,
Ки асли марказу даври муҳит аст.

Жумладан, хол сўфийлар истилоҳида ваҳдат нуқтасига ишорат бўлиб, касратнинг манбаси ва ғайбий ҳувиятнинг ўхшашидир”, деб кўрсатилади.

Айни пайтда ушбу мисраларда илоҳий гўзалликнинг беқиёс мавжудлик сифатида намоён бўлишининг ирфоний тасвири ҳам мужасамлашган. Унга кўра, одам олам гўзалликларини кўра олиши лозим. Хол олам яхлитлигини ифодаласа, хат унинг намоён бўлишидаги ранг-барангликларга ишорадир.

Сажжодий изоҳига яна бир марта эътибор берайлик:

Аз ў шуд хат даври ҳар ду олам,
Ва з-ў шуд хати нафсу қалби одам.

Аз ў ҳоли дили пурхун табоҳист,
Ки акси нуқтаи холи сиёҳист.

У туфайли хат ҳар икки оламнинг чегараси бўлди,
У туфайли нафс ва инсон қалбининг рамзи бўлди.

Унда қонга тўла дилнинг аҳволи ...дир
Зеро, у қора хол нуқтасининг аксидир.

Якуний байтни “бечора (яъни муҳтож) Навоийда илоҳий назар туфайли ҳосил бўладиган билимларга, қудсий манба шарофати билан ҳосил бўладиган ақлу идрокка нисбатан жуда катта эҳтиёжи бор. Сен унинг вужудига, руҳиятига солиқ сифатидаги ҳозирги мақомига эътибор берсанг нима бўлади, эй нигор?!” – тарзида тушуниш ҳам мумкин. Буларнинг барчаси улкан шоир меросидаги нодир нуқталарнинг кўплигини, уларнинг барчасини тўла ва тўғри идрок этиш учун эса ҳали кўп меҳнат қилишимиз лозимлигини кўрсатиб турибди.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Чиқти ов азмиға жавлон айлаб ул чобуксувор...”

Чиқти ов азмиға жавлон айлаб ул чобуксувор,
Жон нисор ул сайд учунким, жон анга қилғай нисор.

Бу эди қасдимки бир кун сайди фитрок айлағай,
қилғаним умре кийиклар бирла суҳбат ихтиёр.

Чун кийик қатлини истар, кошки руҳум учуб,
Бир қатил этган кийик жисми аро тутқай қарор.

Токи еткурсам рикобиға бошимни, кошки
қилса шахсимни қазо ит шакли бирла ошкор.

Қомати ҳажрида ҳар ён ёрадин қонлиғ кўнгул
Бир кийикдекдурки, ўқ захми била бўлмиш фиғор.

Гўр учун очмоқ недур ҳар лаҳза Баҳромий каманд,
Чун сени Баҳромдек айлар ажал гўри шикор.

Эй Навоий, ул қуёшнинг соясида кўр итин—
Комрону йўқ санга оллида итча эътибор.

—V— —V— —V— —V—

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Азм – мақсад, иштиёқ

Чобуксувор – от минган, чавандоз, отни усталик билан бошқа-
ра оладиган

Сайд – ов; овладидиган нарса

Фитрок – қанжирға – юк ва бошқа нарса боғлаш учун эгар орқасига маҳкамланган тасма, боғич ёки илгак

Жон нисор қилмоқ – жон бермоқ, жонини фидо қилмоқ..

Кўнгул – қалб, кўнгил. кўч. Илоҳий нур тажаллиси жой олади-ган манзил, жисмоний ва илоҳий олам воситачиси².

Қасд – ўй, орзу, ният

Қатил этган – ўлдирилган, сўйилган

Рикоб – узанги

Фигор – жароҳатли, мажруҳ

Баҳромий каманд – Баҳром Эрон шоҳлариндан бирининг номи. У овчилик билан машҳур бўлган. Шунинг учун ҳам у қўллаган ов асбобларининг айримлари, жумладан, каманд – сиртмоқ ҳам машҳур бўлган. Ифода шу ҳақда

Шикор – ов

Комрон – ўз мақсадига эришган, бахтли

Насрий баён

От минган суворий гўзал ҳаракатлар билан ов қилиш учун чиқди, Унга ўзини бағишлаган ов жониворларига жон фидо бўлсин.

Бир умр кийиклар билан суҳбат тутганимнинг мақсади шу эди-ки, бир куни шу овчи ов танасини қанжирға (эгарнинг икки ёнидаги юк боғлаш учун ишлатиладиган тасма)сига менинг танамни боғласа.

У кийикни қўлга тушириш иштиёқида экан, қошки, руҳим учиб ўша отилган кийик танасидан жой олса эди.

Қошки узангисига бошимни қўя олсаму, тақдир мени ит қиёфасида унга кўрсатса эди.

Қоматининг ёди билан бу қонли кўнгил ҳар ён

Талпиниб турадиган ярадор кийикка ўхшайди.

Ов (ўлим) учун ҳар лаҳза Баҳромий каманд очишнинг не нафи бор, Ахир сени ажал қабри худди Баҳромни овлагандек овлайди-ку!

² (Шарҳи бист ғазали Хожа Ҳофиз Шерозий.Ба кўшиши Ш.Р.Исрофилниё. – Душанбе, “Пайванд”, 2016, с.24.)

Эй Навоий, ул куёшнинг соясида итини кўргин: у қандай бахтли,
Аммо унинг ҳузурида сенга итчалик ҳам эътибор йўқ.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоий ҳаётий манзараларни ниҳоятда тийраклик билан кузатади. Ҳар бир кузатишнинг ифодаси эса шунга кўра ҳам аниқ ва жозибали бўлади. Мазкур ғазал ҳам мана шундай кузатиш ва ифодаларга бой.

Чикти ов азмига жавлон айлаб ул чобуксувор,
Жон нисор ул сайд учунким, жон анга қилғай нисор.

Ов учун чиққан гўзал от минишга ҳам ниҳоятда уста. Лирик қаҳрамоннинг унга илиқ, ҳатто, оташин муносабати бор: “жавлон айлаб” ифодаси шунга далолат қилиб турибди. Китобхонни байтнинг кейинги мисраси ҳам бефарқ қолдирмайди. У ерда ажойиб сўз ўйини турибди: оддий сўзлар зиммасига жуда ёқимли ва гўзал маъноларни ифодалаш юкланган: жонини фидо қилган ов учун жонимни фидо қилайин! Ана шундай гўзал ва жозибали ифодалар дастлабки байтнинг “хусни матла” санъати даражасига кўтарган.

Жараён бир мартагина содир бўлаёгани йўқ. У кўп марта кузатилган. Матнда унинг “бир умр” деган маъноси бўртиб кўринади. Ушбу жараёнда эса кузатувчида ўзига хос бир ният шаклланиб борган. Қуйидаги байт шу ҳақда:

Бу эди қасдимки бир кун сайди фитрок айлағай,
Қилганим умре кийиклар бирла суҳбат ихтиёр.

Демак, бир умр кийиклар билан бирга суҳбат қилиш остида қандай қилиб бўлмасин маъшуқа эътиборига тушиш орзуси бўлган (суҳбатнинг ўзида ҳам давомийлик оҳанги мавжуд). Аммо унинг яна қандай шакли?

Овчиликда шунақа расм бор: отилган ов жониворлари эгарнинг ёнига осиб олинади. Бунинг учун эгарнинг икки ёнидан туширилган махсус аркон – фитрок (қанжирға) бўлади. Ошиқ ҳеч бўлмаган-

да ўзини мана шу арқонга осилган ов ҳайвонлари қаторида кўришни истайди.

Бундан бошқа “имконият” ҳам мавжуд. Маълум бўлишича у гўзалнинг кийик овига алоҳида қизиқиш ва рағбати бор. Шунга кўра, унга боғлиқ бир орзу ҳам пайдо бўлган:

Чун кийик қатлини истар, кошки руҳум учуб,
Бир қатил этган кийик жисми аро тутқай қарор.

Мана буни ошиқ деса бўлади! Қаранг, ҳеч бўлмаганда ўша ўлимга маҳкум бўлган кийикнинг танида жон бўлиб, маъшуқа қўлида ҳалок бўлса эди?! Бундай мазмуннинг ифодаси ҳам ўзига хос (байтда тарде акс) шаклда қўлланган.

Кейинги байт бу борада олдингиларидан ҳам баландроқ мавқега интилади. Энди лирик қаҳрамон тилаги ит образи билан боғланади:

Токи еткурсам рикобиға бошимни, кошки
Қилса шахсимни қазо ит шакли бирла ошкор.

Ошиқни бундай забун ҳолларга солган нарса унинг кўнглидир. Унинг кўнгли азоб ва изтироблар ичида яшайди. Мана шу ҳолат эса яна “кийик” тимсолида қайта кўрсатиб берилади:

Қомати ҳажрида ҳар ён ёрадин қонлиғ кўнгул
Бир кийикдекдурки, ўқ захми била бўлмиш фиғор.

Байтда ташбеҳ очиқ кўриниб турибди. Биз бу ерда тафсир санъатини эслатмоқчимиз. Унинг моҳияти шундаки, шоир мисра ёки байтдаги бир гапни шу байтнинг ўзида ёки кейинги байтда гўё изоҳлаб, шарҳлаб беради. Байтда айтилган асосий фикр: “Қомати ҳажрида ҳар ён ёрадин қонлиғ кўнгул Бир кийикдекдурки” қисмидан иборат. Бундан кейин келаётган “ўқ захми била бўлмиш фиғор” уни изоҳламоқда. Шу хилдаги шарҳ ва изоҳлар учун шеър санъатлари орасида “тафсир” номи билан юритиладигани ҳам бор. Байтда шу санъат қўлланган.

Ғазалдаги асосий таянч нуқталаридан бири, кўпинча, мақтадан олдинги байт билан алоқадор бўлади. Ушбу қонуният мазкур ғазалда ҳам сақланган:

Гўр учун очмоқ недур ҳар лаҳза Баҳромий каманд,
Чун сени Баҳромдек айлар ажал гўри шикор.

Ажалнинг ўзи буюк овчидир. У ҳеч қачон хато қилмайди. Ҳатто “Баҳромий каманд” эгаси ҳам бундан четда қолган эмас. Аммо бу ерда ушбу ҳақиқат жуда оҳорли ифодаси билан янада эътиборли бўлган. Байт бошидаги “гўр” бир маъноли эмас. У кўпмаъноли сўз. У ҳам ов ҳайвони, ҳам “қабр” маъноларини англатиб турибди. Одам гўрни овлайди, “ажал гўри” эса одамнинг ўзини овлайди? Шунинг учун ҳам умр мазмунини бойитиш ҳақида кўпроқ ўйлаш жоиз эмасмикан?! Бу ерда ҳам тафсир санъати ўзига хос тарзда қўлланган.

Байт охирида маъшуқа тавсифига яна бир ўзгариш киритилади, аммо ошиқ мавқеи олдинги ҳолатида қолади:

Эй Навоий, ул қуёшнинг соясида кўр итин –
Комрону йўқ санга олдида итча эътибор.

Ошиқнинг армон ва ўкинчлари шундай: унинг назарида ёрнинг ити унга қараганда бахтиёрроқдир, зеро, у ёрнинг соясида, яъни меҳру мурувватидан баҳраманддир.

“Ёр олдида бўлиш”нинг ирфоний маъноси ҳам мавжуд: у қалбда ҳамиша Ҳақ ёдини сақлашда намоён бўлади. Моддий ашёларга маҳлиёликкини уни бу имкониятдан маҳрум қилиши мумкин, холос.

Буларнинг барчаси мутафаккир адибнинг оддийгина ҳаётий лавҳаларнинг жиддий кузатилиши туфайли ошиқ ва маъшуқа образларининг ранг-баранг типларини яратишда ҳам ўзига хос маҳорат намуналарини кўрсата олганини, бундай тасвирларнинг ҳали-ҳануз китобхон қалбига завқ ва ҳузур бериб келаётганининг асл сабабларини аниқроқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Боқижон ТЎХЛИЕВ



“Барги гул юзинда лаълинг рашкидин хуноблар...”



Барги гул юзинда лаълинг рашкидин хуноблар,
Ўнча кўнгли ичра оғзинг ҳасратидин тоблар.

Сафҳаедур оразим дебеча ишқ авроқиға
Қон ёшимнинг хатлари шингарф бирла боблар.

Ашким артилган учун ҳам бўлмамиш кирпикларим,
Ким ясабдур кўз ҳаёлин чеккали қўлоблар.

Ҳажридин кўзларгаким ашк эврулур, ул ашк эмас,
Ким эрур дарду бало дарёсиға гирдоблар.

Айбим этманг бош кўтармайдур дебон хумхонадин,
Қилмайинму сажда топсам бу сифат меҳроблар?!

Ҳажр аро икки кўзум ичра белингнинг нақшидур,
Ўткарур тунни ҳаёл айлаб кеча беҳоблар.

Рўзгорин қилди мазлум оҳининг дуди қаро,
Кўрма золим хилъатининг кўркасин синҷоблар.

Терга ботқан гармравлардин магар дафъ айламиш,
Ўзлуги чиркин таҳарруқдин ирик мошоблар.

Дўстлар, мискин Навоий тийра шомин ёд этинг,
Ёр ила жоми ҳилолий чексангиз маҳтоблар.

– V – – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Хуноб – қонли ёш, аччиқ йиғи

Тоб – иссиқлик, ҳарорат, иситма; товланиш; ғам, изтироб, алам.

Шингарф – қизил, қизғиш ранг

Боб – бўлим, боб, қисм

Қуллоб – қармоқ, чангаққ, илгақ

Хумхона – майхона, орифи комилнинг кўнгли, унинг ботиний олами, илоҳий тажалли манбаи

Меҳроб – масжидда имом турадиган, тепаси қайрилма жой, саждагоҳ

Бехоб – уйқусиз

Хилъат – ҳашаматли кийим.

Кўркаси – ташқи кўриниш

Синжоб – 1) каламушдан каттароқ ёввойи ҳайвон, кўпроқ ўрмон ва чангалзорларда яшаган; 2) ўша ҳайвоннинг териси, у кулранг, майин, қалин ва сержун бўлган

Гармрав – тез юрувчи, чаққон; тасаввуфда тариқат йўлидан юрувчи солиқ

Мошоб – жундан тўқилган, камбағал, мискинлар киядиган уст-ки кийим

Маҳтоб – тўлин ой; ойдин; ойюзли. Маҳбубанинг хаёлий тасаввури

Жом – пиёла, коса, суюқлик ичиладиган идиш. Ирфоний маънода солиқ орифнинг маърифат нури билан лиммо-лим бўлган қалби тушунилади. Комил ориф жомдан илоҳий май ичади ва тавҳиддан маст бўлади

Насрий баён

Гулнинг барги юзида лабингга рашк туфайли хуноблар пайдо бўлди. Ғунчанинг оғзингга ҳаваси туфайли ичи қизиди (ғунчанинг кўнглидаги ғам-алам сенинг оғзинг туфайлидир)

Юзим ишқ варақларидан иборат (китоб)нинг бир саҳифасики,

Қон ёшим чизиқлари сарлавҳаларни қизил билан ажратиб қўйган (га ўхшайди).

Кўз ёшим ювгани учун киприклар билинмаётган бўлса керак,
(аслида), кўз хаёлини тутиш учун ясаган қармоқлардир.

Ҳажридин кўзларда оқаётган кўз ёшлари эмас,
Улар дарду балонинг гирдоб (тўлқин)ларидир.

Майхонадан бош кўтармайди деб, мени айбламанг,
Ўзига муносиб саждагоҳ топган киши унга сажда қилмайдими?
Уйқуси йўқолганлар тунни ҳар хил хаёллар билан ўтказгани-
дай, менинг икки кўзим ҳам ҳижронда белинг хаёли билан яшайди.

Золим кийган ҳашаматли кийимни синжоб терисидан деб ўйлама,
Унинг ҳаёт (тақдир)ини мазлумлар чеккан оҳлар қора қилди.

Терга ботқан гармравлардин магар дафъ айламиш,
Ўзлути чиркин таҳарруқдин ирик мошоблар.
Дунёвий ишлар билан машғул бўлган ва илоҳий ишқ сиридан
беҳабар қолганлардан

Дўстлар, ойдинда ёр билан ой рангли жом ичаётган пайтин-
гизда мискин Навоийнинг рангсиз оқшомини ҳам ёд этинг. Яъни
пири комил ҳузурида бундай мурувватдан четда қолаётган бечора
Навоийни ҳам эсга олинг.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал маъшуқа тавсифи билан бошланади. Асосий эътибор лаб
ва оғизга қаратилган:

Барги гул юзинда лаълинг рашкидин хуноблар,
Гунча кўнгли ичра оғзинг ҳасратидин тоблар.

Ёр гўзал. Ёрнинг ҳар бир узви гўзал. Шунинг учун ҳам боғда-
ги гулнинг барги юзида рашк туфайли қон ёшлари пайдо бўлган.
Аслида бу тонгги шудрингнинг бадиий ифодасидир. Гул бўлиб
очиришга интилиётган гунчанинг ичида (“кўнгли ичра”) варақлаб
очиришга тайёр қизил япроқчалар тўла. Байтнинг ҳар бир мисра-

сида алоҳида-алоҳида икки ҳодисанинг атайлаб ажратилиб кўрсатилиши тафриқ санъатига мисол бўлади. Шоир мана шу гўзалликни юқоридаги шаклда акс эттирган. Айни пайтда лаб ирфоний маънода ёр сўзи, каломини, қудсий нур туфайли мунаввар бўлагидан ақлни ҳам англатади.

Биринчи байтда қизил ранг устувор мавқе тутган. Кейинги байтда ранг тасвири ўзгаради. Энди майдонга сариқ ранг қўйилади. Айни пайтда, биринчи байтдаги табиат ашёлари ўрнига лирик қаҳрамоннинг ўзи иштирок этади:

Сафҳаедур оразим дебоча ишқ авроқиға
Қон ёшимнинг хатлари шингарф бирла боблар.

Китоб варақларининг сариқ ранг билан алоқасини изоҳлаш шарт эмас. Бу ошиқ юзининг ранги. У “ишқ авроқиға дебоча”. Қонли ёш қолдирган излар эса саҳифадаги боб ва фаслларнинг қизил ранг билан ажратиб кўрсатилганига ўхшайди. Байтда ташбеҳ (оразим – дебоча; ёшимнинг хатлари – шингарф, боблар), истиора (ишқ авроқи, қон ёшимнинг хатлари), таъдид, тафриқ (ораз ва кўз ёшларининг алоҳида-алоҳида кўрсатилиши) санъатлари байт бадияяти учун хизмат қилмоқда.

Ошиқ изтиробларининг тасвири давом этади.

Ашким артилган учун ҳам бўлмамиш кирпикларим,
Ким ясабдур кўз хаёлин чеккали қуллоблар.

Кўз ёшим ювгани учун кичриклар билинмаётган бўлса керак, (аслида), улар кўзнинг хаёлини тутиш учун ясаган қармоқларидир.

Ҳижрондаги ошиқ изтироблари ташқи томондан кўзидаги ёшларнинг ҳолатидан маълум бўлади. Бу ерда Кўз ёши – ашкнинг эврилиши ҳақида сўз бормоқда:

Ҳажридин кўзларгаким ашк эврүлур, ул ашк эмас,
Ким эрур дарду бало дарёсиға гирдоблар.

Демак, у томаётган эмас, балки оқаётган кўз ёшларидир. Уларнинг “дарё”га нисбат берилаётгани алоҳида таъкидланмоқда. Фа-

кат бу дарёнинг оддий эмас, балки истиоравий “дарду бало” дарёси эканини эсда тутиш жоиз.

Тасвирда ошиқ изтиробларига кенг ўрин ажратилган. Навбатдаги байт ҳам уни давом эттиради:

Айбим этманг бош кўтармайдур дебон хумхонадин,
Қилмаинму сажда топсам бу сифат меҳроблар?!

Хумхона – майхона. У ошиқ кўнгил тасалли топадиган асосий маскан. Зеро, ошиқ айни мана шу тимсолда ўзи излаётган манбага дуч келади. Устоз, пир, ориф инсон қалбидан чиқаётган нур ошиқнинг қоронғи ва хира хаёлларини ёритади. Унинг изтиробларини қувончга айлантира бошлайди. Зеро, майхона – комил инсоннинг ботини, илоҳий маърифатга оид шавқ ва завққа тўла” макондир (Сажжодий, 752). Ушбу талқиндан кейин “хумхонада сажда қилмоқ”нинг ўз маъносида эмас, балки кўчма – ирфоний маънода қўлланаётгани янада ойдинлашади ва унинг илоҳий маърифатдан мунтазам баҳра олмоқ” маъносига эгаллиги маълум бўлади. “Бош кўтармоқ” иборасининг айни мана шу маънони жуда ўринли, ҳатто кучли тарзда ифодалаб турилиши шу маъно туфайлигина ойдинлашади. “Бош кўтармаслик”нинг аввал майхонага, кейин “сажда” сўзларига алоқалантирилиши ифоданинг поэтик кашфиёт даражасига кўтарилиши учун имкон бергани ҳам ўқувчида қизиқиш ва ҳайрат уйғотиши табиий.

Қуйидаги байт ҳам яна ошиқ эътирофларини давом эттиради. Энди у илоҳий маърифат сари одимлашдаги қийинчиликлар ҳақида ўйлай бошлайди:

Ҳажр аро икки кўзум ичра белингнинг нақшидур,
Ўтқарур тунни хаёл айлаб кеча беҳоблар.

Уйқуси йўқолганлар тунни ҳар хил хаёллар билан ўтказганидай, менинг икки кўзим ҳам ҳижронда белинг хаёли билан яшайди. Тасаввуф истилоҳи сифатида “бел” “соликнинг вужудида бошқа тўсиқлар қолмаган ҳолдаги парда” сифатида қайд этилади (Сажжодий, 751). Демак, бу ердаги ҳижоб ҳам маърифат оламига дахл қи-

лишдаги монеликлар, қўшимча қийинчилик ва нотугалликлар ҳақидаги ишоралар сифатида талқин этилиши жоиз.

Ғазалнинг навбатдаги байти ижтимоий мавзунини акс эттиради:

Рўзгорин қилди мазлум оҳининг дуди қаро,
Кўрма золим хилъатининг кўркасин синжоблар.

Дастлаб матндаги бир нотугаллик устида тўхташга тўғри келади. Ғап матндаги имловий ўзгачалик билан алоқадор. Нашрларда кейинги мисра “Кўрма золим хилъатининг кўркасин синжоблар” тарзида берилган. Бу ҳолатда матн мазмунини тушуниш қийинлашади. “Кўрма золим хилъатининг кўркасин синжоблар” шаклида эса маънога ҳалақит бериб турган “хилват” кийим маъносини берадаган “хилъат”га ўзгаради ва ўз табиий шаклига киради.

Ушбу байтда ҳусни таълил санъатининг гўзал намунаси яратилган: золим қимматбаҳо мўйна – синжоб терисидан устки кийим кийган. Бу ҳашаматли кийим чиройли ва кўркам, Лирик қаҳрамоннинг талқинича эса, золим мотам либоси – қора рангли пўстин кийиб олган. Чунки, унинг ҳаёт (тақдир)ини мазлумлар чеккан оҳлар қорайтириб юборган.

Навбатдаги байт Шарҳ ва изоҳлар ва моҳиятига аниқлик киритади. Унда тасвирланаётган объект бизнинг тасаввуримиздаги оддий маъшуқа эмас, балки тасаввуф оламидаги ориф инсонлардан бири тасвирга тортилгани маълум бўлади:

Терга ботқан гармравлардин магар дафъ айламиш,
Ўзлуғи чиркин таҳаррукдин ирик мошоблар.

Сўфийлар киядиган дағал кийим шу йўлга кирган ва машаққат чекаётган солик (йўловчи) табиатидаги оғирлик (ёмонлик)ларни, нолойиқ ҳаракатларни йўқотади. Табиийки, бунда бу йўлга кирган соликнинг ўзини, ўзлигини англаш даражасигина бунга имкон беришини эслатиш жоиз. Байтдаги асосий мулоҳаза назаримизда, шу нуқта билан алоқадор.

Якуний байт ҳар томонлама диққатга сазовордир. У ҳам оддий, ҳам ирфоний талқинлар учун кенг имкон беради:

Дўстлар, мискин Навоий тийра шомин ёд этинг,
Ёр ила жоми ҳилолий чексангиз маҳтоблар.

Уни, дўстлар кўнгли яқинлар билан ойнинг рангига монанд
май ичиш чоғида бечора Навоийни ҳам бир эсга олиб ўтинг, тар-
зида тасаввур этиш мумкин. Айни пайтда, ориф инсонлар давраси-
да бўлсангиз, бу йўлда қийинчилик чекаётган Навоийни ҳам эсга
олинг, зеро, у ҳам ҳозир ориф инсонлар даврасидаги суҳбатлар си-
рини билишни қўмсайди, тарзидаги талқини ҳам бор.

Айни мана шу маънони профессор Мирзо Муллоаҳмад Ка-
римжон Қодиров Ҳофиз Шерозий байтларида ҳам мавжудлигини
қайд этади:

Сўфи аз партиави май рози ниҳони донист,
Гавҳари ҳар кас аз ин лаъл тавони донист.

Буларнинг барчаси мутафаккир адиб шеъриятнинг ҳудудсиз
маъно оламида ҳали очилмаган, топилмаган дуру жавоҳирларнинг
кўплигини, ҳар ким ўз имкони доирасида улардан баҳраманд бўла-
веришини англатади.

Боқижон ТЎҲЛИЕВ

——
“Телба кўнглум, ваҳки, ҳар соат биров сори борур...”
——

Телба кўнглум, ваҳки, ҳар соат биров сори борур,
Манъ қилдим эрса, бағрим оғригудек ялбарур.

Кўйдум эрса, келтурур мунглуғ бошимга юз бало,
Кўймасам, жонға зарар етгудек ўзидин борур.

Қўймасам бу, қўйсам ул, вах, бўлса юз жоним фидо
Ул кишигаким, ҳазин жонимни андин қутқарур

Ақл васвосини қўйсам авло улким, мен дағи
Бошим олиб кеткамен ҳар сариким, ул бошқарур.

Соқий, бир навъ мен лабташна йўқким оғзима,
Ҳар ярам оғзиға қуйсанг бир қадахни сипқарур.

Икки юзлук бўлмаким, бу боғнинг раъно гули
Ҳар қизарур бир юзи, лекин яна бир сорғорур.

Қулда пинҳон ўт киби топмас Навоий кўнглини,
Ҳар нечаким ишқ қул қилган вужудин ахтарур.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Мунглуғ – мунгли, қайғу ва ҳасратли.

Ҳазин – қайғули, мунгли, ҳасратли.

Васвос – васвас қилувчи, йўлдан оздирувчи.

Соқий – соқий, орифи комил.

Қадах – Ҳақ таоло муҳаббатининг файзи (217)

Лабташна – устоз ўғитларига эҳтиёжманд солиқ.

Насрий баён

Менинг телба кўнглум, ваҳки, ҳар дам бировнинг (хаёли) томон кетади,

Бу ишни таъқиқласам, кўнглимини оғритгудек бўлиб ёлборади.

Қўйиб юборсам, ғамли бошимга яна юз бало келтиради,

Қўймасам, жонга зарар етгудек бўлиб ўзидан кетади.

Кўймасам бу, қўйсам у ташвиш турибди, шунинг учун, оҳки, ғамли жонимни ундан қутқарадиган киши бўлса, юз жоним фидо бўлсин!

У бошқарадиган томонга борганимдан кўра, бошимни олиб бир томонларга кетганим, ақл васвасасидан кўра аълороқдир.

Соқийё, фақат мен лабташнагина шу ҳолатда эмас, агар ярамнинг оғзига қуйсанг ҳам бир қадахни охиригача сипқоради.

Икки юзли бўлмагин, қарагин, бу боғнинг раъно гулининг бир юзи қизарса, бошқа юзи сарғаяди.

Навоийнинг бутун вужудини ахтаргани билан ишқ кул қилган кўнглини (ҳеч ким) кулнинг ичида яширин турган ўт (чўт) каби топа олмайди.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг туркона услубда ёзилган ғазаллари оз эмас. Мазкур ғазал ҳам шу силсилага мансуб. Унда туркий сўзнинг кучи ва қудратига, латофат ва жозибасига алоҳида урғу берилган. Бу ерда ақл ва туйғулар (Кўнгил) ўртасидаги муносабат қаламга олинган. Айни пайтда шеърда ирфоний маъно ҳам параллел ҳолда ўз ифодасини топган.

Телба кўнглум, ваҳки, ҳар соат биров сори борур,
Манъ қилдим эрса, бағрим оғригудек ёлборур.

Телба кўнгил ишқ ва ошиқ тимсоли. У ҳар доим ёр васлига интилади. Ақл унга ўғит бергудек бўлса, у ялиниб-ёлворади. Ёлворишнинг даражасини “бағрим оғригудек” ифодаси кўрсатиб турибди. Байтдаги “бирова” образи “ул пари”нинг айни, унинг бошқача бир ифодаси, холос. Бу ошиқ муҳаббатидаги юқори даражани акс эттирадиган ҳодисалардан бири. “Фарҳод ва Ширин”да ҳам, “Лайли ва Мажнун”да ҳам ёрнинг номини тилга олмаслик уни қизганиш, рашк қилиш билан алоқалантирилганини эсда тутиш кифоя.

Кўнгилни ўз ихтиёрига қўйиш ёки бу йўлдан қайтариш сингари иккита имкон бор. Аммо уларнинг иккиси ҳам енгил йўллар эмас, Чунки:



Кўйдум эрса, келтурур мунглуғ бошимға юз бало,
Кўймасам, жонға зарар етгудек ўзидин борур.

Лирик қаҳрамон икки ўт орасида қолади. Аслида эса унинг ўзи ҳам бу вазиятда ёрдамга муҳтож бўлиб қолади:

Кўймасам бу, қўйсам ул, ваҳ, бўлса юз жоним фидо
Ул кишигаким, ҳазин жонимни андин қутқорур

Саркаш хаёллар лирик қаҳрамонни бу “можаро”лардан қути-
лишнинг бошқа йўллариини ҳам таклиф этиб кўради:

Ақл васвосини қўйсам авло улким, мен дағи
Бошим олиб кеткамен ҳар сариким, ул бошқорур.

Кейинги байтдан бошлаб фикр оқими ўзгаради. Энди майдонга соқий кириб келади. Лирик қаҳрамон унга мурожаат қилади:

Соқийё, бир навъ мен лабташна йўқким оғзима,
Ҳар ярам оғзиға қуйсанг бир қадахни сипқорур.

Лирик қаҳрамон энди хаёлий суҳбатдошга мурожаат этади. Ас-
лида бу Алишер Навоийнинг ўзи “Дебоча”да таъкидлаган маъвизао-
миз мисралардир. Ўғитнинг маъноси эса инсон умрининг қадрига
етишга даъватдан иборат:

Икки юзлук бўлмаким, бу боғнинг раъно гули
Гар қизарур бир юзи, лекин яна бир сорғорур.

Демак, ушбу байтдаги “бу боғнинг раъно гули” Алишер Навоий-
нинг бошқа ўринларда қўллаган “ҳаёт гули” билан бир хил вазифа-
ни адо этади. Ушбу ғанимат дунёда инсон номига муносиб тарзда
яшамоғи, бугун бу, эртага у тарзда кўриниб, товланиб эмас, балки
“икки юзлук”, яъни мунофиқ ва бадкор номини олишдан асранмоғи
жоиз. Қолаверса, инсон умри абадий эмас. Шунинг ўзиёқ, унинг бу
оламда юзини сарғайтириб эмас, балки қизартириб яшашга даъ-
ватдир. Бу ўриндаги “қизил юз” тўлалигича ижобий маъно таший-

ди ҳамда шоду хуррам, ахлоқий-маънавий эътиқодларга мос ва муносиб ҳаёт тарзи ҳақидаги тасавурларга уйғун келади.

Якун ҳам ўзига хос:

Кулда пинҳон ўт киби топмас Навоий кўнглини,
Ҳар нечаким ишқ кул қилган вужудин ахтарур.

“Кўнглини топмоқ” ифодаси байтдаги таянғ сўзлардан бири. У Навоий кўнглини ҳам, ишқ сирини ҳам очиш учун қулай восита бўлиб турибди.

Ушбу ғазалнинг ирфоний маънолари ҳам эътиборга лойиқ. Аммо улардан олдин яна бир ҳолатга эътиборни тортиш жоиз кўринади. Навоийнинг мазкур ғазали Ҳусайн Боқаронинг ажойиб бир ғазалига ўзига хос “жавобия”дир. У ғазал эса мана бу шаклда келади:

Эй жафо тиғи, келиб мажруҳ кўксумни ёру,
Қўл яланг айлаб солиб ҳар ён ичимни ахтару.

Ахтарурда топсанг ул кўнглумки, мажнуншевадур,
Ҳар нечук бўлса адам саҳроси сори бошқару.

Бошқарурда бормаса кўнглум адам саҳросиға,
Тўш-тўшидин санчибон ул сори они қайтару.

Қайтарурда воқиф ўлким, ёна қайтиб келмасун,
Тенгри учун нотавон жонимни андин қутқару.

Қутқарурда нотавон жонимни ул бебокдин,
Юз жафо айлаб ани келтур, қошимдин ўтқару.

Истабон келса яна кўксум шикофин топмагай,
Ваҳки, бир марҳам қўюб ул чок кўксум бутқару.

Айласанг мискин Ҳусайний жонини андин халос,
Вирди бу бўлғай дуода сен дағи доим ёру.

– V – – / – V – – / – V – – / – V –

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
Рамали мусаммани маҳзуф

Энди шеър матни бўйлаб кузатишни давом эттирайлик. У қуйидаги ҳусни матлаъ билан бошланади:

Эй жафо тиги, келиб мажруҳ кўксумни ёру,
Қўл яланг айлаб солиб ҳар ён ичимни ахтару.

Энг аввало мумтоз адабий асарлар учун тузилган луғатлардан фойдаланиб, байтдаги ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини, унинг ўз ёки кўчма маънода қўлланаётганини, унинг бошқа сўзларга муносабатини аниқлаб олиш талаб этилади.

Лирик қаҳрамоннинг мажруҳ кўксини ёришга таклиф этилаётган тигга эътибор бердингизми? У оддий тиг эмас, балки жафо тигидир. Кўкис, яъни кўкракни ёриб, ялангоч қўл билан унинг ичидан изланган нарса нима? Жавоб кейинги байтда мужассамлашган:

Ахтарурда топсанг ул кўнглумки, мажнуншевадур,
Ҳар нечук бўлса адам саҳроси сори бошқару.

Демак, изланган нарса кўнгил. У қандай ҳолатда бўлишидан қатъий назар (ҳар нечук бўлса), уни адам саҳросига – йўқликка йўналтириш (бошқару) лозим. Ушбу байтда ҳам изоҳланиши лозим бўлган бир қатор сўзлар бор. “Мажнуншева”, “нечук”, “адам саҳроси”, “сори”, “бошқару” шулар жумласидандир. Ўқувчилар ушбу сўз ва истиораларнинг маъносини тўла тушуниб етмас экан, шеърнинг умумий моҳиятини идрок этиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бошқарурда бормаса кўнглум адам саҳросига,
Тўш-тўшидин санчибон ул сори они қайтару.

Ўзингиз молни, қўй – қўзилар ёки эчки – улоқларни далага ўтлатиш учун олиб борганмисиз? Ёки чўпоннинг шу ҳолатини ку-

затганмисиз? Дала-дашт (сахро) йўналишидан четга чиқаётган жониворлар таёқ ёрдамида (яъни куч ишлатиб, мажбуран) йўлга солинади. Бу ҳолат кўпинча баҳордан кузнинг ўрталаригача бўлган муддатда уй ҳайвонларини тоғ ёки сахроларга ёзги мавсумни ўтказиш учун олиб кетилаётган ёки аксинча, у ердан олиб келинаётган пайтда учрайди. Байт мазмунида мажозий тарзда бу кўнгилга нисбат берилмоқда.

Қайтарурда воқиф ўлким, ёна қайтиб келмасун,
Тенгри учун нотавон жонимни андин қутқару.

Бу ерда кўнгил ва жон бир-бирига зид қўйилмоқда. “Нотавон жон” “мажнуншева кўнгил”га тобе. Шунинг учун ҳам жон тобеликдан қутулмоқчи.

Қутқарурда нотавон жонимни ул бебоқдин,
Юз жафо айлаб ани келтур, қошимдин ўтқару.

“Бебоқ” кўнгилнинг сифати. Унинг маъноси “қўрқмас, ҳайикмас, тортинмайдиган; бевош” демақдир. Жонни кўнгилдан қутқаришда, барибир, уни яна бир марта кўриш иштиёқи устунлик қилади.

Ҳар қандай яранинг тузалиши учун кўп вақт керак бўлади. Қолаверса яра тикилар экан унинг ўрни қолади. Ошиқликда эса бундай яранинг ўрни мутлақо бошқача битади. Мана унинг тасвири:

Истабон келса яна кўксум шикофин топмагай,
Ваҳки, бир марҳам қўюб ул чок кўксум бутқару.

Бу ерда “шикоф” сўзи ёриқ, дарз, чок, тешиқ маъносини, “марҳам” эса малҳам, ярага қўйиладиган дори маъноларини англатади. Ҳар қандай ярага малҳам қўйилса, унинг битиши – тузалиши учун муайян бир муддат талаб этилади. Ошиқ кўнглидаги – кўксидagi шикоф – ёриқни битириш учун эса ёрнинг биргина марҳами кифоя. Энг муҳими, у шу заҳотиёқ битади.

Айласанг мискин Ҳусайний жонини андин халос,
Вирди бу бўлғай дуода сен дағи доим ёру.

“Вирд”нинг маъноси бирор иш ёки сўзни қайта-қайта такрорлаш демакдир. Эътибор беряпсизми? Шоирнинг қутулмоқчи бўлгани нима эди? Тўғри, кўнгил эди. Жони ундан халос бўлгандан кейин ҳам дуода “кўксимни ҳар доим ёрғин” дейилиши ошиқ кўнгил орзуларининг, ниятларининг барқарор ва мунтазамлигидан гувоҳлик беради.

Эътибор берган бўлсангиз, шеър – ғазалда олдинги байтни тугаллаётган сўз кейинги мисранинг бошланишида қўлланмоқда. Бу усул орқали шоир айтмоқчи бўлган фикрига янада кўпроқ эътиборни тортишга муваффақ бўлади. Айни пайтда шу фикрнинг мантикий ривож ҳам таъминланади.

Ҳар икки ғазалда умумийликлар оз эмас. Уларнинг энг муҳимлари:

1) Уларнинг иккисида ҳам инсон таъна аъзолари ёки маънавий узвлари жонлантирилган. Ташхис санъати фикр йўналишини белгилаб берган;

2) Ҳар икки ғазал байтлараро мантикий алоқадорлик бор ва у байтдан байтга қараб ўсиб, ривожланиб боради;

3) Улардаги байтлар миқдори ҳам тенг;

4) Улар деярли бир хил қофия типидан фойдаланган;

5) Ҳар икки ғазал қофиялари ҳам радифсиз шаклда қўлланган;

Ҳар икки ғазал бир хил вазн кўрсаткичига эга: уларнинг иккиси ҳам (– V – – / – V – – / – V – – / – V – фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган.

Шунга қарамай, улар орасидаги айирма ҳам оз эмас. Булар:

1) Ҳусайн Бойқаро ғазалида мантикий марказ “жафо тиғи”дир ваҳоланки, бу вазифа Алишер Навоий ғазалида “кўнгул” образига юкланган;

2) Ғазалларнинг ҳар иккисида қўлланган саккиз қофиядан учтасигина такрорланган. Бошқа бешта қофия тамомила мустақилдир. Такрорлар ҳам муаллифнинг ўз салафига нисбатан ҳурматини изҳор этиш ҳамда жанр табиатидан келиб чиқилгани учунгина юз берган, холос;

3) Икки ғазалнинг қиёси шуни кўрсатмоқдаки, Алишер Навоийнинг жавобия борасида ҳам асл мутафаккир адиб сифатидаги ўзига хосликларини янада кўпроқ намоён бўлишига имкон берган. Бундай ҳолатларда ҳам Алишер Навоий ўзбекнинг асл ижодқори си-

фатида фақат мавзу ва муаммонинг уста талқинчиси ва тадқиқотчисиғина эмас, балки ўзбек тилининг ички имкониятларини юзага чиқаришда ҳассос қалб эгаси эканлиғини яна бир марта амалий жиҳатдан кўрсатиб бера олган.

Ишқнинг ўзи адабиётларда кўнгилда пайдо бўладиган олов сифатида талқин этилади. “У маҳбубни куйдиради. У маъшукқа боғли тарздаги бало дарёси ва илоҳий жунун ҳамда қалбнинг борлиғидир... Ишқ тариқатнинг энг муҳим руқнларидан бўлиб, уни фақат тараққий ва такомил босқичларини босиб ўтган комил инсонғина ҳис этади. Ишқ камоли чоғидаги ошиқда шундай ҳолат рўй берадики, ўзидан бегона ва беҳабар бўлиб, замон ва макондан ҳам фориғ бўлади. Маҳбуб ҳажрида куяди ва изтироб чекади”.

Бундай ҳолатларда ҳам Алишер Навоий ўзбекнинг асл ижодкори сифатида фақат мавзу ва муаммонинг уста талқинчиси ва тадқиқотчисиғина эмас, балки ўзбек тилининг ички имкониятларини юзага чиқаришда ҳассос қалб эгаси эканини яна бир марта амалий жиҳатдан кўрсатиб бера олган.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Ул ойки, жафо нардини хўблардин утуптур...”

Ул ойки, жафо нардини хўблардин утуптур,
Ё Раб, не бало, меҳру вафони унутуптур.

Оғзи била писта ўчашур пучлуғидин,
Билманки, ўшул оғзи очуқ қайда бутуптур.

Хар дам қизик оҳим тафидин музтар ўлурмен,
Ўтлуғ нафас, эй войки, оғзим қурутуптур.

Йиллар лаби лаълинг ғамидин жони ҳазиним
Ҳасрат суйини хуни жигар бирла ютуптур.

Аксини кўнгул кўзгусида кўрдуму ўлдум,
Ким ғайрин анинг эвиги невичун ёвутуптур?

Ҳижрон куни ишқ аҳлини ўртарга магар чарх
Оташқадасида шафақ ўтин ёрутуптур.

Булбул киби хушгўй Навоийни қилиб хор,
Ул гулни кўрунг жониби бадгўй тутуптур.

V--V V-- V--V V--

мафойилу фаувлун мафойилу фаувлун
ҳазажи мусаммани макфуфи маҳзүф

Луғат

Утмоқ – 1) ютмоқ; 2) қолиб бўлмоқ

Таф – тафт, ҳарорат; иситма, безгак

Кўнгул – қалб, кўнгил. кўч. Илоҳий нур тажаллиси жой олади-
ган манзил, жисмоний ва илоҳий олам воситачиси (Шарҳи бист
ғазали Ҳожа Ҳофиз Шерозий. Ба кўшиши Ш.Р.Исрофилниё. – Ду-
шанбе, “Пайванд”, 2016, с.24.)

Лаби лаъл – қизил лаб

Ғайр – бошқа, бегона

Чарх – осмон, фалак; маж. тақдир, толе

Оташқада – ўтга топинувчиларнинг ибодатхонаси. Ирфоний
маънода ишқ олами: илоҳий ишқ билан лиммо-лим тўлган қалб;
(Сажжодий, 4)

Хушгўй – ширин суҳан, хушмуамала

Жониб – томон, тараф

Музтар – мажбур бўлган, ночор

Бадгўй – тухматчи, иғвогар, тили ёмон

Булбул – фоний орифлар рамзи бўлиб, (улар) мудом Ҳақ зикри ва унинг хаёли билан банд бўлишади ва нафси амморадан фориг-бол бўлишгани учун ҳақ таоло ёди билан машғулдирлар”.

Ҳазин – мунгли, ғамгин.

Насрий баён

Жафо шатранжида кўпларни ютган ўша ой, эй худо,
Не балодирки, меҳру вафони ҳам тўла унутибди.

Писта унинг оғзи билан ўчакишибди, Бу унинг пучлигидан, (холос),
Билмайманки, ўша оғзи очик қаерда ўсган экан?!

Хар дам иситманинг иссиқ тафт туфайли ночор бўламан,
Эй войки, ўтли нафас оғзимни қуриптибди.

Мунгли жоним лаълдек лабинг ғами туфайли йиллар давомида
Ҳасрат сувини жигарнинг қони билан бирга ютиб келади.

(Ёрнинг) аксини кўнгил кўзгусида кўриб ўлиб бўлдим,
Ахир, у нима учун бегоналарни уйига яқинлаштирибди.

Эҳтимолки, чарх ҳижрон кунларида ишқ аҳлини ўрташ учун ўз
оташкадасида шафақ ўтини ёритгандир.

Булбул каби хушгўй Навоийни хор қилиб,
У гулни [нг қилган ишини] кўринг: бадгўйнинг ёнидан жой
олиб турибди.

Шарҳ ва изоҳлар

Адабиёт тарихида “нард” сўзи иштирокида истиораларни яратиш анча катта “тажриба”га эга. У илк марта Хоразмий шеърларида (“муҳаббат нардини кўплардин утгунг”) қўлланган. Алишер Навоий маъшуқа тимсолини яратишда янги истиора топади ва у “жафо нарди” тарзида шаклланади:

Ул ойки, жафо нардини хўблардин утуптур,
Ё Раб, не бало, меҳру вафони унутуптур.

Алишер Навоийга хос кашфиётчилик, ҳар бир ҳодисанинг бошқалар кўрмаган жиҳатларини илгаш ва ифодалаш бу ерда ҳам ўзини кўрсатиб турди. Адиб Хоразмий шеъридаги “кўплардин” ўрнига шу вазн ва оҳангга уйғун келадиган “хўблардин” сўзини қўллайди.

Шу тарзда маъшуқа портрети ундаги ўзига хос бир жиҳатга урғу бериш билан бошланади. Ёр – гўзал. Бу хулоса “ул ой” истиорасида мужассамлашган. Шунга қарамай унда ўзгариш юз берган. Мана шу ўзгариш лирик қаҳрамонни ҳайратга солади. Ҳайратнинг сабаби иккита: 1) ёрда олдин бўлмаган хусусият пайдо бўлган. Бу мисрада қўлланган феълнинг шу шакли орқали аёнлашган. (бу ерда бево-сита кузатишдан кўра, эшитилганлик маъноси кучлироқ туюлади); 2) лирик қаҳрамоннинг ўзи кузатган ҳолат ҳам бор: маъшуқа олдин “меҳру вафоли” эди. Энди эса мана шу одат унутилган. Адибнинг ҳайрати мана шунда. Ҳайрат маъноси эса “Ё Раб”, ҳамда “не бало” ўзлари воситасида юзага чиққан.

Оғзи била писта ўчашур пучлуғидин,
Билманки, ўшул оғзи очуқ қайда бутуптур.

Алишер Навоийнинг халқ оғзаки ижодини, халқона ибора ва ифодаларни пухта билиши ва улардан маҳорат билан фойдалана олиши навоийшунос олимларимиз томонидагн кўп марта қайд этилган. Бу ерда мана шу ҳақиқатнинг яна бир ўзига хос исботи кўзга ташланади. Бир байтда адиб пистанинг ихчам ва лўнда (миниатюр) образини яратиб еради. Писта тимсолида қўлидан бир иш келмаслигини била туриб ҳам шу ишга уринадиган, бунинг устига иш натижаси қандай бўлишидан қатъи назар мақтанишни, лоф уришни жойига қўядиган шахс образи намоён бўлади. Писта маҳбубанинг оғзи билан ўчакишади. Табиийки бу ўчакиш гўзаллик бобида бўлмоқда. Даъвогарнинг яроқсизлиги очиқ кўриниб турибди: у – пуч. Пуч бўлмаса шу ишга қўл урмаган (ташхиснинг ажойиб намунаси) бўларди. Кейинги мисрадаги “оғзи очуқ” (истиора) ифодаси Навоийнинг сўз қўллашдаги ўзига хос кашфиётларидан бири сифатида эътироф этишга (бу ўринда ҳусни таълил ҳам муносиб

тарзда иштирок этмоқда) арзийди. Ҳар ҳолда бу давргача (балки ундан кейин ҳам) ёзма адабиётимизда бундай образ мавжуд эмас эди.

Навбатдаги байтдан бошлаб “воқеалар ривожи”нинг баёни бевосита лирик қаҳрамон – мен томонидан олиб борилади. Дастлаб у ўзининг ҳижрондаги руҳиятини чиза бошлайди:

Ҳар дам қизиқ оҳим тафидин музтар ўлурмен,
Ўтлуғ нафас, эй войки, оғзим қурутуптур.

Байтда “музтар” сўзи таянч тушунчалардан бири сифатида иштирок этмоқда. У ҳозирги ўзбек тилида “мажбур бўлган, мажбур қилинган; муҳтож” маъноларига эга³. Аммо Алишер Навоий даврида унинг “ночор” маъноси устуворроқ бўлган. Қолаверса, у ҳозирги руҳий ҳолатни нисбатан тўла ва тўғри акс эттириб турибди. “Қизиқ (иссик) оҳ”, “ўтлуғ нафас” истиоралари, “оғзим қурутубдур” ибораси ва “эй войки” ундовлари шу ҳолатни аниқ ва таъсирчан гавдалантиришда муносиб ёрдамчилар сифатида иштирок этмоқда.

Кейинги байт ҳам лирик қаҳрамон изтиробларининг давомилигини кўрсатишга йўналтирилган. Унда истиоралар шодаси ва ташхис муносиб безак бўла олган:

Йиллар лаби лаълинг ғамидин жони ҳазиним
Ҳасрат суйини хуни жигар бирла ютуптур.

Ошиқнинг “назари ўткир” – у ёрнинг бегоналар билан ошно бўлишга чозланаётганини кўнгил кўзгуси орқали кўра олади:

Аксини кўнгул кўзгусида кўрдуму ўлдум,
Ким ғайрин анинг эвига невчун ёвутуптур?

“Ғайр” “сайру сулук мақомига етиб келмаган ва тариқат йўлига қадам қўймаган киши”дир (Сажжодий, 207).

Мана шу ҳолатнинг ўзи унинг “ўлдим” дейишига тўла асос беради. Лирик қаҳрамон ҳодисанинг сабабларини ўйлайди. Бошқа

³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдди. Иккинчи жилд. (А.Мадвалиев таҳрири остида) – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006, 631-бет.

бир жиддий асос бўлмаганидан кейин, айбни ўзидан қидиради ва шундай тахминга келади:

Ҳижрон кун ишқ аҳлини ўртарга магар чарх
Оташқадасида шафақ ўтин ёрутуптур.

Зардуштий ўзининг оташқадасида қанчалик эркин сезса, илоҳий ишққа ғарқ бўлган киши ҳам бу олам ҳодисалари ва улар ҳақидаги ўйлардан қутулиб, фақат ишқ ҳақидагина ўйлайди. Ҳижрон ёр ҳақида ўйлашнинг чеку чегарасиз имкони. Аммо бу имкон мавжуд бўлган шароит (ишқ аҳлини ўртовчи оташқада) оловини тобора кучайтиради. Унинг даражаси шунчаликки, шоирнинг тасвирида осмонда кўриниб турган нарса шафақ эмас, балки чархнинг оташқадасида ишқ аҳлини куйдириш учун шафақ ўтини ёртиши натижасидир. Зеро, “ишқ”нинг лугавий маъноси ҳам шунга ишора қилади. Сажжодийнинг кўрсатишича бу сўз “муҳаббатнинг ифроти, яъни юқори даражасидир...”, бу сўзнинг лугавий маъноси бир гиёҳни англатади, у “ўсимликларга ўралиб олиб, уни ҳосилсиз қилади, сарғайтиради ва қуритади”⁴.

Байтда сайру сулук йўлидаги солиқнинг ўзини топишга интилиши ҳам акс этган. Бунга ишора сифатида “Гулшани роз”даги изохни келтириш мумкин:

Хароботий бўлиш ўздин жудолик,
Куфрдир “мен” деганда порсолик.

Буларнинг барчасини ифодалашда бошқа шеърий санъатлар қаторида, аниқса, “ҳижрон кун”, “ишқ аҳли”, чарх оташқадаси, “шафақ ўти” истиоралари ўзига хос кучайтирувчи тасвир самарасини бериб турибди.

Яқунловчи байтда шеърий санъатларнинг ўзига хос “анжумани” ташкил этилган. Унда таносиб, тазод, ташбеҳ, истиора, ийҳом сингари тасвир воситалари қўлланган.

Булбул киби хушгўй Навоийни қилиб хор,
Ул гулни кўрунг жониби бадгўй тутуптур.

⁴ Дуктур Саид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳоту таъбироти ирфонии. Чопи ҳафтум, – Техрон, 1370, с.686

Навоийнинг булбулга ўхшатилишида икки хил маъно турибди: Навоий булбулга ўхшайди: унинг хонишлари ширин ва ёқимли; булбул каби ошуфта. Уларнинг ошиқлигида ҳам яқинлик мавжуд. “Хор” сўзининг қўланишида ҳам икки хил маъно бор: биринчиси, “хор қилмоқ”, яъни “пастга урмоқ”, “камситмоқ” бўлса, иккинчиси “тикан” маъносидир. Истиора сифатида қўлланган “гул”нинг илғанар-илганмас ўз маъноси “булбулга” ҳам лирик қаҳрамонга ҳам боғлиқ ҳолда кўринади. Бу унинг “хор” – тиканга алоқадорлигида айниқса, аниқроқ гадаланади. Гул – хор, “хушгўй” – “бадгўй” сўзлари орасида зид маъноларнинг фаоллашгани очиқ сезилади.

Боқижон ТЎХЛИЕВ



“Барча хўбларнинг қаду рухсору хатту холи бор...”



Барча хўбларнинг қаду рухсору хатту холи бор,
Лек улким бизни беҳол айлар, ўзга ҳоли бор.

Юзум олтундекдурур бу важҳдинким, ҳолиё
Сиймбарлар ул кишинингдурким анинг моли бор.

Киргали кўнглум аро бир-бир ўкунг бўлмиш таним
Ул қаламдекким, анинг ичида туз-туз ноли бор.

Сунбулунг тушса оёғинг остида не айбким,
Гул била хуршиднинг остида лому доли бор.

Ул сабабдин, зоҳидо, машғул эмасмен зухд ила,
Ким кўнгулнинг мутрибу май бирла кўп ашғоли бор.

Одам ўлмишменки, ишқ аҳли манга авлод эрур,
Йўқса ёшдин менча кимнинг юз сари атфоли бор?

Гавҳари мақсуд чун вобастаи тавфиқ эрур,
Деса бўлмаским, мунунг саъйи, анинг эҳмоли бор.

Эй Навоий, топмасанг коме лаби жонбахшидин,
Сенинг учун бўлсун анинг ғамзайи қаттоли бор.

–V-- –V-- –V-- –V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Ғамза – 1) қош ва кўз билан ишора қилиш, кўз билан қийнаш;
2) “ғамзайи қаттол” – ҳалок этувчи ғамза; ботиний файз ва жазба

Кўнгул – қалб, кўнгил. кўч. Илоҳий нур тажаллиси жой оладиган манзил, жисмоний ва илоҳий олам воситачиси (Шарҳи бист ғазали Хожа Ҳофизи Шерозий.Ба кўшиши Ш.Р.Исрофилниё. – Душанбе, “Пайванд”, 2016, с.24.)

Мутриб – чолғучи, созанда; зикр ва тавҳид иштиёқининг тараққийоти амалга оширадиган (куйлайдиган) ориф инсон

Ҳолиё – ҳозир, шу пайтда

Туз-туз – тўғри, тўппа-тўғри

Нол – қамиш қалам ичидаги ингичка томир, қилтириқ

Сунбул – 1) Бир турли хушбўй, қора рангли ўсимлик; 2) Маж. Севгилининг сочи

Лом – араб алифбосидаги ҳарф номи

Дол – араб алифбосидаги ҳарф номи. Лугавий маъноси “қуловуз, йўл кўрстувчи”

Ашғол – машғулотлар, ишлар

Саъй – жидду жаҳд

Эҳмол – бепарволик, ғафлатпарастлик; танбаллик, ҳафсаласизлик

Ком – тилак, истак, мақсад

Насрий баён

Барча гўзалларда ҳам қад, чеҳра, хол гўзаллиги бор,
Бизни беҳол айлайдиган (ёр)нинг ўзгача гўзаллиги мавжуд.

Юзим олтинга ўхшайди, бунинг сабаби шуки,
Гўзаллар мол-мулки кўп бўлганларники бўлади-да.

Киприкларингнинг бирма-бир кўнглим ичига кириши менга
тандир,

Ахир, қаламнинг ҳам ичида тўппа-тўғри бўлган найчалари кўп-ку!

Сочларинг оёғинг остига тушса айб бўлмайди, Ахир “Гул” ва
“хуршид” сўзларининг охирида “лом” билан “дол” лари бўлади.

Зохид, зухд билан машғул эмаслигимининг сабаби шуки,
Кўнглим мутриб ва май билан кўп банд бўлади.

Одам (Ато) бўлганим учун ишқ аҳли менинг авлодларимдек бў-
лишади,

Бўлмаса, шу ёшимда шунчалик кўп болаларим бўлармиди;

Кишининг ўз мақсадга эришиши унинг тавфиқиға боғлиқдир,

Шунинг учун ҳам бунинг ҳаракати, унинг оғир юки бор деб бўл-
майди.

Эй Навоий, жон бағишлайдиган лаби мақсадингга етказмаса,
сенинг учун унинг ўлдирувчи ғамзаси тайёр тураверади.

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазалда ошиқона ва орифона руҳ уйғунлашиб келган. Унда ёр-
нинг гўзаллиги тавсифланади. Барча гўзалларнинг ўзига ярашади-
ган қадди, хат ва холи бўлади, бизни ҳолдан кетишга мажбур қила-
диган маъшуқаимизнинг эса бу жиҳатдан уларга қараганда фарқли
жиҳатлари (“ўзга ҳоли”) кўп.

Барча ҳўбларнинг қаду рухсору хатту холи бор,
Лек улким бизни беҳол айлар, ўзга ҳоли бор.

“Хўблар”ни бирлаштириб турадиган жиҳатлар кўп. Айниқса, улар қад, хол ва хатлари билан ғўзал. Шу хислатларнинг барчаси лирик қаҳрамон тавсифидаги маҳбубада ҳам мавжуд. Аммо булардан ортиқ жиҳати ҳам бор. Бир неча ҳодисаларни санаш (таъдид), уядош сўлар туркумини кетма-кет келтириш (таносиб) шаклдош сўзлар (хол – ҳол)га таяниш (тажнис), шунингдек, радиф ва айрим товушлар (хусусан х ва ҳ) такрори байт мазмунининг ёқимли ва таъсирчан ифодасига бўйсундирилган.

Кейинги байтда лирик қаҳрамон ўзининг ҳолати ҳақида сўз очади: унинг юзи олтиндек (ташбех). Айни мана шу ўхшатиш унинг икки хил талқин этилишга имкон берган: юзим айрилиқ туфайли олтин рангидек сарғайиб кетган, (бунча бойлик) ундан ҳам кўп бойлиги бўлган ёрга тегишли бўлади. Иккинчиси эса шунча бойлигим бежиз эмас, маҳбубалар кўп моли борларники бўлади (киноя ва ҳусни таълил).

Юзум олтундекдурур бу важҳдинким, ҳолиё
Сиймбарлар ул кишинингдурким анинг моли бор.

Қаламнинг ичида тўғри-тўғри найчалари бўлгани каби, сенинг ҳар бир кипригингдан отган ўқинг (қарашларинг) ҳам кўнглим ичидан жой олади.

Сенинг сочларинг ҳам узун, улар оёғинг остигача тушиб туради, буни “гул”нинг охирида “лом” ҳамда “Хуришид”нинг охирида “дол” турганидек чиройи бор. Аслида ундан муддао ҳам шу: сочинг жингалаклари худди мана шу икки ҳарфга ўхшаб чиройли ва бежиримдир.

Сунбулунг тушса оёғинг остида не айбким,
Гул била хуришиднинг остида лому доли бор.

Сочнинг “хувиятдан йироқлик” тарзидаги ирфоний маъноси бор. Бу ҳақ асрорини билишнинг мушкуллигига ишора сифатида тушунилади. Шунга қарамай, адиб алоҳида ҳарфларнинг рамзий маъноларидан фойдаланиб, бу йўлнинг охирида хайрият борлигига ишора қилмоқда. Унга кўра, “лом” эгилган ва букилган нарса-

ларнинг, демакки, тўсиқнинг рамзи сифатида келади . “Дол” араб тилида қуловуз, яъни йўл кўрсатувчи деган маънони билдиради .

Кимдаким созанда ва хонандалар, уларнинг даврасидаги май билан кўп машғул бўлса, табиийки, зуҳду тақво ишлари билан шугулланиш имкони камаяди. Зоҳидга мурожаатда мана шу “асос” келтирилмоқда. Ёки зуҳду тақво ташқи белгилар сифатида кишининг ички оламини кўрсата олмайди, аксинча, пирнинг ҳузурида илоҳий файздан баҳраманд бўлиш уни бошқа, номуҳим машғулотлардан тийиб, уни илоҳий файзга яқинлаштиради:

Ул сабабдин, зоҳидо, машғул эмасмен зуҳд ила,
Ким кўнгулнинг мутрибу май бирла кўп ашғоли бор.

Қалб, кўнгил. кўч. Илоҳий нур тажаллиси жой оладиган манзил, жисмоний ва илоҳий олам воситачиси . “Мутриб” эса зикр ва тавҳид иштиёқининг тараннумини амалга оширадиган (қўйлайдиган) ориф инсондир (Сажжодий, 220). “Миръоти ушшоқ”да мутрибнинг ориф инсонлар қошидаги базмларда иштирок этиб, солиқларни “огоҳлантирувчилар” рутбаси да бўлишини қайд этган.

Навбатдаги байт ҳам ишқ пиллапояларидан кўтарилишни давом эттирган. Инсонликдан мурод ишқ оламига дахлдор бўлишни англатади. Бу ерда қадимий афсоналарга ишора ҳам мавжуд. Унга кўра оламдаги биринчи ошиқ ҳам Одам Атонинг ўзи бўлган. шундай бўлгач ундан кейинги авлодларнинг барчаси унга бевосита дахлдор бўлади. Бу ерда “Мен одам бўлганим учун ҳам ишқ аҳлига дахлим бор”, шунингдек, Одам Атога дахлдор бўлганим учун ҳам Менчалик кўп фарзанди бор одам қайда бор” – деган маънолар айланади. Аммо асосий маъно ҳали яширин турибди. У иккинчи мисрада мужассамлашган. “Юз” сари интилиб келаётган юзларча болалар – кўз ёшларининг эгаси яна ким бўлиши мумкин?!

Одам ўлмишменки, ишқ аҳли манга авлод эрур,
Йўқса ёшдин менча кимнинг юз сари атфоли бор?

“Юз”нинг ирфон оламида илоҳий жамол тажаллийсини англатишини ҳам ёдда тутиш жоиз кўринади. Унда байт мазмунини Мен ҳазрати Одам наслиданман, шунинг учун ҳам ишқ аҳлининг

барчаси менга авлод бўлади. Агар шундай бўлмаганида ёш бўла туриб ким ҳам илоҳий тажаллига мендек маҳлиё бўлар эди”, тарзида талқин этиш мумкин бўлади.

Навбатдаги байт тавфиқ ҳақида. “Тавфиқ” Луғатларда “бир нарсани бошқа бир нарса билан тенглаштириш” деб кўрсатилган. Истилоҳ сифатида эса у барча эзгу ният ва ҳаракатларни яратганнинг марҳаматига мос ҳолда амалга оширишни англатади. Шунинг учун ҳам мақсад гавҳарининг тавфиққа боғлиқ экани алоҳида урғуланмоқда.

Гавҳари мақсуд чун вобастаи тавфиқ эрур,
Деса бўлмаским, мунунг саъйи, анинг эҳмоли бор.

Якун яна навоиёна (хусни матлаъ):

Эй Навоий, топмасанг коме лаби жонбахшидин,
Сенинг учун бўлсун анинг ғамзайи қаттоли бор.

Навоий учун лаби жонбахши (муносиб сўзлари ёхуд илоҳий файз) ва “лутфу қарам” (Шабустарий) бўлмаса ҳам ўлдиришга тайёр турган кўз қарашлари кифоя қилади. Агар “ғамза”нинг “ҳақ жилвасининг кўпайиши”ни ҳам эканини эсга олсак, “ғамзайи қаттол”нинг истиғно ва илтифотнинг йўқлиги” (Сажжодий, 608) тарзида тасаввур қилиш осонлашади. “Ком” орифи комилнинг ҳузурида бўлишнинг ўзи билан кифояланади. Илтифотнинг бор-йўқлиги эмас, орифи комил ҳузурида бўлишнинг ўзи ҳам унга ҳузур бағишлайверади.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Чораи кор истабон бечоралиғ кўнглум тилар...”

Чораи кор истабон бечоралиғ кўнглум тилар,
Хонумон таркин қилиб, авворалиғ кўнглум тилар.

Истарам оллингда қилсам саждау ўпсам лабинг,
Бут парастииш айлабон, майхоралиғ кўнглум тилар.

Бағриму кўксум била кўнглумни қилдинг ёралиғ,
Жонни ҳам бу ҳол бирла ёралиғ кўнглум тилар.

Ошиқ иши чун савод-ул-важҳи ф-ид-дорайн эрур,
Бу маломат кўйида юз қоралиғ кўнглум тилар.

Қасдима ҳар ёндин ул кўй итларин кўй, эй рақиб,
Ким саломат пардасин юз поралиғ кўнглум тилар.

Тан ғуборин жон юзидин рафъ қил, эй дардким,
Кўзни ул ён гаҳ-гаҳе наззоралиғ кўнглум тилар.

Эй Навоий, нечаким кўнглумга тушкан дард учун
Чора истармен, вале бечоралиғ кўнглум тилар.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Бечоралиғ – бечоралик, камбағаллик; афтодалик, чорасизлик
Кўз – илоҳий назарга, Ҳақ таолдо шухудига ишора
Чораи кор – ишнинг чораси

Кўй – маҳалла, кўча

Парастиш – топиниш, чўқиниш

Рақиб – кузатувчи, посбон; рақиб; бир маъшукқа ошиқ бўлган икки кишининг ҳар бири

Хузур – ҳозир бўлмоқ, “ғойиб” сўзининг акси; азалий маъшук хузурида бўлиш; илоҳий файздан баҳрамонд бўлиш имкони

Насрий баён

Кўнглим ишга чора истаб, бечораликни тилайди,
Кўнглим хонумонни тарк қилиб, овораликни тилайди.

Авомнинг наздида: Ошиқлик бу икки дунёда юз қаролиғ, демакдир. Ана шу маломат дардида, яъни ошиқлик куйида менинг кўнглим юз қаролиғига ҳам розидир, у ошиқлик куйида юз қаролиғини тилайди.

Бағрим, кўксим ва кўнглимни ярали қилдинг,
Кўнглим жонни ҳам шу ҳолда ярали бўлишини истайди

Ошиқ иши чун савод-ул-важҳи ф-ид-дорайн эрур,
Бу маломат кўида юз қаралиғ кўнглум тилар.

Менга қарши ўша маҳалла итларини ҳар томондан қўйиб юбор,
эй рақиб,

Зеро, кўнглим саломатлик пардасининг юз пора бўлишини ис-
тамоқда.

Эй дард, жоннинг юзидан таннинг ғуборларини кўтар (йўқот)
гин.

Ахир, кўришни истаган кўнглим гоҳ-гоҳ у томонга қарашни ис-
тайди.

Эй Навоий, кўпдан бери кўнглимга тушган дард учун чора
(даво) истайман,

Аммо кўнглим бечораликни хоҳлайди.

Кўнглим ишга чора истаб, бечолраликни тилайди,
Кўнглим хонумонни тарк қилиб, овораликни тилайди.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал кўнгил шарҳига бағишланган. Табиийки, у ҳақ ва ҳақиқат иштиёқи билан банд бўлган маҳзун кўнгилдир. Байтда унинг сифати тарзида “бечорпалиғ” сўзининг келтирилиши, унинг “хону монини тарк қилиб овралиғ” ихтиёр этишига урғу берилаётгани бежиз эмас:

Чораи кор истабон бечоралиғ кўнглум тилар,
Хонумон таркин қилиб, авворалиғ кўнглум тилар.

Ошиқ кўнгилнинг истаги ёрга яқин бўлиш. Бу ғазалдаги ёрнинг ирфоний маъно касб этаётгани кўриниб турибди.

Истарам оллингда қилсам саждау ўпсам лабинг,
Бут парастин айлабон, майхоралиғ кўнглум тилар.

Сажда ва Лаб ҳам ирфоний маъноларга эга. Сажда – намозда бир бор эгилиш, ибодат қилиш. Лабнинг ирфоний маъноси каломдир. Табиийки, бу ерда гап илоҳий калом устида боради. Солик (лирик қаҳрамон) ёр (орифи комил) ҳузурида сажда қилиб, унинг мўъжизакор сўзларини тингламоқчи. Ундан файз ва ботиний жазба этишини истайди. Бутхонадаги бутпараст бутга топиниб, майхўрлик билан машғул бўлганида қанчалик завқ ва ҳузурга эга бўлса, солик ҳам ёр (ориф ва комил инсон) ҳузурида мана шунчалик файз ва лаззатга эга бўлади, бундан кўнгил ҳузур топади. Ушбу маъно “бут”нинг ишқ мазҳари (Шабустарий, 66) экани тасаввур қилинганидан кейин аёнлашади. Шунда “майхурлик”нинг ҳам маст қилувчи ичимлик эмас, балки “вужуднинг нақши (қирлари)ни юувчи восита (Шабустарий, 73) экани аёнлашади.

Куйидаги байт юқоридаги мулоҳазаларнинг мантиқий давоми сифатида келади. Унда бу йўлдаги соликнинг ташқи ва ички оламидаги ўхшашлик асосида асосий муддао билдирилган – ярали

кўнгилнинг раҳмоний нафас ва ҳақ тажаллиётига интиқлиги акс этган:

Бағриму кўксум била кўнглумни қилдинг ёралиғ,
Жонни ҳам бу ҳол бирла ёралиғ кўнглум тилар.

Ошиқ маломатлар ичида яшашга маҳкум бўлган шахсдир:
Ошиқ иши чун савод-ул-важҳи ф-ид-дорайн эрур,
Бу маломат кўйида юз қоралиғ кўнглум тилар.

Байтнинг мазмунини шундай ихлош мумкин: “Авомнинг наздида: Ошиқлик бу икки дунёда юз қаролиғ, демакдир”. Ана шу маломат дардида, яъни ошиқлик куйида менинг кўнглим юз қаролиғига ҳам розидир, (у ошиқлик куйида юз қаролиғини тилайди) .

Ошиқнинг ёр кўйи – кўчасидаги итларга талатиш мумтоз адабиёт учун анчайин машҳур “манзара”лардан бири. Абгор кўнгилнинг пора-пора бўлишида уларнинг “ёрдами” тегиши мумкин:

Қасдима ҳар ёндин ул кўй итларин кўй, эй рақиб,
Ким саломат пардасин юз поралиғ кўнглум тилар.

Бу ишнинг “рақиб” томонидан адо этилиши эса ҳодисанинг трагик (фожиавийлик) жиҳатини янада кучайтиради.

Ҳазалнинг авж нуқталаридан бири куйидаги байтда мужассамлашган. Унда лирик қаҳрамон дардга юзланади, унга мурожаат қилади:

Тан губорин жон юзидин рафъ қил, эй дардким,
Кўзни ул ён гаҳ-гаҳе наззоралиғ кўнглум тилар.

Зеро, кўнгилда айни мана шу илоҳий вужудга назар солиш учун муҳтожлик сезилади. Сажжодий ўз китобида Азизиддин Насафийнинг бу борадаги қуйидаги мулоҳазаларини келтиради: “Ин вужуд ҳам аввал ҳасту ҳам охир, ҳам зоҳир асту ҳам ботин, Ҳам қадим асту ҳам ҳодис, ҳам воҳид асту ҳам касир... Ботини ин вужуд як нур

аст ва ин нур астки, жони олам аст. Ва олам моллом аз ин нур аст. Нуре аст номатдуд ва номутаннохи ва бахре аст бепоён ва бегарон”.

Мақтаъ буларнинг барчасига якун ясаиди. Ўша муҳтожлик бугун пайдо бўлган эмас. У анча олдиндан келаётган давомийликка эга. Аммо бу йўлдаги машаққатлар оз эмас:

Эй Навоий, нечаким кўнглумга тушкан дард учун
Чора истармен, вале бечоралиғ кўнглум тилар.

Боқижон ТҶҲЛИЕВ

“Гар ўқи ул қоши ёнинг жонниким, қурбон қилур...”

Гар ўқи ул қоши ёнинг жонниким, қурбон қилур,
Рост бир ўқдурки, қурбон кўнглум ичра санчилур.

Истаса васлин кўнгул кўз рашқдин қон ёш тўкар,
Кўз юзин кўргач, кўнгул юз нола ғайратдин қилур.

Тийғи кўксум чок этиб, кўнглумни очса не ажаб,
Ким равон судин ҳамеша халқ кўнгли очилур.

Гарм ўлуб ҳар ён ул оташпораким новак отар,
Рост ўтдекдурки, гирдидин шарарлар айрилур.

Юзни ўн тирноқ илаким гуссадин қилдим шиёр,
Дона эркин кўз ёшимким, ҳар дам анда сочилур.

Бода ичким, чарх жоми сиррини Жам билмади,
Гарчи ул юз Жам киби майхоранинг даврин билур.

Оҳ ўтидин шиква гар айлар Навоий айб эмас,
Телбаларнинг ҳар неким, оғзиға келса, айтилуғ.

– V – – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Ғайрат – рашк, қизғаниш; ҳасад; қаҳр ва ғазаб

Шиква – шикоят, гина

Гарм – гарм ўлмоқ

Кўнгул – қалб, кўнгил. кўч. Илоҳий нур тажаллиси жой оладиган манзил, жисмоний ва илоҳий олам воситачиси (Шарҳи бист ғазали Ҳожа Ҳофиз Шерозий. Ба кўшиши Ш.Р.Исрофилниё. – Душанбе, “Пайванд”, 2016, с.24.)

Оташпора – ўт (чўт) парчаси

Новак – камоннинг ўқи. кўч. Киприк

Шарар – ўт, олов, чўғ

Шиор – шудгор

Бода – май, маст қилувчи ичимлик. маж

Чарх – осмон, фалак; толе, тақдир

Майхора – майхўр, май ичувчи

Насрий баён

Агар ўша қоши ёйнинг ўқи жонни қурбон қилса

Битта тўғри ўқ қурбон бўлган кўнглум ичига санчилади.

Кўнгил унинг васлини истаса, кўз рашк туфайли қонли ёш тўқади,

Кўз юзини кўргач, кўнгул рашк туфайли юз нола қилади.

Тиғи кўксумни чок этиб, кўнглумни очса не ажаб,

Ахир равон сув туфайли ҳамиша халқнинг кўнгли очилади.

Ўша гўзал қизиққонлик билан ҳар томонга қараганида

Баланд ёнаётган оловга ўхшаб унинг атрфида чўғлар айрилиб чиқади.

Юзни ғам туфайли ўнта тирноқ билан шудгор қилиб (юлиб) ташладим,

Кўз ёшим уруғ донаси бўлгани учун унга дам-бадам сочилиб кетди.

Бода ичгин, чунки олам жомининг сирларини Жамшид билмай ўтди,

Ваҳоланки, Жамга ўхшаб юзлаб махўрларнинг сиру асрорини билар эди.

Оҳ ўтидин Навоий агар шикоят қилса, айб эмас,

Ахир телбаларнинг оғзига нима келса келса ҳам айтилаверади.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазалда ҳам ёрнинг ўзига хос феъл-атвори борасида баҳс юритилади. Қошлари ёй (камон)га ўхшаган ёр ошиқ жонини қурбон қилади. Унинг ўқи ҳам келиб ошиқ кўнглига беҳато санчилади:

Ғар ўқи ул қоши ёнинг жонниким, қурбон қилур,
Рост бир ўқдурки, қурбон кўнглум ичра санчилур.

Бошқачароқ қилиб айтиладиган бўлса, ёрнинг бир нигоҳи уни янада кўпроқ мубтало қилади. Бу ерда ажойиб бир сўз ўйини – ий-ҳомнинг маҳорат билан қўллангани сезилади: “рост” сўзи тўғри, қийшиқ бўлмаган ўқни, ундан кейин вергул қўйилса, “тўғри”, “шубҳасиз” модал сўзлари англатган маънони ҳам билдиради.

Кейинги байтда кўнгил, кўз, юз (таносиб) ўртасидаги муносабатлар қаламга олинган:

Истаса васлин кўнгул кўз рашқдин қон ёш тўкар,
Кўз юзин кўргач, кўнгул юз нола ғайратдин қилур.

Кўриниб турибдики, кўнгил васлини истайдиган бўлса, кўз рашқ туфайли қонли ёш тўқади (истиора, ташхис ва муболага). Кўз ёр юзини кўрганида эса кўнгил юз нолалар қилади.

Ёрнинг бир қараши ошиқ кўнглига ҳузур беради. Бу ҳузур шундай ифодаланади:

Тийги кўксум чок этиб, кўнглумни очса не ажаб,
Ким равон судин ҳамеша халқ кўнгли очилур.

Олдинги байтда қўлланган айрим шеърӣй санъатлар бу ерда ҳам ишга солинган. Аммо бу ерда тамсилнинг гўзал намунаси келтирилган. Шоир кўздан ёш оқизилиши билан ариқдаги равон сувнинг келиши ҳамда бу ҳодисадан кўпчиликнинг хурсанд бўлиши ўртасида боғланиш топа олади.

Баъзи ўтинлар ёнаётганида улардан чарсиллаб чўғ парчалари отилиб туради. Шоир мана шу табиат ҳодисасидан ҳам ўзининг поэтик мақсади йўлида усталик билан фойдалана олади:

Гарм ўлуб ҳар ён ул оташпораким новак отар,
Рост ўтдекдурки, гирдидин шарарлар айрилур.

Киши жуда қаттиқ ғам-ғуссага берилганида юзини тирноқлари билан юлиб фарёд чекади. Шоир бу ҳолатни шеърга олиб киради ва ундан ажойиб манзара ҳосил қилади: гўёки ер шудгор қилинади-да (ташбеҳ ва муболаға) унга уруғ доналари (истиора) сочилади (хусни таълил, тажохили орифона):

Юзни ўн тирноқ илаким ғуссадин қилдим шиёр,
Дона эркин кўз ёшимким, ҳар дам анда сочилур.

Мақтадан олдинги байтда тасаввуфона ғоялар анча бўртиб кўринади. Унда бода, жом, Жам (рамз, таносиб) сингари таянч сўзлар воситасида қадимий афсоналарга ишора қилинади (талмех):

Бода ичким, чарх жоми сиррини Жам билмади,
Гарчи ул юз Жам киби майхоранинг даврин билур.

Табиӣйки, бу ердаги бода Навоӣйнинг зоҳиди “гумон қилган” май эмаслигини зукко китобхон энди билиб олди. Фақат бир нарсани айтиш керакки, байтдаги чарх жоми ҳамда Жам сўзларининг

ёнма-ён келаётгани тасодифий эмас. Аслида чарх жоми Жамга (аникроғи Жамшиднинг жомига зид қўйилмоқда. Адабиётда Жамшиднинг жомии ҳақидаги афсона анча машҳур. У бутун олам сирларини кўрсата олиши билан шуҳрат қозонган. Байтда мана шу афсонага ишора бор. У минглаб майхўрларнинг даври давраларини билса ҳам чарх жомии сиррини, яъни илоҳий олам сиру асрорини билолмаган). Демак, бу ерда май ичишдан мурод пири комил файзидан баҳрамондликни англатмоқда.

Яқунда яна бир тамсил қўлланади. Унда лирик қаҳрамон – ошиқ ўз шикоятларини, гина-қудратларини асослаш учун шу усулга мурожаат этади:

Оҳ ўтидин шиква гар айлар Навоий айб эмас,
Телбаларнинг ҳар неким, оғзиға келса, айтилур.

Ушбу байтдаги майин лиризмни таъминлаган шеър санъатлари кўп. Айни пайтда уларнинг ёнига шоир томонидан онгли равишда қўшилган “а”ларнинг такрори ҳам муносиб ҳисса қўшиб турганини қайд этиш жоиз.

Буларнинг барчаси Навоий ғазалларининг мутолааси ҳар доим ҳам кишига завқ ва ҳузур беришини яна бир марта тасдиқлайди.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

——
“Эй сабо, шарҳ айла аввал дилситонимдин хабар...”
——

Эй сабо, шарҳ айла аввал дилситонимдин хабар,
Сўнгра дегил кўнгул отлиғ нотавонимдин хабар.

Чун манга бердинг хабар, лутф айлаб ул ён дағи элт,
Хотири мажруҳ ила озурда жонимдин хабар.

Ғар булар кўнглига таъсир айламасдек бўлса, айт
Ер юзин ғарқ айлаган ашки равонимдин хабар.

В-ар мунга ҳам қилмаса парво, дегил афлок элин
Кеча-кундуз жонга еткурған фиғонимдин хабар.

Килса истиғно керакким, айлағай, албатта, раҳм,
Ғар десанг жоним аро доғи ниҳонимдин хабар.

Айтким, тутқил хабар мендин йўқ эрса, топмағунг
Олам ичра истабон ному нишонимдин хабар.

Арз қил тадриж илаким, шодлиғдин ўлмайин,
Эй Навоий, келса ногаҳ дилситонимдин хабар.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Дил – қалб, кўнгил. кўч. Илоҳий нур тажаллиси жой оладиган-манзил, жисмоний ва илоҳий олам воситаچиси (Шарҳи бист ғазали Хожа Ҳофиз Шерозий.Ба кўшиши Ш.Р.Исрофилниё. – Душанбе, “Пайванд”, 2016, с.24.).

Ёр – маъшуқа, дўст; ҳақ зотининг мушоҳадаси

Сабо – сабо, майин шабади. (ошиқ ва маъшук ўртасида турувчи сабо хабар етказиш вазифасини адо этади... Юсуф алайҳиссалом кўйлагининг ҳидини ҳазрати Ёқубга етказган ҳам сабодир” .

Лутф – иш ва ҳатти -ҳарактлардаги майинлик ва назокат, банданинг ҳақ тоатига яқинлаштирилиши (Сажжодий, 686)

Озурда – озор чеккан, ранжиган

Истиғно – ноз, тортинмоқ; бошқаларга эҳтиёжсизлик

Тадриж – даражама-даража, аста-секин

Насрий баён

Эй сабо, аввал кўнглимни олувчи ёримдан келган хабарни шарҳла,

Сўнгра “кўнгул” деган нотавагонимдин хабар бергин.

Манга хабар бердинг, лутф айлаб ул томонга ҳам элтгин-да,
Мажруҳ хотирим ва озор чеккан жонимдин хабар етказгин.

Аар булар кўнглига таъсир этмайдиган бўлса,

Ер юзин фарқ айлаган шашқатор кўз ёшларимдан хабар айт.

Агар шунда ҳам парво қилмаса, бутун фалак аҳлини

Кеча-кундуз жонига теккудай бўлган фиғонимдин хабар етказ.

Агар сен жонимнинг ичидаги яширин доғларимдан хабар берсанг,

Ўй-андиша қилиб, албатта, раҳм қилса керак.

Айтки, мендан келган хабарга эътибор бергин, акс ҳолда

Олам ичида қанча изласанг ҳам ному нишонимдан хабар топа олмайсан.

Эй Навоий, кўнглимни олувчи ёримдан кутилмаганда хабар келиб қолса,

Аста-секин билдиргинки, мободо шодликдан ўлиб қолмайин

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоий мумтоз анъаналарни қанчалик мукаммал билса оғзаки ижоддаги адабий анъаналарни ҳам шу қадар пухта ўзлаштирган. Жумладан, туркий халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалган хабарчи рамзлар мутафаккир адиб шеъриятида анча кенг қўлланган. Биргина “сабо” рамзи Навоий ғазалларида анча фаоллигини эътироф этиш жоиз. Мазкур ғазал ҳам мана шу образ заминидан юзага келган.

Таъкидлаш жоизки, “сабо” баҳор пайтида Шарқдан эсиб келадиган майин шабададир. Лирик қаҳрамон сабога (нидо) аввал ёрдан хабарни тинглашни, сўнг (тазод) эса ўзининг “кўнгул отлиғ” нотавагонидан ёрга хабар етказишни (ташхис) илтимос қилади:

Эй сабо, шарҳ айла аввал дилситонимдин хабар,

Сўнгра дегил кўнгул отлиғ нотавагонимдин хабар.

Шеърда сабодан ташқари икита асосий қаҳрамон бор: мен ва у (тафрик). Деярли бутун шеърда шу иккилик атрофидаги тасвирлар ҳукмрон. Қуйидаги байтда ҳам шу оҳанг давом этади. Биринчи мисрада сезилар-сзилмас мантиқий зиддият кўзда тутилган. Бу “менга” ҳамда “у ён” сўзлари асосида юзага келган. “менга” айна пайтда “мен томонга” маъносини беради. Мана шу мантиқий қарама-қаршилик тазодни ҳосил қилади.

Чун манга бердинг хабар, лутф айлаб ул ён дағи элт,
Хотири мажруҳ ила озурда жонимдин хабар.

Мумтоз адабиётдаги ёр “кўнгли қаттиқ” лиги билан машҳур. Бу хусусият мазкур ғазалдаги ёрга ҳам тўлалигича тааллуқли. Лирик қаҳрамон буни анча эҳтиёткорлик билан эслатиб ўтади:

Гар булар кўнглига таъсир айламасдек бўлса, айт
Ёр юзин гарқ айлаган ашки равонимдин хабар.

Тўхтовсиз кўз ёшлари ҳақидаги эслатмани ёрга билдиришнинг мақсади битта: унга “таъсир айламак”. Байтдаги муболаға ҳам шу мақсадга бўйсундирилган.

Шоир таъсир кучини поғонама-поғона ошириб боради (тадриж). Унинг фиғони олам элини безор қилган. Шоир бежиз “фиғон” сўзини танламаган. У йиғлашнинг энг юқори даражаларидан бирини, ҳатто доду фарёдни англатади:

В-ар мунга ҳам қилмаса парво, дегил афлок элин
Кеча-кундуз жонга еткурған фиғонимдин хабар.

Ёрда раҳм-шафқат туйғулари ҳам бор. Аммо буни лирик қаҳрамон узил-кесил ишонч ва қатъият билан айтмайди, айтолмайди. Буни фақат тахмин қила олади, “керакким” сўзи шу эҳтимоллик оҳангини юзага чиқарган:

Қилса истиғно керакким, айлағай, албатта, раҳм,
Гар десанг жоним аро доғи ниҳонимдин хабар.

Сабога хабарни етказиш ҳақидаги илтимос тушунтириляпти,
токи у ёрга бу хабар моҳиятини тўла етказсин:

Айтким, тутқил хабар мендин йўқ эрса, топмагунг
Олам ичра истабон ному нишонимдин хабар.

Сабонинг қайтиб келишида унинг хушхабар олиб келишига
тўла ишонч ҳам мавжуд. Аммо бу ерда ҳам яна битта нозик жиҳат
бор. Бу хабар бирданига айтиб қўйилмаслиги керак. Акс ҳолда ли-
рик қаҳрамон шодлигидан ҳам ўлиб қолиши мумкин:

Арз қил тадриж илаким, шодлиғдин ўлмайин,
Эй Навоий, келса ногаҳ дилситонимдин хабар.

Битта шеърда, унинг ҳар бир байтида бундай хилма-хил туй-
гуларнинг ўзига хос ва бетакрор ифодаси мутафаккир адиб ижо-
дининг асосий фазилатларидан биридир. Шунинг учун уларни ҳар
доим завқ ва шавқ билан ўқиш, буюк ишитёқ билан ўқиш эҳтиёжи
ортиб бораверади.

Боқижон ТЎҲЛИЕВ

“Ё Раб, бу не гулдурким, бошиға чечак санчар...”

Ё Раб, бу не гулдурким, бошиға чечак санчар,
Ғаҳ эгри қўяр бўркин, ғаҳ белга этак санчар.

Кўнглумга чекиб новак, ож айлади пайвандин,
Ҳар захмки ул тешти эл анга сўнгак санчар.

Бошимда ҳавас лаълинг, оламға видо эттим,
Чикса киши мажлисдин, бошиға газак санчар.

Ғам кулбасида, жоно, ул хастаға раҳм этким,
Тебранса бағир оғрир, дам урса юрак санчар.

Қуллоби муҳаббатдур саргашта кўнгулларга,
Чун қуш солиб ул чобук, бошига каяак санчар.

Ҳар кавкаб учин гардун ниш этти шуоидин,
Ғам шоми вафо аҳлин ҳар навъ керак санчар.

Санчилған ажал хори ишқ учраса билгайсен,
Ким жонға бало нишин ҳажр ўзгачарак санчар.

Жисмин чу Навоийнинг пайкони темур қилди,
Билманки, синон эмди бағриға нетак санчар?!

---V V---- ---V V----

мафъувлу мафойилтун мафъувлу мафойилтун
ҳазажи мусаммани ахраб

Луғат

Пайкон – камон ўқининг учи,ўқ учидаги металл бошоқ; тикон;
маж. киприк

Ож – фил тиши; фил суяги; кўч. оқ ранг

Бўрк – дўппи, телпак, қалпоқ; бош кийими.

Кўнгул – қалб, кўнгил. кўч. Илоҳий нур тажаллиси жой олади-
ган манзил, жисмоний ва илоҳий олам воситачиси (Шарҳи бист га-
зали Хожа Ҳофиз Шерозий.Ба кўшиши Ш.Р.Исрофилниё. – Душан-
бе, “Пайванд”, 2016, с.24.).

Новак – камоннинг ўқи. маж. киприк

Пайванд – ула(ни)ш, боғланиш

Заҳм – яра, жароҳат; кўнгил ғашлиги

Сўнгак – суяк

Лаъл – қитматбаҳо тош. маж. лаб, сўз; илоҳий калом

Видо этмоқ – видолашмоқ, хайрлашмоқ

Кажак – фолбинлар таёқчаси; фолбинлар ҳузурида турган одам; тос ва қовоқни осиб қўйиш учун ишлатиладиган ёғоч; довул ва нағорани чалиш учун ишлатилдиган чўплар

Кавкаб – юлдуз

Куллоб – қармоқ; чантак, илгак

Саргашта – боши айланган, гангиган; ҳайрон

Куш солмоқ – қуш билан ов қилмоқ

Гардун – осмон, фалак

Ниш этмоқ – тикан қилмоқ, бигиз қилмоқ

Шуо – нур, шуъла, ёрутлик

Хор – тикан

Синон – найза учи, ўткир напйза

Насрий баён

Ё Раб, бу қандай гулки, бошига чечак (гул)ларни санчиб (танғиб) олган,

Ғаҳ дўпписини эгри қўйиб, ғаҳ белига этагини қайириб олади.

Ўқларини кўнглимга қадаб, фил суягидан ишланган асбоб ёрдамида кўнгил қонини олди,

Зеро у ҳар ярани тешганда ичидаги йирингларни олиш учун қортиқ қўйди.

Лаъл (ширин сўз)ингнинг хаёли бошимни банд қилгани ҳушимни олди,

Ахир киши базмдан чиққан пайтда боши айланади. (?!)

Эй жонон ғам кулбасидаги ўша бечорага раҳм қилгинки (тебранса унинг қалби оғрийди, нафас олса юраги санчади).

Ёрнинг қуш солиб ов қилаётган ҳолати, айниқса, сочларини йиғиб олиб ғажакларини кўрсатган пайтида улар ҳолсиз қолган кўнгиллар учун муҳаббат қармоқларига ўхшаб кўринади:

Фалак ҳар юлдуз учларини нурли тиг қилди, (Шунинг учун) ғам шомиди вафо аҳлини ўзи истаганча қийнайди:

Ишққа дуч келган пайтингда англайсанки, (сенга) ажал тикани санчилади, ишқ учраса билгайсен, Зеро, ҳажр жонга бошқачароқ санчади.

Отган ўқларинг Навоий жисмини темирга айлантирди. Билмайманки, энди у темирдан ясалган ўқларини қандай қадайдди.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоий гўзал маҳбубанинг портретини яратишнинг ҳадисини олган. Фақат газалаларнинг ўзида уларнинг кўплаб гўзал намуналари яратилган. Мазкур газал ҳам шу силсилага қўшилади.

Тасвир унинг ташқи кўриниши, айрим хатти-ҳарактларини чи-зишдан бошланади. Кўринишидан ёр гулзор оралаб юрган дақиқалар қаламга олинган. У бош (кийим)и га гул тақиб олган. Гоҳ дўпписини эгри қўйиб, гоҳида этагини белига йиғиб (букиб, қистириб) олганча намоён бўлади:

Ё Раб, бу не гулдурким, бошига чечак санчар,
Ғаҳ эгри қўяр бўркин, ғаҳ белга этак санчар.

Ушбу байт – матлаъ мазмун ифодасига кўра ҳусни матла бўла-ди. Зеро, ундаги ҳаётий мазмуннинг ўзига хос бадиий шаклда ифо-даланиши шундай муносиб натижани келтириб чиқарган. Одатда, ўсимлик (гул) бошига (тепасига) гул санчиб (қистириб) олмайди. Аммо гулнинг истиора сифатидаги ишгиروي бунга имкон беради. Табиийки, истиора сифатида бу ердаги “гул” гўзал маҳбубани на-зарда тутати. Шу маънода у айни пайтда ийҳом санъатининг ҳам намунаси бўлади.

Сўнг мана шу манзарадаги ёрнинг кўриниши ва рафторидан ҳайратга тушган ошиқнинг таассуротлари ифодаси келади:

Кўнгилни киприк ханжари билан тешиб, фил суягини пайванд қилди. (Табобатда яра ёки унинг йирингини олиш учун суяк қў-йиш одати бўлган экан)

Кўнглумга чекиб новак, ож айлади пайвандин,
Ҳар захми ул тешти эл анга сўнғак санчар.

Навбатдаги байт қофиясидаги сўзнинг маъносини ойдин-лаштириш қийин. Балки уни “гажак” тарзида ўқиш жоизмикан?

Бошимда ҳавас лаълинг, оламга видо эттим,
Чиқса киши мажлисдин, бошига газак санчар.

Ошиқ – бемор, у ғам уйида шу даражага келганки, сал ҳаракат ҳам унинг бутун танасига дард солади, бағри оғрийди, нафас олиш эса юракнинг санчишига сабаб бўлади:

Ғам кулбасида, жоно, ул хастага раҳм этким,
Тебранса бағир оғрир, дам урса юрак санчар.

Ушбу мазмун истиора (“ғам кулбаси”), нидо (“жоно”), тафриқ ва таъдид (“Тебранса бағир оғрир, дам урса юрак санчар”) каби шеърӣ санъатлар воситасида ёрқин ва таъсирчан ифодага эга бўлган.

Куллоби муҳаббатдур саргашта кўнгулларга,
Чун қуш солиб ул чобук, бошига кажак санчар.

Гангиб қолган кўнгиллар учун бу муҳаббат қармоқлардирки, худди ўша шиддаткор маъшуқа қуш овида бошига фолбинлар таёқчасини қўйиб олган (га ўхшайди).

Ҳар кавкаб учин гардун ниш этти шуоидин,
Ғам шоми вафо аҳлин ҳар навъ керак санчар.

Ҳижрон азоблари ҳар нарсадан оғир ва изтиробли бўлишини бу жараёни бошидан ўтказганларгина билади:

Санчилган ажал хори ишқ учраса билгайсен,
Ким жонга бало нишин ҳажр ўзгачарак санчар.

Демак, ишқнинг ўзида истаганча изтироб ва қийинчиликлар, яъни турли синовлар мавжуд. Ҳижрон эса уни янада орттиради.

Жисмин чу Навоийнинг пайкони темур қилди,
Билманки, синон эмди бағрига нетак санчар?!

Лирик қаҳрамоннинг ҳайрати шундаки, ёр унинг бутун бададанини, танасини ўқ учидаги темир парчалдари билан ёпиб бўлди. Бордию Навоийнинг юрагига найза санчадиган бўлса, у нима қилар экан?

Буларнинг барчаси адибнинг тасвирлаш маҳорати нақадар юксак ва чўнглигидан далолат беради ва ўқувчини бадииятнинг мана шу чўққиларини ҳам забт этиш учун чорлаб туради.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Ҳар қаён боқсам кўзумга ул қуёшдин нур эрур...”

Ҳар қаён боқсам кўзумга ул қуёшдин нур эрур,
Ҳар сари қилсам назар, ул ой манга манзур эрур.

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд
Мушк исин яшурса бўлмас, бу масал машҳур эрур.

Телбарабмен то ани кўрман, ажойибдур буким,
Ул парий девона кўзидин дағи мастур эрур.

Чун мудом эрнинг майи қошиндадур кофир кўзунг,
Недин эркинким, даме усрук, даме махмур эрур.

Дилраболар доғи жоним сафҳасида гўйиё
Дард эли ишқим учун муҳр айлаган маншур эрур.

Пар уруб бошингга тутма авжким, ҳар неча мўр
Ким, қанотланғай қачон учмоқ анга мақдур эрур.

Гар Навоий сиймбарлар васфин айлаб кўрса ранж,
Иўқ ажаб невчунки хом эткан тамаъ ранжур эрур.

– V – – V – – – V – – – V – (– V –)
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун (фоилон)
рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)

Луғат

Манзур – назарга тушган, ёқимли

Маншур – муайян имтиёзни берувчи расмий хат

Мастур – берк, пардали, махфий, яширин

Махмур – маст, мастлиги тарқамаган, сархуш

Мақдур – олдидан белигилаб қўйилган, тақдир

Мўр – чумоли, қумурсқа

Телбармак – телбаланмоқ, девонага ўхшамоқ.

Усрук – маст, сархуш

Насрий баён

Мен қайси томонга қарамайин, кўзимга [ўша томондан] қуёш нури келаверади (унинг қуёшдек жамоли кўринаверади), Қайси томонга қарасам, ўша томондан ой [юзли гўзал] менга ёқимли кўринаверади.

Сочинг зулм қилишда машхур бўлди, бунни яширишдан нима наф, [Ахир] “Мушк исини яшуриб бўлмайди” деган масал [бежиз] машхур эмас-да.

Уни бир зум кўрмасам, телба бўлиб қоламан, шуниси қизиққи, Ўша пари [га ўхшаган ёр] девонанинг кўзига кўринмайди.

Кофир кўзинг ҳар доим лабинг майи қошидан жой олган. Шунинг учун бўлса керак: у гоҳи маст, гоҳи хумори бўлиб туради. Дилраболарнинг доғи [яъни қийноқлари гўё] жоним сафҳасидадир: Уни дард эли ишқ туфайли муҳр босиб ип билан боғлаб қўйгандир

[Эй ошиқ,] кучаниб авжга чиқишни ўйлама, [зеро], чумоли ҳар қанча қанотли бўлиб қолса-да, учиш учун куч топа олармиди?

Навоий сиймбарлар васфини қилиб [эвазига] ранж кўрса, ажабланарли эмас, чунки хомтамаъ бўлган [киши] доимо ранж топади [холос].

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳақиқий ишқ кўнгилнинг чинакам бойлиги ҳисобланади. Бундай ишқ эгаларида оламдаги ҳамма нарса гўзал ва бегубор бўлади.

Зеро, ҳақиқий ишқ кўнгил ғуборларини ювиб кетиши билан ҳам эътиборлидир. Ғазалдаги лирик қаҳрамон айни мана шу руҳияти билан эътиборга молик. Унинг учун ёр қуёшга ҳам, ойга ҳам ўхшайди:

Ҳар қаён боқсам кўзумга ул қуёшдин нур эрур,
Ҳар сари қилсам назар, ул ой манга манзур эрур.

“Ул қуёш” – маъшуқанинг истиоравий сифати. Қуёш оламни нечоғли мунаввар қилса, маъшуқа ҳам ошиқ кўнглини шу қадар нурлантиради. “Ул ой” ҳам айни шу вазифани адо этади. Айни пайтда бу илоҳий руҳ тажаллисининг ўзига хос ифодаси сифатида ҳам тасаввур этилади. Намоён бўлаётган ҳар бир олам ҳодисаси мана шу илоҳий гўзалликнинг ўзига хос кўринишларидир. Эътибор берилса, қуёш ҳам, ой ҳам бадиий адабиётда ёр юзининг мушобиҳи сифатида қўлланади.

Бу бежиз эмас. Кейинги байтда юздан зулф тасвирига ўтилиши ҳам буни яна бир марта тасдиқлаб туради:

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд
Мушк исин яшурса бўлмас, бу масал машҳур эрур.

Ёрнинг сочи ошиққа зулм қилиш билан машҳур бўлган. Шоирнинг таъкидлашича, уни яширишдан фойда йўқ. Бунинг исботи халқ мақоли – ирсоли масални қўллаш орқали кучли далилга айланади: “мушкнинг ҳидини яшириб бўлмайди”.

Навбатдаги тасвир мароми энди сал ўзгаради. Мулоҳаза оҳанги ошиқдан маъшуқага қараб йўнала бошлайди:

Телбарабмен то ани кўрман, ажойибдур буким,
Ул парий девона кўзидин дағи мастур эрур.

Ошиқ кўриш иштиёқи биланоқ ақлу ҳушини йўқотади. Аммо ажойиби бу эмас. Ажойиби – маъшуқа девонасифат одамларнинг кўзига кўринишдан ўзларини олиб қочишади-ку?!

Шундан сўнг яна маъшуқа узвлари тавсифига қайтилади. Энди гал “лаб” ва “кўз”ларга келади. Шоир ўзбекча сўзларнинг ўзаро боғланишларига таяниб ажойиб сўз ўйинини юзага келтиради.

Бунинг учун “лаб”, “кўз” мустақил сўзлари силсиласига “қош” ёрдамчи сўзи жалб этилади.

Чун мудом эрнинг майи қошиндадур кофир кўзунг,
Недин эркинким, даме усрук, даме махмур эрур.

“Кофир кўз”нинг “эрни майи қошида” бўлиши унинг “хулқ-атворини” ҳам белгилаган. Мунтазам май устидаги киши қандай бўлади? “даме усрук”, “даме махмур” мана шу ҳолатнинг гўзал ва бетакрор ифодасидир. Ёр кўзларининг ошиққа қарашидаги нозик нуқталарнинг бундан ортиқ ифодасини топиш қийин?!

Дилраболар доғи жоним сафҳасида гўйиё
Дард эли ишқим учун муҳр айлаган маншур эрур.

Алишер Навоий ғазалларининг асосий қисмида якунловчи байт – мақтадан олдин, кўпинча, мавизаомиз бир байтнинг келишига одатланиб қолганмиз. Ушбу ғазалда ҳам шундай байтда муносиб тарзда ўрин олган:

Пар уруб бошингга тутма авжким, ҳар неча мўр
Ким, қанотлангай қачон учмоқ анга мақдур эрур.

Одамзод ҳар қандай мавқе ва юксалишларга эришмасин, ўз феъл-атворида меъёр ва ҳаддини билиши шарт. Инсонийлик деган буюк бир мақом шуни тақозо этади. Акс ҳолда инсон учун нуносиб бўлган натижаларга рўпара келиб қолиш ҳеч гап эмас. Бу эса ноўрин хижолатпазликни келтириб чиқаради, холос. Ахир, чумолига қанот битгани билан унинг учишга қудрати келармиди?!

Ғазалдаги лирик қаҳрамон бошқа кўплаб ғазаллардаги лирик қаҳрамон билан тақдирдош, у ҳам машуқа васфи билан қанчалик банду машғул бўлмасин, бир хил натижага – ранж ва кулфатларгагина дуч келаверади.

Ғар Навоий сиймбарлар васфин айлаб кўрса ранж,
Иўқ ажаб невчунки хом эткан тамаъ ранжур эрур.

Эътибор берилса, шунда ҳам шикоят ва норозилик йўқ. “Ҳар ким экканини ўради” мақолининг янада аччиқроқ ва кескинроқ бўлган бир варианты (“хомиаъма бўлган киши [ўзини-ўзи] ранж ва машаққатларга дучор қилади”) унинг тасаллиси бўлиши мумкин, холос.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Жаҳони буқаламун ичра тушмиш элга гудоз...”

Жаҳони буқаламун ичра тушмиш элга гудоз,
Магарки тосиға ўт ёқти чархи шуъбадабоз.

Бу турфароқки, мунунгдек тамуғ аро тушмиш,
Самуру қоқум учун олам аҳлиға таку тоз.

Не кўкка чиқмоқ эрур долбою ўтаға била
Ки, болу пар бу эса, мумкин эрмас ул парвоз.
Не гармлиғни қўяр, не фусурдалиғни башар
Нечаки куюб эрир ўту муз кеби қишу ёз.

Фалак арусида йўқ меҳру дилраболиғ кўп
Нечукки ҳусну жамол аҳлиға вафо била ноз.

Эгилиб ўпса ер аҳли гурур ҳурмат учун,
Шабих эрур анга мутлақки маст қилса намоз.

Хуш ул жаридаки, бир навъ қилса сайру сулук
Ки, соя ҳамқадам ўлса анга, камар ҳамроз.

Наво агар тиласанг, тут қироқки, эгри бами
Не кўп тапонча еру не бийик чекар овоз.

Навоий, ёр ила бўлким, будур ҳарам васли,
Мақоминг ўлса Ажам ё Ироқ ёки Ҳижоз.

V–V– VV-- V–V– VV ~
мафоилун фаилотун мафоилун фаилон
мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур

Луғат

Гудоз ф. – куйиш

Шуъбадабоз а.ф.– ҳийлагар, найрангбоз, кўзбойлагич

Самур а. – сувсар териси

Қоқум а. – оқ сувсар териси

Таку тоз ф. – елиб-югуриб

Долбой – ов қушини қўлга қўндириш учун кўрсатиладиган
гўшт

Ўтаға – жиға (бош кийимига тақаладиган мансаб-мартаба
белгиси)

Бол ф. – қанот

Гарм ф. – иссиқ

Фусурдалиғ ф. – руҳсиз, сўлгин

Арус а. – келинчак

Шабиҳ а. – ўхшаш

Сайру сулук а. – ҳаракат тарзи; юриш

Жарида а. – ёлғизлик

Эгри – чолғу асбоби (чанг)

Бам а. – тўлиқ садо (бас. мусиқа)

Тапонча ф. – шапалоқ

Ҳарам а. – хос жой, ўз аҳли бўлмаган кишилар киритилмай-
диган жой

Ёр ф. – дўст

Ажам – машҳур мақом услубидаги чолғу йўллари

Ироқ – Шашмақом тизимидаги кирувчи маълум мақом номи

Ҳижоз – Ўн икки мақом тизимидаги маълум мақом, Сегоҳ
номи билан машҳур

Насрий баён

Бу ўткинчи, ўзгарувчан дунё ичра ўт тушиб, одамлари гўё куйиб, эриб бораётгандек. Йўқ, балки бу дунё бир тос, ҳийлагар чархи кажрафтор унинг тагига ўтин қалаб, олов ёқяпти.

Йўқ, бундан-да ажиброқ ташбеҳ шуки, дунё чиройли ошланган оппоқ сувсар терисига менгзайди, у ловиллаган жаҳаннамга ташланган, дунё аҳли унда ўзини ўтга, чўққа уриб елиб-югурияпти.

Дунёга алданиб қолган инсон худди хўракка ўргатилган ов қушига ўхшайди. У кўкка кўтарилади-ю, ов хўрагини кўриб, шу заҳоти овчининг қўлига қўнади. Боз устига, унинг бошида жиғаси бор, дунё билан ғурурлантирувчи, маст қилувчи! Қачонки, инсон дунёга чирмаб ташлайдиган бу хўрак ва бу жиғани қанот деб билса, айтинг-чи, бундай қанотлар билан кўкка парвоз қилиш мумкинми?!

Чархи кажрафтор тос каби бу дунёнинг остига ўт қалаб, на ўзининг ёндириб-қуйдиришига тин беради, на аҳли дунё ҳам ўзининг ғафлат оғушидаги руҳсизлиг-у сўлғинлигига чек қўяди. Ҳолбуки, дунё оламида қанча қиш-у ёзлар ўтиб, инсон ўтдек куйиб, муздек эриб бораётир...

Дунё – фалак келинчаги. Хусн-у жамол эгасида вафо йўғ-у, ноз-карашма кўп бўлганидек, фалак келинчаги бўлган дунёда ҳам меҳр йўқ, аммо дилни ўзига тортувчи жозибаси кўп!

Дунёга, унинг матоҳларига алданганларнинг ҳурмат юзасидан тавозуъ билан эгилиб, ер ўпишлари маст ҳолда намоз ўқиётган кишига ўхшайди.

Инсон шундай бир тарзда йўлга тушсаки, бу йўлда фақат сояси унга йўлдош, фақат камари унга сирдош бўлса, қандайин ажиб ёлғизлик, қандайин ажиб холилик бу!

Агар мунгли бир ун(ўн)дан баҳра олмоқ истасанг, дунё шовқинидан ўзингни четга ол. Гарчи шундай хилватнишин ер шапалоқдек бўлса ҳам, у ер садосининг пардаси баланд.

Эй Навоий, ҳақиқий ёр, ҳақиқий дўст – Аллоҳ зикри билан бўл! Негаки, куйлаётган мақоминг хоҳ Ажам, хоҳ Ироқ, хоҳ Ҳижоз чолғу йўлида бўлсин, ичкарига кириш, хослар даврасини топишнинг ягона йўли – Яратувчингни эслаш билан қурбат ҳосил қилишдир.

Шарҳ ва изоҳлар

Бу дунёнинг боқий эмаслиги, ундаги тўкин-сочинликлар кун келиб йўқотиш ва маҳрумликка, гуллаб яшнашлар барбодлик ва хорликка айланиши ёки буларнинг мутлоқ акси бўлиб, кеча оёқ остида топталган нарса бугун бошларга кўтарилиши, мағлубият ғалабага дўниши, бир сўз билан айтганда, дунёнинг ишлари мана шу тарзда ўзгариб туриши мўътабар манбаларда зикр этилган. Балки, шу эътиборга кўра, дунё ва ундаги нарсаларга муносабатда доимо муваққатлик кайфияти билан ёндашув лозимлигини уқтирувчи қараш мумтоз адабиётимизнинг асос мавзуларидан бирига айланган.

Аллоҳ таоло дейди: “Бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулгудир, холос. Албатта Аллоҳдан қўрқадиган кишилар учун Охират диёри яхшироқдир. Ахир ақл юргизмайсизларми?!” Бобомиз Алишер Навоий бу хитобни англаган, ҳақиқатни ич-ичидан ҳис қилган бир мўмин-мусулмон, ҳассос қалб эгаси эди. Мумтоз бир адаб сифатида эса дунёнинг қават-қават пардаларига ўралган, ўта махфий, ҳаддан ташқари инжа фитналарини кўра олган ўтқир ва соғлом назар соҳиби эди. Шунинг учун ғазалнинг аввалги байтидаёқ, бир қарасангиз оқ, яна бир қарасангиз қора ва бошқа рангларда тусланаётган буқаламун дунёнинг жазбасига эътиборни буради. Бу жозиба инсонни шу даражада асир қилганки, қочиш ўрнига ўзини ўтга уряпти, дунё билан қўшилиб, ўзининг умри эриб, йўқ бўлиб бораётганини сезмаяпти... Йўқ, Навоийни бу тасвир қониктирмади, энди у дунёни тагидан олов ёқиладиган тосга ўхшатди. Оловни ёқувчи – чархи шўъбадабоз, яъни доимий айланишда бўлган оламнинг ҳаракати шу қадар тез бўлишига қарамасдан, одамзод на бу тезкор ҳаракатни, на остидан ураётган оловни сезмасдан бамайлихотир юрибди. Бунчалик хавфни сезмаслик учун инсон сеҳрланган бўлиши керак. Токи, бу сеҳрдан халос бўлмагунча у ҳар сония, ҳар дақиқа эриб бораётганини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ҳа, инсон мана шу тарзда сабабларнинг қутқусига учган... Лекин тоснинг бошқа бир вазифаси ҳам бор – покланишга восита бўлиш! Навоий бу маънони ҳам назардан қочирмаган, эсланг: “Жаҳондин нотаом ўтмоқ ба айни / Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ”.

Кейинги байт “Бу турфароқки...” деб бошланар экан, энди ташбеҳни янада қуюқлаштиришга ҳожат сезилди. Сабаби, юқоридаги ўхшатишларда дунё тимсолидаги вақт тушунчасининг суръати ўзининг даражасидан бироз сустроқ тасвирлангандек бўлди. Аслида, дунё оловга ташласа, бир зумда куйиб кул бўлувчи ошланган терига ўхшайди. Шундай терики, қимматбаҳо, мўйнаси майин, оппоқ, сувсар териси! Бу сифатлар ловуллаган оловга улоқтирилган терининг кулга айланишини янада тезлаштиради. Дунё муҳаббатининг кучига қарангки, олам аҳли жуда тез ўтаётган вақтни ҳис қилмаяпти, шу ҳолатда ҳам дунё учун тинимсиз елиб югурыпти. Дунё фитналари шундай... тугамайди.

Саҳобийлардан Зайд ибн Арқам айтади: “Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу билан бирга эдик. У киши ичишга бирор нарса сўрадилар. Асалли сув келтиришди. Сувни оғзига яқинлаштирар экан, Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу йиғлаб юборди. Ҳатто бу йиғи шу ердаги бошқа саҳобаларни ҳам йиғлатди. Ҳамма йиғидан тўхтаса ҳам, Аллоҳ рози бўлсин, Абу Бакр йиғлашдан тўхтамади, йиғлайверди. Саҳобалар йиғининг боисини дарҳол сўрашга ботина олмадилар. Кейин Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу кўз ёшларини артди. Шунда саҳобалар: “Эй Расулуллоҳнинг халифаси, сизни нима йиғлатди?” – сўрашди. Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳу айтди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам билан бирга эдим. Расулуллоҳнинг ўзидан ниманидир ҳайдаётганини кўрдим, ёнларида ҳеч ким йўқ эди. Шунда мен: “Эй Аллоҳнинг расули, ўзингиздан нимани ҳайдаяпсиз?” – дедим. Расули акрам айтдилар: “Бу дунёдир, у менга кўриняпти, узоқроқ бўл, деб дунёни ўзимдан қувдим, кейин у кетди ва деди: “Сен мени ўзингдан узоқлаштирган бўлсанг-да, сендан кейингилар мендан қутула олмайди!”

Қаранг, Пайғамбаримиздан узоқлашган дунё Абу Бакрга яқин келди ва уни йиғлатди, бизнинг ичимизга кириб, сурур бағишлади. Мана, дунёнинг фитнасига алданиб қолишнинг оқибати...! Сўнгра дунё уни истаган кўйга солади, олтин-кумушлари билан занжирбанд этиб, мени қуч, менинг осмонимда уч, дейди. Энди айтинг-чи, дунёнинг қулларига қул бўлган кимса Аллоҳга қандай бандалик қилади?!

То Қиёматгача бу ҳол давом этаверади, на синовларга тўла дунёнинг фитналарида тиним бор, на инсоннинг гафлат уйқуси-

да. Навоий ўзаро зид бу икки ҳаракатдан ҳайратда. Майли, дунёни тушуниш мумкин, буюрилганни қияпти, табиатидан четга чиқиш ихтиёри унда йўқ. У мисоли чиройли келинчак, ноз-ишваси кўп, вафоси йўқ, жозибаси кўп, меҳри йўқ. Лекин инсон нега сушт, умрининг бемахсул ўтиб кетаётганига лоқайд, бепарво, фикрдан, зикрдан бунчалар ғофил?! Ғофиллик шу даражадаки, бандалигини изҳор этмоқчи бўлади, фақат Холиққа эмас, махлуққа! Унинг ўзига ўхшаган аҳли дунё олдида камтарлик билан эгилиб ер ўпишлари маст ҳолда намоз ўқиётган кишини эслатади. Гўё Навоий: ўзи маст бўлса-ю, намозига бало борми, деяётгандек. Албатта ҳазратнинг бундай дейишига асоси бор: “Эй мўминлар, то гапираётган гапларингизни билмагунингизча маст ҳолингизда намозга яқин келманглар.” Демак дунёга қул бўлиб қолиш ҳам мажозий маънодаги бир мастликдир. Бу мастнинг оташин сўзлари, чиройли кўринаётган амаллари аслида ёлгон, даъволари кулгули ва пучдир.

Навоий дунё фитнаси ва унга алданиб қолиш иллатларини бирма-бир фош этгач, кейинги байтларда бу балодан қутилиш чораларини излайди, балки топгандай бўлади: инсон шундай бир тарзда йўлга тушсаки, бу йўлда фақат сояси унга йўлдош, фақат камари унга сирдош бўлса, қандай ажиб ёлғизлик, хоилилик бу! Яъни, ҳазратимиз нажот холислиқда эканини эслатапти. Сўз самимий, амал холис, феъл тўғри бўлса, Аллоҳ билан бандасининг иши битади, орага қил ҳам сиғмайди. Қилган яхшилигингиз қанчалик махфий бўлса, шунчалик холис бўлади. Навоий айни холисликни соғингани учун “қандайин ажиб ёлғизлик бу, қандайин ажиб хоилик” деб уни ардоқлаяпти.

Сўнгги байтда Навоий бу муборак ёлғизлик ва хоиликни “наво” сўзи билан ифодалаяпти. “Наво” сўзи биз билган “овоз”, “оҳанг”, “мунгли ун”дан ташқари, ўрни билан, “бойлик”, насиба”, “баҳра” маъноларида ҳам ишлатилади. Демак, холислиқдан таралаётган ун(ўн)дан баҳра ола билиш – ҳақиқий бойлик. Моддий мезонларга ҳилоф равишда бундай бойлик кўп нарсаларга эга бўлиш ва турли-туман шартларни бажариш мажбуриятини зиммага юкламайди, балки дунё шовқинидан ўзингизни четга ололсангиз, бас. Майли, топганингиз адоғсиз кенгликлар, гўзал боғ-роғлар, ястаган тоғу даралар, баланд қасрлар бўлмасин, майли, кафтдек ер бўлсин. Модомики, шу кафтдек ерда дунё муҳаббати ҳукмрон эмас

экан, у ернинг қадри баланд, садоси баланд. Шунинг учун Навоий ўзига-ўзи нидо қияпти: Эй Навоий, қаерда холисликни топсанг, излаганинг қаршингда! Бас, ҳақиқий ёр, чин дўст зикри билан бўл! Негаки, ичкарига киришнинг, хослар даврасини топишнинг ягона йўли – Яратувчингни эслаш билан қурбат ҳосил қилишдир.

Рашид ЗОҲИДОВ

“Рафиқлар, мене маҳзун нечук бўлай ғамсиз...”

Рафиқлар, мени маҳзун нечук бўлай ғамсиз,
Ки кўнглум эрмас аламсиз, кўзум эмас намсиз.

Синуқ кўнгулда чу йўқ шодлиғ, соғинурмен,
Ки йўқтурур бори оламда бир кўнгул ғамсиз.

Демангки, ҳажрда май ҳамдам ўлса ғам кам ўлур,
Ки самдурур, дам эмас, бода ёру ҳамдамсиз.

Хуш улки, ёр фироқию ё кўнгул ғамидин
Тамом умрида бир лаҳза эрди мотамсиз.

Кўнгул ғамини деб аҳбоб, раҳм қилди ҳабиб,
Менинг жароҳатим эрдик, қолди марҳамсиз.

Кўзумдин этмагил, эй сарв, ҳеч жониб майл,
Ки яхшироқ кўрунур сарвким, бўлур ҳамсиз.

Навоийни вараъу зуҳд қайди ўзлугидин
Халос қилмади, эй ишқу май, магар ҳам сиз.

V – V – / V V – – / V – V – / – –
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
Мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

Луғат

Рафиқ – дўст

Маҳзун – ғамгин

Ҳажр – айрилиқ

Сам – заҳар, оғу

Аҳбоб – дўстлар, яқинлар

Марҳам – малҳам, дори

Жониб – томон, тараф

Хам – эгик, букилган; қийшиқ

Қайд – кишан

Ёр – маъшуқа, дўст; ҳақ зотининг мушоҳадаси

Ҳабиб – маҳбуб, маъшук, дўст

Итмоқ – йўқолмоқ, йўқ бўлмоқ

Кўнгул – қалб, кўнгил. кўч. Илоҳий нур тажаллиси жой олади-
ган манзил, жисмоний ва илоҳий олам воситачиси (Шарҳи бист
ғазали Ҳожа Ҳофизии Шерозий. Ба кўшиши Ш.Р.Исрофилниё. – Ду-
шанбе, “Пайванд”, 2016, с.24.)

Фироқ – дар истилоҳи ирфони маънои “жудои, мақоми ғайб,
ки ошиқ аз ваҳдат бо маъшук иаҳжуб аст, мебошад” (217).

Вараъ – тақво, парҳез; тақводорлик, парҳезкорлик, порсолик,

Зухд – тақводорлик, парҳезкорлик

Насрий баён

Эй дўстлар, кўнглим аламсиз, кўзларим намсиз бўлмаганидан
кейин мендек маҳзун киши қандай қилиб ғамсиз бўлсин?!

Синиқ кўнгилда шодлик бўлмаганидан кейин, ўйлашимча, бу-
тун оламда бирорта ҳам ғамсиз кўнгил бўлмаса керак?

Ҳижронда қолган кишига май ҳамдам бўлса ғам камаяди, де-
манг, ёру ҳамдамсиз дам олиш дам олиш эмас бода эса заҳардир.

Ёрнинг фироқи ҳамда кўнгилидаги ғамлардан бутун умри да-
вомида бир лаҳзани ҳам мотамсиз ўтказмаган киши бахтиёрдир.

Эй дўстлар, кўнгил ғамини еб, маҳбубим менга раҳм қилди,
Менинг жароҳатим шу туфайли малҳамсиз қолди.

Эй сарв, менинг кўз олдимдан бошқа ҳеч томонга кетишни их-
тиёр қилмагин, зеро, эгри-бутри бутуқлари бўлмаган сарв чирой-
лироқ кўринади.

Эй ишқу май! Навоийнинг ўзлик бандидан дунёвий тоат-ибо-
датлар эмас, балки сиз қутқардингиз.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоий инсоний туйғулар тасвирида нодир истеъдод экани аён ҳақиқат. Шунга қарамай, ҳар гал янги ғазал билан танишилганида бу истеъдод қирраларининг ранг-баранглиги ва адиб маҳоратининг чеку чегара билмаслигига кўпроқ эътибор бера бошлайсиз ва ҳайратинигиз узулуксиз равишда ортиб бораверади. Мазкур ғазалда ҳам инсоннинг мажозий ва илоҳий ишқ олдидаги кечинмалари акс этган.

Бу гал лирик қаҳрамоннинг суҳбатдош билан эркин ва дардли оҳанглардаги мусоҳабага чорлови очик сезилади.

Рафиқлар, мени маҳзун нечук бўлай ғамсиз,
Ки кўнглум эрмас аламсиз, кўзум эмас намсиз.

Дўстларга самимий илтифот ва илтижо (нидо) дардли кўнгил эгасига қулоқ тутишга ундайди. Адиб мана шу дардли кўнгил эгасининг маҳзун кайфиятини аниқ ифодалаб берган. Кўнгилнинг “аламсиз”, кўзнинг “намсиз” эмаслиги мисралар аро мусиқийликнигина эмас, улар воситасида инсон қалбига етиши мумкин бўлган таъсирни ҳам кучайтириб берган.

Дард аҳлини дард тортган кишидан кўра ҳам яхшироқ билувчиси бўладими? “Синуқ кўнгил” истиораси айна мана шу шахс тасвирини аниқ ва равшан кўрсатиб бериши билан эътиборга молик. “Синуқ кўнгил”да шодлик бўлмаганидан кейин бутун олам аҳлини, аниқроғи улардаги кўнгилнинг “ғамсиз” бўлмаслигини ҳис этиш ҳам қийин эмас:

Синуқ кўнгулда чу йўқ шодлиғ, соғинурмен,
Ки йўқтурур бори оламда бир кўнгул ғамсиз.

Мана шу дард ва изтиробларнинг манбаи ва сабаби кейинги байтда кўрсатилади. Лирик қаҳрамон уни “ҳажр” деб атайди:

Демангки, ҳажрда май ҳамдам ўлса ғам кам ўлур,
Ки самдурур, дам эмас, бода ёру ҳамдамсиз.

Олдинги байтдаги қофияларга уйғунлик қилаётган “ҳамдамсиз” сўзининг ўзаги билан биринчи мисрадаги шу сўзнинг такрори, уларга ғам, кам, сам, дам сўзларининг ёрдамга келиши байтдаги мусиқийликни, оширган. Бутун байтда “а” товушининг баракали иштироки мана шу оҳангдошликни авжга чиқарган. Байтда қўлланган синоним сўзлар, илтимос ва буйруқнинг аралаш шакли, мулоҳаза ва ҳулосанинг бирваракайига юзага келиши унинг мантиқий кучига ҳам, эмоционал руҳига ҳам салмоқли таъсир ўтказган.

Кейинги байт мазмунини бирдан илғаш қийин. Унда хотиржам ва бахтли яшашнинг ўзига хос “белгилари” ҳақида гап боради:

Хуш улки, ёр фироқию ё кўнгул ғамидин
Тамом умрида бир лаҳза эрди мотамсиз.

Бахтиёрликнинг ўлчов бирлиги кўп. Ушбу байтда лирик қаҳрамон улардан яна биттасини таклиф этган. Ундан келиб чиқадиган андозанинг шакли мана бундай: бахтиёр деб умрида бирор лаҳза ҳам мотамсиз қолмаган кишига айтилади, унинг шартини шуки, бу киши ё ёрнинг фироқида ёки кўнгил ғамда банд бўлиши керак.

Мазкур фикр навбатдаги байтда давом этади. Лирик қаҳрамон, кўнгилдошларга мурожаат этиб, маҳбубанинг раҳм этганини тилга олади.

Кўнгул ғамини деб, аҳбоб, раҳм қилди ҳабиб,
Менинг жароҳатим эрдик, қолди марҳамсиз

Эътибор берилса “хабиб”нинг марҳаматидан кейин ошиқ кўнгил эгаси кўнглидаги жароҳатининг малҳамсиз қолганидан ёзғирмоқда. Буни қандай тушуниш керак? Навоий “дард аҳли” деганда инсоний изтироблар ичида яшайдиган, куйинчак, безовта руҳ эгаларини тушунади. Шунинг учун ҳам “ғамсиз кўнгил”га, “дардсиз одам”га Навоий гоҳ безовталиқ, гоҳ ачиниш билан қарайди. Дардсиз шеърни эса умуман тан олмайди. “Маҳбуб ул-қуллуб”да ўқиймиз: “Сўзким, дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосиликим, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга барча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур”.

Алишер Навоий ҳусни таълилнинг беназир ижодкори. У бадиий асос бобида ҳам беназирдир:

Кўзумдин этмагил, эй сарв, ҳеч жониб майл,
Ки яхшироқ кўрунур сарвким, бўлур ҳамсиз.

Бу ерда ҳам мурожаат (нидо) қўлланган. Бу мурожаат сарвга қаратилган (ташхис). Сарвнинг тебраниши бошқаларга майл билдириш деб баҳоланишнинг ўзида ошиқ қалбидаги муҳаббат даражасини тасаввур қилиш имконини беради. Айни пайтда бу билан маҳбубанинг гўзаллигини ҳам алоҳида эътибор билан таъкидлайди: сарвга эгилиш ярашмайди, у муқим ва тиклиги (ёрнинг ишқда вафодорлиги ва собитлиги) билан гўзал. Эгилган ва букилган шохлар (ёрнинг бошқаларга рағбат билдириши) чиройли эмас, хунук ҳолат сифатида баҳоланади. Булар ошиқнинг орзулари, холос, албатта.

Мақтада адиб ишқ ва майни улуғловчи тавсифларини давом эттиради. Энди тўғридан-тўғри ишқ ва майнинг ўзга мурожаат этилади:

Навоийни вараъу зуҳд қайди ўзлугидин
Халос қилмади, эй ишқу май, магар ҳам сиз.

Вараъ ва зуҳд ҳам тасаввуфдаги асосий тушунчалар ҳисобланади. Улар дунё мolidан чекиниш, парҳезкорлик маъноларини билдиради “Ишқ – Ҳақ муҳаббати ичида фоний бўлиш” экан, демак, ўзининг борлигидан ҳам тамомила беҳабар қолади.

Бу аслида комил ишқ эгаларининг муносиб хислатларидан биридир. Энди унинг ёнига “май” қўшиладиган бўлса, лирик қаҳрамон (Навоий) ўз ниятига етади. Зеро, бундай матнлардаги май “ориф инсон қалбини, файзини ҳам англатадики, улар энди ташқи эмас, балки солиқнинг ички оламини бойитиши билан уни барча дарду балолардан ҳам халос этади.

Алишер Навоий Шайх Шоҳи Бидвозий (қ. с.) ҳақида гапириб, “зоҳир улумидин орис эрди, аммо ўз ихлосу иродат ва зуҳду вараъу тоатидин ботин оламидин анга қавий кушодлар етиб эрди”, – деб ёзади. Бундан вараъу зуҳднинг ҳам ботин олами сиру синоатини англашдаги дастлабки босқич талаблари билан уйғунлигини, “ишқу май” нинг эса бевосита ботин олами илмларига боғлиқ ҳола англанишини ҳис этиш мумкин. Демак, ҳали уларнинг ўзи, Навоийнинг уқтиришича солқни ўзлик тузоғдан чиқара олмайди.

Демак, ишқ, инсоннинг ўзлигидан воз кечиб, ўзини топишга имкон берадиган омил, асосий воситадир. Бу инсоний ожизликлардан, чекланиш ва ноқисликлардн кутқарувчи омил ҳам ишқ ва ирфон эканинин яна бир марта таъкидлаб туради.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

——
“Рафиқлар, мене маҳзун нечук бўлай ғамсиз...”
——

Рафиқлар, мене маҳзун нечук бўлай ғамсиз
Ки, кўнглум эрмас аламсиз, кўзум эмас намсиз.

Синуқ кўнгулда чу йўқ шодлиғ, соғинурмен
Ки, йўқтурур бори оламда бир кўнгул ғамсиз.

Демангки, ҳажрда май ҳамдам ўлса ғам кам ўлур
Ки, самдурур, дам эмас, бода ёру ҳамдамсиз.

Хуш улки, ёр фироқию ё кўнгул ғамидин
Тамом умрида бир лаҳза эрди мотамсиз.

Кўнгул ғамини деб аҳбоб раҳм қилди, ҳабиб
Менинг жароҳатим эрди, ки қолди марҳамсиз.

Кўзумдин этмагил, эй сарв, ҳеч жониб майл
Ки, яхшироқ кўрунур сарвким, бўлур ҳамсиз.

Навоийни вараъу зуҳд қайди ўзлугидин
Халос қилмади, эй ишқу май, магар ҳам сиз.

V-V- VV-- V-V- --
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

Луғат

Рафиқ а. – дўст

Маҳзун а. ғамгин

Ҳажр а. айрилиқ

Сам а. – заҳар

Аҳбоб а. дўстлар

Марҳам а. ярага қўйиладиган дори, малҳам

Жониб а. томон

Хам ф. эгик

Вараъ а. парҳез

Қайд а. кишан

Насрий баён

Эй дўстлар, мендек бир маҳзун, қалби дард-у аламга, кўзи гард-у намга тўла киши ғамсиз бўлиши мумкинми?

Кўнгил синиқ... синиқ кўнгилда шодлик не қилсин?! Шодмон бир кўнгилни кўришни орзу қиламан, лекин бутун оламда битта ҳам ғамсиз кўнгил йўқ.

Айрилиқ чеккан кишига май унинг дардини аритувчи ҳамдам бўлади, деманг. Билингки, ёнингизда ғамингизга шерик бўладиган ҳамнафас дўст йўқ экан, олдингизда турган бода сиз учун заҳардир. Дўстсиз ўтаётган бу дам эса дам дейишга ҳам арзимаydi.

Бутун умри давомида ҳаётининг бир лаҳзасини дўст айрилиги ё кўнгил ғамисиз, мотамсиз ўтказган киши бор бўлса, қандай яхши!

Марҳаматли дўстлар кўнглимнинг ғамини еб, менга раҳм кўргизишди. Ҳабибим – суюклим – менинг жароҳатим эди, қалбимдаги жароҳатга шу ғам малҳам эди, энди қалбим малҳамсиз қолди.

Эй сарв, бошқа тарафга эгилиб, кўзим олдидан кетиб қолма. Нечунки, сарв дарахти эгилмаган, тик бўлса, чиройлироқ кўринади.

Эй ишқу май! Навоийнинг ўзлик кишанидан қутулишига ва-раъ ва зуҳд эмас, балки сиз сабаб бўлдингиз.

Шарҳ ва изоҳлар

Матлаъ – аввалги байтнинг “Рафиқлар...” мурожаати билан бошланиши сўзловчининг эътиборга, яқин бир дўстнинг мулоим сўзларига, тасаллисига муҳтож эканини англатяпти. Зотан, арабча “рафиқ” сўзининг ўзак маъноси ҳам айна мазмунни ифодалайди. Унинг қалби ярали, дарду аламга тўлалиги боис кўз ёшлари тошиб чиқяпти. “Мен қандай маҳзун бўлмаслигим мумкин...” дея ўзини ёзғиряпти, лекин ғамгинлигининг сабабини айтишга шошилмаяпти. Шунда бирдан кўнглининг синиқлигидан хўрлиги келиб, балки янада чуқурроқ синиб, заиф ва нотавон ҳолда эшитилар-эшитилмас меҳр тиланишга ўтди. Кейин қайғу куюқлашгандан куюқлашиб, бечора ўзидан кетди ва нимагадир етди: дафъатан кучга миниб, тамоман ўзгарди. Қани у, меҳрга зор аянчли дардманд?! Унинг ўрнида ўзини буткул унутган, ўзини бутунлай ўйламаётган, ўзга бир шодмон кўнгилни излаётган бақувват инсон пайдо бўлди. У севинчни соғинган эди, қувончининг рангини кўрмоқчи бўлди, излади, изланди... лекин бутун оламни кезиб, бирорта ҳам ғамсиз, ғамдан холи кўнгилни топа олмади.

Савол қилдим:

- Бунча маҳзунликнинг боиси не ўзи, ҳажрми, айрилиқ?
- Бошқа нима ҳам бўларди! – деган нидо келгандай бўлди.

– Ёридан, дўстидан, яқинидан айрилган кишининг ғамига шериқ бўлиш мумкинми? – дедим.

– Кўнгилни хушламоқчи сўзлар, дилни тортмоқчи суҳбатлар, дардни аритмоқчи дармонлар айрилиқнинг ўрнини тўлдира оладими?! – деган саволга савол билан қайтарилган сўзлар менга етарли жавоб бўлди гўё. Ҳа, бундай вазиятда кўнгилхуш сўзлар алам беради, дилкаш суҳбатлар зериктиради, шифобахш дорилар заҳарга айланади.

Ҳазинлик тўлиб-тошди. Шунда бирдан қайғу қалбни қоплаб, ғам-андуҳ чўққисига етган пайтда шўрлик яна ўзидан кетди, гўё муродига етди ва ўзга бир шодмон кўнгилни кўриш орзусида: “Бутун умри давомида ҳаётининг бир лаҳзасини дўст айрилиғи ё кўнгил ғамисиз, мотамсиз ўтказган киши бор бўлса, қандай яхши!” – деб юборди.

Ғам оқимининг ўзани шу нуқтадан кескин бурилиш ясади. Марҳаматли дўстлар маҳзун дўстдан ҳол сўраб, унга меҳр беришди, қадар бир нафасга чекингандай бўлди, лекин бу фараҳ узоққа чўзилмади, энг азиз нарсасини йўқотган одамдек: “Ҳабибим – суюклим менинг жароҳатим эди, қалбимдаги жароҳатга шу ғам малҳам эди, энди қалбим малҳамсиз қолди” – дея яна ўтли “оҳ” урди ва кутилмаганда ғам тирилди, ғам билан бирга ҳабиби қайтиб келди, сарв каби бор бўйи билан кўринди.

Бу ўринда сарв дарахти, унинг тик ўсиши, чиройли кўриниши ғайбдан мажоздир. Ғазал қаҳрамонининг: “Эй сарв, бошқа тарафга эгилиб, кўзим олдидан кетиб қолма” дейиши мастона эркаликдир. Сабаби, ҳабибининг ғами унга Ҳақни танитди, Ҳаққа дўст қилди, энди у ғайбга мастона боқиб, кўзим олдидан кетиб қолма, дея эркалик қилишгача борди.

Мақтаъ – сўнгги байтда Навоий ишқ ва майга мурожаат этиб, мени ўзлик кишанидан сиз халос этдингиз, вараъ ва зуҳд эмас, дея ғазални хотималайди. Хотима мисоли – саволга жавоб, тугуннинг ечими ўрнида бўлади. Шарҳимиз тугал якун топиши учун ишқ, май, ўзлик кишани, вараъ, зуҳд тушунчаларини изоҳлашга уриниб кўрайлик.

Дастлаб байтлараро турли ҳолатда кўринаётган маҳзун инсон равишларини битта умумий сатҳда ҳаракатлантирамирмиз: маҳзун инсоннинг тасаллига, меҳрга зорлиги, кейин қайғуга ботиб, ўзи-

дан кетиши, яъни ўзини унутиб, ўзгани излаши, лекин бирорта ҳам ғамдан холи кўнгилни тополмагани ва ниҳоят маҳзунлигининг боиси аниқ бўлиши, ёридан айрилган кишининг ғамига ҳеч ким шерик бўлолмаслиги, бу ғам сабаб яна ўзидан кетиб: “умри давомида ҳаётининг бир лаҳзасини дўст айрилиғи ё кўнгил ғамисиз, мотамсиз ўтказган киши бор бўлса, қандай яхши!” – дея ўзга бир шодмон кўнгилни кўнгли тусаб қолиши, сўнгра марҳаматли дўстларнинг ҳол сўраб унинг ғамини ейиши ва ўша зумда атиги бир нафас ғамсиз қолиб, энг азиз нарсасини йўқотган одамдек: “Ҳабибим – суюклим – менинг жароҳатим эди, қалбимдаги жароҳатга шу ғам малҳам эди, энди қалбим малҳамсиз қолди” – дея яна ўтли “оҳ” уриши ва кутилмаганда ғам тирилиб, ғам билан бирга ҳабибининг қайтиб келишига, яъни ўзлик кишанларидан озод бўлиб, суюклисига етишига вараъ билан зуҳд эмас, балки, ишқ ва майнинг сабаб бўлиши...

Энди бу ҳаракат равишларининг сўнгида турган тугунларни ечишга киришамиз. “Ўзлик кишанлари” иборасини яхлит тушунсак, кибр дегани бўлади. Ўзини ўзгадан афзал билган кимса мутакаббирдир. Мутакаббирлик кишидаги барча салбий иллатларнинг сўнгги натижаси ўлароқ юзага чиқади. Масалан, риёкор ўзида йўқ нарсани бордек кўрсатиб, асли ҳолидан афзалроқ эканини исботламоқчи бўлади. Ёлғончи ҳақиқатни яширар экан, мен рост сўзлаяпман деб, ўзининг асл ҳолидан афзаллигини кўрсатмоқчи бўлади. Инсондаги ҳамма салбий феълларнинг келиб чиқиш сабаби кибр билан боғлиқ бўлгани учун якуни ҳам такаббурлик билан ниҳояланади. Яратувчисини таниган банда ҳеч қачон кибрга берилмайди. Чунки ўзини бошқадан афзал санаётган одам Парвардигорини танишдан, яъни маърифатдан узоқлашаётган кишидир. Демак, “ўзлик кишанларидан озод бўлиш” – Ҳақни танишга қаршилиқ қиладиган ҳар қандай тўсиқни олиб ташлашдан иборат.

Араб тилидаги вараъ (وراء) сўзи тақво сўзи билан маънодош бўлиб, Аллоҳдан қўрқиш, Аллоҳ қайтарган нарсалардан сақланиш деган мазмунни ифодалайди. Зуҳд (زهد) дунёни, янада аниқроғи дунё муҳаббатини тарк этиш. Ҳар икки сўз ифодаलाётган маъно эътиқодимизнинг соғломлигини белгилайдиган олий қадриятлардан ҳисобланади. Токи, Аллоҳдан қўрқинч хислатини ҳосил қилмагунича инсон мусулмон бўлолмайди. Шунинг учун мусул-

мон инсоннинг комиллиги ҳам тақвosi билан ўлчанади. Зухд эса Яратувчига бўлган муҳаббатнинг борлигини тасдиқлаб турадиган аломатдир. Шундай экан, ўзликка кишан бўлган кибрнинг пайига болта урувчи бу икки қувват нега зид маънода қўлланыпти? Сабаби, ҳар икки сўз ўзак маъносининг зиддидан мажоз бўляпти. Зоҳиран тақволи кўриниб, ичкарининг унга мувофиқ бўлмаслиги вараъ эмас, вараънинг аксидир. Ташқаридан зоҳид кўриниб, ботиннинг дунё муҳаббатига тўлиқ бўлиши зухднинг зиддидир. Бу сўзларнинг кўчма маънода ишлатилганига иккита қарина – сабаб бор. Биринчиси, Навоийнинг эътиқоди. Мусулмон эътиқодида яшаган одам ўша эътиқоднинг моҳиятини ташкил қилувчи маънони инкор қилиши мумкин эмас. Иккинчиси, тақво ва зухдни даъво қилувчиларнинг аксарида мазкур сифатнинг акси кузатилади. Демак, Навоий бу сўзлари билан динимизда қаттиқ қораланувчи мунофиқлик, риёкорлик иллатини танқид остига оляпти. Ўзини ва барчамизни нифоқ ва риё хавфидан, билиб-билмай уларнинг таъсирига тушиб, алданиб қолишдан огоҳ этаяпти. Бунинг чораси – ёлғиз Ўзига, Ҳаққа муҳаббат. Бу муҳаббат майини тотган кўнгилдан худбинлик чиқиб кетади. Энди бу кўнгил учун ундоқ ё бундоқ бўлиб кўринишнинг қизиғи йўқ. Чунки у Яратувчисини таниди, танигани сайин У Зотга муҳаббати кучайиб боряпти, муҳаббати ортгани сайин бутун борлиги Ҳақнинг измида эканини англаяпти, англагани сари Эгасининг нақадар улуглигидан, ўзининг шундай улуг Зотга бандалигидан ҳайратга тушыапти. Лекин бу “мастоналик” уни ҳушдан айираётгани йўқ, янада ҳушёрроқ бўлишга чорлаяпти, писиб турган, балки чор тарафдан ёприлиб келаётган нифоқ ва риёни ўзидан ҳайдаяпти. Мана бу ҳақиқат! Матндаги вараъ, зухд, ишқ ва май сўзлари эса мажоз. Агар айни жиҳат назардан қочирилса, ғазал талқини нотўғри ўзанга бурилиб кетиши мумкин. Бобомиз Навоий бизни бу хавфдан огоҳ этган:

Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатқа бу тариқат эрур.
Мажоздин чу ҳақиқатқа йўл топар ошик,
Қилур мажозни нафйи улки, беҳақиқат эрур.

Рашид ЗОҲИДОВ

“Тиргузур ҳар хастани бир ноз ила ул дилнавоз...”

Тиргузур ҳар хастани бир ноз ила ул дилнавоз,
Чун етар мен хастага навбат, қилур юз навъ ноз.

Зоҳидо, ҳар дам демаким мазҳабингда бор қусур,
Қайси масжидда қилиб эрдим сенинг бирла намоз?!

Ишқ аро кўнглумни ул юз меҳридин манъ айламанг
Ким, эмас мумкин самандар ўтдин этмак эҳтироз.

Бир кун оҳимдин ўшул бадмеҳр кўнгли юмшағай,
Нечаким пўлод эрур қаттиқ топар ўтдин гудоз.

Ё раб, охир нетгамен ул шўхи бадхў бирлаким,
Зулм этар, қилсам тазаллум, ноз этар, қилсам ниёз.

Чархи минойий хати сирриға ҳамроз истама
Ким, бу хат мазмунидин дам урмай ўтмиш аҳли роз.

Эй Навоий, сен баса олудадомансен, магар
Ишқ ул пок ила ўйнарсенки дерлар покбоз.

–V-- –V-- –V-- –V~
фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Лутат

Дилнавоз ф. – кўнгилни овловчи, ёқимли
Мазҳаб а.– тутум; йўл; маслак

Самандар ф. – оловда пайдо бўлиб, оловда яшайдиган афсонавий жонивор

Эхтироз а. – сақланиш

Гудоз ф. – куйиш

Тазаллум а. – зулмдан шикоят қилиш

Ниёз ф. – ёлвориш

Минойи ф. – кўкимтир рангли

Ҳамроз ф. – сирдош

Аҳли роз а.ф. – сир аҳли

Олудадоман ф. – этаги булғанган; ярамас, бузук

Покбоз ф. – қиморда ҳалол ўйновчи

Насрий баён

У кўнгилни шу даражада овлайдики, оғир ётган ҳар хаста унинг бир эрқаланиб қарашидан оёққа туради. Лекин назардан насибадор бўлиш навбати мен хастага етганида у юз турли ноз қилади.

Эй зоҳид, ҳар дам бу ҳолдан ҳайрон бўлиб: “Сенинг тутаётган йўлингда бир нуқсон бор!” – демагил. Қайси масжидда сен билан намоз ўқиган эдимки, менинг нуқсонимни кўрган бўлсанг?!

Ишқ ўти ичидаги кўнглимни у юздаги нур манбаидан тўсманг. Нечунки, оловда пайдо бўлиб, оловда яшайдиган самандарни ўтдан сақлаш мумкин эмас.

Бир куни мен чекаётган оҳлардан ўша тошмеҳрнинг кўнгли юмшайди, пўлат қанчалик қаттиқ маъдан бўлса ҳам оловда эрийди.

Эй Худо, бу шўх, қилиғи ёмон банданг билан охир-оқибат, қандай келишаман: зулмидан нолинсам, зулмини кучайтиради, ялинсам, баттар ялинтиради..?

Шунда бир нидо келгандай бўлди: “Фалакнинг мовий ранг хатига яширин сирига сирдош бўлишни истамай қўяқол. Чунки сендан олдинги сир аҳллари ҳам бу хат мазмунидан чурқ этмай ўтишган.

Эй Навоий, бас, сен мутлақо номуносиб кишисан, лекин сен покбоз деб аталадиган билан ишқ ўйинини ўйнамоқчисан шекилли?

Шарҳ ва изоҳлар

Мажоз адабий матннинг етакчи унсурларидан бири, балки бадий тафаккурнинг асл кўринишидир. Инсон ақли табиатан аввали ва охири йўқ борликни, абадиятни қамрашга қодир эмас. Шундай экан, лоақал, сезги ва ҳиссиёт билан тасаввурни жонлантирадиган восита мажоз эканига шубҳа йўқ. Арабча “мажоз” сўзининг луғавий маъноси “ўтиш”, “кўчиш” бўлиб, истилоҳда аслий маъносидан бошқа маънода қўлланган лафз мажоз дейилади. Бунда аслий маъно билан кўчма маъно ўртасида алоқа ва кўчма маънода ишлатилаётган сўзнинг аслий маъноси тушунилиб қолишидан тўсадиган сабаб бўлиши лозим. Таъриф янада тушунарли бўлиши учун қоида ва уни тақозо қилувчи шартларни ғазалнинг матлаъ байти мисолида кўриб чиқамиз:

Тиргузур ҳар хастани бир ноз ила ул дилнавоз,
Чун етар мен хастага навбат, қилур юз навъ ноз.

Байт “тиргизур”, яъни тирилтирур, деган феъл билан бошланяпти. Тирилтириш ҳам, ўлдириш ҳам ёлғиз Яратувчи Зотга хос. Лекин бу феълнинг эгаси Қуръон ва ҳадисларда келган Аллоҳнинг исм ва сифатлари билан эмас, балки “кўнгилни овловчи, ёқимли, суюкли” маъносидаги “дилнавоз” сўзи билан ифодаланяпти. Ҳадисларда Аллоҳ таолонинг 99 та гўзал исмлари зикр қилинган. Умуман олганда, бу исмларнинг барчасида Яратувчи Зотнинг Ўз бандаларига нисбатан меҳрибонлик маъноси мужассам. Айниқса, Ар-Раҳмон, Ар-Раҳим, Ал-Ғафур, Ар-Рауф, Ал-Афув исмларида Ҳақ таолонинг бандаларига нисбатан чексиз раҳм-шафқати акс этса, хоссатан, Ал-Вадуд исми орқали солиҳ бандаларини яхши кўрувчи ва бандалари томонидан севиловчи маъноси тушунилади. Демак, Ал-Вадуд исми англатган маъно билан “дилнавоз” сўзининг маъносида ўзаро алоқадорлик бор.

Энди “дилнавоз” сўзининг аслий маъносига келсак, бу маъно Яратувчига эмас, яратилмишларга, яъни инсонларга нисбатан ишлатилади. Аммо байтда келган “дилнавоз” сўзини ўзининг аслий маъносида тушунишимизга матндаги “тиргизур” феъли монёклик қияпти. Модомики, инсон тирилтиришга қодир эмас экан, демак “тиргизур” феълининг эгаси вазифасида келган “дилнавоз” лафзи матнда Аллоҳнинг Ал-Вадуд сифати ўрнида мажозан ишлатилаётган бўлади. Балоғат илмида бу ақлий мажоз (زاجملا تىقلىقلا) дейилади. Қачонки, гап таркибида келган феъл – иш-ҳаракатнинг ҳақиқий бажарувчиси четда қолиб, мазкур иш-ҳаракатнинг нисбати бошқа бажарувчига берилса, ақлий мажоз юзага чиқади. Агар мисра мазмунини: “Ал-Вадуд сифатига эга Зот тирилтирур” десак, бу ҳақиқий мажоз (تقيقلا زاجملا) бўлади. Яъни, бу ифодада тирилтириш феъли ҳақиқатда шу феълни бажарувчи Зотга боғланди.

Хўш, “Тиргузур ҳар хагани бир ноз ила ул дилнавоз” мисрасидаги эга ва кесим аниқ бўлди, энди иккинчи даражали гап бўлакларини ҳақиқий мажозга мувофиқ таъвил этишга уриниб кўрайлик. Хасталик жисмоний соғломлик йўқлигининг белгиси, балки натижаси, гуноҳқорлик эса маънавий соғломлик йўқлигининг оқибатидир. Ҳар икки ҳолатни бирлаштирувчи нуқта – ҳалокатга олиб боровчи ожизлик, заифлик. Демак матнда айтилган “хаста”ни гуноҳқор банда десак бўлади. Гуноҳ инсонни ҳалокатга яқинлаштиради, гуноҳдан тавба қилиш эса уни Аллоҳнинг раҳматига сазовор этади. Аслида тавба ҳам Ҳақ таолонинг инъоми, бандасига марҳаматидир. Аллоҳнинг марҳамати чек-чегарасиз бўлиши билан бирга унда шундай бир нафислик борки, ҳар қандай дағал, гуноҳдан қотиб кетган тошмехр қалбга ҳам йўл топади. Сўниб бораётган кўзларга меҳр ва эркалигини ёғдириб чақнатади, тирилтиради. Демак мисра давомида келган форсча “ноз” сўзининг ўзбек тилига ўзлашган “инжиқлик, эркалик” маъноларидан ташқари “хузур-ҳаловат, нозик, нафис, мулоим” маънолари ҳам борлигини ҳисобга олсак, матнда келган “ноз” сўзини мажозан Аллоҳнинг раҳмати деб тушунсак бўлади. Энди мисра маъноси тахминан шундай кўриниш олди: “Бандаларини яхши кўрувчи ва бандалари томонидан севиловчи Ал-Вадуд сифатига эга Зот гуноҳлар дардидан деярли ўлиб бўлган хаста бандасини

рахмат назари билан бир эркалаган эди, у шу захоти дарддан фориғ бўлиб, оёққа қалқди, Аллоҳ уни тирилтирди”.

Аммо мисрадаги “тиргизур” сўзини муболаға санъатига дахлдор, десак, аҳвол бутунлай ўзгаради. У ҳолда “жонлантирар, шифо берар” маъносида муболаға билан ишлатилаётган бу феълнинг фоили (бажарувчиси) Холиқдан махлуққа, яъни Яратувчидан яратилмишга кўчиб, бундан ё пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ё пир (устоз) ёки маъшуқа ирода қилинган бўлади. Дилни ўзига ром қилувчи “дилнавоз” сўзидан мурод пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ё пир (устоз) ёки маъшуқа бўлган тақдирда ҳам байт маъноси бузилмайди, аксинча чуқурлашиб, гўзаллашади. Чунки муболаға – бадиъ илми нинг маънони чиройли қилиш (تمیونعملا تسانسحما) қисмига кирувчи бадиий санъатлардан биридир. Муболаға санъатининг ақлга ва одатга тўғри келадигани – таблиғ, ақлга тўғри келиши мумкин, аммо одатга тўғри келмайдигани – иғроқ, на ақлга, на одатга тўғри келадигани – ғулув дейилади. Демак бу ўринда муболаға санъатининг энг кучли тури ишлатилган. Яъни, бир инсоннинг бошқа инсонни тирилтириши на ақлга, на одатга тўғри келади. Лекин бутун инсониятга нажот элчиси қилиб жўнатилган Аллоҳнинг охирги пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг эътиқоди ва хулқи атворида шундай гўзал намуналар борки, улардан озгина бохабар инсон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни сўймаслиги, бу сийратдан дардига дармон топмаслиги мумкин эмас. Тасаввур қилинг, Пайғамбар алайҳиссалом қилган бир амални холис бажардингиз, у зот бу ишингизни маъқуллаган кўйи гўё сизга бир назар солгандек бўлди. Бу назар ҳар қандай оғир хастани оёққа қалқтирмайдими, бу хаёлдан мисоли ўликка жон киргандек бўлмайдими?!

Пир – устознинг ёки кўнгил берган кишингизнинг сизга назари ҳам албатта дардингизга дармон бўлади, кайфиятингизни кўтаради. Навоий бир қитъасида: “Зоҳидо, бу ишқдин манъ айлама ошиқниким, Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз” – деган. Яъни: “Эй зуҳду тоат билан номи халқ ичида машҳур бўлган зоҳид! Билгилки, бу воситалар ошиқ учун Ҳаққа етиш йўлидаги кўприқдир, сен зоҳирга қараб ҳукм қилма, у ҳақиқатдан қилча ҳам четга чиққани йўқ, балки айни мақсад йўлидадир”.

Ҳазрат Навоийнинг Ислом эътиқодидаги бир мусулмон эканини таъкидлаган ҳолда мазкур байтнинг иккинчи мисрасини тавфиқ тушунчаси билан изоҳлашга ҳаракат қиламиз. “Тавфиқ – Аллоҳ таолонинг Ўзи яхши кўрган ва рози бўлган нарсасига бандасининг феъли, амалини мувофиқ қилишидир”. Ҳазал воқелигида кечаётган “муолажа навбати мен хастага етди-ю, табибнинг эътиборидан четда қоляпман” деган мазмундаги зорланиш, аслида, икродир. Яъни, у ўзининг амали билан Яратувчининг муҳаббати, розилиги ўртасидаги мувофиқлик тўла етилмаганини тан оляпти. Ҳатто бандалигини намоён этиб шошиляпти, лекин тўхтамаяпти, тинимсиз ўзини Яратувчисидан етадиган тавфиққа шайляпти. Буни ушбу ҳадис ҳам тасдиқлайди: “Албатта банда Аллоҳга (зорланиб) дуо қилади, улуг ва қудратли Зот унинг бу амалини яхши кўради ва дейди: “Эй Жаброил, бандамнинг бу ҳолатини раво қил, (лекин) уни (бироз) кечиктир. Чунки Мен унинг овозини давомли эшитишни хуш кўраман”. Аллоҳ таоло бандасини турли ҳолатлар билан синайди. Банда эса синовлардан омон чиқиши учун Парвардигорига ёлворади, муножотлар қилади. Демак биз мусибат деб санаётган нарса, аслида, Аллоҳ таоло билан боғланиш учун бир имконият, муаммоларимизнинг ягона ечимидир. Шунинг учун тобеъинлардан Суфён ибн Уйайна айтган экан: “Банданинг ёмон кўрган нарсаси яхши кўрган нарсасидан хайрлироқдир. Чунки ёмон кўрган нарса уни дуо қилишга ундайди, яхши кўрган нарсаси эса уни дуодан чалғитади”.

Битта байт мисолида кечган бу ички жараён, руҳий олам тасвири Навоий бадий тафаккурини белгилайдиган бош мезон, балки одатий қонуниятдир. Жуда кўп ўринларда шоир фақат ўзи ва Яратгангагина аён руҳий ҳолатларини тасвирлар экан, иши фақат зоҳир билан машғул бўлишдан иборат “зоҳид” образи доимо қаршисида намоён бўлади. Шунда шоир ташқарида абгор кўринган ҳолатининг ичкарида тамоман ўзгача эканини ўша “зоҳид”га муносабати орқали билдиради ва: “Эй зоҳид, ҳар дам менинг бу ҳолимдан ҳайратга тушиб, сенинг тутаетган йўлингда бир нуқсон бор, демагил. Қайси масжидда сен билан намоз ўқиган эдимки, менинг нуқсонимни кўрган бўлсанг?!” – деб, зоҳир аҳлининг асл табиатини ҳам фош этади.

Кейинги байтда Навоий арзи ҳол этиб, зоҳир аҳли минг урингани билан бу муҳаббат сиррини англай олмасликларини ошкор айтишга журъат топади ва: “Ишқ ўтига ўзини урган кўнглимни у юздаги нур манбаидан тўсманг!” – дейишгача боради. Бу ишнинг мумкин эмаслигини оловда пайдо бўлиб, оловда яшайдиган афсонавий самандар қушини ўтдан сақлаб бўлмаслиги билан изоҳлайди.

Ғазал матлаъсида изҳор этилган зорланиш иккинчи байтда беозор “ёзғириш”га айланади. Нима учун беозор? Чунки сўровчи берувчига ён боса бошлади. Гўё меҳрга зор сўровчи меҳр эгасини “бадмеҳр” деб айблагандай бўлди, аммо, алалоқибат, ҳар қандай тошмеҳр қалб ҳам юмшаши мумкинлигини тан олди. Фақат бунинг учун меҳр толиби ёр ҳажрида, бамисоли, пўлатни эритадиган ўтлиғ оҳлар уриб, ўзини Аллоҳдан етадиган тавфиққа тинимсиз ҳозирлаши керак эди. Лекин қани бунга тоқат, банда сабрсиз, ҳукм этишга шошгани шошган: зулмидан нолисам, зулмини кучайтиради, ялинсам, баттар ялинтиради, у билан қандай келишаман? – деб бу оламнинг ўжар ўйинларидан Парвардигорига шикоят қилади. Шунда ғойибдан нидо келади: “Фалакнинг мовий ранг хатига яширин сиринг сирдош бўлишни истамай кўяқол. Чунки сендан олдинги сир аҳллари ҳам бу хат мазмунидан чурқ этмай ўтишган”. Фалакнинг мовий ранг хати бу – осмон. Осмон юзи турли-туман ғаройиб хатларга тўла китобнинг очилган саҳифасига ўхшайди. Бу хат сиррига сирдош бўлишга муносиб кўрилган аҳллар – пайғамбарлардир. Улар сирдош бўлишга муносиб кўрилди, лекин сирдан тўла воқиф бўлиш ҳаққи сир Эгасига тегишли эди, буни улар англадилар, билдирилганидан ортиқчасига интиладилар, тақдирга тан бердилар.

Анъанага кўра Навоий ғазал мақтаъсини нафсига маломат ёғдира бошлайди, ўзини “олудадоман”, яъни “этаги булганган” деган таҳқиरोмуз ибора билан айблайди. Бу иборани мажозий маънода тушунсак, тахминан шундай бўлади: сен назарингни, феълингни пок тутиб, муҳаббатда холис бўлиш даъвосида йўлга чиққан соликсан, нега ярим йўлда дунё оғушига ўзингни отдинг, ўткинчи истаклар лойига ботдинг, ихлосингни арзимас матоларга сотдинг?! Балки бу изоҳларда бироз муболаға бордир, ҳар ҳолда,

шоир айна ўринда беҳуда қўлламаган “олудадоман” сўзи бизни шундай тахмин қилишга ундади.

Мисра охирида келган “магар” сўзи ушбу байтни икки хил талқин қилишга имкон беради. Агар бу сўз шарт маъносидаги “гарчи” боғловчиси ўрнида қўлланган деб эътибор қилинса, мақтаъ тўлалигича нафс маломати билан хулосаланган бўлади, яъни шундай: “Эй Навоий, гарчи покиза ишқ билан ўйин қуриб, “покбоз – ҳалол ўйновчи” деган ном қозонган бўлсанг-да, билиб қўй, дунё муҳаббати билан этагинг булганган..!” Ҳазалнинг айна тарзда бандалик, хокисорлик эътирофи билан хотималаниши мантиқан тўғри, Навоий эътиқодига мувофиқ ечим.

Аммо одатда мумтоз матнларда истисно маъносини ифодаловчи “магар” сўзи зидловчи боғловчи вазифасида келади. Яъни, ўзидан олдинги жумла билан ўзидан кейинги жумлани қарама-қаршилиқ асосида бир-бирига боғлайди. “Магар”дан олдинги жумла маъноси – шоирнинг ўз-ўзини маломат қилиши, ўзининг ярамас киши эканига иқдор бўлишидан иборат эди. Мантиқан олинса, байт шу маъно билан яқунланиши керак. Лекин Навоий услубига ҳос яна бир хусусият – фикрнинг мантиқ доирасига сикмай қолиши, тўғрироғи, фавқулудда мантиқ чегарасининг кенгайиб кетиши. Мазкур ўринда айна ҳолат кузатиляпти. Навоий байтдан-байтга яширин ўтиб келаётган маънони “магар” сўзи воситасида фош қилишга журъат топди: “Эй Навоий, ҳолислик йўлидаги даъвонгни оқлолмадинг, фурсатни бой бердинг, бироқ вақтингни ўғирлаган сабаб – покиза ишқ эди, шу ўйин билан машғул бўлдинг, шунинг учун сени “покбоз”, яъни “ҳалол ўйновчи” дейдилар. Аввалги талқинда соддалик ва равшанлик бор. Кейингиси бироз мураккаброқ туюлса-да, ҳазалнинг умумий сиёқига мос. Соддалик ва равшанлик – мазмун бутунлигидан бўлса, мураккабликнинг сабаби – услубий уйғунликни ҳис қилиш, бу завқни ҳосил қилиш ўта нозик, меҳнат талаб бир иш эканидандир. Ҳар ҳолда, бу талқинлар бир жиҳатдан, Навоий тафаккурининг сарҳадлари қанчалар кенглигини намоён этса, бошқа жиҳатдан, биз каби бугунги ўқувчиларнинг бу сарҳадларга етишга қувватлари нақадар ожиз эканини кўрсатади.

Рашид ЗОҲИДОВ

“Рамида кўнглум эрур ишқ мубталоси ҳануз...”

Рамида кўнглум эрур ишқ мубталоси ҳануз,
Бошимда бордурур ул сарвқад ҳавоси ҳануз.

Юзунг фироқида ҳар бир кўзум менинг бир доғ
Кўюптурур, вале тушмайдурар қароси ҳануз.

Фақиҳ қилди дуо “Ишқдин қутулғил” деб,
Қабул қурбида эрмас эмиш дуоси ҳануз.

Нечук тамаъ қилайин меҳр ила вафосинким,
Ҳақир жонима дархўрд эмас жафоси ҳануз.

Ҳалок ўқи кўзунг урмиш кўнгулга тонмаки, бор
Ёнида кирпичу қошингдин ўқу ёси ҳануз.

Ҳалокинг ўлғали жон кўз қорарди, ваҳ, юз очиб,
Қорадин ани чиқарғилки, бор азоси ҳануз.

Сипеҳр зулмидин ул навъ мотамидур субҳ,
Ки, умрлар ўтубон чок эрур яқоси ҳануз.

Навоий жон берур, ул муддаийни маҳрам этар,
Бу ишча юз минг эмастур анинг сазоси ҳануз.

V–V– VV-- V–V– VV~
мафоилун фаилотун мафоилун фаилон
мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур

Луғат

Рамида ф. – хурккан, чўчиган

Сарвқад ф. – тик, хушқомат

Ҳаво а. – орзу, истак, майл

Фақиҳ а. – шариат асослари ва ҳукмларидан хабардор олим;
моҳир олим

Қурб а. – яқинлик

Ҳақир а. – кичкина, арзимас

Дархўрд ф. – лойиқ, арзирли, муносиб

Ё – ёй, камон

Азо а. – оғриқ

Сипеҳр ф. – осмон

Чок ф. – йиртиқ

Муддаий а. – даъвогар

Маҳрам а. – улфат; сирдош

Сазо ф. – жазо; лойиқ

Насрий баён

Хуркак кўнглим ҳануз ишққа мубтало, ҳали ҳануз у хушқомат-нинг орзуси ҳаёлимда.

Юзинг фироқи сабаб ҳар бир кўзимда пайдо бўлган қора доғ ҳануз йўқолмаган.

Ўз ишининг устаси бўлган фақиҳ олим “ишқдан ҳалос бўл” дея мен учун дуо қилди, лекин ҳануз унинг дуоси қабул қилинишга яқин эмас эмиш.

Шу арзимас жонимга лойиқ бўлмаган жафолар ёғдираётган бир пайтда мен ишқдан қандай қилиб меҳр ва вафо тамаъ қилай?!

Тонмагил, кўзинг ҳалокат ўқини кўнглимга ёғдирыпти, боз устига ҳали киприк ва қошлардан иборат ўқ-ёйларинг ҳам бор!

Сен отган ўқлардан жоннинг ҳалок бўлишини ўйлаб, кўзлар ғамдан қорайиб кетди, воҳ, энди юзингни очиб, уни бу қораликдан чиқар, ғамдан етган оғриқ ҳануз кетгани йўқ.

Фалак зулмидан тонг шундай бир мотамдаки, қанча умрлар ўтган бўлса ҳам ҳануз унинг ёқаси чок.

Навоий жон беряпти ва ишқ аталмиш даъвогарни ўзига улфат тутяпти, нечунки, у туфайли ёғилган бу ташвишлардан яна юз мингтаси бўлса ҳам у ошиққа жазо учун кифоя эмас.

Шарҳ ва изоҳлар

Бир нарсадан ҳуркиб, чўчиб туришнинг сабаби нима? Ўша нарсанинг тасаввурда ҳосил бўлган қўрқинчли суратими ёки олдиндан таниш, юзма-юз бўлинган, бошдан кечирилган ҳолатнинг яна такрорланишини хоҳламасликими? Агар ҳуркиб, чўчиб туриш тасаввур орқали юзага чиқса, бамисоли, ялмоғиз кампир, саккиз бошли аждаҳодек, бу энди инсоннинг ҳануз болалик эртакларидан балоғат оламига кўтарилмаётганининг белгиси. Агар чўчиб туриш инсоннинг фавқулодда хушёрлигидан бўлса, бамисоли, ўтда куйган кишининг ҳали олов кўриниб улгурмасидан териларининг учиб, титраб олов тафтидан ўзини четга тортаётгани каби, бу энди реал қўрқув натижаси бўлади.

Лекин Навоий тилга олаётган кўнгилдаги ҳуркаклик на у сабабга боғланади, на бунисига?! Чунки бир нарсадан чўчиб, яна ўша нарсага ўзни уриш биз билган мантиққа тўғри келмайдиган, тушунилиши қийин ҳодисадир. Майли, бу ҳодисага бутунича таъриф беролмасак-да, унинг баъзи қисмларини ўрганишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

“Рамида кўнглум эрур ишқ мубталоси ҳануз”, яъни кўнгил ниманидир йўқотишдан, йўқотган нарсасининг ўрнини бошқа бир нохуш нарса эгаллашидан чўчиб турибди. У нарса нима, ҳақиқатан ҳам нохушми ёки аксинча? Шоир бу тарздаги охири йўқ савол ва тахминларга ўрин қолдирмай, муддаони айтиб қўя қолади, у – ишқ! Ишқ бир бало – синов, бу синовнинг ўзлаштириб олса бўладиган муайян қонун-қоидалари, замони, макони, кайфияти йўқ. Қачон, қаерда, қандай ҳолатда юзланади – маълум эмас. Мана шу номаълумлик кўнгилни ҳуркитади.

Мисра охирида келган “ҳануз” радифи кўнгилнинг ишққа мубталолиги кеча ё бугун пайдо бўлган иш эмас, балки қадимий дард эканига ишора қилади ва айни замонда кўнгил ҳануз хотирдан кетмаган сарвқадни орзу этади. Бу орзу сарвқаднинг нур

манбаи бўлган юзини эсга солади. Лекин олис айрилиқнинг сояси қуюқлашган, яралган нарса борки, ҳаммасида ҳажр нафаси, ҳижрон табиатларга сингиб, моҳиятга айланган. Шунинг учун Навоий: “Кўзим қорачиқлари юзинг фироқидан пайдо бўлган доғдир, қораси ҳануз йўқолмаган” – дейишгача боради. Фироқ қон-қонга сингиб, ҳар бир ҳужайра шу маънони ташиётганини кўз ўнгимизга келтириш учун бундан ортиқ ташбеҳ бўлиши мумкинми?!

Бошқа бир байтида Навоий бу қадим айрилиқ ҳақида янада очикроқ айтади: “Эй фироқингдин менга ғам рўзию меҳнат насиб // Оҳким, ҳажрингда ўз шаҳримда бўлмишмен ғариб”. Яъни, эй ишқ Эгаси, ўртага фироқ тушганидан бери ғам менинг кундалик озигим, меҳнат-машаққат менинг насибамга айланган, Сен менга маскан қилиб берган ўз уйимда эса, оҳ, ҳажринг туфайли бегонаман.

Мавлона Румий ҳазратлари ҳам ўзининг машҳур “Маснавийи маънавий” асарини айнаи жудолик мавзусига оид байтлар билан бошлаган:

Тингла найни, не ҳикоятлар қилур,
Ул жудоликдин шикоятлар қилур.

Пора-пора қилди кўксимни фироқ,
Баски, сўйлай эмди дарду иштиёқ...

Ким йироқ тушса, йўқотса аслини,
Боз истар, боз қўмсар васлини...

Найни ёндирган ўшал ишқ оташи,
Майни ёндирган ўшал ишқ оташи.

Най саси ёрдин дарак эрмиш, не бок,
Пардаси пардамни этмиш чок-чок.

Бу жудолик инсон тақдирида азалдан мавжуд воқелик бўлса-да, кўплар фанони ҳақиқий билиб, асл Ватанни унутган, вақтинча қўналга бўлган дунё ва унинг неъматларига алданган. Шунинг учун уларга най ноласи бир ел, ичи бўш қуруқ ҳаво, найни ёндирган ишқ оташини улар қандай ҳис қилсин?! Бу оташ улар

учун зинҳор соғломлик аломати эмас, бу оташни улар беморни ҳушдан айириб, алаҳсиратаётган иситма деб билишади. Наҳотки, бу қараш аллақачон одат тусига кирган бўлса, қўпчилик учун одил мезон бўлиб улгурган бўлса?! Ҳатто улар “бемор”ни азбаройи ҳалокатли дарддан қутқармоқ қасдида унинг: “Сенинг дардинг менга дармондин ортиқ” деган ўтли оҳларига қарши дам уриб, “ишқдан қутил, ишқни тарк эт” деб дуолар қилишади. Аммо ишқни ўчириш учун урилган бу дамлар, аксинча, ишқ оловини янада гуриллатади. Шунинг учун ҳам Навоий: “Менинг бу аҳволимдан халойиқ хайрон, дардимга чора излаган табиблар сарсон, шунда нафаси ўткир, сўзлари кескир, илмида моҳир бир фақиҳ ишқдан халос бўлишимни тилаб дуо қилди. Лекин менинг аҳволим ўша-ўша... Айтишларича, дуо қабул бўлмаган эмиш” деб киноя қияпти.

Аҳли зоҳирлар билан орани очиқ қилганидан сўнг Навоий яна асл дардга кўчади, ишқ мақомининг табиатини тазодли маънолар манзарасига жойлаб, улуғликни осмонўпар тоғлар қадар юксалтиради, ҳақирликни тоғларнинг пойига тўшалиб, тоғларни кўтариб турган ер каби пасайтиради. Ишқ олдида менинг ҳақир жоним шу даражада кичикки, қиёслаб бўлмайди. Ундан етаётган жафо ҳам шу нисбатда улуғки, қиёслаб бўлмайди. Наҳот, мана шу зидлик бизни боғлаб турибди, қандай муборак силсила..! Майли, жоним – ҳақир, ишқнинг жафоси – улуғ, кичкина жонимга улкан жафолар “бу ҳам кам сенга” дегандек, кетма-кет ёғилиб турган пайтда жафодан минг карра улкан меҳру вафони тамаъ қилишим инсофданми?!

Лекин бандаман, сабрим йўқ, қўрқаман, эй ишқнинг Эгаси, битта назарингнинг ўқи мингта жонимни ҳалок қилишга кифоя, боз устига ҳали киприк ва қошлардан иборат ўқ-ёйларинг ҳам бор, бундан қандай тониш мумкин! Сен отган ўқлардан жоннинг ҳалок бўлишини ўйлаб, кўзлар ғамдан қорайиб кетди, воҳ, энди юзингни очиб, уни бу қоралиқдан чиқар, ғамнинг оғриғи хануз кетгани йўқ. Отамиз Одам алайҳиссалом яратилганидан буён қанча замонлар ўтди, бироқ жудолик қайғуси бошимиздан бирор муддат аригани йўқ, худди дунё яралганидан бери фалак зулмидан озурда, мотамзада, яқоסי чок субҳдек. Субҳ зулматлар ичра отишга чоғланаётган тонгдир, умрлар ўтса ҳам яқоסי чоклигича қолмоқда.

Мақтаъда Навоий матлаъда бошланган “Рамида кўнглум эрур ишқ мубталоси хануз” маъносини хулосалаб қўйяпти. Гарчи ишқ кўнгилни ҳуркитадиган бир бало, ҳалокатли бир даъво бўлса ҳам охирги нафасимгача ўша даъвогарни ўзимга улфат тутаман. Чунки ҳуркак кўнглимни Ҳаққа боғлайдиган ишқ-муҳаббатнинг қиймати шу даражада баландки, агар бу йўлда яна юз мингта жавру жафолар чекадиган бўлсам ҳам унинг ҳаққини етарли адо қилмаган бўламан.

Рашид ЗОҲИДОВ

“Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз...”

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлгандек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Гоҳ сарв узра, гоҳе гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки, менмен гунгу лол, ул сарви гулрухсорсиз.

Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен
Ким, эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.

Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ даме дилдорсиз.

Май чу бердинг зулф ила банд эт мени, эй муғбача
Ким, хуш эрмас муғ била ичмак қадах зуннорсиз.

Топмадуқ гулранг жоме беҳумор, эй боғбон,
Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъким, хамморсиз.

– V – – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Нағмасоз – чалгучи, хонанда, созанда

Тонг – ажаб, таажжуб, ҳайронлик

Озурда – озор чеккан, ранжиган, хафа бўлган

Озор – 1) хафалик, азият; қайғу, алам; ранж; 2) қийинчилик

Равза – 1) боғ, боғча; 2) жаннат

Ашжор – дарахтлар

Зулф – 1) соч, соч ўрими; маҳбуба, севгили сочи; 2) кокил, гажокак

Муғбача – 1) мажусий бола; 2) май ташувчи, косагул; маъшуқа, севгили

Муғ – мажусий, оташпарасит, ўтга чўқинувчи; майфуруш

Зуннор – ғайридинлар белига боғлайдиган чилвир, белбоғ, мажозан ишқ йўлида ишқни маҳкам боғлаш

Жамъ – 1) гуруҳ, жамоат; 2) йигин, мажлис аҳли; 3) йиғилиш, тўплаш

Хаммор – 1) майхўр, ичкиликка берилган; 2) ичкилик тайёрловчи, ичкилик сотувчи

Насрий баён

Илк баҳор айёмида мен ватаним ва ёримдан айро ҳолдаман, бу худди куз фаслидаги гул ва гулзорсиз булбул ҳолига ўхшайди.

Булбул гоҳ гул, гоҳ сарв устида хонанда бўл(ган пайти) мен у сарв бўйли гул юзли маъшуқасиз гунг ва лол (аҳволдаман).

Мен ватаним ва ёримдан айро ҳолда ранжиган аҳволдаман, ахир булбул гул ва гулзорсиз қайғули бўлиши ажабланарли эмас-ку.

Жаннатда (ҳам) бир лаҳза ёрсиз (бўлсам, унинг) дарахтлари ўгин, гуллари эса жон(имни ёндирувчи) ўтга айланади.

Май бердинг, энди мени сочинг билан ўраб, банд қил, эй май куювчи (гўзал, чунки) майфуруш (муғ) билан зуннорсиз қадах ичиш яхши эмас.

Гулранг жомни хуморсиз ҳолда топмадим, эй боғбон, бу гулшан аро (бирорта) тикансиз гул ўсмас эмиш.

Зоҳидлар ичида Навоий мақсадга йўл топа олмади, эй мажлис аҳли, вақтингизни ичкилик сотувчиларсиз (кўнглингизни) хуш тутинг.

Шарҳ ва изоҳлар

Биз таҳлил қилаётган ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонига киритилган 208-ғазал бўлиб, мазмунан ошиқона, шаклан якпора турга мансуб. Унда илк баҳор айёмидаги маъшуқасидан айрилган ошиқ ҳолати, руҳий аҳволи тасвирланади.

Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлгандек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Бу ғазални Навоий Самарқанд ёки Астарабодда ёзган, кўрилади. Чунки Навоийнинг кўп ғазалларида ёрдан айролик, хижрон аламлари тасвирланса-да, ёрсизлик, диёрсизлик (Ватансизлик, Ватандан айролик) билан параллел ифодаланмайди. Бу ғазалдаги тасвирда эса вазият ўзгача.

Илк баҳор кунлари. Гулзорда гуллар очилиб, ифори оламга сочилган лаҳзалар. Булбул гулзорда гул васли билан маст. Лекин ғазалнинг лирик қаҳрамони бўлган ошиқнинг қалбида кеч куз ҳолати намоён бўлмоқда. У ўзини хазон фаслида гулзор ва гулдан айрилган булбул ҳолатига ўхшатапти.

Байтда *навбаҳор айёми* ва *хазон фасли* бирикмалари ёрдамида *тазод*, мен (лирик қаҳрамон) булбулга, диёр ва ёрсизлик гулзор ва гулдан айроликка қиёсланиб, *муқояса*, *навбаҳор*, *булбул*, *гул* ва *гулзор* сўzlари воситасида *таносуб*, *гул* ва *гулзор* сўzlари ёрдамида эса *иштиқоқ* санъатлари яратилмоқда.

Гоҳ сарв узра, гаҳе гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки, менмен гунгу лол, ул сарви гулрухсорсиз.

Матлаъдаги манзара тасвири давом этмоқда: булбул гоҳ гул шохига, гоҳ сарв дарахтига қўниб, сайрамоқда. Унга ишқ ва садоқат изҳор этмоқда. Мен эса унга тамоман тескари ҳолдаман: сарв бўйли гул юзли ёримсиз бир сўз дейишга ожиз (гунг) ва ҳаракатсиз (лол) ҳолдаман.

Байтда *гоҳ, гаҳе* сўзлари ёрдамида *такрир, сарв, гул* ва *булбул* ҳамда *гунгу лол* сўзлари ёрдамида *таносуб, сарв* ва *сарви* сўзларидан *такрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв* тури пайдо бўлмоқда. Бундан ташқари яна мен (*лирик қаҳрамон*) ва *булбул* сўзлари орасида *муқояса* ва *маънавий тазод* санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Тонг эмастур гар диёру ёрсиз озурдамен
Ким, эмас булбул гулу гулзорсиз озорсиз.

Матлаъдаги қиёс давом этади: Ҳа, булбулнинг гул ва гулзордан айрилганда озурда – ранжиган ва хафа бўлиши ажабланарли эмасдай, ошиқнинг ҳам ўз ватанидан олис ва ёрдан узоқлигидаги озорланиши тонг эмас.

Байтда *озор* ва *озурда* сўзлари ёрдамида *иштиқоқ*, одатдагидек, *гул, гулзор* ва *булбул* сўзлари ёрдамида *таносуб, эмас* сўзининг *такроридан такрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв* тури, *гул* ва *гулзор* сўзларидан *иштиқоқ, тонг, диёр, ёр, озурда, гулзор, озор* сўзлари ёрдамида “о” тувушининг иштирокидаги *тавзиъ* санъатлари яратилган.

Равза ашжори ўтундур, гуллари жонимға ўт,
Мумкин ўлса анда бўлмоғлиғ даме дилдорсиз.

Ёрсиз гулзор эмас, хатто жаннат ҳам ошиққа дўзахга ўхшайди. Унинг гул ва мевага бурканган дарахтлари ўтиндай, жило сочиб турган ҳушбўй гуллари эса жонни ёқувчи ўтга ўхшайди.

Байтда *равза ашжори* (дарахти) ўтинга, гуллари жонни қувчи ўтга ўхшатиш орқали *ташбеҳ* ва *муболаға* санъатлари яратилган.

Май чу бердинг зулф ила банд эт мени, эй муғбача
Ким, ҳуш эрмас муғ била ичмак қадаҳ зуннорсиз.

Навбатдаги байт бегона байтдир. Байтда Навоий ғазалда тас-
вирланган мавзуга яқин масалада фалсафий мушоҳида юрит-
моқда. Яъни, майхонага кирган киши май талабида бўлади. Би-
роқ ушбу ғазалнинг қаҳрамони муғбача – май ташувчи бола (ёки
қиз)дан сочларининг зуннор қилиб, белимга боғла, деб талаб қил-
моқда. Бунинг сабаби, май ичувчи киши, албатта, диндан чиқ-
моғи керак. Диндан чиқишнинг белгиси эса зуннор тақишдир. Бу
байтнинг зоҳирий маъноси. Ундаги рамзу истелоҳларнинг боти-
ний маъноси кўриб чиқамиз:

Май – илоҳий маърифат, ёки ишқ;

Зулф – яратилган олам, унинг қийинчиликлари;

Муғбача – мурид қалбига пири муршид муждаларини келти-
рувчи воситачи;

Қадах – май, илоҳий маърифат;

Зуннор – бирор иш, масалан илоҳий ишқ ёки маърифат йўли-
да белни маҳкам боғлаш.

Демак, байтнинг ботиний маъноси қуйидагича бўлади:

*Қалбимга илоҳий маърифат учқунларини бахш этдинг, энди
илоҳий ишқ йўлидаги қийинчиликларни ҳам кўрсат, чунки илоҳий
ишқ йўлига кирган комил инсон билан руҳан яқинлашган киши, ал-
батта, бундай ишқнинг йўлида белини боғлаши керак.*

Байтда май, қадах, муғ ва зулф, зуннор, муғбача сўзлари ёр-
дамида икки ўринда таносуб, муғ ва муғбача сўзлари ёрдамида
иштиқоқ, муғбачага мурожаат этиш орқали *илтифот* санъатлари
ва *зулмаънайнлик ҳодисаси* яратилган.

Топмадуқ гулранг жоме беҳумор, эй боғбон,

Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас эрмиш хорсиз.

Навбатдаги байт ҳам, юқоридагидай, бегона байт бўлиб, фақат
унда илоҳий ишқдан эамс, дунёвий фалсафадан баҳс юритилади.
Яъни: бу тикансиз гул, дунёда жафосиз ёр, машаққатсиз хунар йўқ
экан, гул рангидаги майни ҳумор ва ташна бўлмаган ҳолда, ичиб
бўлмайди.

Боғбон сўзи ҳам орифона истелоҳ бўлиб, Худо маъносида қўлла-
нилади. Гулшан – олам маъносини акс эттирса, гул – ундаги инсон-
лар, хусусан ғўзаллик соҳиби хушрўй инсон, маъшуқа, ёр маънолари-

ни ифодалайди. Хумор бўлмоқ – махбубнинг иззат пардаси орасига яшириниши ёки дунё пардаси ваҳдат юзини беркитиши. Хор – дард, алам ёки эътиборсизлик, камситилиш маъноларини ифодалайди.

Демак, байтнинг ботиний маъноси қуйидагича бўлади:

Дунё пардасини ваҳдат юзини беркитмаган ҳолда кўрмадик. Шундай экан, ишқ ва маърифат бодаси ҳам унга ташна бўлгандан кейин берилади. Шундай экан, бу дунёда ҳеч бир иш машаққатсиз, ҳеч бир висол ҳижронсиз, ҳеч бир ишқ азоб-изтиробларсиз бўлмайди.

Байтда гул, гулранг, гулшан сўзлари ёрдамида иштиқоқ, боғбон, гул, гулшан, хор ҳамда жом ва хумор сўзлари иштирокида таносуб, боғбонга мурожаат этиш орқали *илтифот* санъатлари яратилган. *Зулмаънайнлик ҳодисасига* ҳам мурожаат этилган.

Аҳли зуҳд ичра Навоий топмади мақсадқа йўл,
Вақтингизни ҳуш тутунг, эй жамъким, хамморсиз.

Мумтоз адабиётда зоҳид истелоҳи салбий аттенка бериб, жаннатга кириш умидида ибодат қилувчи иккиюзламачи, мунофиқ маъноларини ифодалайди.

Мақтаъда Навоий зоҳидлар даврасида мақсадга, яъни илоҳий висолга йўл топа олмагинини, шунинг учун, жамъ бўлган аҳл, гуруҳга, аниғроғи дўстларга мурожаат этиб “вақтингизни ҳуш тутинг”, яъни хурсандчиликда ўтказинг, илоҳий маърифатга хумор бўлинг, деганини кўрамиз.

Байтда *аҳли зуҳд* ва *хаммор* сўзлари орқали *маънавий тазод*, эй *жамъ* ундалмаси орқали *илтифот* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Умуман олганда, ғазал ҳижрон, ёрсизлик аламларининг тасвири билан бошланиб, илоҳий ишқ, маърифатга ташналик, яъни илоҳий ҳижрон лаҳзаларини тасвир этиш билан якунланади.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Меҳнат ўтидин ёруқтур ҳар тараф кошонамиз...”

Меҳнат ўтидин ёруқтур ҳар тараф кошонамиз,
Бўлди гўё аждаҳо коми бизинг вайронамиз.

Тойири васл учти ашким донасидин ваҳм этиб,
Қушқа, ваҳким, рам берур толиъ йўқидин донамиз.

Ул чароғи ҳусн вайрон кулбани ёрутқали
Меҳр шамъин ёрутуптур ҳар куюк парвонамиз.

Бўлди ошиқ ақл ила ҳазл айлабон вола кўнгул,
Ўтқа тушти ўйнай-ўйнай кул била девонамиз.

Эл тилидин уйқу ўчмиштур кўзумдин гўйиё
Ким, эрур бахт уйқусининг боиси афсонамиз.

Ўлтурай бир май била деб, тиргузурсен, соқиё,
Оби ҳайвон бирла гўёким тўлар паймонамиз.

Муршидеким, қилса иршоди фано, биллаҳ анга
Бу вужуди оразидин ўзга йўқ шукронамиз.

Кўйида кўнглум кўнгуллар ичра кўрдум, турфа кўр,
Турфароқким, ошнолиғ бермади бегонамиз.

— V — — V — — — V — — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Меҳнат – қийинчилик, машаққат

Ёруқ – ёруғ, ойдин

Ком – оғиз, танглай

Тойир – қуш

Ашк – кўз ёши

Рам – чўчиш, ҳуркиб қочиш

Дона – бу ўринда: қушларни илинтириш учун тузоқ атрофига сепиладиган дон

Вола – мафтун, шайдо

Оби ҳайвон – тириклик суви

Муршид – пир, устоз

Иршод – тўғри йўл кўрсатиш; раҳбарлик қилиш

Ораз – юз

Биллаҳ – Худо ҳаққи, азбаройи Худо

Насрий баён

1. Машаққат ўтидан бу хонамиз ёришиб кетган. Вайрона кулбамиз гўё аждарҳонинг оғзини эслатади.

2. Висол қуши кўз ёшим донасидан қўрқиб учиб кетди, э воҳким, толемиз йўқлигидан қуш учун қўйган донимиз ҳам қушни чўчитиб юборди.

3. Хусн чироғи вайрон кулбамизни ёритиши учун хонамиздаги парвоналар ўзини куйдириб, меҳр шамини янада равшанроқ ёқибди.

4. Ақл билан ҳазиллашган бу мафтун кўнгил ошиқ бўлганини билмай ҳам қолди, энди кул билан ўйнаб, оловда ёнган девона камимиз.

5. Менинг кўзимдан уйқу ўчгани каби одамларнинг тили ҳам уйқуни унутди, бизнинг халқ тилида афсона бўлганимиз бахтимизнинг уйқусига сабаб бўлди.

6. Эй соқий, бир қадаҳ май билан ўлдираман деб аксинча жон бағишляпсан, гўё тириклик сувини ичиб, паймонамиз тўладиганга ўхшайди.

7. Агар пиримиз бизни фано йўлига бошласа, Худо ҳаққи, унинг юзига термулишдан бошқа шукронамиз йўқ.

8. Унинг кўйида кўнглимни турли кўнгиллар ичида кўрдим, бу бегона бизга ошно бўлмади.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ошиқона мавзудаги ушбу ғазали мазмунан шарҳи ҳол йўсинида яратилган. Ғазалда ишқ йўлига кирган солиқнинг бу йўлдаги машаққатлари, аламу изтироблари баён қилинади. Матлаъдаёқ бу ҳолат юксак пардаларда тасвирланади:

Меҳнат ўтидин ёруқтур ҳар тараф қошонамиз,
Бўлди гўё аждаҳо коми бизинг вайронамиз.

Лирик қаҳрамонга ишқ йўлида шундай машаққатлар юзланганки, уларнинг оловидан ҳатто кулбаси ҳам ёришиб кетган. Шу ҳолатда бу вайрона (одатда, мумтоз адабиётда ошиқнинг ошиёни вайронага қиёсланади) аждаҳонинг оғзини эслатади. Маълумки, аждаҳо оғзидан ўт пурковчи, кишини ўз домига тортувчи, ер тагида ёки вайроналарда яшириниб ётган хазиналарни қўриқлаб ётадиган махлуқдир. Бу ўринда ошиқнинг изтироблар ўтидан ёришган кулбаси оғзидан ўт пуркаб турувчи аждаҳо оғзига ўхшатиляпти, шу билан бирга бу изтиробу машаққатлар ошиқни ўз домига тортиб юборадигандек ваҳимали...

Иккинчи байтда изтироблар тасвири янада таъсирчанроқ ифодаланади:

Тойири васл учти ашким донасидин ваҳм этиб,
Қушқа, ваҳким, рам берур толиъ йўқидин донамиз.

Ошиқнинг бу ҳолати (аждаҳо оғзидек кулбанинг ваҳимаси, кўз ёшлари)дан висол қуши ҳам қўрқиб учиб кетди, энди васлдан умид қилиш амри маҳол, э воҳким, аслида бу дон қушни ўзига чорлаши керак эди, лекин ошиқнинг толеи йўқлигидан ҳатто қуш ҳам чўчиб, (дондан қўрқиб) учиб кетди. Шоир бу ўринда сўз ўйини воситасида кўз ёшлари донасини шаклан қуш учун қўйиладиган донга ўхшатиб, бетакрор тимсол яратишга муваффақ бўлган.

Кейинги байтда ошиқ кулбасининг ёрутлигига яна бир сабаб келтирилади:

Ул чароғи ҳусн вайрон кулбани ёрутқали
Меҳр шамъин ёрутуптур ҳар куюк парвонамиз.

Маълумки, парвона шамъ атрофида айланувчи кичик капалак бўлиб, мумтоз адабиётда ошиқ тимсолини ифодалаб келади. Байтда лирик қаҳрамоннинг вайрон кулбасини парвона меҳр шамъи билан чароғон қилганлиги таъкидланар экан, “Лисонут тайр”даги “Парвоналар ва шам” билан боғлиқ ҳикоят ёдга тушади. Унга кўра, бир гуруҳ парвоналар шамга етишмоқни мақсад қилибдилар. Улардан бири қанотларини куйдириб, шам ҳақидаги сўзларни қолганларига сўзлаб бермоқчи бўлибди. У ҳар қанча уринмасин, эшитувчилар уни англай олмабдилар. Қолганларда ҳам шу ҳолат такрорланибди. Шунда сўнгги парвона ўзини шамга уриб, шуълага айланибди ва равшанроқ ёнибди... Байтда парвоналарнинг ўзларини шамъга уриб, муҳаббат оташини ёққанлари оқибатида лирик қаҳрамоннинг вайрон кулбаси янада ёришганлиги таъкидланади.

Тўртинчи байтда ҳам ўт ва куйиш билан боғлиқ талқинлар давом этади:

Бўлди ошиқ ақл ила ҳазл айлабон вола кўнгул,
Ўтқа тушти ўйнай-ўйнай кул била девонамиз.

Яъни ишқни ҳазил иш, ўйин деб билган бу мафтун кўнгил ошиқ бўлганини билмай ҳам қолди, бу худди кул билан ўйнаб, охир-оқибат оловда ёнган девонанинг ҳолига ўхшайди.

Навбатдаги байтда ошиқ ишқининг эл тилида афсона бўлганлигига урғу қаратилади. Бу ҳолат образли тарзда бетакрор ташбеҳлар воситасида баён қилинади: афсона туфайли элнинг тилидан, ишқ туфайли ошиқнинг кўзидан уйқу ўчган. Ишқ дардидан бебаҳра эл бир дам ҳам ошиқни маломат қилишдан тўхтагани йўқ, яъни унинг тили тин олгани йўқ. Ошиқ эса ишқ изтиробларию ҳижрон алаmidан уйқусиз (зеро, “Лайли ва Мажнун”даги таъбирга кўра: “Ишқ аҳлигадур ҳаром уйқу”), лекин таассуфки, ошиқнинг бахти уйқуда...

Кейинги байтларда ғазалга соқий ва у орқали пири муршид (устоз) образи кириб келади ва натижада ошиқона ғазал орифона

“юк олади”. Байтнинг маъносига кўра, агар пири муршид лирик қаҳрамонни фано йўлига бошласа, ошиқнинг пир юзига термулишдан бошқа шукронаси йўқ, зеро у муршиднинг юзиди илоҳий жамолни кўради. Байтдаги ботиний маънога кўра, ошиқ ишқ йўлида шундай пири муршидга эҳтиёжмандки, у ошиқни фано мақомига етакласин. Маълумки, тасаввуф фалсафасига кўра, фано – инсон ўзлиги ва бандалиги мақомини Ҳақ таоло баробарида йўқ деб билмоқ, барча майл-истак ва таманноларидан воз кечиб, бутун олам ва оламдагилар Худонинг олдида ҳеч нарса эмаслигини теран англамоқ, башарий сифатлардан қутулиб, илоҳий сифатлар билан ботин оламини беэмоқ демакдир (Алишер Навоий қомусий луғати). Демак, ғазалнинг лирик қаҳрамони ана шу мақомга йўналтиришни устоздан ўтинади ва унинг учун кўнгил кўзгусида Аллоҳ жамолини акс этишига эришишдан ўзга шукроналик йўқлигини айтади.

Ғазал ушбу мақсадга эришганлик таъкиди билан ниҳоя топади:

Кўйида кўнглум кўнгуллар ичра кўрдум, турфа кўр,
Турфароқким, ошнолиғ бермади бегонамиз.

Бу кўнгил Унинг кўйида шундай турфа ҳолларга эришдики, ўзидан бегона бўлди, бошқа кўнгилларга ошнолик қилмади, Ўзидан ўзгани қабул қилмади... Байтда қўлланилган *тавзий* (“к” ва “ў” товушлари асосида яратилган оҳангдорлик) ғазалнинг лисоний жозибасини оширган.

Дилнавоз ЮСУПОВА



“Бўлмаса ул бут қоши меҳробим ичра жилвасоз...”



Бўлмаса ул бут қоши меҳробим ичра жилвасоз,
Киблага, кофирмен, ар бош индуруб қилсам намоз.

Кон ёшимдин лаългун кирпич била айтур кўзум
Оразинг наззораси найларда юз тил бирла роз.

Қадди васлин истасам раъноли ғайлар ноз ила,
Хусн бўстонида ул саркаш қад эрмиш сарвиноз.

Одамийлигдин қочиб еттим жунун ўтин сочиб,
Эй саломат аҳли, айланг телба итдин эҳтироз.

Чехра оч кўнглумни десанг куйдурай, ҳижронни қўй,
Ўт не ҳожат, мум топса меҳробидингудоз.

Риштайи ашқин тутуб туффроғ сори тортар фано,
Ул сабабдин эгма қад зоҳир қилур аҳли ниёз.

Эй Навоий, ғайр нақшин пок юб жон лавҳидин,
Ёр учун жон ўйнасанг, ул лаҳза бор сен покбоз.

–V-- –V-- –V-- –V~

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Индуруб – эгиб

Лаългун – лаъл каби қизил

Кирпик – киприк

Эҳтироз – сақланиш, четланиш

Гудоз – куйиш, эриш

Эгма қад – эгик қомат

Насрий баён

1. Меҳробим ичида у бутнинг қоши жилва қилмаса, қиблага бош эгиб намоз қилсам, кофирман.

2. Қон ёшим ҳақида қизарган киприклар билан кўзим юзингга назар солиш вақтида юз тил билан сир айтади.

3. Қаддининг васлини истасам, у раънолик билан ноз қилади, хусн бўстонида у саркаш қадли сарвиноз эмиш.

4. Одамийликдан қочиб, жунун оловини сочиб етиб келдим, эй саломат аҳли, телба итдан ўзингизни четда сақланг.

5. Ҳижронни қўй, кўнглимни куйдирай десанг, чехрангни оч! Қуёш тафтидан мум эриб кетса, ўтга не ҳожат!

6. Фано кўзёш риштасини тутиб, тупроққа тортгани учун ниёз аҳли эгик қадлари билан намоён бўладилар.

7. Эй Навоий, жон лавҳидан бегона нақшларни пок ювиб, ёр учун жонни тиксанг, ўша лаҳза сен покбозсан.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ошиқона ғазалларидаги ишқ аксарият ҳолларда инсонга қаратилган ишқдир. Бу ишқ тараннуми айрим ҳолда замондошларнинг эътирозига ҳам учраган. Хусусан, “Сирож ул-муслимин” асарида илм суҳбатларининг баъзиларида Алишер Навоий ишқ васфи билан “дин уйини” бузганлиги ҳақида сўз боргани айтилади. Айни шу эътироз биз таҳлил қилаётган ғазал мазмунидаги бадийят намуналари хусусида бўлган бўлса, ажаб эмас.

Шоир матлаъда “ул бут қоши” меҳроб бўлмаган қиблага қараб намоз ўқиса, кофир бўлишини маълум қилади.

Бўлмаса ул бут қоши меҳробим ичра жилвасоз,
Киблага, кофирмен, ар бош индурубқилсамнамоз.

Маълумки, ислом динида намозни қиблага қараб ўқиш фарз-дир. Қибла эса Каъба томон – Макка шаҳрида жойлашган Масжиди Ҳаром ҳисобланади. Инсон қасддан қиблани ўзгартириб, бошқа томонга қарата намоз ўқиса, у кофирга айланади.

Алишер Навоий ўзи ошиқ бўлган инсонни “бут” деб атаётти. Одатда, буюк мутафаккир шеъриятида маъшуқ ёки маъшуқа гўзаллиги ҳамда ўз ошиғининг оҳу фарёдларига бефарқ бўлгани учун “бут” сўзи билан таърифланади. Шоир ўзидан аввал яшаб

ўтган шайх Фахриддин Ироқийнинг (1213 – 1289) ишқ ҳақидаги қарашларини қўллаб-қувватлаган, бу ғояларга хайрихоҳ бўлган. Ироқийнинг ишқ борасидаги таълимотидан хабардор бўлмаган ҳолда Алишер Навоий илгари сурган ишқ, ошиқ ва маъшуқ мавзуларини тадқиқ этиш мураккаб. Шоир “Фарҳод ва Ширин” достонида шундай ёзади:

Ўзи нақшу ўзи манқушу наққош,
Киши бу сирни мендек қилмади фош.

Алишер Навоий Аллоҳни Олам Наққоши, оламни нақш ва нақш қилинган (манқуш) деб атайдди. Коинотни Аллоҳнинг исм ва сифатлари нақшланган манқуш дея ҳисоблайди. Шундай экан, инсон бирор ғўзаллик ёки ҳуснга ошиқ бўлса, Аллоҳнинг ҳикматига, Унинг қудрати ва нурига ошиқ бўлган мақомдадир.

Шоир ҳуснни Аллоҳнинг нури дея атайдди ва ҳусн гулида вафо иси бўлмаслигини таъкидлаган (“Хайрат ул-аброр”). Ҳусн Аллоҳга яқин зотларда бўлиб, улар ўзларига ошиқ бўлганлар билан овора бўлмайдилар, балки Аллоҳ зикри билан машғулдирлар. Ҳусн соҳибига ошиқ бўлган инсон, аслида, инсонга эмас, балки унда кўринаётган Ҳақ тажаллийсига парвона.

Маъшуқ мақомидаги инсон ошиққа назар солади, бироқ унинг дардини ҳис этмайди. Ошиқ эса маъшуқни бир кўзгу сифатида кўради, аслида, бу кўзгуда акс этиб турган Аллоҳнинг тажаллийсига ошиқ. Агар бу ишқ бўлмаса, солиқ маъшуқнинг юзида бу нурни кўрмаса, маърифатдан бебаҳра қолади. Маърифатдан бебаҳра ҳолда ибодат қилмоқ эса куруқ тақлиддир. Тақлидчининг иймони эса, Алишер Навоийга кўра, хавф остида қолади. Шоир шунинг учун ўз ёрини бут дея атаб, сажда қилаётган меҳробда унинг қошини кўришни истайди. Қошдан мурод Аллоҳнинг ёр юзидаги тажаллийсидир. Яъни шоир Аллоҳга эҳсон мақомида – Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилишни истайди. Агар ҳиссиз, туйғусиз, маърифатсиз намоз ўқиса, ўзини кофир деб билади. Кофир деб билишининг сабаби шуки, тасаввуф аҳли нафснинг ёмонликларини, унинг тийиқсиз истакларини чуқур тадқиқ қилишган. Нафснинг хоҳишлари ичида Аллоҳга таслим бўлиш эмас, балки худоликка даъво

борлигини ўрганишган, шунинг учун нафсининг мусулмон бўлмаслигидан қўп шикоят қилганлар.

Алишер Навоий ғазал давомида ўз ишқининг кучи, шиддати, бошига солаётган синовларини шундай тушунтиради: ошиқнинг кўзларидан қонли ёш аримайди, ёрнинг юзига боқар экан, киприклари тилга айланиб, кўзнинг розини, дардини қон ичида туриб айта бошлайди.

Ошиқ ёр қаддининг васлига етишни истайди, бироқ маъшуқа ноз билан раънолик қилади, яъни ошиқнинг ҳолатини кўзга илмайди, сабаби шу эканки, у саркаш ёр ҳусн бўстонида сарвиноз – қомати энг кўркам ва гўзалдир.

Қаддиваслинистасамраънолиғайларноз ила,
Ҳусн бўстонида ул саркаш қад эрмиш сарвиноз.

Ёрнинг бу қилиқлари ошиқнинг ишқини зиёда қилди ва одабийлигини йўқотди – жунунга мубтало бўлди, кўрганлар уни “Мажнун”, яъни телба, эсини йўқотган жинни, деб атай бошладилар. Ошиқ учун бу ҳол бахт, унга ҳеч кимнинг маломати таъсир қилмайди ва саломат аҳли бўлганларга қараб: “Кутурган итдан четда бўлинглар!” – дея тайинлайди.

Одабийлиғдин қочиб еттим жунун ўтин сочиб,
Эй саломат аҳли, айланг телба итдин эҳтироз.

Ғазал матни ичида ҳаракатланаётган лирик қаҳрамон саломат аҳлига қилган бу мурожаатидан сўнг ёрига илтижо этади: “Хижронинг ҳам куйдиради, чехранг ҳам ўт ёқади. Агар мақсаднинг кўнглимни куйдириш бўлса, хижронни қўй, чехрангни оч. Қуёш тафтидан мум эриб кетар экан, ўт ёқишга ҳожат борми?!” Яъни ёрнинг хижрони ўт, ҳусни эса қуёш. Ошиқ ўз қалбини мумга қиёсламоқда. Бу сўровнинг моҳиятида икки куйишнинг бирини танлаш лозим бўлса, ёр ҳусни қаршисида куйиш ихтиёр қилинмоқда.

Чехра оч кўнглимни десанг куйдурай, хижронни қўй,
Ўт не ҳожат, мум топса меҳртобидингудоз.

Ғазалнинг бу байтига қадар шоир ишқнинг ошиқ бошига соладиган офатларини асл саодат ўлароқ таърифлаб келади, мақтаъдан аввалги байт эса шеърнинг асл мазмунини очиб беради: фано аҳли ниёз аҳлининг кўз ёшларидан ушлаб, уларни тупроқ сари тортади, шунинг учун ниёз аҳлининг қадлари эгилиб қолган.

Риштаи ашқин тутуб туфроғ сори тортар фано,
Ул сабабдин эгма қад зоҳир қилур аҳли ниёз.

Мазкур байтда келаётган фано “аҳли”, “ниёз аҳли”, “тупроқ” каби сўзларга бироз изоҳ беришга эҳтиёж бор. Бу байт бир қарашда гўё шарҳ ва изоҳларга боғланмагандек туюлади, шунинг уни “бегона байт” деб талқин қилиш ҳолатлари учрайди. Аслида, Алишер Навоий ғазалиётида айнан мақтаъдан аввалги байт ғазалнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб берадиган асосий нуқта, образли айтганда, ғазал ғоясига олиб кирадиган эшиқдир.

Алишер Навоийга кўра, Аллоҳ розилиги, Унинг муҳаббатини қозониш йўли, нафсни синдириб, фонийликка эришишдир. Фано аҳли бу мақомга эришган, нафсни эгиб, кўнгилни поклаб юксак натижаларга эришган зотлар бўлиб, ниёз аҳли уларга эргашувчи ҳисобланади. Шоир ижодида ниёз аҳли ҳақида кўп сўз боради. “Ниёз” сўзи “эҳтиёж” маъносини билдириб, бу таъриф ошиқларга нисбатан қўлланган.

Ниёз аҳли фано аҳлига эргашади. Фано аҳлига ўз иродасини топширади. Фано аҳли пирлар, муршидлар саналиб, улар ўз тобеларига, яъни муридлари – ниёз аҳлига нафс риезатини буюрадилар. Ишқ моҳиятидан хабар берадилар. Ниёз аҳли фано аҳлига ошиқ бўлади. Фано аҳлининг юзларидан ёғилаётган илоҳий файз уларни мафтун қилади. Фано аҳлини ёр, маъшук сифатида билиб, уларнинг ишқида ёниб-куяди. Аммо фано аҳлининг хаёли Аллоҳда, Ҳақда. Ниёз аҳли ҳам, аслида, фано аҳлининг жисмига ёки нафсига ошиқ эмас, балки уларнинг юзида акс этаётган Ҳақ тажаллийсига мафтун. Фано аҳли ниёз аҳлининг ёниб-қуйишига, изҳорларига эътибор бермайди. Ниёз аҳли эса кўзларидан ёш тўкади. Ишқ уларни тупроққа айлантиради. Уларнинг барча маънавий иллатларини, шайтоний хусусиятларини енгади. Бу ҳол эса фано аҳли ниёз аҳлининг кўзёшидан ушлаб, тупроқ томона тортаётгандек

тасаввур уйғотади. Бу дард сабабли ниёз аҳлининг қадди эгилиб қолган.

Ғазал мақтаъсида шоирнинг мақсад-муддаоси янада ойдинлашади: лирик қаҳрамон ўзига буюрадики, жон лавҳидан ёр зикридан ташқари ҳаммасини ювиб ташламоқ лозим. Ёр учун жонни ўйнамоқ билан ошиқ покбозга айланади.

Эй Навоий, ғайр нақшин пок юб жон лавҳидин,

Ёр учунжонўйнасанг, уллаҳзаборсенпокбоз.

Бу ҳадди аъло ҳисобланиб, асл маънони ифодалайди: ёрнинг ўз ошиғига эътибор бермаслиги сабаби аён бўлди – унинг кўнглида фақат Ҳақ ёди бор экан. Демак, ошиқ ҳам асл Ёр – Аллоҳнинг зикрига машғул бўлсин ва жон лавҳини бошқа ҳар қандай бегона ўйлардан покласин. Шу ҳолда ошиқ покбоз мақомига чиқади, яъни унинг фано аҳлига бўлган ишқи пок эканлиги исботланади.

Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида чинакам ошиқларни покбоз, яъни пок назар, пок сўз, пок хаёл соҳиблари деб таърифлаган. Айни шу таърифга кўра покбозлик ишқнинг асл шартлари дандир.

Хулоса қилиш мумкинки, Алишер Навоий қаламига мансуб ушбу ғазал бадиий сўз санъатининг бетакрор намунаси бўлиш билан бирга фақру фано ғоясини ўзида акс эттирган фалсафий, назарий матн ҳамдир.

Ақром МАЛИК



“Жилваму қилди сариғ бўркин кийиб ул сарвиноз...”



Жилваму қилди сариғ бўркин кийиб ул сарвиноз,
Ёки чекти шуъла ахзар жисм ила шамътироз.

Куйса мажнун кўнглум ул юз ламъасидин тонг эмас
Не учунким айламас девона ўтдин эҳтироз.

Улки эрмас ишқи поку сажда айлар кўрса ҳусн,
Уйладурким, айлагай фосиқ таҳоратсиз намоз.

Рози ишқинг дерга пайконинг эрур кўнглумга тил,
Лол тил бирла қилур эрмиш такаллум аҳли роз.

Секритибчиқтиянамайдон сари ултуркмаст,
То янақайсикўнгулмулкигақилғайтурктоз.

Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшукни,
Йўқса невчун айлади Маҳмудқа қуллуқ Аёз.

Ҳар мақом ичраки бўлсанг айру бўлма ёрдин,
Эй Навоий, ҳожат эрмас қилмоқ оҳанги Ҳижоз.

–V-- –V-- –V-- –V~
фоилотун фоилотун фоилотун фоилон
рамали мусаммани мақсур

Луғат

Бўрк – бош кийим: телпак

Ахзар – яшил, кўм-кўк

Шамъи тироз – базмларда ёқиладиган нақшли шамъ

Ламъа – шугъла, ёлқин, порлоқлик

Эҳтироз - узоқ тутмоқ, ҳазир бўлмоқ

Фосиқ – 1) ахлоқсиз, бузук одам; 2) Аллоҳнинг буйруқларини
бажармайдиган, гуноҳдор мусулмон

Роз – сир

Пайкон – ўқ, бу ўринда: киприк

Такаллум – сўзлаш

Турк – мажозан: шўх гўзал

Турктоз – талон-торож қилувчи

Ҳижоз – 1) Арабистоннинг шимоли-ғарбий қисми (Макка ва Мадина жойлашган ҳудуд); 2) Мусиқадаги мақомлардан бирининг номи

Насрий баён

1. Сарвинозим сариқ рангли бош кийим кийиб, жилва қилдимми ёки нақшли шамъ яшил рангли шуъла чиқариб ёндими?

2. У юзнинг шуъласидан телба кўнглим куйса, ажабланманг, чунки девона ўтдан ўзини узоқ тутмайди.

3. Хусни кўрса, сажда қиладиган инсон пок ишқ соҳиби эмас, бу худди фосиқ одам таҳоратсиз намоз ўқигани кабидир.

4. Ишқим сирини айтай десам, киприкларинг кўнглимнинг тили вазифасини ўтайди, аҳли роз лол қолган (тутилиб қолган, соқов) тил билан сўзлайдилар.

5. Шўх ёрим майдон аро от сакратиб чиқди, у яна қайси кўнгил мулкани талон-торож қилар экан-а?

6. Ишқ агар комил бўлса, у маъшукни ошиқ қилади, шундай бўлмаса Аёз Маҳмудга қуллук қилармиди?

7. Эй Навоий, ҳар турли мақом ичида бўлсанг ҳам, ёр хаёлидан айру бўлма, бунинг учун Ҳижоз оҳангини чалиш шарт эмас.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ошиқона мавзуда бўлиб, унда ёрнинг таърифу тавсифи шарҳи ҳол услуби билан қоришиб кетган. Шоир ғазалнинг бошланишидаёқ хусни матлаъ (матлаънинг безаги) санъатини қўллаб, илк байтнинг ҳам мазмун, ҳам услуб жиҳатидан ниҳоятда мутаносиб бўлишига эътибор қаратади. Байтда таърифланаётган ёрнинг сариқ рангли бош кийим кийиб, жилва қилиши ошиқнинг назарида базмларда ёқиладиган нақшли шамънинг яшил ранг шуъла сочишига ўхшатиляптики, бу ҳолатнинг савол тарзида қўйилиши яна бир ажойиб санъат – тажохули орифнинг қўлланилишига имкон яратган. Шуъланинг яшил рангда эканлиги тасодифий бўлмай, бу ёр – сарвинознинг яшил либосда эканлигига ишора, чунки сарв доимий яшил рангда ўсувчи тик қадли дарахтдир:

Жилваму қилди сариғ бўркин кийиб ул сарвиноз,
Ёки чекти шуъла ахзар жисм ила шамътироз.

Навбатдаги байтда лирик қаҳрамон ушбу шуъла унинг кўнглини куйдирса ажабланмасликни сўрайди, чунки девона оловдан ўзини олиб қочмайди, унга ўтнинг куйдирувчанлик хусусияти писанд эмас:

Куйса мажнун кўнглум ул юз ламъасидин тонг эмас
Не учунким айламас девона ўтдин эҳтироз.

Мумтоз адабиётда хусн – ўткинчи деб қаралади, у ҳақиқий ишқ талқини учун мезон бўла олмайди. Бу фикрнинг исботини “Лисон-ут-тайр” достонида “Арасту ва унинг шогирди” билан боғлиқ ҳикоятда кўриш мумкин. Шоирнинг фикрича, зоҳирий гўзалликни кўрса, сажда қиладиган инсон пок ишқ соҳиби эмас, бундай кишилар таҳоратсиз ҳолда намоз ўқийдиган фосиқ кабидирлар:

Улки эрмас ишқи поку сажда айлар кўрса хусн,
Уйладурким, айлагай фосиқ таҳоратсиз намоз.

Хос ишқ эгалари ишқни атрофдагиларга ошкор этмайдилар, улар ўз сирларини қалблари орқали баён этадилар. Навоий бу ўринда сўз ўйини воситасида ошиқнинг ўз розини айта олмаслиги сабабини ёрнинг киприклари унинг тилига ханжардек ботиб, сўзлашга имкон бермаслиги билан боғлайди:

Рози ишқинг дерга пайконинг эрур кўнглумга тил,
Лол тил бирла қилур эрмиш такаллум аҳли роз.

Маълумки, Аёз Маҳмуд, Ғазнавийнинг аввал қули бўлиб, кейин хос кишиси, яқин мусоҳибига айланган йигит. Уларнинг пок ишқи кўплаб дostonларнинг яратилишига туртки бўлган. Навоий ушбу байтда шу ишққа ишора қилар экан, аввал маъшук даражасида бўлган Маҳмуд Аёзнинг юксак қалбига шайдо бўлиб, ошиқ мақомига етади:

Ишқ агар комилдурур, ошиқ қилур маъшукни,
Йўқса невчун айлади Маҳмудқа қуллуқ Аёз.

Мақтаъда Навоий нидо санъати воситасида ўзига мурожаат қилиб, ҳар турли мақом ичида бўлсанг ҳам, ёр хаёлидан айру бўлма, бунинг учун Ҳижоз оҳангини чалишинг шарт эмас, дер экан, ийҳом санъати воситасида Ҳижоз номини икки маънода: Арабистоннинг шимоли-ғарбий қисми (Макка ва Мадина жойлашган ҳудуд) ва муסיқадаги мақомлардан бирининг номи сифатида қўллаб, ёр хаёлидан бир дам чекинмасликни сўрайди.

Ҳар мақом ичраки бўлсанг айру бўлма ёрдин,
Эй Навоий, ҳожат эрмас қилмоқ оҳанги Ҳижоз.

Дилнавоз ЮСУПОВА

——
“Туфроғимдин кошки жисме мураттаб қилсангиз...”
——

Туфроғимдин кошки жисме мураттаб қилсангиз,
Бир ит ўлса кўйида руҳиға қолаб қилсангиз.

Етмагай чобуксуворим гардиға, эй аҳли ишқ,
Меҳрни рокиб қилиб, гардунни маркаб қилсангиз.

Боданўшум базми ғавғосидин, эй жону кўнгул,
Самъиға етмас неча фарёду “ё Раб” қилсангиз.

Оламиишқузра бас лойиқдурур, эй дардушавк,
Дуди оҳимни сипеҳр, ашкимни кавкаб қилсангиз.

Маркаби наълин мужалло қилғучилар зеб учун,
Оразимға суртунг ул дамким, музахҳаб қилсангиз.

То Навоий, қисматўлганмайниичмасчорайўк,
Дўстлар, авлобуким, жоминлаболабқилсангиз.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани махзуф

Лугат

Мураттаб – тартибламоқ, яратмоқ
Қолаб – қолип, тан, бадан
Чобуксувор – чавандоз, бу ўринда: ёр
Меҳр – қуёш
Рокиб – суворий, отлиқ
Самъ – қулоқ
Сипеҳр – фалак, осмон
Ашк – кўз ёш
Кавкаб – юлдуз
Маркаб – от
Наъл – тақа
Мужалло – жилолантирмоқ
Музаҳҳаб – олтин суви юритилган
Лаболаб – лиммо-лим, тўла

Насрий баён

1. Кошки, тупроғимдан бир жисмни барпо қилсангизу, ўлган итнинг руҳини унга жойлаштирсангиз.

2. Эй ишқ аҳли, агар қуёшни отлиқ қилиб, фалакни от қилсангиз ҳам, чаққонликда чавандоз ёримнинг чангида қолиб кетади.

3. Эй жон ва кўнгил, у май ичувчи ёрим қурган базмларнинг ғавғосидан сиз қанча “эй, Худо” деб фарёд қилманг, унинг қулоғи эшитмайди.

4. Эй дард ва шавқ, менинг оҳим тутунини сипеҳр, кўз ёшларимни юлдуз қилсангиз ишқ олами узра лойиқ ишдир.

5. Ёнинг оти туёқларига зеб учун жило берувчилар, агар уни олтин суви билан безамоқчи бўлсангиз, юзимга суртинг (юзим ишқ дардидан олтиндек сарғайиб кетган).

6. Навоий, сенга қисмат бўлган майни ичмоқликдан бошқа чоранг йўқ, эй дўстлар, унинг жомини май билан лиммо-лим қилинг.

Шарҳ ва изоҳлар

Ишқий мавзудаги ушбу ғазал услубан шарҳи ҳол йўналишида битилганлиги билан диққатни тортади. Унда шарҳи ҳол услубини ғазалнинг деярли ҳар бир байтида етакчилик қилувчи нидо санъати таъминлаб берганига гувоҳ бўламиз. Шоир гоҳ ишқ аҳлига, гоҳ жону кўнгилга, гоҳ шавку дардга мурожаат қилиб, ёрининг бераҳмлигию, ўзининг афтода ошиқ эканлигига китобхоннинг диққатини жалб қилади. Матлаъдаёқ ишқ дардидан жонсиз тупроққа айланган жисмини итнинг руҳи билан бирлаштиришларини сўрар экан, ошиқ ишқ дардида нечоғлик камолга эришгани маълум бўлади:

Туфроғимдин кошки жисме мураттаб қилсангиз,
Бир ит ўлса кўйида руҳиға қолаб қилсангиз.

Ёр шўҳ ва от ўйнатишда шундай моҳирки, агар ишқ аҳли қуёшни отлик қилиб, фалакни от қилсалар ҳам, чаққонликда ул чавандоз ёрнинг чангида қолиб кетади.

Етмагай чобуксуворим гардиға, эй аҳли ишқ,
Меҳрни рокиб қилиб, гардунни маркаб қилсангиз.

Навбатдаги байтда шоир жон ва кўнгилга мурожаат қилиб, ёрга фарёд қилишнинг фойдаси йўқлигини, жон ва кўнгил “эй, Худо” деб қанча деб нола қилмасинлар, май ичувчи ёрга бу нолалар етиб бормаслигини уқтиради:

Боданўшум базми ғавғосидин, эй жону кўнгул,
Самъиға етмас неча фарёду “ё Раб” қилсангиз.

Кейинги байтлар ташбеҳ ва муболага санъатларининг уйғунликдаги такрори билан давом этади. Ошиқнинг охидан чиққан тутун фалакни қорайтиришга, кўз ёшлари юлдуз вазифасини ўташга қодирдирлар. Унинг юзи ишқ дардидан шундай сарғайганки, ёрнинг оти туёғига зеб бериш учун олтин суви ўрнида ундан фойдаланиш мумкин:

Олами ишкузра бас лойиқдурур, эй дардушавқ,
Дуди оҳимни сипеҳр, ашкимни кавкаб қилсангиз.

Маркаби наълин мужалло қилғучилар зеб учун,
Оразимга суртунг ул дамким, музаҳҳаб қилсангиз.

Мақтаъда хитоб қилинувчи объект иккита эканлигига гувоҳ бўламиз: Навоий ва дўстлар. Шоир ўзига мурожаат қилиб, эй Навоий, сенга қисмат бўлган майни ичмоқликдан бошқа чоранг йўқ, дер экан, атрофдагилардан бу жомни май билан лиммо-лим қилишларини сўрайди.

Дилнавоз ЮСУПОВА



“Юзунг фироқида ҳар оҳ ўтинки, чектим тез...”



Юзунг фироқида ҳар оҳ ўтинки, чектим тез,
Ул ўт шароралари бўлди ҳар тараф гулрез.

Қазо мусаввири гўё ҳал эттилаълий ранг
Лабинг ақиқини айлар маҳалда рангомез.

Лабинг малоҳати ғавғо қўпарди оламдин,
Шакарни бўйла киши қайда кўрди шўрангез.

Итингки, шерзабун дуранга, топа олман,
Десам кўрай ани бошимдин ўзга дастовез.

Чу келди хасталиғим сўрғали қадаҳ нўшум,
Кетур пиёлаки, ўлсам ҳам айламан парҳез.

Десанг замонаси тезини ҳар замон кўрмай,
Замонниҳуш туту қилмазамонабирласитез.

Гули сабоҳ юзин кўрмагайсен, эй булбул,
Бу гулшан ичра Навоийдек ўлмасанг шабхез.

V – V – V V – – V – V – – ~
мафоилун файлотун мафоилун фаълон
мужтаси мусаммани маҳбуни мақтуъ мусаббағ

Луғат

Шарора –учкун

Гулрез – гул сочувчи

Ҳал этти– аралаштирди

Рангомез – ранг-баранг, товланадиган

Кўпарди – кўзгамоқ; турғизмоқ

Шўрангез – ғавғо солувчи

Қадахнўш – май ичувчи

Дастовез – кичкина тухфа

Ситез – кек, хусумат, душманлик, зулм

Сабоҳ – тонг

Шабхез – тунда уйғонувчи, тун ухламайдиган одам

Насрий баён

1. Юзинг фироқида ҳар бир оҳнинг ўтини шиддат билан оғзимдан чиқардимки, бу ўтнинг учкунлари ҳар тарафга гул каби сочилди.

2. Қазо мусаввири лаълинг ақиқини ранг-баранг қилиш маҳалида гўё уни лаъл ранги билан аралаштирди.

3. Лабинг малоҳати оламдан ғавғони кўзгатди, бирор инсон шакарни бу қадар ғавғо солишини қаерда кўрган?

4. Итинг олдида шер ҳам забун, аммо мен уни кўрай десам, бошимдан бошқа ҳады унинг учун кичик ҳисобланади.

5. Хасталигимда ҳол сўраб май ичувчи ёрим келди, пиёдани дарҳол келтир, энди ўлсам ҳам парҳез қилмайман.

6. Замон зулмини ҳеч замон кўрмай десанг, замони хуш тут ва замон билан хусуматлашма.

7. Эй булбул, Навоийдек бу гулшан ичра тунда бедор (шабхез) бўлмасанг, тонг гулининг юзини кўра олмассан!

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоий қаламига мансуб ушбу шеър ёрнинг гўзаллигини васф этишга, унинг бир қанча жиҳатларини таърифлашга бағишланган.

Буюк мутафаккирнинг ошиқона шеърларида ёр – маҳбуб, маъшуқ, асосан, комил инсонни ифодалаб келади. Айрим ўринларда, бу нисбатан кам учрайди, ёр деб Аллоҳга ҳам ишора қилинади. Бу ғазалда васф этилаётган ёр эса соликларга йўл бошлаб борадиган пир – муршиддир. Бунга ғазал мазмуни билан танишиш жараёнида гувоҳ бўлиб борамиз.

Ғазалда ёрнинг қуйидаги жиҳатлари қаламга олинган: ёрнинг юзи; ёрнинг лаби; ёрнинг ити; ёрнинг қадахнўшлиги (май ичиши). Бу таърифларнинг ҳар бири тасаввуфий маънога эгадир.

Тасаввуфий истилоҳга кўра, ёрнинг юзи файзни, лаби эса ҳикматни, ити эса бўйсундирилган нафсни, май ичиши эса зикрни ифодалайди.

Ошиқ ёрнинг юзидаги илоҳий файзни кўриб, оҳ чекади, бу оҳ олов каби бўлиб, учқунлари гулдек ҳар томонга сочилади. Қазо мусаввири Аллоҳдир, чунки Аллоҳнинг ал-Мусаввир сифати бор. Аллоҳ ҳар бир яратикнинг тасвирини яратган. Ёрнинг қиёфаси чизилар экан, ақиқ лабларига лаълнинг ранги аралаштирилган. Бу шундай малоҳатли лабки, у оламга ғавғо солади. Лаб, аслида, ундан ширин сўзлар чиққани учун шакар, шакарнинг шўрангиз, яъни ғавғо солишини ким қаерда кўрган?

Лаб ҳикмат ҳисобланади, чунки ундан ҳикматлар, ҳақиқатлар тўкилади. Лабнинг оламга ғавғо солиши ундан ишқ ва муҳаббатга доир лутфларнинг янграши сабабдир. Ёрнинг лаби билан боғлиқ икки байтда шоир ўзига хос шеърӣ санъатлар ҳам қўллаган, хусусан, “ҳал этти” ва “маҳал” сўзларининг келиши оҳангдорликни таъминласа, “шакар” ва “шўрангиз” сўзлари замиридаги тазод

(шакар – шўр) ифодани янада нозиклаштиради ва таъсир кучини оширади. Шунингдек, “малоҳат” сўзининг ўзаги арабча “милҳун”, яъни туз эканлиги ҳисобга олинса, байтда фойдаланилган сўзларнинг бадииятини янада кенгроқ тасаввур қилишимиз мумкин:

Қазо мусаввири гўё ҳал эттилаълий ранг
Лабинг ақиқини айлармаҳалдари номез.

Лабинг малоҳати ғавғо қўпарди оламдин,
Шакарни бўйла киши қайда кўрди шўрангез.

Алишер Навоий ижодида кўпинча ит – нафс, садоқатли дўст, ҳидоятга эришган инсон маъноларини ифодалаб келади. Шоир “Хайрат ул-аброр” достонида ўзини салафлари Низомий, Деҳлавий ва Жомийнинг ортидан эргашган ит деб таърифайди.

Машҳур “Қаро кўзум, келу...” деб бошланувчи ғазалида ҳам ёрдан итига ўзининг ғамзада жонини бўйинбоғ, уни боғлайдиган арқон (расан) қилишини илтимос қилади. Умуман, бу каби мисоллар шоир ижодида кўплаб топилади.

Ўрганаётганимиз ғазалда ҳам шоир ёрнинг итини васф қилади. Бу итнинг олдида шер забун – ожиз. Яъни бу шундай итки, шерни ҳам осонлик билан мағлубиятга учратади. Мана шундай итни енгган инсон мақомини, албатта, тасаввур қилиш мумкин. Ошиқ шу итни ҳам кўришни истайди. Яъни ёрнинг ўзини кўрмагач, унинг остонасида кўриқлайдиган итни кўришга ҳам муҳтож. Бироқ бу итга “совға” билан юзлашиш керак. Бу “совға”нинг моҳияти шуки, одатда, йигит қизга ошиқ бўлиб, унинг ҳовлиси атрофидан кета олмайди. Аммо ҳовлида боқиладиган ит уни яқинлаштирмайди. Шунда итни қўлга ўргатиш учун ошиқ унга ҳар куни гўшт ташийдди. Шу ҳолга ишора қилган шоир ёрнинг итига ҳам “совға” олиб боришни истайди. Бироқ бу ит учун ошиқнинг бошидан бошқа ҳада кичик ва арзимасдир.

Бу ўринда ёрнинг ити пир – муршиднинг энг заиф шогирдлари ҳам улкан мақомда бўлишига, шерларни – одамлар наздида қудратли кўринганлардан жасорати ва қўрқмаслиги билан афзал эканига ишора бор.

Итингки, шерзабундуранга, топа олман,
Десам кўрайанибошимдин ўзгадастовез.

Лирик қаҳрамон хаста, уни кўргани қадахнўш ёр келган. Табиб беморга парҳез буюрган. Аммо май нўш қилувчи ёр келдими, ошиқ учун табибнинг парҳез ҳақида буйруғи ҳам аҳамиятсиз, парҳез қилмаса, ўладиган бўлса, ўлсин, бироқ у ёр билан бирга май ичишни истайди.

Чу келди хасталиғим сўргали қадахнўшум,
Кетур пиёлаки, ўлсам ҳам айламан парҳез.

Бу ҳадди аълога чиққан ишқ бўлиб, ёр учун жони фидо қилишга ҳозир ошиқнинг самимий хатти-ҳаракатидир. Яъни ошиқ маъшукнинг ҳар қандай амрини, буйруғини бажаришга шай.

Мақтаъдан аввалги байтда Алишер Навоий замондан душманлик кўрмасликни истаганларга замон билан хусуматлашмасликни, замонни хуш кўришни тавсия қилади. Бир қарашда шоир замона-созликка даъват қилаётгандек туюлади. Асл ғоя эса бошқа бўлиб, бу мақтаъ мазмуни билан танишиш натижасида юзага чиқади. Шоир булбулга қарата тонг гулининг юзини кўришни истаса, тунда бедор бўлиш – ухламаслик лозимлигини уқтиради.

Десанг замонаси тез ини ҳар замон кўрмай,
Замонни хуш туту қилмазамонабирласитез.

Бу жуда кенг маънога эга бўлган байтлардир.

Буюк мутафаккир ижодида тонг сўзи кўпинча қиёмат, маҳшар маъносини билдиради. “Гули сабоҳ”дан мурод Аллоҳнинг Жамолидир. Гулшан эса дунё маъносини ифодаламакда. Шоир қиёматда Аллоҳнинг лутфига эришмоқ, Унинг жамолига мушарраф бўлиш учун бу дунё гулшанида ухламаслик керак, яъни бедорликни одат тутмоқ керак.

Гули сабоҳ юзин кўрмагайсен, эй булбул,
Бу гулшан ичра Навоийдек ўлмасанг шабхез.

Мусулмон учун тунда ухламасликнинг сабаби ибодат, таҳажжуд намозидир. Бу эса замонни – вақтни ғанимат билиш, унинг қадрига етиш ҳисобланади. Замон билан хусуматлашмоқ, замондан зулм қўриш уни беҳуда ўтказиб юборишдир. Замонни хуш тутмоқ уни ибодат, зикр билан ўтказмоқ ҳисобланади.

Замонни хуш тутиш эса нақшбандия тариқатининг: “Хуш дар дам”, – яъни ҳар дамни хуш билан – Аллоҳнинг зикри билан ўтказиш шартига амал қилишдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ҳам ўзига хос тасаввуфий концепцияни акс эттирган шеърининг гўзал намунасидир.

Ақром МАЛИК

“Тийрадур, ўйлаким, ёруғлуг анга қўймас юз...”

Тийрадур, ўйлаким, ёруғлуг анга қўймас юз,
Шоми ҳажримда агар бўлса қуёш ҳар юлдуз.

Ўтти ҳижрон кечаси ранжида умрум, ё Раб,
Бир кун ўлғаймуки, ушбу кеча бўлғай кундуз.

Хўблар анжумани ичра назиринг йўқтур,
Меҳрни анжум ичида деса бўлур ёлғуз.

Эгриликлар эса зулфунг ҳаракоти, не ажаб,
Ким йилонни ҳаракат қилганида кўрмиш туз?

Сендин айру эмас, эй дўст, ўлугу тиригим,
Қахрулутфунг била гарўлтур, агар худ тиргуз.

Гулда йўксарвқади, сарвда гул рухсори,
Сарви гулрўюм эрур ҳусн тариқида тўкуз.

Соқиё, май тўлаки марбада истар қўнглум,
Эй қаландар, чола бошла ўқурур кўкта қўбуз.

Ғам ғизоси орасинда қани туркона аёғ,
Тўраойини била томсатўкуз, оқсаўтуз.

Эй Навоий, тиласанг ёр ила топмоқ пайванд,
Ғайридин саъй қилиб риштаи пайвандни уз.

—V— VV— VV— —

фоилотун фаилотун фаилотун фаълун
рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ

Луғат

Хўб – яхши, чиройли
Анжум – юлдуз
Ранж – машаққат
Гулрў – гулюзли
Тўкуз – тўкис, мукаммал
Арбада – шовқин-сурон
Қўбуз – чолғу
Ғизо – озиқ-овқат
Аёғ – коса, қадаҳ

Насрий баён

1. Айрилигим шоми шу қадар қоронғуки, ундаги ҳар бир юлдуз қуёш бўлган тақдирда ҳам, унга ёруғлик юзланмайди.
2. Умрим ҳижрон кечасининг машаққати билан ўтди, ё Раббим, бир кунибу кеча кундузга айланармикан?
3. Яхшилар йиғинида сенинг ўхшашинг, тенгинг йўқ, зотан, қуёшни юлдузлар ичида ягона дейиш мумкин.

4. Зулфинг ҳаракатлари эгрилик бўлса, бу ажабланарли эмас, ахир, илоннинг тўғри ҳаракат қилганини ким кўрибди?

5. Эй дўст, менинг ўлик ва тиригим сендан айро эмас, қаҳр ва лутфинг билан истасанг ўлдир, истасанг, тирилтир.

6. Гулда сарвнинг қадди йўқ, сарвда гулнинг рухсори! Гул юзли сарвим ҳусн масаласида тўкис ва мукамалдир.

7. Соқий! Май билан тўлган кўнглим шовқин-сурон истайди, кўкда ўкирадиган қўбизни чалишга кириш!

8. Ғам таоми орасида туркона коса қани? Тўра одати билан тўққиз томса, ўттиз оқса!

9. Эй Навоий, ёринг билан пайванд бўлишни истасанг, ҳаракат қил ва ундан бошқа бегоналардан пайванд риштасини уз.

Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазал ошиқона мавзуда бўлиб, дастлабки байт – матлаъда шоир ҳажр туни таърифидан сўз очади. Шоирнинг таърифича, ҳажр, яъни айрилиқ бир тун кабидир. Ундаги ҳар бир юлдуз қуёш каби бўлса ҳам унга ёруғлик келмайди, чунки бу тун шу қадар қуюқ, шу қадар зулматга тўла...

Тийрадур, ўйлаким, ёруғлуг анга қўймас юз,
Шоми ҳажримда агар бўлса қуёш ҳар юлдуз.

Ҳажр муҳаббат туфайли пайдо бўлиб, ошиқнинг ишқи қудратига кўра хатарли тус олади. Ошиқ нақадар кучли муҳаббат билан маҳбубини севса, ҳижрон шу қадар изтиробли кечади. Алишер Навоий таъриф этаётган ҳажр тунидаги ҳар бир юлдуз қуёш бўлса-да, унинг ёришмаслиги ишқнинг кучи ҳамда ҳижроннинг машаққати ҳақида ўқувчида тўлақонли тасаввур ҳосил қилади.

Ошиқнинг умри бу кечада сарсон юриш билан ўтди, шунинг учун Аллоҳга юзланиб, бу кеча бирор кун кундузга айланармикин дея муножот қилади.

Ўтти ҳижрон кечаси ранжида умрум, ё Раб,
Бир кун ўлғаймуки, ушбу кеча бўлғай кундуз.

Ошиқ ёрининг барча хўблар – ҳусн соҳиблари ичида энг афзали эканига шубҳа қилмайди, чунки юлдузлар орасида қуёш, албатта, порлоқ ва равшанроқдир. Ёрнинг сочлари эгри ҳаракатлар қилади – сочнинг бу эгри ҳаракати инсонларни ишққа мубтало қилиб, ҳаёлини ўғирлаши, уларни абгор этишидир. Бу, ажабланарли эмас, чунки илон ҳеч қачон тўғри ҳаракат қилмайди:

Хўблар анжумани ичра назиринг йўқтур,
Меҳрни анжум ичида деса бўлур ёлғуз.

Ошиқ ёрга ўзини мутлақо таслим қилган, ўлдирса ҳам, тирик қолдирса ҳам рози, у икки ҳолдан ҳам бахтиёрлик туяди. Гул ва сарв – гўзаллик рамзи. Бироқ гулнинг ҳусни сарвда, сарвнинг қома-ти гулда йўқ. Бироқ ёрнинг ҳусни мукаммал – у гул юзли сарвдир.

Гулда йўқ сарв қади, сарвда гул рухсори,
Сарви гулрўюм эрур ҳусн тариқида тўкуз.

Маҳбубнинг беҳад латофати ва ошиғига мутлақо эътибор бермаслиги лирик қаҳрамонда бетоқатлик пайдо қилади. У бу қай-ғудан қутулмоқ, халос бўлмоқ ёки дардни унутмоқ учун май ва шовқин-суронни истайди.

Соқие, май тўлакимарбадаистаркўнглум,
Эй қаландар, чола бошла ўкурур кўкта қўбуз.

Ошиқнинг ғизоси – ғам, бу таом орасида ошиқ май ичишни истайди. Майни тўраларчаичса, пайдар-пай тўққиз қадах ичиш талабида, агар бу қадар кўп ичиш оқибатида лаблардан май томса, ўттиз томчи томсин деган одатларга мувофиқ нўш этишни хоҳлайди. Чунки ёрдан марҳамат кўриш учун ёрдан бошқани мутлақо ёддан чиқариш шарт.

Ғам ғизоси орасинда қани туркона аёғ,
Тўраойини била томсатўкуз, оқсаўтуз.

Ғазалнинг мақтаъсида шеърнинг ғояси равшан кўринади – байтларда қўлланган таърифлар, тасвирлар тўлиғича тасаввуфий маъно касб этиб, ёрнинг сочи, ошиқларига офат солиши, гул юзли ва сарв қоматли эканлиги – барчаси мажозий муҳаббатга алоқадор бўлиб, бу муҳаббат Ҳақ муҳаббати учун восита саналади.

Эй Навоий, тиласанг ёр ила топмоқ пайванд,
Ғайридин саъй қилиб риштайи пайвандни уз.

Аниқроқ айтсак, ёрнинг чехрасида Ҳақнинг нури акс этиб, унинг ҳусни тақво, ҳайбат, мардлик, иймон каби фазилатларни ифодалаш учун қўлланади. Май ва қўбуз овози эса ошкор ва махфий зикрга ишора бўлиб, ошиқ – фақр йўлидаги солиқнинг дардига фақат зикр даво бўлишига ишорадир. Охирги байтдаги ёрнинг ёди ҳақидаги фикр, шунингдек, ёрдан бошқани ёддан чиқариш тавсияси аини мазкур хулосани мустаҳкамлайди.

Дилнавоз Юсупова

—❦❦❦❦❦❦❦❦❦❦—
“Йўқки ул кўз қорадур хуснунг аро, эй қоракўз...”
—❦❦❦❦❦❦❦❦❦❦—

Йўқки ул кўз қорадур хуснунг аро, эй қоракўз
Ким, қошинг дағи эрур асру қаро, эй қоракўз.

Гар кўнгулларни жал ойи ватан истар бўлсанг,
Еч тугунларни юз улфунгни тара, эй қоракўз.

Қора наргис кўзу гул юз била гар сен кебийўк,
Булбуле мен кеби йўқ нағмасаро, эй қоракўз.

Кўзларинг захм агар қилмади ҳар кирпик ила,
Бас, недур кўнглума юз ерда яра, эй қоракўз!

Мен мену бир ярамас кўнглум, анинг қатли учун
Кўз қора қилма, бир ишимга яра, эй қоракўз?!

Гоҳ фақр аҳлига ҳам раҳм кўзи бирлан боқ
Ким, дуогўюнг эрурлар фуқаро, эй қоракўз.

Сен Навоийга вафо айламасанг, бор ўлсун
Шоҳ Абулғозий ибн Бойқаро, эй қоракўз.

—V— V V— V V— V V—

фоилотун фаилотун фаилотун фаилун
рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф

Луғат

Дағи – тагин, яна

Асру – жуда

Жалойи ватан – ватандан айирилиш

Нағмасаро – куй чалувчи

Захм – яра

Насрий баён

1. Хуснинг ичра фақат кўзинг қора эмасдир, эй қоракўз, чунки қошинг ҳам жуда ҳам қора, эй қоракўз.

2. Агар кўнгиллари ватанидан айиришни истасанг, тугунларни еч ва зулфингни тара, эй қоракўз.

3. Наргис қора кўзи ва гул юзи билан сен каби бўла олмагани каби мен каби ҳам чекиб нағма қиладиган булбул ҳам йўқдир, эй қоракўз.

4. Кўзларинг кипригинг билан яраламаган бўлса, нима учун кўнглим юз еридан жароҳатланди, эй қоракўз!

5. Бир мен, ҳеч ишга ярамайдиган бир кўнглим! Кўнглимни қатл этиш учун кўзни қора қилма, бир ишимга яра, эй қоракўз!

6. Гоҳида фақр аҳлига ҳам раҳму шафқат назари билан боқ, чунки фуқаро сенинг дуогўйингдир, эй қоракўз.

7. Сен Навоийга вафо қилмасанг, шоҳ Абулғозий ибн Бойқаро бор бўлсин, эй, қоракўз!

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг мазкур ғазали қоракўз таърифи билан сифатланган ёрга қаратилган. Бир қарашда бу шеър ошиқона мавзуда бўлса ҳам, орифона руҳ, тасаввуфий гоҳ шеърнинг асосий маъно-моҳиятини ташкил қилади.

Бошқа ғазаллари каби мазкур ғазал ҳам Алишер Навоий бадиитининг юксак намуналаридандир. Шоир маҳбубга қоракўз дея мурожаат қилар экан, унинг хуснига хос бўлган жиҳатларни катта муҳаббат билан қаламга олади.

Юзнинг оқ бўлиши, қош, кўз ва сочининг қоралиги хусннинг гўзаллигини белгилаб берадиган омиллардан саналиб, шоир қоракўзнинг хусни ва фитнасини шундай ифодалайди: қоракўзнинг фақат кўзи эмас, қошлари ҳам қора.

Йўқки ул кўз қорадур хуснунг аро, эй қоракўз
Ким, қошинг дағи эрур асру қаро, эй қоракўз.

Агар у кўнгилларни ватандан қувишни истаса, яъни кўнгиллар қарорини олиб, телбага айлантиришни ирода қилса, сочини боғлаб турган тутунларни ечиб, зулфини тарагани маъқул.

Ғар кўнгулларни жалойи ватан истар бўлсанг,
Еч тутунларнию зулфунгни тара, эй қоракўз.

Наргис, одатда, кўз рамзи. Аммо унинг кўзи ёрнинг кўзидек гўзал эмас. Гул эса чиройли чехрага истиора қилинади. Бироқ унинг юзи ёрнинг жамоли сингари эмас. Булбулнинг иши гул ишқида сайраб, ёниб-куйишдир. Ёрнинг гўзаллиги билан гул беллаша ол-

магани каби ошиқнинг ишқ билан ёниб куйиб ёнишига булбул тенг эмас.

Қора наргис кўзу гул юз била гар сен кеби йўқ,
Булбуле мен кеби йўқ нағмасаро, эй қоракўз.

Ошиқ кўнглидаги юзлаб жароҳат излари ёрнинг кўзидаги киприклар сабабли пайдо бўлганини айтади, у кўнглини ёрга қурбон қилишни истади. Чунки лирик қаҳрамоннинг кўнгли ҳеч бир ишга қодир эмас, қоракўз кўнгилни қатл қилса, бир ишга, яъни яхшиликка яраган бўлар эди.

Менменубирярамаскўнглум, анингқатлиучун
Кўз қора қилма, бир ишимга яра, эй қоракўз?!

Ошиқ қоракўз ёридан фақр аҳлига гоҳ-гоҳ раҳму шафқат билан назар солишни илтимос қилади. Чунки фуқаролар – фақирлар унинг ҳақиға дуо қилишади. Мақтаёда Алишер Навоий султон Хусайн ибн Бойқарони тилга олади. Қоракўздан вафо кўрмас-да, султоннинг лутфи бу изтиробнинг давосидир.

Сен Навоийға вафо айламасанг, бор ўлсун
Шоҳ Абулғозий ибн Бойқаро, эй қоракўз.

Илоҳий мазҳар – Аллоҳнинг нури тажаллий этган ёрга бўлган мажозий ишқ куйланган ушбу ғазал Алишер Навоийнинг бадий жиҳатдан етук, мазмун жиҳатдан аниқ ғояга – тасаввуф ғоясига таянган сўз санъати намуналаридан бири деса, янглишмаймиз.

Ақром МАЛИК

“Манга ул кўзи қора деди чучук чандин сўз...”

Манга ул кўзи қора деди чучук чандин сўз,
Не ажаб ани қоракўз деса му ширин сўз.

Лаби юз ваъдани андоқ манга ёлғон қилди
Ки, дей олмас киши юз йилда бирандоқ чин сўз.

Ҳажринг афсонасидин сўз дер эсам васл тун,
Топмағай тонгғача тун йилча эса таскин сўз.

Белию лаъл ила би оллида лол ўлдиҳирад
Ким, эрурбири дақиқубири бас рангинсўз.

Ҳар фасоҳатки, лабинг қилди, Масиҳо эшитиб,
Жон топиб, келмади оғзи аро жуз таҳсин сўз.

Хусниवासфидасўзум тутти бариоламини
Муршидишқмангаайлагали талқин сўз.

БазмиайшичраНавоий, не ажабурмаса дам,
Айта олмас чу нишот аҳли аро ғамгин сўз.

--V-- VV-- VV-- --

фоилотун файлотун файлотун фаълун
рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ

Луғат

Чандин – ҳисобсиз

Лаъл – қимматбаҳо қизил тош

Хирад – ақл

Фасоҳат – чиройли сўзлаш
Жуз – бўлак, қисм
Муршид – устоз, пир
Дам урмоқ – нафас чиқармоқ
Нишот – хурсандчилик

Насрий баён

1. У қора кўз менга беҳад чучук сўзлар айтди, энди уни қора кўз ва ширин сўз десам, не ажаб!
2. Унинг лаби юз ваъдани менга ёлғон сўйладики, юз йилда бирор киши у каби чин сўзни айта олмайди.
3. Васл тунида ҳажринг афсонасидан бир сўз айтсам, тун тонг отгунча тасвин деган сўзни топмайди.
4. Унинг бели ва лаъл лаби олдида ақл лол бўлиб қолди, чунки бу ўта дақиқ – нозик ва бир рангин сўз айтувчидир.
5. Лабинг айтган ҳар фасоҳатни Масиҳ эшитиб, жон топди ва тилига таҳсиндан бўлак сўз келмади.
6. Ишқ муршиди менга сўз талқин қилмоғи учун ҳуснини васф қилган сўзим бутун оламни тутди.
7. Навоий, базм ичида нафас ололмаса, не ажаб, чунки қувонч аҳли ичида ғамгин инсонлар сўз айта олмайди.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоий ғазалларининг аксарида ёрнинг бешафқатлиги, эътиборсизлигидан шикоятлар кўп учрайди. Бироқ ўрганадиганимиз қуйидаги ғазалда аксинча ёрнинг лутфи, илтифоти ҳақида сўз боради. Дастлаб шоир ёрнинг ширин сўз эканидан гапириб, уни қоракўз ва ширин сўз деб аташ фикрига тушганини айтади.

Манга ул кўзи қора деди чучук чандин сўз,
Не ажаб ани қоракўз десаму ширин сўз.

Хўш, ёрнинг ширин сўзи нимадан иборат? Ширин сўз – ёлғон ваъдадир. Аммо ошиқ бу ёлғон ваъдаларга шу қадар ишонадики, унинг учун шу ёлғон каби рост, чин сўз йўқ.

Лаби юз ваъдани андоқ манга ёлғон қилди
Ки, дей олмас киши юз йилдабирандоқ чин сўз.

Васл туни – висол онларида унинг ҳажридан бир афсона деса, бу тун шу қадар ғамга тушадики, тонг отгунча таскин учун айтилган бирор сўз кор қилмайди.

Ҳажринг афсонасидин сўз дер эсам васл туни,
Топмағай тонгғача тун йилча эса таскин сўз.

Ёрнинг ширин сўзи ва ҳижрон азоби тасвирига мутаносиб шаклда шоир маҳбубнинг бели ва лаъл каби лаби ақлни лол қилишини таъкидлайди. Чунки унинг бели шу қадар ингичка, сўзлари эса шу қадар рангинки! Бу рангин сўзларни ёр фасохат билан айтса, ўликни тирилтириш неъматин берилган Исо Масих алайҳиссалом ҳам жон топади ва тилига таҳсиндан бошқа сўз келмайди.

Белию лаъли лаби оллида лол ўлди хирад
Ким, эрур бири дақиқу бири бас рангин сўз.

Ҳар фасохатки, лабинг қилди, Масихо эшитиб,
Жон топиб, келмади оғзи аро жуз таҳсин сўз.

Ошиқ ёрининг хуснини шу қадар васф этдики, ишқ муршиди ошиққа шу сўзни ишқ талқини сифатида қайта айтиб берадиган бўлди.

Ғазалнинг охирги байтига қадар лирик қаҳрамоннинг кучли изтиробини деярли сезилмайди, ғазалда бошқа шеърларга нисбатан сокин ифодаalar янграйди. Чунки ғазал ёрнинг ширин каломини ҳақида эди. Бу ширин калом ёлғон ваъдадан иборат бўлса-да, ошиқ бу сўз билан шод. Шундай бўлса-да, ошиқ бу сўзларни айтар экан, беихтиёр унинг кўзлари ёшга тўлиб турганини, у сасини чиқармай йиғлаётганини сезасиз. Мақтаъ мазмунини ҳам шунга далолат қилади: айшу шодлик базмида Навоий дам урмайди, яъни бир сўз айтмайди. Жим ва сукутда. Чунки қувонч аҳли ичида ғамгинларга сўз борми? Йўқ, албатта.

Базми айш ичра Навоий, не ажабурмаса дам,
Айта олмас чу нишот аҳли аро ғамгин сўз.

Мазкур ғазал илоҳий мазҳар гўзаллигини васф этади, Алишер Навоий таъкидлаган пок кўз, пок сўз, пок амал ва пок ният соҳиби бўлган ошиқ қалб тугёнларининг ифодасидир. Бу инсоний муҳаббат ўлароқ, солиқни Ҳақ ҳикмати ва севгисига даъват этади.

Акром МАЛИК

“Нуктаси мафҳум ўлур, бўлмас вале мафҳум оғиз...”

Нуктаси мафҳум ўлур, бўлмас вале мафҳум оғиз,
Тонг эмастур ҳеч мафҳум ўлмаса маъдум оғиз.

Аллоҳ, Аллоҳ, турфадуру буқим ики жонбахш лаб,
Икки ён маълуму эрмас ўртада маълум оғиз.

Ваҳми юз минг гумон ичра солур мундинки бор
Хатти мавҳум ул бел, аммо нуқтайи мавҳум оғиз.

Ул алифдек қад латофат ичра бўлди бирга ўн,
Сифрдек то бўлди анинг зимнида маркумоғиз.

Дол анга ким ишқ китмони керак ишқ аҳлиға,
Ишқинг асрорида сирредур ажаб мактумоғиз.

Ваҳки, ул юзу оғиз шавқидин ўлдум, лек бор
Юзидин юз ноумиду оғзидин маҳрум оғиз.

Заҳри ҳажр оғзим тўла найлаб қилай ўпмак хаёл,
Ҳайфдурким, еткай оғзи нўшиға масмум оғиз.

Пок лафз айтурға оғзинг пок қилким, ҳайфдур
Яхши сўз боринда сургай нуктайи мазмум оғиз.

Эй Навоий, махлас истар бўлсанг эл тил, оғзидин
Назмдин ҳам тилни тийғил, насрдин ҳам юм оғиз.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Мафҳум – фаҳм қилинган

Маъдум – йўқ, ғойиб бўлган

Сифр – бўш, холи

Зимн – ич, ичкари

Марқум – рақам этилган, ёзилган

Китмон – пинҳонийлик

Масмум – заҳарланган

Килк – қалам

Мазмум – ёмонланган, нафратли, ёмон; устида заммаси (“у”
унлиси) бўлган ундош ҳарф

Махлас – халос

Насрий баён

1. Гарчи оғизнинг борлигини кўра олмасанг ҳам, сўзлари фаҳм қилинади, агар бу ғойиб бўлган, кўзга кўринмайдиган оғиз ҳеч қачон фаҳм этилмаса, бу ҳам ажабланарли эмас.

2. Аллоҳ, Аллоҳ! Ажабланарлиси шуки, жон бахш этадиган икки лаб икки ёнда маълум, аммо ўртадаги оғиз маълум эмас.

3. Ул бел хаёлда борлиги билан хаёлни юз минг гумонга солади, аммо оғиз нуқтаси ҳам хаёлда, тасаввурда, холос.

4. Унда оғиз яратилгани учун алиф қоматнинг бир латофати ўн бўлди.

5. Қомат дол бўлди, чунки ишқ аҳли ишқни пинҳон тутиши керак, ишқнинг сирлари бобида бу беркитилган оғиз ҳам ажиб сирдир.

6. Ваҳки, ул юз ва оғиз иштиёқида ўлдим, лекин юзидан юз ноумид ва оғзидан маҳрум бўлган оғизлар ҳам бор.

7. Ҳажр заҳри билан оғзим тўла, ўпишни қандай хаёл қилай? Унинг оғзи нўшига заҳарли оғизнинг етиши ҳайфдир.

8. Пок сўз айтиш учун оғзингни пок қил, оғизнинг яхши сўз борида ёмон кўрилган сўзнинг айтиши ҳайфдир.

9. Эй Навоий, элнинг тил ва оғзидан халос бўлиш истасанг, назмдан тил тий ва насрдан оғиз юм.

Шарҳ ва изоҳлар

“Оғиз” радифли ушбу ғазални ўрганиш жараёнида тасаввуф истилоҳида унинг мазмунини акс эттирувчи маълумотлар изладик. Бироқ қўлимиздаги манбаларда (Туркияда чоп этилган Луғат, Алишер Навоий тўла асарлари тўплами (10 жилдлик)га илова қилинган тушунтиришларда ҳам аниқ бир изоҳ учратмадик.

Аммо бизда шоир ғазаллари билан танишиш жараёнида “оғиз” сўзининг тасаввуфий маъносини англаш, шарҳлаш имкони мавжуд. Хусусан, ушбу ғазал ҳам бу масалада бизга ёрдам беради.

“Нукта” Алишер Навоийда кўп қўлланган сўзлардан бўлиб, “сўз”, “ҳақиқат” каби мазмунга эга.

Нуктаси мафҳум ўлур, бўлмас вале мафҳум оғиз,
Тонг эмастур ҳеч мафҳум ўлмаса маъдум оғиз.

Шоир мазкур ғазалда ёрнинг оғзини сифатлайди. У шундай оғизки, кўринмайди. Шунингдек, қуйидаги хусусиятлари бор: оғизни бирор инсон кўра олмайди, лекин сўзни фаҳмлаш мумкин; оғизнинг ўзи йўқ, лекин унинг икки лаби бор; оғиз – ёрнинг оғзи, яъни мавжуд бўлган одамга – ёрга, маҳбубга тегишли, бу маҳбубнинг бели ҳам жуда ингичка, шу қадар ингичкаки, уни худди оғиз каби фақат тасаввур ва хаёлда топа оласиз; бу алифдек қомат жуда гўзал, лекин унда оғизнинг борлиги бир латофатини ўн қилди – зиёдалаштирди; аммо баъзида қомат эгилади, “дол” бўлади, чунки

ишқ аҳли ишқни яшириши лозим, ишқнинг сирлари кўп, бу сирларнинг ичида ёрнинг оғзи ҳаммасидан ажойиб бир сир; ёрнинг юзи ва оғзи иштиёқида ошиқ ўлар ҳолга келди, лекин унинг юзидан юзлаб инсонлар ноумид ва оғзидан маҳрум; ошиқ ёрнинг оғзига оғиз қўйишни истайди, лекин у бунга журъат этмайди, сабаби ошиқнинг оғзи ҳажр заҳри билан тўлган, заҳарни ёрига тута олмайди-ку; пок сўз учун оғизни поклаш керак, чунки ёмон сўз айтиб турган оғиздан яхши сўз чиқиши ҳайф.

Оғиз ишқ сирлари, ҳикмат ва маърифат манбаидир. Бироқ ишқ ва ҳикмат, маърифат ҳамма учун берилган неъмат эмас. Унга барча ҳам муяссар бўлавермайди. Бу неъматларни илм билан, ақл билан билиш, англаш мумкин, лекин ҳис этиш, яшаш осон эмас. Шунинг учун инсон ўзини ошиқ, ҳаким ёки ориф дейишга журъат этмайди.

Ғазалда назарда тутилаётган ёр Ҳаққа етишган пир ва муршид ёки солиҳ бир инсондир. У шундай мақомдаки, ўзи англаган сирларни очмайди, гапирмайди. Ҳамиша Ҳақ зикри билан машғул. Унинг оғзидан чиқадиган бир-икки калима ишқ аҳлини оловга солади. Ошиқ эса унга парвона. Унинг оғзига оғиз қўйишни, яъни унда бор бўлган жамики ҳикмат ва маърифатга соҳиб чиқишни истайди. Лекин бу қийин ва машаққатли жараён, юзлаб инсонлар бу сўзни англамайдилар. Маъносига етмайдилар.

Заҳри ҳажр оғзим тўла найлаб қилай ўпмак хаёл,
Ҳайфдурким, етмай оғзи нўшига масмум оғиз.

Шоир пок сўз дея ёрнинг оғзидан чиқадиган висол ваъдасига ишора қилади. Мазмум сўз дея ёрнинг ҳижронга солиши, ошиқларини ўз қошидан ҳайдашига ишора этади. Шунинг учун маҳбубга қарата пок сўз айтишни сўрайди. Ҳажр заҳари билан тўла оғзи билан севгилининг оғзига мушарраф бўлмаслигини маълум қилади.

Пок лафз айтурга оғзинг пок қилким, ҳайфдур
Яхши сўз боринда сургай нуктаи мазмум оғиз.

Мақтаъда Алишер Навоий элнинг тил ва оғзидан, яъни маломатидан ҳалос бўлишни истайди ва бунинг учун назм ва насрдан ўзини тийиши кераклигини айтади. Яъни инсонлар буюк мутафаккир

айтаётган ишқ ва ҳикмат моҳиятига етиб бора олмайдилар, шунинг учун унинг сўзларини англамай маломат этадилар, муаллиф бу маломатдан ишқ ҳақида назмда ҳам, насрда ҳам сўзламаслик билан халос бўлишини тушуниб етади.

Эй Навоий, махлас истарбўлсанг эл тил, оғзидин
Назмдин ҳам тилни тийғил, насрдин ҳам юм оғиз.

Хулоса қилиш мумкинки, Алишер Навоийнинг ушбу ғазали ҳам ирфоний маънога эга бўлиб, унда ишқ сирри ва ҳикмати кўплаб одамлар кўзидан пинҳонлиги, бу сирга эришиш осон эмаслиги ҳақида сўз борган.

Ақром МАЛИК

——
“Ғам юки қилмайдурур ёлғуз мени маҳзунни кўж...”
——

Ғам юки қилмайдурур ёлғуз мени маҳзунни кўж.
Ҳам бу юк қилмиш эди Фарҳод ила Мажнунни кўж.

Қилди чун Фарҳод ила Мажнун қадин ҳам, не ажаб
Юз аларча заъф ила гар қилса бу маҳзунни кўж. .

Юк агар будур не Фарҳоду не Мажнуну не мен,
Рост, гар дерсен бу юк айлаб турур гардунни кўж.

Ваҳ, не юкдур буки гардун қоматин кўж айлади,
Уйлаким гардуннинг остида кўрарсен “нун” ни кўж.

Юзи маҳтобида мушкин қоши не вчун кўж эрур,
Ўғрилиқ гар қилмади ул ҳиндуйи мавзунни кўж.

Эгриликка шухра бўлмоқ истамассен, айлама
Аҳли исён хизматида қадди бенуқсонни кўж.

Гар Навоий кўж эрур шаҳ хизматида не ажаб,
Чунки қилмиш қуллуғи Жамшиду Афридунни кўж.

– V – – – V – – – V – – – V ~ (– V –)
фоилотун фоилотун фоилотун фоилон (фоилун)
рамали мусаммани мақсур (маҳзуф)

Луғат

Маҳзун – 1) ғамгин, қайғули, ҳазин, хафа 2) Ошиқ
Кўж – эгилган, букилган
Заъф – қувватсизлик, ҳолсизлик, хасталик, касаллик
Маҳтоб – ойдин, порлаб турган ой, тўлин ой
Мавзун – зебо
Шухра бўлмоқ – шухрат қозонмоқ

Насрий баён

Ғам юки фақатгина мен хастани эгиб қўйгани йўқ, Фарҳод билан Мажнунни ҳам шу юк эгиб қўйган.

Фарҳод билан Мажнун қаддини ҳам қилган бу юк, не ажабки, юзларча шу каби ҳолсизлик билан бу хасталикни эгса (яъни даф қилса).

Бу юк (ишқ) шундайки, у нафақат Фарҳод, Мажнунни, мени, ростки, осмонни ҳам эгиб турибди.

Ваҳ, бу қандай осмон қоматини ҳам эгадиган юк эканки, “нун” ҳарфи эгилган осмон остида турибди деб ўйлайсан.

Ўғрилиги ҳинду зебони эгиб қўймаган бўлса, порлаб турган ой юзида мушқин қоши нега эгилган?

Эгрилик бобида шухрат топмоқчи бўлмасанг, исён аҳли хизматида қадди бенуқсон бўлганнинг қаддини эгиб қўйма.

Агар Навоийнинг қадди шоҳ хизматида букилган бўлса ажабланма, чунки, қуллуқ қилиш Жамшиду Фаридунни ҳам эгиб қўйган.

Шарҳ ва изоҳлар

Берилган ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 222 ғазалидир. Ғазалнинг ҳажми 7 байт (ўн тўрт мисра).

Қофияланиши: а-а, б-а, с-а, д-а, э-а, ф-а, г-а.

Ғазал қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: маҳзунни, Мажнунни, маҳзунни, гардунни, “нун”ни, мавзунни, бенуқсонни, Афридунни.

Қофиядош сўзлардаги тиргак ҳарф, яъни равий “н” ҳарфидир. Қофиядош сўзларда равийдан сўнг ҳарфлар мавжуд, шу сабаб у муқайяд қофия турига киради. Қофиядош сўзларнинг биттасида (бенуқсон) товуш таркиби тўла мос келмайди, бу жиҳатдан оч қофияга киритиш мумкин.

Радиф – кўж

Ғазал мазмунига кўра “ошиқона ғазал”.

Мақтаънинг биринчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланган.

Атоқли олим Натан Маллайев шундай деиди: “Навоий ҳароратли ишқий ғазаллар билан бирга ижтимоий-сиёсий мавзуларда ҳам ғазаллар битди, шайх-зоҳидларни, воизларни фош қилувчи ҳажвий ғазаллар яратди, ошиқ, рақиб ва ринд образлари билан чегараланиб қолмади, образлар туркумига мутафаккир ва мураббий образларини киритди ҳамда шоҳларни, шайх-зоҳид ва воизларни киритди”. Ҳақиқатан, Навоий ўзбек ғазалиётини энг юқори босқичга олиб чиқди, унинг бадиий маҳорати, айниқса, ғазалларида намоён бўлди. Шундай маҳорат намуналаридан бирини кўриб ўтсак:

Лирик қаҳрамон ишқи сабаб маҳзун, айти шу сабабдан сарвдек қомати эгилган (кўж). Аммо, ошиқ ёлғиз эмас, Фарҳод ва Мажнун ҳам ошиқликда маҳзун бўлганлар. Матлаъда бу икки ошиқ, яъни ҳазрат Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” асари қаҳрамонлари номининг берилиши орқали талмеҳ санъ-

ати юзага келган. Навоий ғазалнинг кейинги байтларида ҳам шу ошиқлар номини келтириши натижасида талмеҳ санъати ғазалда қўлланган асосий бадий санъатлардан бири бўлиб келган. Фарҳод ва Мажнун номининг берилиши бежиз эмас. Лирик қаҳрамон ошиқликда ўзини Фарҳодга, Мажнунга тенглаштирмоқда.

Қилди чун Фарҳод ила Мажнун қадин ҳам, не ажаб
Юз аларча заъф ила гар қилса бу маҳзунни кўж.

Икки байтда айтаётганидек, ишқ Фарҳод ва Мажнун қаддини ҳам қилганидек, лирик қаҳрамонни ҳам қаддининг эгилишига сабаб бўлди.

Юк агар будур не Фарҳоду не Мажнуну не мен,
Рост, гар дерсен бу юк айлаб туруп гардунни кўж.

Учинчи байтда иккинчи байтдаги фикрини кучайтиради Навоий. Ишқ икки ошиқ каби лирик қаҳрамоннинг қаддинигина ҳам қилмабди, фалак ҳам шу юкдан эгилган. Бу билан муболаға қилинган ўринни байтнинг иккинчи мисрасида келтирган. Тўринчи байтда айна санъатдан (муболаға) яна бир бор фойдаланилган. Энди шу юк сабаб эгилган осмон остига “нун” ҳарфини қўйишдек муболағавий ўрин бор. Айна пайтда “нун” ҳарфига радиф бўлиб келаётган кўж сўзидаги каби эгиклик хос. Нуннинг эгилиши ўхшатишмоқда. Байтда ҳарфий санъатдан ҳам фойдаланилган.

Юзи маҳтобида мушкин қоши невчун кўж эрур,
Ўғрилиқ гар қилмади ул ҳиндуйи мавзунни кўж.

Ёр юзинг маҳтоб (ой юзли), қоши мушкин дейилиши орқали ташбеҳ қилинмоқа. Кўж (егилганлик) ҳатто ёрнинг қошида кўринди. Қошидаги эгриликни ойдан олган дейди лирик қаҳрамон ёрининг қошини кўриб, бироқ зебо “ўғрилиқ” қилса ҳам, унинг қадди эгилмади. Байтда маҳтоб ва қошнинг кўжлиги ўзаро ўхшатишмоқда, улар орасида алоқа бордек.

Эгриликка шухра бўлмоқ истамассен, айлама
Аҳли исён хизматида қадди бенуқсонни кўж.

Ошиқ қадди бошига тушган ишқи сабаб эгилди, аммо кўжлик-
ни даф қилиш – қаддини бенуқсон қилиш маъшуқа қўлида. Шу-
нинг учун маъшуқадан эгриликда шухрат қозонишни истамаса,
қадди бенуқсоннинг қаддини эгмасликни сўрайди, яъни маъ-
шуқа ошиққа раҳм қилмоғи сўралмоқда.

Гар Навоий кўж эрур шаҳ хизматида не ажаб,
Чунки қилмиш қуллуғи Жамшиду Афридунни кўж.

Мақтабда Навоий ўз таҳаллусини қўлаб, кўж (қадди букил-
ганлик) унга ҳам хослигини айтади. Бироқ Навоийнинг қадди ишқ
юкидан эмас, шоҳларга қуллуқ қилишдан букилган. Тарихга назар
ташлаб, Жамшиду Фаридун ҳам шоҳга қуллуқ қилиши билан қад-
дини букканини айтади ва бу билан талмеҳ санъатидан моҳирона
фойдаланади.

Назора БЕКОВА

—~~~~~—
“Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас...”
~~~~~—

Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас,  
Умрни тутқил ғаниматким, замоне беш эмас.

Уй бино айлаб ажабтур элни меҳмон, айламак,  
Улки бу уй ичра беш кун меҳмоне, беш эмас.

Қўй тавонолик сўзин, ёд эт ажал хоринки, пил  
Пашшалар ниши қошинда нотавоне беш эмас.

Кир фано дайридаким, ҳар шайху юз савдо анга,  
Улки отин хонақаҳ қўймиш, дўконе беш эмас.

Эйки, бўлмиш хилъатинг зарбафт бори билким, ул  
Маъно аҳлин кулдурурга заъфароне беш эмас.

Меҳр тожу чарх тахтинг бўлса ғофил бўлмаким,  
Меҳр бемеҳр-у фалак номехрибоне беш эмас.

Шаҳға иш эл фикрини қилмоқдур ул ким, зеб ким?!  
Бир сурук қўйдур раоё, ул шубоне беш эмас.

Гар Навоий истади авворалиғ, эй аҳли ҳуш,  
Гам еманг девонайи беҳонумоне беш эмас.

Авжи давлат узра бўлсун доимо Билқиси аҳд,  
Ким Зуҳал қасрида ҳар тун посбоне беш эмас.

– V – – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лугат

**Беш эмас** – кўп эмас; ҳеч

**Билқис** – Сулаймон пайғамбар маъшуқасининг исми

**Зарбафт** – зардан тўқилган мато

**Заъфарон** – сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик; сариқ ранг-  
га ишора

**Зуҳал** – Сатурн сайёраси

**Меҳр** – қуёш; севги, ишқ

**Ниш** – ари ва чаённинг найзаси; тикан, тиканнинг учи

**Пил** – фил

**Раоё** – раиятнинг кўплиги; тобе халқ

**Суд** – фойда, нафъ

**Сурук** – тўда, гала

**Тавонолиқ** – кучлилик, қувватлилик

**Фано дайри** – мажозан дунё

**Хилъат** – кийим; сарпо, ҳашаматли кийим

**Хонақоҳ** – шайху дарвешлар зикру самоъ тушадиган жой

**Чарх** – ғилдирак; айланиш; осмон, фалак

**Шубон** – чўпон

## **Насрий баён**

Бу дунёга (унинг фойдалари)га берилишдан умидингни уз. Бундан кўп зиён кўрмайсан, ўтаётган умрингни ғанимат билки, у жуда тез ўтиб кетади.

Бу дунё уйига ўзи беш кунлик меҳмон бўлиб турганларнинг уй барпо этиб меҳмон кутишлари ажабланарли.

Сен куч-қудратдан гапирадиган сўзларингни қўй, ажал хори (тикани)ни эсла. Шундай катта куч-қувватга эга фил ҳам пашша ниши (найзаси) олдида ожиз.

Фано дайри, яъни фонийликка юз бурганлар масканига кириб кўргин, у ерда ҳар бир шайх бошида юзлаб савдо – ташвиш бўлган бу жойни хонақоҳ деб атабдилар, аслида у дўкондан бошқа нарса эмас.

Сенинг заъфарон (сарғиш тус берувчи хушбўй ўсимлик)ни эслатувчи зарбафт – зардан тикилган кимхоб тўнинг маъно аҳлининг кулгисини қўзғатишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Қуёш тожинг, чарх тахтинг бўлса ҳам, ғофил бўлма, зеро қуёш, яъни меҳр бемеҳр ва фалак номехрибондир, бошқа нарса эмас.

Шоҳнинг иши эли ҳақида қайғуришдек гўзал амалдир, зеро, халқ бир сурув қўй бўлса, подшо чўпондан бошқа нарса эмас.

Эй хушёрлар, Навоий шу йўлда овора бўлишни истаган экан, сиз ғам еманг, чунки у ҳам дарбадар девоналардан, зиёд эмас.

Давлатнинг юксак тахти узра турган замон Билқисидек бўлган Зухал ҳам, тун қасрида оддий посбон, қўриқчи, бошқа нарса эмас.

## **Шарҳ ва изоҳлар**

Ҳазалнинг умумий мазмунига кўра, бу дунё моҳиятини англаган инсон унинг ҳеч нарсага арзимаслигини янада чуқурроқ ҳис

қила бошлайди. Шу сабабли, у дунёдан, унинг мақсадларидан воз кечиш (худкушлик йўли билан эмас, албатта) заруратини тушуниб етади. Орифона ғазаллар ичида ушбу мавзуга бағишланганлари ҳам анчагина. Улар комиллик масаласини тушунишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ушбу ғазалга эътиборни қаратамиз. Ғазал матласи шундай:

Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас,  
Умрни тутқил ғаниматким, замоне беш эмас.

Байтнинг насрий баёни қуйидагича: “Бу дунё (унинг фойдалари)га берилишдан умидингни уз. Бундан кўп зиён кўрмайсан, ўтаётган умрингни ғанимат билки, у жуда тез ўтиб кетади”.

Ғазалда иншо санъатининг амр ва наҳий усулидан фойдаланилган ва буни орифона ғазалларга хос панд-насиҳат характери билан изоҳлаш мумкин. “Умуман, сўфиёна адабиётда ўғит оҳанги, панд-насиҳат етакчилик қилади. Бу табиий, чунки шайхлар ўз муридларини суҳбат орқали, насиҳат қилиш билан тарбиялаганлар...” (176).

Сўфийликдаги Аллоҳдан ўзга нарсаларга кўнгил қўймаслик зарурати бу йўлнинг муҳим принципларидан ҳисобланган ва мазкур ғазалнинг асосини ташкил этган ушбу мавзуга ҳамоҳанг кўплаб ояту ҳадислар ҳам мавжуд. Жумладан: “Раббингизнинг номини доим зикр қилинг ва қалбингизни ҳамма нарсадан ҳоли қилиб, чин ихлос бирла унга йўналинг!” (73:8) ёки: “Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин, кумуш, бойликлар, (қиммат) баҳоли отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-хоҳишларига кўнгил қўйиш чиройли қилинди. Холбуки, булар дунёнинг (ўткинчи) нарсаларидир. Аллоҳнинг ҳузuriда эса энг гўзал қайтадиган жой жаннат бордир”(3:14).

Тариқат тўққиз мақомининг (тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, хавф, ражо, таваккул, ризо) учинчиси – зуҳд мақоми талаблари билан уйғун ушбу ғазал Ғаззолийнинг “Зуҳд – дунёдан ихтиёрий равишда воз кечиш ва бунинг учун қайғурмасликдир”, деган сўзларини эсга солади.

Дунё ҳою ҳавасларига берилмаслик ҳақидаги фикрларини шоир кейинги байтда шундай давом эттиради:

Уй бино айлаб ажабдур элни меҳмон айламак,  
Улки бу уй ичра беш кун меҳмоне, беш эмас.

Бу дунё уйига ўзи беш кунлик меҳмон бўлиб турганларнинг уй барно этиб меҳмон кутишлари ажабланарли, деган мазмун англашилган жуда мутаассир бу байт зуҳду тақвога ишора этади. Айрим тақводор кишилар шу беш кунлик дунёга овора бўлиб уй қураимизми, дея чодирларда умргузаронлик қилиб ўтганлиги ҳақида ҳикоятлар ҳам етиб келган. Инсон умрининг ўткинчилиги меҳмон мафҳуми ёрдамида тушунтирилган бу байтда шу сўзнинг ўзи тақрир санъатига асос бўлганини кўриш мумкин. Шунингдек, иккинчи мисрада икки марта қўлланилган беш сўзи икки маънода келиб, тажнис санъатини ҳосил этган (беш – 5 рақами ва беш – ортиқ). Ҳазалда қўлланилган беш эмас (ортиқ эмас) радифи ҳам ўзига хос. Ҳар бир байтда у алоҳида, ўзига хос маъно жилвалари билан жаранглайди. Бу туркумдаги бошқа ҳазаллар каби шоир сўфийлик ҳақиқатини ифодалашда қарама-қарши тушунчалардан – тазод санъатидан унумли фойдаланади:

Кўй тавонолик сўзин, ёд эт ажал хоринки, пил  
Пашшалар ниши қошинда нотаवоне беш эмас.

“Сен бойликдан, куч-қудратдан гапирадиган сўзларингни қўй, ажал хори (тикани)ни эсла. Шундай катта куч-қувватга эга фил ҳам пашша ниши (найзаси) олдида ожиз”.

Шоир мазкур байтда тазод ва тамсил бадиий санъатларини, фил ва пашша тимсоллари билан мувофиқлаштириб қўллар экан, инсон умрининг интиҳоси ҳам борлигига, уни унутиб қўймасликка ишора қилади. Инсон қанчалар қудратли бўлмасин, унинг ўлим олдида ожизлиги уни ўзидан қудратлироқ зот борлигига ишончини кучайтиради. Бундан келиб чиқадиган мақсадни эса Навоий кейинги байтда кўпгина орифона ҳазалларга хос бўлган тадриж санъатидан ўринли фойдаланиб, давом эттиради:

Кир фано дайриғаким, ҳар шайху юз савдо анга,  
Улки отин хонақоҳ қўймиш, дўконе беш эмас.

Бу байтда фано дайри, шайх, хонақоҳ каби тимсол ва тушунчалар таносуби қўлланилган. “Фано дайри, яъни фонийликка юз бурганлар масканига кириб кўргин, у ерда ҳар бир шайх бошида юзлаб савдо – ташвиш бўлган бу жойни хонақоҳ деб атабдилар, у дўкондан ортиқ эмас”, – деган мазмунни англаганимиз ушбу байтда савдо, дўкон тушунчаларининг зоҳирий маънолари таносубидан унумли фойдаланган шоир шайх олдига келган сулук аҳлидан унинг (шайхнинг) бошига тушадиган ташвишларни тушунтиради. Савдо – шу савол-жавоблару тушунмовчиликларни англатиш тимсоли. Шунини билиш керакки, ҳар бир хонақоҳ, яъни фано дайрида бажариладиган амаллар жуда мураккаб. У фақат шайхнинг билими ёки солиқнинг нияти билангина амалга ошмайди. Икки томон ҳам, айниқса, солиқ қаттиқ риёзатлар эвазига ниятларига эришадилар. Агар шундай бўлмаса, хонақоҳ дўкондан бошқа нарса эмас. Кенгроқ маънода оладиган бўлсак, хонақоҳ ҳам бу ўткинчи дунёда дўкондек бир гап. Зеро, хонақоҳ, гарчи сўфийлар тарбияланадиган жой бўлса-да, аммо у ҳам зоҳирий русум кўринишларидан – дунёвий тадбир, холос. Хонақоҳнинг аҳволини, у ерда кечадиган ҳаёт тарзини шоир ушбу байтда таносуб, ташбеҳ санъатлари воситасида ифодалайди. Кейинги байт:

Эйким, ўлмиш хилъатинг зарбафт, бори билким, ул  
Маъни аҳлин кулдурурга заъфароне беш эмас.

Шоир бошлаган фикрини дунёга, ундаги бойликларга берилиб кетган кимсага қарата, унга маъно аҳлини (орифларни) қарама-қарши қўйган ҳолда давом эттирмоқда, яъни: сенинг зарбафт – кимхоб тўнинг маъно аҳлининг кулгисини қўзғатадиган нарсадан бошқа ҳеч нарса эмас. Зоҳирбин кимсанинг ўз-ўзини намоиш этиши ҳақиқий мақсад йўлида турганлар, Ҳақни англаганлар учун аҳмоқликдан бошқа нарса бўлиб туюлмайди. Орифона, тасаввуфга мансуб мана шундай ғазалларда Навоий шахс ҳаёти, жамият ҳаёти билан уйғун ибратли фикрларини айтиб ўтишни ҳам унутмайди:

Шаҳға иш эл фикрини қилмоқдур улким, зеб ким?  
Бир сурук қўйдур раоё, ул шубоне беш эмас.

Шоҳнинг иши эли ҳақида қайғуришдек гўзал амалдир, зеро, халқ бир сурув қўй бўлса, подшо чўпондир, деган анъанавий қиёс-ни қўллар экан, шоир подшолик ҳам дунёнинг ўзи каби ўткинчи, деган фикрни уқтиради. Ҳақиқий подшоҳ эса – Аллоҳ. Унинг қаршисида ҳодиса сифатидаги барча нарсалар, ҳатто подшоҳу оддий фуқаро ҳам моҳиятан тенг.

Орифона ғазаллар мақтаъсини ўрганиш Навоийнинг орифона фикрлари, сўфийликка уйғун руҳий олами, кайфияти билан янада яқинроқ танишишга имкон беради. Жумладан, ушбу ғазал мақтаъсида ҳам Навоий “аҳли хуш”га мурожаат қилар экан, ўзини маломат қилишдан қочмайди.

Гар Навоий истади оворалиғ, эй аҳли хуш,  
Ғам еманг девонайи бехонумоне беш эмас.

Яъни: “Эй ҳушёрлар, Навоий шу йўлда овора бўлишни истар экан, сиз ғам еманг, чунки у ҳам дарбадар девоналардан зиёд эмас”.

Хуллас, ирфоний мазмун-моҳиятга эга бўлган мазкур ғазал Навоий руҳий оламига яқинлашишга, унинг тирикликка, дунёга ва инсон умри мазмунига муносабатини аниқроқ тасаввур этишга қўмаклашадиган ғазаллардандир.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА

“Не ажаб гар нуқл тухми ғам қушин ром айламас...”

Не ажаб гар нуқл тухми ғам қушин ром айламас,  
Маст чун бир дам овуч қоқмоқдин ором айламас.

Тун қуёшқа ёвуи олмасдекдур улким, май сари  
Тийралик шахси азимат бир-ики гом айламас.

Фикру ғам қочмоққа майдин истасанг равшан далил,  
Шайх ё зоҳид недурким бода ошом айламас.

Айни нозу шевадин кофир кўзунг, эй муғбача,  
Тарфат-ул-айне эмаским, қасди ислом айламас.

Жисм аро пайконларинг су қилди кўнглум оҳ ила,  
Бодаи шавқин ажабким, ичкали жом айламас.

Воизо, айлаб тамаъ қон ютмағилким, пири дайр  
Бодадин ўзга сувол аҳлиға инъом айламас.

Дема ишқ ўйнаб Навоий оқибат не бўлғуси  
Ким, бу иш оғоз қилған фикри анжом айламас.

– V – – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Овуч** – ҳовуч, кафт, чангал

**Ёву** – яқинлашмоқ, яқин келмоқ, йетишмоқ, юришмоқ

**Тийралик** – қоронғулик, хиралик

**Азимат** – катта, улкан

**Гом** – одим, қадам, юриш; 2) Қасд, ният, истак; 3) Оёқ

**Ошом** – ичган

**Муғбача** – май ташувчи, косагул; маъшуқа, севгили

**Тарф** – нигоҳ, назар; кўзнинг чети

**Пайкон** – 1) Камон ўқининг учидаги учлик темир; тиконнинг  
ўткир учи; 2) Бошоқ; 3) Киприк

**Пири дайр** – бутхона бошлиғи

**Оғоз** – ибтидо

**Анжом** – оқибат, охир, интиҳо, поён, тугаш, сўнг; 2) Бажариш,  
туғаллаш

## Насрий баён

Нуқл тухуми ғам қушини ром қилолмаса ажабланма, маст ҳам бир дам ҳовуч қоқишдан ором олмайди.

Тун қуёшга яқинлаша олмаганидек, қоронғуликда одам май сари бир-икки қадам юролмайди.

Майдан қочиш ҳақида ўйласанг сенга аниқ далил шуки, шайх ёки зоҳид бода ичмайди.

Ей севгили, сенинг қарашинг исломий қараш эмас, шу ноз-у одатларингдан маълумки, кўзларинг кофир.

Бода шавқи бор, ажабки, кўнглимни оҳ билан сув қилган жисмимдаги оҳларингни ичиш учун жом йўқ.

Воиз (айтувчи), таъма қилиб қон ютмагинки, бутхона бошлиғи сувол аҳлига бодадан ўзга нарса инъом қилмайди.

Ишқ сабаб Навоий оқибатда нима бўлди демагин, бу ишни ибтидоси бор-у, интиҳоси бўлмайди.

## Шарҳ ва изоҳлар

Берилган ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 224 ғазалидир. Ғазалнинг ҳажми 7 байт (ўн тўрт мисра).

Қофияланиши: а-а, б-а, с-а, д-а, э-а, ф-а, г-а.

Ғазал қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: ром, ором, гом, ошом, ислом, жом, инъом, анжом.

Қофиядош сўзларда равий “м” ҳарфидир. Шу сабабли ҳам у муқайяд қофия турига киради. Қофиядош сўзларнинг товуш таркиби тўла мос келганлиги сабабли тўлиқ (тўқ) қофия сирасига киритишимиз мумкин.

Радифи - айламас.

Ғазал мазмунига кўра “риндона ғазал”. Айнан шу ғазалнинг тузилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, “мусалсал ғазал” сифатида оламиз. Чунки таркибидаги лирик воқеа, манзара, фикр ва кечинма сатрлар силсиласида даражама-даража (тадрижий) ривожланиш хусусиятига эга. Матлаъда бошланган мавзу мақтаъга қадар

давом этган. Мақтаънинг биринчи мисрасида “Навоий” тахаллу-  
си қўлланган.

Алишер Навоийнинг умр дафтари хусусида ҳиссиётга тўлиб  
фикр юритиш асло мумкин эмас. Негаки ўша саҳифаларнинг ҳар  
бир сатри бир олам. Уларга сиртдан қаралганда сокин кўринади.  
Аммо туби тўлқинли, бағоят теран, нодир. Навоий ижоди бора-  
сида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. “Навоий-бизнинг мил-  
лий ифтихоримиз, шарафимиз, ўзлимиз тимсоли. Уни тўйдан  
тўйгача унутиб қўйиш эса гуноҳи азимдир. Улуғ шоирнинг маъ-  
навий мероси китоб жавонларида эмас, қалбимиз тўрида бўлиши  
зарур”, - дейди профессор Р.Воҳидов. Устознинг фикрларига тая-  
ниб, Навоий маънавий меросини китоб жавонларидан қалбимиз  
тўрига кўчириш мақсадида “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин  
олган ғазалларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Ушбу ғазалда Навоий байтнинг бир мисрасида маълум фикр-  
ни айтиб, яна бир мисрада фикрига мисол келтирди ва шу орқали  
ғазалда тамсил санъати фикрни очиш учун катта хизмат қилди.

Тун қуёшқа ёвуй олмасдекдур улким, май сари  
Тийралик шахси азимат бир-ики гом айламас.

Тийралик шахси азимат бир-ики гом айламас, яъни у бир-ик-  
ки қадам юролмайди, бу худди туннинг қуёшга яқинлаша олма-  
гани каби.

Фикру ғам қочмоққа майдин истасанг равшан далил,  
Шайх ё зоҳид недурким бода ошом айламас.

Байтнинг насрий баёни - майдан қочиш ҳақида ўйласанг сенга  
аниқ далил шуки, шайх ёки зоҳид бода ичмайди. Шайх, зоҳид сўз-  
ларининг берилиши орқали байтда таносуб санъати қўлланган.  
Иккинчи мисрада келтирилган далил эса тамсил санъатни юзага  
келтирган.

Воизо, айлаб тамаъ қон ютмағилким, пири дайр  
Бодадин ўзга сувоҳ аҳлига инъом айламас.

Воизга мурожаат билан бошланган бу байт нидо санъати билан бошланди ва пири дайр, сувол аҳли орқали байтни таносуб санъати билан давом эттирди.

Дема ишқ ўйнаб Навоий оқибат не бўлғуси  
Ким, бу иш оғоз қилган фикри анжом айламас.

Ғазал мақтаъсида тахаллус қўлланган бўлиб, унда ишқ оқибатида Навоийга не бўлди дея савол билан юзаланлади. Саволнинг жавоби байтнинг иккинчи мисрасида- яъни бу ишни ибтидоси бор-у, интиҳоси бўлмайти. Ишқ шундай. Унда поён йўқ. Ғазалда бода ҳақида байтлар ҳам учрайди, бироқ ишқ доимгидек Навоий ғазалларининг бош мавзуси, талқини.

Назора БЕКОВА

——  
**“Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлуғ нишони бас...”**  
——

Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлуғ нишони бас,  
Жунун тоши синук бошим уза қуш ошени бас.

Дамингни асра, эй Исоки, ранжим даъфиға ҳар кун,  
Ғизо ул ой қиличи захмининг бир қатра қони бас.

Сену ҳайвон суйи, эй Хизр, тутқил тарки жонимким,  
Манга ёр олдида ўлмак ҳаёти жовидоний бас.

Шаҳу иззат саририким, агар будур жаҳон жоҳи,  
Манга идбор кўйида мазаллат хокдони бас.

Ғанию кўнглида пинҳон дирам фикрию ишқ ўти  
Менинг кўнглумда куйдурган неча доғи ниҳоний бас.

Санга кавсар суйию лаҳни Довудийки, дайр ичра  
Муғанний нағмаси бирла манга жоми муғоний бас.

Ҳаводис дафъиға шаҳ кўк ҳисори узра гар чиқсун  
Ки, фақр аҳли учун дайри фано дорул-амони бас.

Фигонким, лутфу қаҳрига тафовут йўқни ҳам англаб,  
Фано аҳлига жаврин қилмади бу дайри фоний бас.

Навоийдек ўлар ҳолимда деманг ҳуру жаннатдин,  
Сезинг барчаки, бу овораға бир кўрмак они бас.

V --- V --- V --- V ---

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
хазажи мусаммани солим

Маълумки, инсон фарзанди учун дунёда ҳурликдан олий саодат йўқ. Шеърятдаги энг гўзал ҳиссиётлар ҳурлик завки ёки ҳурлик ҳолатларида туғилган. Инсон нима учун комил бўлишни мақсад қилиб белгиллаган? Нима учун у тинимсиз равишда комиллик йўлида ранж ва заҳмат чекиб келади? Бунинг жавоби битта: тўла маънода эркин бўлиш учун. Фикрда, ишда, яшашда ҳурликни қўлга киритиш - комилликнинг тамали ана шу. Баландпарвозроқ эшитилса ҳам айтиш керакки, эркинлик йўли - маъно ва маънавият, ҳақиқат ва руҳоният йўли. Фақат ҳурлик маслагига соҳиб одамгина Аллоҳ амру фармойишларини тўғри англаш ва Ҳақни ботилдан ажратишга қодирдир. Эркинлик чиройли гап эмас, балки амалий тажриба эрур. Азизуддин Насафийнинг таъкидлаб ёзишича, “Хур бўлмиш комил инсон саккиз нарасада мукаммалликка эришмоғи лозим. Булар: яхши сўз, болиг (балоғатли) фикр, тўғри фаолият, гўзал ахлоқ, маърифат, тарк салоҳияти, узлат, қаноат ва ҳомул (мажҳуллик)дир. Ана шу саккиз унсурни ўзида мукаммаллаштирган киши комил ва озод, етук ва ҳурдир”. Оддий кўринган бу саккиз “унсур”нинг биринчисидаёқ одам ўзининг ожизлиги, ахлоқ ва фаолиятда, албатта, ноқисликка ён беришни намойиш қилади. Демак, ҳурлик деганда, энг аввало, фикр салоҳияти, ахлоқ гўзаллиги, тўғри амал ва маърифат даражаси назарда тутилмоғи

шарт. Зеро, фикр-савияси паст, маърифатсиз кимсанинг ҳурликка талпиниши ҳосиятсиздир. Онг ва қалб ҳаётидаги кўп ожизликлар эрк масаласини беҳад тор англашга бориб тақалади. Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазалида шундай маҳдудликка қарши ботиний исён бор. Навоий кўп ғазалларида ҳурлик моҳиятига таяниб фикр билдиради, ҳурлик маслаги шаклланган лирик “Мен”нинг сўз ва ҳолатларини кутилмаган тимсол, ташбеҳ, мажозлар воситасида тасвирлайди. Илк дафъа “Бадоеъ ул-бидоя” девонидан фрин олиб, “Хазойин ул-маоний” тартиб берилганда “Ғаройиб ус-сиғар”га киритилган “Кийик чарми заиф эғнимга мажнунлиғ нишони бас” мисраси билан бошланадиган тўққиз байтли ғазал шундай шеърлардан бири. Унинг илк байтини ўқишданок сезгир шеърхон гап нима ҳақидалиги, нима учун шоир заиф вужудига “мажнунлуғ нишони” ўлароқ айнан “кийик чарми”ни ўйлаётганлигини осон илғайди. Зеро, кийик - тўла маънодаги эркинлик тимсоли. Шу боис ҳам “кийик чарми” заррача бўлсин, “мажнунлиғ нишони”га монелик қилмайди.

Мажнун - жунун калимасидан пайдо бўлган. Жунун эса, аслида яшириниш, беркиниш демак. Тасаввуфда илоҳий ишқдан сармаст бўлиш, ақлу ҳушдан бегоналик ҳолига жунун дейилган. Жунун камоли - ишқ ва эркинлик камоли. Ҳеч бир давр ва замонда жамият жунун камолини қувватламаган, қувватлаши мумкин ҳам эмас. Чунки “Жунун тоши синук бошим уза қуш ошиёни бас”, деган даражага кўтарилган кишининг бу орзуси аҳли жамият учун тушуниксиздир.

Ҳамма замонларда ҳам оддий одамлар жамоаси кечишни эмас, эришишни, узлатни эмас, ҳамжихатликни, мутлақ ҳурликни эмас, ўзаро боғлиқликни маъқуллайди. Бунда ҳур ва озод бўла олиш, чинакамига ҳур ва эркин яшаш ҳамманинг ҳам қисматига битилмаганлигини олдиндан билиш керак. Юнус Эмро бир шеърда “Менда бир Мен бордир, “Мен”дан ичкари” - дейди. Аслида ҳақиқий ишқ ва ҳурлик соҳиби ўзликдан юксак кўтарилган ана шу “Мен”дир. Навоий бошқа бир ғазалида:

Танимга чоклар очти, не айб, агар ўлсам  
Ки, руҳ булбулининг лойиқи эмас бу кафас,-

деганида худди ўша “ичкари”даги “Мен”нинг ҳукмини ифода-  
лаган. Бу “Мен” ҳамма нарсага бошқача қарайди, ҳамма нарсани  
мутлақо ўзгача кенгликларда идрок айлайди. Масалан, унинг  
нурга муносабатини олайлик. Кўзнинг нури кўради, бироқ кўр-  
сатмайди. Ой, қуёш, юлдуз ёки оловнинг нури кўрсатади, аммо  
кўрмайди. Фақат Ҳақ Таолонинг нури ҳам кўради, ҳам кўрсатади.  
Демак, Ҳақ нури ила кўриш, билиш ва мушоҳада айланиши охиқ-  
ни ҳатто айрим набилар ва расулларга муҳтожликдан ҳам халос  
қилишга қодир. Қуйидаги байтлардаги мурожаатларда шундай  
ҳақиқат яшириндир:

Дамингни асра, эй Исоки, ранжим дафъига ҳар кун,  
Ғизо ул ой қиличи захмининг бир қатра қони бас.

Маълумки, Исо Рухуллоҳ ўзининг нафаси билан ўликни ҳам  
тирилтирган. Ғазал қаҳрамони эса Исо дами - нафасини гўё на-  
зарга илмайди. Яъни, “Менинг ранжим шифоси учун маъшуқам  
қиличи захмининг қатра қони кифоя”, дейди. Навбатдаги байт  
маъноси ҳам шунга ўхшаш:

Сену ҳайвон суйи, эй Хизр, тутқил тарки жонимким,  
Манга ёр оллида ўлмак ҳаёти жовидоний бас.

Бундоқ қаралганда, Хизрга насиб этган оби ҳаёт - абадий ти-  
риклик учун нақд нарса. Навоий тасвиридаги охиқда бунга ҳам  
иштиёқ йўқ. У ҳаёти жовидонийга ўлим орқали эришмоқчи. Ёр  
олдидаги бу “ўлим” ҳам поклик, ҳам вафо, ҳам руҳни равшан эт-  
гувчи маърифий тириклик мазмунига эга. Бунда бошқа ҳақиқат  
ҳам бор, албатта. Хизрнинг олами - олами висол эрур. Ва истилоҳи  
суфияда Хизр баст (ёлвориш, рижа)дан киноят эрур. Ушбу ғазал  
алоҳида диққатга молик қаноат ва тарк туйғуси билан битилган.  
Шу боис унда кўпчиликка унча қизиғи йўқ бирор нарса учун, кўп-  
чиликни қизиқтирувчи иккинчи бир нарса инкор этилиб бори-  
лади. Шоҳлик тахти ва иззати кимни ўзига жалб қилмайди, дей-  
сиз? Жаҳоннинг катта амал ва баланд мартабаларига очиқ кўз ила  
қарай олган, ҳурликнинг афзалликларини тўғри баҳолашга қодир  
киши, ҳеч шубҳасизки, ғазал қаҳрамонининг “Агар жаҳоннинг

амалу мансаблари шу бўлса, менга бахтсизлик кўйида хорлик хок-  
дони бас”, дейишига асло эътироз билдирмайди:

Шаху иззат саририким, агар будур жаҳон жоҳи,  
Манга идбор кўйида мазаллат хокдони бас.

Ошиқ кўнгли - холис кўнгил. Холислиги шундаки, унда ишқ-  
дан ўзга ҳеч бир нарса ўрин топмайди. Чунки ошиқнинг бойлиги  
ҳам, давлати ва салтанати ҳам ишқдир. Ғанийликда эса бундай  
бирлик бўлмайди. Истанг-истаманг, “дирам фикри”дан фориг  
бўлиш мушкулдир. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтайлик.  
Моддий бойликнинг ўз-ўзича ҳеч қандай зарарли жойи йўқ. Ле-  
кин бойликка ҳавасдан - хирс, хирсдан ҳасрат туғилиши муқар-  
рар. Ҳамма гап мана шу кулфатдан ўзини муҳофаза эта олишда.  
Мол-давлатга қул бўлмаган одам дунёпарастлик хирсига берил-  
майди. Навоий кўнглидаги “доғи ниҳоний”ни софлик, воҳид мақ-  
саддан чалғимаслик мазмунида талқин этиб, дейди:

Ғанию кўнглида пинҳон дирам фикрию ишқ ўти,  
Менинг кўнглумда куйдурган неча доғи ниҳоний бас.

Тасаввуф одоби бўйича тарки дунё қилган киши тарки уқбога  
ҳам эришмоғи лозим. Жаннат ҳаёлидан йироқлик ўз-ўзидан воқе  
бўлмайди. Балки дийдорталаблик эҳтиёжини ифодалайди. Ва со-  
лик бутун борлиги ила “Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил парварди-  
гор”, дея ёлворади.

Нақл қилинишича, Ҳазрати Довуд куй чалиб, қўшиқ айтганда  
энг хушовоз қушлар унинг елкасига келиб қўнишаркан. “Лаҳни  
Довудий” Довуд нағмаси Довуд пайғамбар куй ва қўшиқларининг  
бениҳоя гўзал ва таъсирбахшлигига ишоратдир. “Дайр” - инсони-  
ят олами. “Жоми муғоний” - ориф ва авлиёлар жоми. Навоий нав-  
батдаги байтда “Эй жаннатпараст, кавсар суви ҳам, жаннат эши-  
гини очувчи лаҳни Довудий ҳам сенга бўлсин, менга ҳаёт гулшани  
ичра муғанний оҳанглари-ю, орифу авлиёлар суҳбатидан файз  
етса бас”, деган фикрни илгари сурган:

Санга кавсар суйию лаҳни Довудийки, дайр ичра  
Муғанний нағмаси бирла манга жоми муғоний бас.

Шоҳ ва фақир тазоди мумтоз адабиётимиз учун бир анъанага айланган. Бунда шоҳлик салтанатидан фақрлик салтанати ҳамиша устун қўйилади. Фақр икки маънони акс эттиради: биринчиси - камбағиллик, йўқсиллик, бойликка муҳтожлик. Иккинчиси - инсоннинг ҳар жихатдан Аллоҳга эҳтиёжмандлик сезиши. Шу маънода кўп мол-давлатга эга кишилар ҳам фақир дейилади. “Рисолаи Кушайрий”да ёзилишича, фақр авлиёнинг шиори, асфиёнинг (соф кишиларнинг) зийнати ва Ҳақ дўстларининг хислати эрур. Шу боис Ҳақ халқни фақирлар воситасида кўрур. Фақрликнинг ҳурмати ва баракотидан халқу халойиқнинг ризқини оширар. Фақир – барча ёмон феъллардан қутулиб, яхши хислатлар ила ғанийлашганлиги учун фано ҳолига содиқдир. Навоий шундай фикр-қарашларга асосланиб фақру фаноликни улуғлайди:

Ҳаводис дафъиға шаҳ кўк ҳисори узра гар чиқсун  
Ки, фақр аҳли учун дайри фано дорул-амони бас.

Фақир билан сўзлашганда, севги ва муҳаббат тили билан сўзлашмоқ керак. Чунки фақир ишқни Аллоҳга восил этадиган бош ва дахлсиз йўл ҳисоблайди. У фано филлоҳ мақомига кўтарилгач ўзини дунёвий ва ухровий бир борлиқ сифатида кўрмайди. Ана шунда у “Хуру жаннат” орзусини хаёлга ҳам келтирмайдиган даражада маънан юксалади. Навоий кавсар суви билан бошланган фикрни гўё хулосалаб ғазал мақтасида ҳар нарсадан Ҳақ жамолини устун кўришни таъкидлайди:

Навоийдек ўлар ҳолимда деманг хуру жаннатдин,  
Сезинг барчаки, бу овораға бир кўрмак они бас.

Тасаввуфда ўткинчи дунё ва дунё билан алоқадор ҳар қандай тобеликлардан қутулиб маънавий ҳурриятга етишган кишига Озод дейилган. Мухтасар таҳлил этганимиз ғазалда ҳам Ҳазрат Навоий Озод шахс фикр-қарашларини акс эттирган. Хурлик ва эркинлик тушунчаларининг асл моҳияти ва талабларини пухта билиш учун бундай ғазалларга қайта-қайта мурожаат этиш зарурдир.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ**

  
“Нафиси кийгулук ўлса яланг танимға ҳавас...”  


Нафиси кийгулук ўлса яланг танимға ҳавас,  
Ҳасир нақши ҳасирий либос ўрниға бас

Сиришк ёълини хас биря туттилар, ёхуд  
Кўзимни ёълиға суртарда мунча тўлмиш хас.

Бир ўт димоғима ҳажр урдиким, нафас андин  
Чиқар самум ўлуб, ар худ бўлай Масихнафас.

Азим анингдек зарур ишқ маҳмиликим, анга  
Қазо фалакни икки бўлса бўлғай икки жарас.

Танимға чоклар очти, не айб агар ўлсам  
Ки, руҳ булбулининг лойиҳи эмас бу қафас.

Кўнгулки, кофири ишқ ўлди ор эрур зуннор,  
Нединки муғбача зулфин белига қилди марас.

Фано ҳавас қилу фақр эт ҳаво Навоийдек,  
Вале ҳавову ҳавас, қилмағил ҳавову ҳавас.

V-V- VV-- V-V- VV-  
мафоилун файлотун мафоилун файлун  
мужтасси муссаммани маҳбуни маҳзуф

**Луғат**

**Ҳасир** – бўйра, чипта;

**Ҳажр** – айрилик, жудолик;

**Самум** – 1) Ҳамма нарсани қуритадиган иссиқ шамол, гарм-сел; 2) захар, аччиқлик

**Худ** – 1) Ўзича; 2) Худду. каби

**Маҳмил** – 1) Муҳофа, кажава; 2) Осилган, боғлиқ;

**Жарас** – қўнғироқ

**Зуннор** – 1) Христиан динидагиларнинг белига боғлайдиган чилвир, белбоғ; 2) Бут, тортувчи;

**Марас** – ит бўйнига тақиладиган арқон.

### Насрий баён

“Агар менинг яланғоч танам нафис кийим кийишга ҳавас қилган бўлса, бўйра нақши ҳасрий либос ўрнига ҳам кифоя қилади.

Кўз ёши ёълини чўп билан тўсдилар (ёки) кўзимнинг ёълига шунча хас тўлибди.

Айрилиқ ўти димоғимга ўт бўлиб урилди. Ундан қуюн каби нафас чиқди, худди Масихникидай.

Иш кажаваси шундай улканки, унга қазо фалакни иккига бўлса иккита қўнғироқ бўлади.

Танамга чоклар очди, агар ўлсам бу айб эмас, чунки бу қафас руҳ булбули учун лойиқ эмас.

Кимнинг қўнғлига ишқ кофирлиги бўлса, унга зуннор ор ҳисобланади. Чунки у муғбачанинг сочига белбоғ қилди.

Навоийдай фано, яъни йўқликни ҳавас қилиб фақирликдан гурурлан, аммо кибр-у ҳавасни ўзингга мақсад қилиб олма.”

### Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал анъанавий йетти байтдан иборат. Мавзу ва ғоявий ёъналиши нуқтайи назаридан ошиқона.

Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а,. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: ҳавас, бас, хас, нафас, жарас, қафас, марас, ҳавас. Бу муқайяд қофия турига киради.

Қофиядош сўзлардаги равий – “с” товуши.

Радиф мавжуд эмас.

Ушбу ғазал тузилишига кўра якпорадир. Боиси, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. Мақтанинг биринчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланилган.

Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маони” девонлар туркуми ўзининг мукамаллиги ва шеъриятининг қомуси бўлганлиги билан ажралиб туришини назарда тутиб, шоир шеъриятининг мавзу доираси, тимсоллари олами, бадийлиги сеҳрлари ҳақида сўз юритишда “Хазойин ул-маони”га асосланамиз. “Хазойин ул-маони”даги асарлар орасида ғазаллар йетакчи бўлиб, уларнинг ҳар жихатдан ибратлилигидан Алишер Навоий ғазал мулкининг султони сифатида машхурдирлар. Ана шу асосда биринчи навбатда ғазаллар ҳақида сўз юритиш маъқул кўринди. Алишер Навоий ғазаллари ғазал жанри олдига қўйиладиган расмий талабларга тўла равишда мос бўлиб, улар матлаъ (биринчи, бошланма байт) ҳамда мақтаъ (яқунловчи байт) га эгадирлар. Одатда мақтаъда шоирнинг адабий тахаллуси (Навоий) келтирилади. Ғазалларнинг ҳаммасида қофия мавжуд бўлиб, улар орасида радиф қўлланилганлари ҳам анчагина.

Алишер Навоийнинг ғазаллари кўздан кечирилганда шоир мазкур масалани кенгроқ маънода тушиниб амал қилганлиги маълум бўлади. Чунки, унинг ғазалларида фақат анъанавий ишқу ошиқликдангина баҳс юритилмайди, балки расмий ғазалнинг шаклидан фойдаланилган ҳолда ижтимоий, фалсафий, тасаввуфий ва ахлоқий мавзулардан баҳс юритиш ҳам кенг тарзда кўзга ташланади.

Мазкур ғазалда ҳам ишқий кечинмалар билан биргаликда фақр-у фано тушунчалари тараннум этилади. Фақр ёълига кирган солиқ ўзлигидан воз кечиб, ўзлигини топиши керак. Бу дунёнинг чиройи-ю бойликлари уни занжир этмаслиги керак. Танани эмас руҳини гўзаллаштириши лозим. Агар танаси нафис, гўзал кийимлар кийишни ихтиёр этган бўлса, бўз матонинг нақши унга кифоя қилиши керак.

Ошиқнинг кечинмалари байтлар давомида тасвирланиб борилади. Ҳижрон туфайли ошиқнинг димоғига бир ўт урдики, ундан қуюн янглиғ нафас чиқади. Солиқ танасининг пора-пора бўлиши

табиий ҳолдер. Чунки руҳ бир танага қаноат қилмайди. У асл манзилига, илоҳиётга қараб интилади.

Мақтада эса ғазалдан келиб чиқадиган асосий хулоса-фан ова факрни Навоий каби ҳавас қилиш кераклиги илгари сурилган. Аммо кибр-у ҳавога берилмаслик керак. Мақтада қўлланган ҳаво-ю ҳавас сўзи икки маънода қўлланилиб, тажнис санъатининг гўзал намунаси яратилган.

Назора БЕКОВА



---

“Даме эрмаски, лаълингдин кўнгул юз лахт қон эрмас...”

---



Даме эрмаски, лаълингдин кўнгул юз лахт қон эрмас,  
Дағи ҳар лахт қон ёшим била кўздин равон эрмас.

Юзунг меҳри ичинда кўз солиб оғзингни кўрмасмен,  
Агарчи зарра хуршид оллида кўздин ниҳон эрмас.

Ушалган ҳар сўнғак жисмимда гўё каъбатайнедур,  
Ниҳоний дағи зойид нуқтасидурким аён эрмас.

Эрур дардимға таскин бу кеча лекин тўшук кўксум,  
Ажаб гар новаки кўнглумга киргандин нишон эрмас.

Мени ўлтурғали ғамзанг ўқи ўмредурур, лекин  
Тирик лаълинг хаёли бирламен, жисмимда жон эрмас.

Лаҳад кунжин ватан айлаб тиниптур умридин Мажнун,  
Не бўлса, мен кеби оворайи бехонумон эрмас.

Бу давр ичра қачон жоми фароғе етгай, эй соқий,  
Чу бир дам дарду меҳнат захри чекмақдин амон эрмас,

Агарчи қон ютар булбул, вале не ғам анга чунким  
Навола ғунчадин айрую гулдин ўзга хон эрмас.

Навоий ўлди, гар парвона куйди, булбул ун чекти,  
Булар гар яхшидурлар, ишқ аро ул ҳам ёмон эрмас.

V --- V --- V --- V ---  
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
ҳазажи мусаммани солим

### Луғат

**Лаҳт** – парча, бўлак

**Зоид** – ортиқ, ортиқча

**Катъбатайн** – нард ўйинида рақамли икки тош, ошиқ ўйинида  
оқ ва қора ошиқ

**Навола** – насиба

**Хон** – 1) дастурхон; 2) подшоҳ

### Насрий баён

Лаъл(дек лаб)ингни (дарди ва ҳажри)дан кўнгил юз пора бўл-  
маган дам(им) йўқ. Ҳар бир парча қон(га айланган кўз ёш)им кў-  
зимдан оқиб турмаган дам ҳам йўқдир.

Гарчи зарра қуёшнинг олдида ҳам кўздан пинҳон бўлмаса ҳам,  
қуёшдай юзингни (ёки юзингга меҳр билан қараган пайтимда)  
оғзингни кўрмайман.

Ишқинг, ҳижронинг ва аламинг заҳмидан жисмимдаги синган  
ҳар бир суяк гўё шошқолдаги тошлар (каби шиққиллаб, айланиб  
юради), кўринмайдиган ва ортиқча нуқта аён бўлмаслиги табиий  
ҳол-ку, ахир?!

Бу кеча (нима сабабдандир) дардимга таскин бўлди, лекин те-  
шилган кўксимдаги кўнглимда (у гўзал ёрнинг) киприги топил-  
май қолди.

Мени ўлдириш учун (йўллаган) ғамза (ноз-карашманг) ум-  
римга ўқ каби санчилган, лекин аслида танимдаги жон ҳам эмас,  
лаъл(дек лабинг) хаёли билан тирикман.

Мажнун лаҳад бурчагини ватан қилиб, фароғатга етишибди, нима бўлсаям (ҳарқалай) у мен каби хонумонсиз оввора эмас-(ку).

Бу (ғаму аламли, ҳажру изтиробли) давр ичида фароғат жомии (менга ҳам) етармики, эй соқий, (ахир) бир дақиқа ҳам дард ва азоб-уқубат чекмоқликдан омонлик топмадим(-ку).

Гарчи булбул қон ютадию, лекин (аслида) унга ғунчадан насиба ва гулдан висол дастурхони насиб бўлади-ку!

Парвона куйди, булбул сайради, булар ишқда яхши эдилар, лекин Навоий (ишқ ва ҳижрондан бирйўла) ўлди, аввалигилар (булбул ва парвона) яхши эдилар, лекин у ҳам ёмон бўлмади.

### Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал шаклан мусалсал ва мазмунан орифона турга кириб, тўққиз байтдан иборат. Ғазалда ориф ошиқнинг Илоҳий маъшук висолидан узоқда – ҳижрон ва ҳасратда кечган дамлари, висол умиди, ўзини бу улугвор мартабага тайёрлаш ва унга лойиқ кўриш фахрияси қаламга олинган. Матлада ҳижрондаги изтироби билан бошланади:

Даме эрмаски, лаълингдин кўнгул юз лахт қон эрмас,  
Дағи ҳар лахт қон ёшим била кўздин равон эрмас.

Байтда қон ва лахт сўзлари ёрдамида *такрир* санъатининг *радд ул-ҳашв илал ҳашв* туридан фойдаланилган.

Юзунг меҳри ичинда кўз солиб оғзингни кўрмасмен,  
Агарчи зарра хуршид оллида кўздин ниҳон эрмас.

Шарҳ адабиётида маъшуканинг оғзини кичик этиб тасвирланиши, Шарқ қизларининг одоб-ахлоқли бўлишлари кераклиги ҳақидаги тарбиявий мотивга бориб тақалиб, анъанавий хусусиятлардан ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан қараганда, маъшукани оғзини кичиклигига эътибор қаратган Навоий ёр оғзини заррага қиёсламоқда. Ёрнинг юзини ойга, қуёшга ўхшатиш – ундаги ички камолотни ташқи гўзаллик воситасида қиёслашга ёрқин мисол

бўлади. Байтдаги “Юзинг меҳри ичинда” бирикмаси орқали шоир бир вақтда икки маънони ифодалаб, маъшуқа юзини куёшга ўхшатаётгани ва айти пайтда юзингга меҳр билан қараганимда деган маънони ифодаламоқда.

Байтда *меҳр* ва *зарра* сўзлари орқали *тазод*, *меҳр* ва *хуриш*д сўзлари воситасида эса *таносуб* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ушалган ҳар сўнгак жисмимда гўё қаъбатайнедур,  
Ниҳоний дағи зойид нуқтасидурким аён эрмас.

Байтда *сўнгак* (*суяк*)нинг *қабаътайн* (*шошқолдаги иккита қора тош*)га ўхшатилиши *муболағанинг гулув* даражасини ифодалаб, айти пайтда *ташбеҳ* санъатини ҳам ифодалаб келмоқда.

Эрур дардимға таскин бу кеча лекин тўшук кўксум,  
Ажаб гар новаки кўнглумга киргандин нишон эрмас.

Ошиқ дардига таскин топган, лекин бу таскин қаердан келганлигини англолмай ҳайрон. Бу таскин айрилиқдан пора бўлган қалбига ёрнинг кипригидан келганми, деса, ундан ҳам кўнглини ҳар қанча қидирмасин, уни кўнглининг ичидан топа олмади. Шарқ адабиётида маъшуқанинг узун киприкларини ошиқ кўнглига кириб, уни жароҳатлайдиган найза ёки камон ўқи тарзида тасвирлаш анъанавий тасвирий воситалардандир. Навоий бу анъанага ижодий ёндашиб, ёрнинг кипригини дардга даво бўладиган восита сифатида тасвирлаган. Байтда нишон сўзи омоним сифатида ҳар икки маънони ифодаламоқда. Яъни “кўнглимда кипригингга нишон кўрмадим” ва “кўнглим кипригингга нишон бўлмади”. Айти пайтда бу *зулмағнайлик ҳодисаси* ва *таносуб* санъатига мисол бўла олади. Байтда яна *тўшук* (*тешик*) кўнглим бирикмаси *истиора* ва айти пайтда *муболағанинг иғроқ* турига мансуб бўлади.

Навбатдаги байтда ушбу фикр бошқача талқинда маъшуқага мурожаат этилади:

Мени ўлтургали ғамзанг ўқи умредурур, лекин  
Тирик лаълинг хаёли бирламен, жисмимда жон эрмас.

Байтда умрим ўқи бирикмаси ёрдамида *истиора* санъати билан бирга *китобат* санъатига ишора қилинмоқда. Яъни араб алифбосида “жон” сўзи ўртасидаги алиф ҳарфи шу вазифани адо этмоқда.

Лаҳад кунжин ватан айлаб тиниптур умридин Мажнун,  
Не бўлса, мен кеби оворайи бехонумон эрмас.

Шарқ адабиётида Мажнуннинг Лайлига бўлган ишқи энг юксак ҳисобланиб, ҳар бир ошиқ ўзини Мажнунга, севгилисини Лайлига қиёс этииши анъана тусига кирган. Навоий ҳам Мажнуннинг ишқдаги камолотини улуғлайди, тасаввуфий ишқ талаби бўйича у вафот этиб, камолотга эришди, бироқ мен ҳали у даражага эришганим йўқ, дейди. Айни пайтда у Мажнун ўзга билан мен каби ҳоли хароб эмас, деб муболаганинг ғулув даражасига мурожаат этмоқда. Байтда яна Мажнунга мурожаат этиш орқали талмех санъати вужудга келган.

Бу давр ичра қачон жоми фароғе етгай, эй соқий,  
Чу бир дам дарду меҳнат захри чекмакдин амон эрмас.

Навбатдаги байтда Навоий *илтифот* санъатидан фойдаланиб, Шарқ тасаввуф адабиётида пири комил маъносини ифодалайдиган *соқий*га мурожаат этади.

Агарчи қон ютар булбул, вале не ғам анга чунким  
Навола ғунчадин айру-ю гулдин ўзга хон эрмас.

Навбатдаги байтда Навоий Шарқ адабиётининг энг машҳур *гул*, *ғунча* ва *булбул образига* ва *навола* ҳамда *хон* сўзларига мурожаат этиб, *таносуб* санъатининг гўзал намунасини яратмоқда.

Навоий ўлди, гар парвона куйди, булбул ун чекти,  
Булар гар яхшидурлар, ишқ аро ул ҳам ёмон эрмас.

Мақтаъда Навоий мажозий образларидан бўлган парвона ва булбулга мурожаат этади. Маълумки, булбулни – ишқ йўлида

фиғон чекувчи тасаввуфнинг сершовқин сукур йўлини тутган ошиққа, парвонани эса бу маслакдаги сокин савҳ йўлини тутган орифга қиёслайдилар. Ҳар иккила образга мурожаат этган шоир уларни улуглайди, лекин улар ҳар қанча куйиб, наво чекканлари билан Навоийга тенглашолмадилар, чунки Навоий бу йўлга кириб, биратўла ўлиб қўя қолди, дейди у. Ҳазал сўнгида Навоий пайғамбаримизнинг “ўлмасдан бурун ўлинг!” ҳадиси шарифларига ишора қилган ҳолда бу йўлда камолотга етганини фахр ва айни пайтда камтаринлик билан эътироф этмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



**“Сунбулин Лайло очиптур, ел абиросо эмас...”**



Сунбулин Лайло очиптур, ел абиросо эмас,  
Доғини Мажнун қонатмиш, лолайи ҳамро эмас.

Настаран кўзгусида бир сари мен, бир сари ёр  
Чехра аксин кўргузуптур биз, гули раъно эмас.

Гулни ўхшатқан учун ёримга гўё боғ аро,  
Музтариб кўнглум қушидур, булбули шайдо эмас.

Сунбул устидин насим эскач, нигорим туррасин  
Ёд қилдимким, димоғ ошuftадур, савдо эмас.

Наргис олтун жомининг оллида кофурий ҳарир  
Пардаи жонимдурур марҳун, қадахполо эмас.

Дема, афғонимда булбул ноласидек йўқ нишот,  
Бу ҳам андуҳзо эмас, гар ул нишотафзо эмас.

Гулни сарв узра хаёл эттим кўнгул бўстонида,  
Рост айтай: сарви гулрўюм кеби зебо эмас.

Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўхларким, боғ аро  
Сиз кеби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас

Манга гулрух соқию булбулга гул тутти қадах,  
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, вале расво эмас.

– V – – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзүф

### Луғат

**Абиросо** – абир (ҳушбўй) ҳидли

**Ҳамро** – қизил

**Турра** – кокил, соч ўримлари

**Кофурий** – оқ рангли

**Марҳун** – гаровга қўйилган

**Қадахполо** – май қуювчи

**Музтариб** – изтиробли, изтиробланган

**Нишот** – шодлик

**Андуҳзо** – ғам келтирувчи

**Нишотафзо** – шодлик ҳосил қилиш

### Насрий баён

Шабада ҳушбўй ҳид таратаётгани йўқ, балки Лайли сунбул(дай сочи)ни паришон қилибди, (унинг таъсирида) Мажнун (қўксидаги қонли) доғини қонатгани эса лола очилгандай тасаввур уйғотибди.

Настаран гули бир кўзгу бўлиб, унда гули раъно кўринмаяпти, балки бу томонда (настарин ўрнига) мен ва у томонда (гули раъно ўрнида) ёримнинг акси намоён бўлмоқда.

Ёримга гулни ўхшатгани учун боғ аро изтироб чекаётган шайдо булбул эмас, балки кўнглим қушидир.

(Боғда) сунбулнинг устидан шабада эсгандан сўнг, нигоримнинг кокиллариининг эсладим ва хаёлим паришон бўлди, (яна) буни савдо(йилик) деб ўйламанг.

Май қуювчи наргис гулининг олтин жоми олдида оқ ҳарир жонимнинг пардаси гаровга қўйилган.

Фигонимда булбул ноласидек хурсандчилик йўқ деб (мени маломат қилманглар) бу (яъни менинг фигоним) қанчалик ғам келтирувчи бўлгани сари, у (яъни булбул ноласи) шунчалик шодлик бахш этувчи бўлади.

Кўнглим бўстонида гулни сарв устида турганини хаёл қилдим ва тўғриси айтсам, бу хаёлий ҳолат ҳам сарв бўйли ва гул юзли (ёрим) каби гўзал бўлолмади.

Хуснингизга мағрур бўлманг эй шўх (гўзал)лар, боғга кириб қаранг: сизга ўхшаган гуллардан ўтган йилда очилганларининг ҳеч қайсиси қайта гулламади (балки хазон бўлиб кетди).

Менга гул юз(ли ёрим) соқий бўлди, булбулга эса гул қадаҳ тутди, у (булбул бундай илтифотдан) маст бўлди, лекин-Навоийдек (ишқ, ҳаяжон ва висол лаззатидан) расво бўлганича йўқ.

### Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал шаклан мусалсал ва мазмунан ошиқона бўлиб, тўққиз байтдан иборат. Унда баҳор фасли, унинг гўзалликлари фонида маъшуқа нафосати ва ошиқ изтироблари қаламга олинган.

Сунбулин Лайло очиптур, ел абиросо эмас,  
Доғини Мажнун қонатмиш, лолайи ҳамро эмас.

Байтда *Лайло* ва *Мажнун* образлари орқали *талмеҳ* ва *ташбеҳ* санъатларига мурожаат этилаган. Унда Лайлининг соч ёзгани шабаданинг хуш бўй сочганига, лоланинг очилиши эса Мажнуннинг кўксигаги ярани қонатганига қиёсланиб, *муқояса* санъатига, *сунбулин*, *доғини* сўзлари орқали эса *истиора* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Настаран кўзгусида бир сари мен, бир сари ёр  
Чехра аксин кўргузуптур биз гули раъно эмас.

Байтда гўзал образлиликка мурожаат этилмоқда. Настаран гули кўзгу каби бўлиб, унга гули раъно (атиргул)нинг акси тушганлиги шоирнинг тасаввури қанчалик ёрқин ва чексиз эканлигини билдиради. Энди бу манзара ошиқ ва маъшукнинг бир-бирига меҳр кўрсатиб турганлигига қиёс қилинса-чи? Ғазалда устуворлик қилаётган муқояса санъати бу байтда ҳам ўз ўрнида қўлланилмоқда. Яна бунинг устига *настаран*, *гули раъно* сўзлари воситасида *таносуб*, *бир сари* бирикмасининг такрори орқали *такрир*, *настаран кўзгуси* бирикмаси орқали *истиора* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Гулни ўхшатқан учун ёримга гўё боғ аро,  
Музтариб кўнглум қушидур, булбули шайдо эмас.

Байтда *гул*, *булбул* ва *боғ*, *булбул* ва *кўнглим қуши* сўзлари орқали *таносуб*, *кўнглум қуши* бирикмаси орқали *истиора* санъатлари юзага келган. Навоий *ташбеҳ санъати* орқали анъанавий тарзда маъшукани гулга, ошиқни булбулга ўхшатмоқда. Бироқ бу анъанага ўзгартиш киритган улуг шоир талқини бўйича маъшукани ошиқ эмас, балки булбул гулга ўхшатмоқда ва унга шайдо бўлмоқда.

Сунбул устидин насим эсгач, нигорим туррасин  
Ёд қилдимким, димоғ ошуфтадур, савдо эмас.

Муқояса санъатига мурожаат этиш давом этмоқда. Сунбул маъшуканинг сочларига қиёсланмоқда ва унинг устидан эсан шабада ошиқнинг хаёлини паришон қилаётир. Буни савдойидик деб ўйламанг, дейиш билан шоир аслида бу савдойиликнинг айнан ўзи эканлигига ишора қилмоқда.

Наргис олтун жомининг оллида кофурий ҳарир  
Пардаи жонимдурур марҳун, қадахполо эмас.

Анъанавий тарзда баҳор гулларига мурожаат этган шоир энди қадах тутиб турган сариқ гул – наргисни олтин жомга қиёслаб, уни олдида ўз жонини кофурий (оқ) ҳарир пардага ўхшатмоқда.

Наргиснинг маст этувчи хушбўй ифори эвазига у мана шу ок ҳарирни – жон пардасини гаровга қўймоқчи. Байтда муқоса санъатидан ташқари наргис олтин жоми ва кофурий ҳарир бирикмалари воситасида истиора санъати ҳосил қилинмоқда.

Дема, афғонимда булбул ноласидек йўқ нишот,  
Бу ҳам андуҳзо эмас, гар ул нишотафзо эмас.

Энди гул ва булбул таносибидан тингловчига мурожаат этиб, шоир булбул ва ўзининг ноласини бир бирига қиёсламоқда. Яъни булбулнинг жон ўртовчи навоси шоирнинг ноласи олдида шодлик келтирувчи куй бўлиб қолмоқда, холос. Байтда яна *нишот*, *нишотафзо* сўзлари орқали *иштиқоқ*, *нишотафзо* ва *андуҳзо* сўзлари орқали *тазод*, *афғон* ва *нола* сўзлари орқали эса *таносуб* санъатлари ҳосил қилинмоқда. Сўз бирикмаларининг мантикий такрори эса *таъдидни* ҳосил қилади.

Гулни сарв узра ҳаёл этгим кўнгул бўстонида,  
Рост айтай: сарви гулрўюм кеби зебо эмас.

Энди Навоий маъшуқа юзига ўхшатиладиган гул ва қаддига ташбеҳ бериладиган сарв образларининг ўзаро таносуби орқали муқояса санъатини яратмоқда. Яъни, гулни сарв устида турган ҳолатда ҳаёл қилган шоир уни ёрига қиёслаб кўради ва барибир кўнгли тўлмайди: уни сарв қадли ва гул юзли маъшуқасига ўхшатолмайди. Байтда *гул* ва *гулрўй* сўзлари орқали *иштиқоқ*, *сарв*, *гул* ва *бўстон* сўзлари орқали *таносуб* ҳамда *тарди* акс санъатилари ҳосил қилинган.

Бўлмангиз мағрури ҳусн, эй шўхларким, боғ аро  
Сиз кеби билтурғи гуллардин бири пайдо эмас.

Бегона байтда шоир ўз ҳуснига мағрур бўлиб, ошиқларни назарга илмаган гўзалларга мурожаат этиш билан бирга азалий фалсафага: инсоннинг умри ўткинчи эканлигига ҳам эътибор қаратади. Ва бу умр мағрурликка ҳам, бировнинг кўнглини

оғритишга ҳам арзимаслигига ишора қилган мутафаккир шоир боғдаги бултурги гуллар образига мурожаат этади.

Байтда шўх гўзаллар ва гуллар, боғ ва дунё образлари ўзаро муқояса қилинмоқда. “Эй шўхларким” бирикмаси ёрдамида *илтифот* санъати ҳам ҳосил қилинмоқда.

Манга гулрух соқию булбулга гул тутти қадах,  
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, вале расво эмас.

Ниҳоят мақтада Навоий яна ўзини булбулга ва ёрини гулга қиёслаш билан муқоясанинг ғазалдаги иштирокини яхлитламоқда. Булбулнинг гулга мойиллиги, гулнинг булбулга эгилиб туриши май тутишга ўхшатишдан ҳолда бундай ҳолатни ўзининг гулюзли маъшуқаси ва ўзига қиёслаган шоир булбулнинг мастлигидан ҳам ўзининг таъсирланганлигини зиёда кўриб, расволик деб тасвирламоқда.

Байтда гул ва булбул образларининг одатий таносубидан ташқари гулрух ва гул сўзлари воситасида *иштиқоқ*, *соқий*, *маст* ва *май* сўзлари воситасида *таносуб* санъатлари яратилган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Зиҳе камол ила кавнайн нақшиға наққош...”

Зиҳе камол ила кавнайн нақшиға наққош,  
Мукавванот вужудин вужудунг айлаб фош.

Вужудунг айлади мавжуд улусниким, бўлмас  
Вужуд зарраға мавжуд бўлмагунча қуёш.

Санга йетишмаса тонг йўқ бу ақли зулмоний  
Ки, меҳр шамиға парвона бўлмади хуффош.

Қаю парийгаки қилдинг юзин қуёш, бердинг  
Қўнгул жунуни учун анбарин ҳилол ила қош.

Ангаки, бўлди жунун ишқ ичинда ёғдурдунг  
Хирад қушини учурмоққа тифллардин тош.

Анингки, қўнглида ишқ ахгарини ёшурдунг,  
Ниҳоний ўтин улуғ тинмоғидин эттинг фош.

Мувасивсеки, маошини ақл ила туздунг,  
Фано ёълида аядинг берурга ақли маош.

Ҳакими қудратинг оллинда чарх ила анжум,  
Муҳаққар уйлаки хашхош-у донайи хашхош.

Ёълунгда ўлди Навоий-у бўлди туфроғ ҳам,  
Ёпушса эрди бу кўй итлари аёғига кош.

V – V – V V – – V – V – – –

мафоилун фаилотун мафоилун фаълон  
мужтаси мусаммани маҳбуни мақтуъ мусаббағ

### Лугат

**Кавнайн** – икки дунё

**Мукавванот** – коинотлар

**Ахгар** – лахча чўғ, олов; ошиқ

**Мувавис** – васвасага солувчи, васваса қилувчи

**Муҳаққар** – таҳқирланган

### Насрий баён

“Эй Танграм, икки дунёнинг нақшига сен наққошсан. Сенинг вужудинг коинотлар мавжудлигини ошкор қилади.

Қуёшсиз зарра бўлмаганидай, Сенинг борлигинг улусни мавжуд қилди.

Агар бу қоронғу ақл сенга йетиша олмаса, бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Чунки кўршапалак куёш шамига парвона каби интилмайди.

Қайси парининг юзини куёш қилган бўлсанг, унга хушбўй, кўнгил телбалиги учун ҳилол янглиғ қош ҳам бердинг.

Ким унга ишқ аро девона бўлган бўлса, ақл қушини учиритиш учун ёш болалар орқали устига тош ёғдирдинг.

Кимнинг кўнглига ишқ оловини яширган бўлсанг, ўша яширин ўтни тинганидан кейин фош этдинг.

Васвасага тушган, ўз йўлини йўқотган одамнинг тирикчилик қилиши учун ақл берган бўлсанг ҳам, фано йўлида ақлни аядинг.

Сенинг қудратинг олдида чарх ва юлдузлар шундай хорки, гўё улар хашак ва хашак доналаридай.

Ёълингда Навоий ўлди, тупроқ ҳам бўлди. Сенинг кўчангдаги итларинг оёғига ёпишса кошки эди”.

### Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган. Ғазал тўққиз байтли. Мавзу ва ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ҳамд ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Сабаби мазкур ғазал Тангрининг чексиз қудрати-ю унинг сифатларини тараннум этишга бағишланган. Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а, и-а. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: наққош, фош, куёш, хуффош, қош, тош, фош, маош, хасхош, кош.

Бу муқайяд қофия турига киради.

Қофиядош сўзлардаги равий- “ш” товуши.

Радиф мавжуд эмас. Ғазалдаги асосий фикр қофияга тушган.

Ушбу ғазал тузилишига кўра якпорадир. Боиси, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлада бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. Мақтанинг биринчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланилган.

Ғазалнинг матласида Аллоҳнинг буюк сифатлари васф этилган. “Кавнайн нақшида наққош” бирикмасида эса икки дунё суратининг наққоши сифатида Аллоҳнинг яратувчанлик қудрати улуғланади. Бутун оламларнинг яратувчиси ҳам, шубҳасиз, Тангридир.

Қуёшсиз зарра мавжуд бўла олмаганидай, Аллоҳ вужудисиз ўн саккиз минг олам ва ундаги жами яратиклар мавжуд бўла олмайди. Бутун дунё, борлиқни Аллоҳ тажаллийси ўраб олган. Ундаги ҳамма нарсани мана шу куч ҳаракатга келтиради. Иккинчи байтда мана шу ғоялар ўз ифодасини топган. Байтда тамсил санъатининг гўзал намунаси қўлланилган.

Учинчи байтда Аллоҳни таниш, уни англаш учун ақлнинг ўзи камлик қилади, деган ғоя илгари сурилган. Тасаввуф фалсафасига кўра, илоҳиётни англаш учун ақл ожизлик қилади. Илоҳиёт илми ақлга сиғмайдиган, ақл ўлчовларидан баланд турадиган илмдир. “Ибн ал-Арабий айтадики, Худо ҳақида ҳам ақл тили билан гапириш мумкин, лекин ақл кучи билан Уни билиш мумкин эмас. Ақл исботни талаб қилади, далил — тажриба билан иш кўради. Ваҳоланки, Худонинг борлиги, зот-у сифатларини далил орқали исботлаш мушкул. “М аърифат Ҳақ томонидан юборилади. Бу менинг фикрим эмас, балки илоҳий илҳомдир”, деб ёзади Ибн ал-Арабий. Аллоҳ билан хилватда қолган мард инсонда шундай ҳолат юз берадики, унда илмлардан илҳом пайдо бўлиб, Унинг раҳмати билан юксалади. Дарвешдаги бу ҳолат оддий одамлар ва исбот-далил аҳли учун қоронғидир. Бу — авлиёларга юбориладиган ладуний билим.”. Байтдаги фикрни тасдиқлаш учун шоир ҳаётдан ёрқин мисол келтиради: кўршапалак қуёшга ҳеч қачон интилмагани, у зулматни яхши кўриши каби ақл ҳам Яратган сифатларини англашга ожиздир. Байтдаги “ақли зулмоний” истиораси шунга ишора қилиб келяпти. Кейинги байтларда ҳам айни шу ғоя давом эттирилади. Байтда тамсил санъатидан ташқари тазод (меҳр шами, зулмат), истиора(меҳр шами, ақли зулмоний) ва таносуб(хуффош, зулмат) санъатлари ҳам қўлланилган.

Тўртинчи байтга келиб, Аллоҳ тажаллийси, мазҳар ҳақидаги фикр юритилади. Аллоҳ зотини ҳеч ким кўра олган эмас. Аммо унинг сифатлари, нури бутун борлиқда мавжуд. Шунинг учун ҳам инсоният, наботот, ҳайвонот-жамии модда-ашёлар мана шу нурга талпиниб яшайдилар. Байтдаги “юзин қуёш қилдинг” ифодаси орқали мазҳар тушунчаси баён этилмоқда. Сабаби, мумтоз адабиётда қуёш илоҳий мазҳарни ифодалаб келади. Матла ҳамда учинчи байтдаги қуёш тимсолида ҳам шунга ишора бор. Аллоҳ кимни мазҳар қилса, унга бошқа ошиқларни девона қилиш учун ҳилол

янглиғ қош ҳам беради. Қош тасаввуфда илоҳий зотни тўсиб турувчи илоҳий сифатлар ва вужуд олами маъносида қўлланилади. Бу сифатлардан равнақ, гўзаллик ва жамолга эга бўлади. Қош илоҳий олам ва моддий олам ўртасидаги чегарани ҳам билдиради. Ҳазрат Навоий бир ғазалида ёзади:

“Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,  
Бошим юз қатла урсам йерга ҳажрингдин манга не суд”

Демак, мазҳарлар Тангри тажаллиёти нури акс этган нуқта, марказ ҳисобланади. Ошиқлар эса мазҳарларда Аллоҳ нурини кўриб, уларга талпинадилар.

Мазҳарларга ошиқ, девона бўлган бўлган ошиқларга ишқ аро жуда кўп машаққатлар рўпара бўлади. Девоналарни тошбўрон қилишганидай, ақл қушларини учуриш учун ошиқ бошига тошлар ёғилади. Ўз мақсадига йетмоқчи бўлган ошиқ синовларга тоқат қилиши, уларни йенгиб ўтиши лозим.

Аллоҳ кимнинг қалбига ишқ оташини яширган бўлса, уни фақат ўлимгина сўндириши мумкин. Навоий “Хамса”си қаҳрамонлари Фарҳод, Мажнунлар мана шундай ўтли ишққа мубтало бўлган ошиқлар эди.

Аллоҳ ўз бандаларига раҳмли, меҳрибон. У ўз йўлини тополмай адашиб юрган бандаларига тўғри йўлни кўрсатади, ҳидоятга бошлайди. Аммо фано йўлига кирмоқчи бўлган бандаларидан ақлни аяйди. Зеро, Аллоҳ зот-у сифатларини англашга ақлнинг ўзи камлик қилади. Аллоҳ қудрати олдида айланувчи осмон ҳашак, юлдузлар эса ҳашак доналари сингари кучсиз, ҳақирдирлар. Сабаби, улар Яратгanning амрига бўйсунади.

Мақтага келиб, Навоий фано йўлида машаққатлар чекиб, ўзлигидан воз кечиб. тупроққа айланганлигини, агар мана шу фано кўчасининг итлари оёғига бош қўйиш ҳам у учун орзу эканлигини айтади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур ғазал ҳамд ғазаллар сирасига кириб, Аллоҳнинг бир-у борлиги, унинг қудрати, яратувчилиги мадҳ этилади. Илоҳий ишқ, тажаллиёт ва мазҳар ҳақидаги фикрлар тутал бадий шаклда баён қилинади.

Назора БЕКОВА



**“Мени саргашта жисмим доғ ила қон лолазор этмиш...”**



Мени саргашта жисмим доғ ила қон лолазор этмиш,  
Куюн ёхуд тўкулган лолазор ичра гулзор этмиш.

Танимдин қон чиқорган ҳар тараф пайконларинг гўё  
Ерур ёмғурки, туфроғдин чечаклар ошкор этмиш.

Кўнгул бирла сўнғак манқал аро ўт-у ўтундекдур,  
Маломат тошларин то ишқ теграмда ҳисор этмиш.

Юзин май гул-гул эткандин ҳарош эрмас унум, балким  
Кўнгулда хорхори нолам андомин фиғор этмиш.

Лабинг жонимға солган шуълалар ичра қазо гўё  
Улуғроқ лаълдин ахгар, кичикракдин шарор этмиш.

Бўла олсам улусқа ул қуёшни кўргали монӣ,  
Не ғамдур гар ёълида чарх жисмимни ғубор этмиш.

Ҳалоким билгай улким, бордур ул янглиғ жафокоре  
Ки, таврин ҳусн бепарволиғи олуфтавор этмиш.

Кабутар қаср буржида эмас шаҳ шастидин эмин,  
Хушо, ул чуғзким вайрона кунжин ихтиёр этмиш.

Маоф эрмиш қаён гом урса раҳрав ноқайи жисми,  
Нафас торин қазо чун бурниға анинг миҳор этмиш.

Муғанний нағмаси жон берса базм аҳлиға тонг йўқким,  
Навоий риштайи жонин эшиб чангига тор этмиш.

V --- V --- V --- V ---

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
хазажи мусаммани солим

### Лугат

**Саргашта** – сарсон, оввора, хароб

**Харош** – юриш, кезиш; дард хириллаш

**Фигор** – жароҳат

**Хорхор** – ғам, қайғу

**Шарор** – учқун

**Маоф** – афв этилган; қайтган, холи; кўнглига урган

**Ноқа** – ургочи тую

### Насрий баён

Мениг саргашта жисмимни қон ва доғ лолазорга айлантирди.  
Қуюн ёки тўкилган лолазор ичидаги гулзорга айлантирди.

Танамнинг ҳар тарафидан қон чиқарган камон ўқларинг гўё  
ёмғирга ўхшайди, чунки ёмғир ёгса, тупроқдан чечаклар униб  
чиқади.

Кўнглим билан суяқларим кўрадаги ўт ва оловга ўхшайди. Зеро,  
ишқ малоламат тошларидан атрофимни қалъа каби ўраб олган.

Овозимнинг бўғиқлиги юзимни май қизартирганидан эмас,  
балки кўнглимдаги қайғу-ю нолам юзимни жароҳатлаган.

Тақдир сенинг лабинг жонимга солган шуълалар ичидан катта-  
роқ лаълдан олов, кичикроғидан эса учқун чиқарди.

Агар халққа у қуёшни кўришлари учун тўсиқ бўлолсам, не ғам?  
Чунки унинг йўлида чарх жисмимни ғуборга айлантирган.

У менинг ҳалок бўлишимни билади. У шундай жафокорки, ўз  
одатларини ҳусн бепарволиги билан олифтавор кўрнишга келтир-  
ган.

Кабутар қаср бурчагида шоҳнинг қармоғидан омон эмас. Бой-  
қушнинг вайрона чеккасини ихтиёр этиши ундан яхшироқдир.

Йўлбошчининг бутун танаси қайерга қадам қўйса, афв этилади,  
чунки қазо нафас ипини унинг бурнига боғлаб қўйган.

Агар куйчининг чалган куйи базм аҳлига жон берса, бу ажабла-надиган ҳодиса эмас, чунки Навоий жонининг ипидан эшиб, унинг чангига тор қилган.

## Шарҳ ва изохлар

Бу ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган. Ғазал 10 байтли. Мавзу ва ғоявий ёъналиши нуқтайи назаридан ошиқона ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Чунки ғазалда ошиқнинг маъшуқага бўлган ишқи, муҳаббати, севгиси тараннум этилади.

Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а, и-а. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: лолазор, гулзор, ошкор, ҳисор, фиғор, шарор, ғубор, олифтавор, ихтиёр, миҳор, тор.

Бу мутлақ қофия турига киради.

Қофиядош сўзлардаги равий- “т” товуши.

Ушбу ғазал тузилишига кўра якпорадир. Боиси, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. Мақтанинг иккинчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланилган.

Мазкур ғазалда ҳам ошиқнинг ўз севгиси ёълидаги изтироблари тасвирланган. Матла мана шу азоблар тасвири билан бошланади: лирик қаҳрамоннинг жисми доғ ва қон туфайли лолазорга ўхшаб қолган. Бу ёерда ташбеҳ ва ийҳом санъатларидан фойдаланилган. Доғ дейилганда ҳам алам-у ғам-қайғуни, ҳам лолада бўладиган қора доғни, қон дейилганда эса ҳам қонни, ҳам қон рангини тушунишимиз мумкин. Ошиқнинг жисми лолазорга ўхшатилиши билан бир қаторда, бу лолалар қуюн туфайли тўкилиб пайҳон қилинганлиги ҳам баён этилади. Мана шу тасвир туфайли кўз олдимизга абгор ошиқнинг қиёфаси намоён бўлади.

Иккинчи байтда ҳам матладаги фикрлар изчил давом эттирилади. Ошиқнинг танасидан қон чиқишига сабаб - бу ёрнинг пайконлари, яъни киприкларидир. Киприklar камон ўқиға ўхшатилган. Чунки бу ўқлар тўғри бориб ёрнинг юрагига тегеди. Демак маъшуқа ошиққа назар ташлаган. Мана шу назар ошиқни шод этган бўлса-да, унинг юрагига жароҳат етказди. Бу ерда яна бир

ташбеҳ бор: пайконлар ёмғир томчиларига ўхшатишмоқда. Ёмғир ёғганидан сўнг тупроқдан чечаклар унгани каби, маъшуқанинг боқишидан ошиқнинг тупроқ янғлиғ жисмидан гулга ўхшаган қонлар чиқади.

Шундан сўнг учинчи байтда ёрнинг кўнгли ўтга, суяклари кўрадаги ўтинга ўхшатилиш сабаблари айтилади. Зеро ишқ маломат тошларидан ошиқнинг атрофини қалъа каби ўраб олган. Ошиқ эса ўз ёғида қоврилиб, изтироб чекади. Мазкур байтда ҳам ташбеҳ ва таносуб санъатининг гўзал намунаси қўлланилган.

Шу тариқа ошиқнинг ҳиссиётлари, кечинмалари тасвири байтдан байтга ўтган сари кучайтириб борилади. Тўртинчи байтга келиб ошиқ овозининг бўғиқлиги сабаби ёритилади: ёр юзини май қизартирган эмас, балки ошиқ кўнглидаги қайғу-ю нола маъшуқа юзини жароҳатлаган. Бу йерда маъшуқа ошиққа қанчалик безътибор бўлмасин, ошиқнинг кучли муҳаббати ёрга, албатта, таъсир қилади, деган ғоя илгари сурилган. Қазо ҳам ёр лаби ошиқ жонига солган шуълаларнинг каттароғидан оловни, кичикроғидан эса учқунни чиқаргани айтилади. Кейинги байтда ошиқ ёрини қуёшга ўхшатади. Ошиқнинг жисми ёр ишқи ёълида губорга, яъни чангга ташбеҳ қилинади. Бу чанг туфайли эса бошқалар маъшуқанинг жамолини кўра олишмайди. Ҳазалда маъшуқанинг чиройи билан биргаликда унинг характер хусусияти ҳам очиб берилган. Унга кўра, маъшуқа ошиқнинг мана шундай ҳалокатли ҳолатини билса ҳам яна шундай жафокорлик қилади, ошиққа эътибор кўрсатмайди. Ошиқ учун бу ҳам чиройли бўлиб кўринади: маъшуқанинг ҳуснига ҳусн қўшади.

Навоийнинг кўпгина ғазалларидаги бегона байтларда шоирнинг фалсафий қарашлари баён этилади. Мазкур ғазалнинг 8-байтида ҳам кишининг эрки, озодлиги кабутар ва бойқуш тимсоллари орқали очиб берилади. Кабутар қаср бурчагида яшаса ҳам шоҳнинг тузоғидан бир дақиқа бўлса ҳам омон бўлолмайди. Шу сабабли ҳам боёъглининг тутган ёъли яхшироқдир: у вайронада истиқомат қилса-да озод, эрки ўз қўлида.

Ҳазалнинг мақтасида келтирилишича, агар куйчининг чалган куйи базм аҳлига жон берса, бу ажабланадиган ҳодиса эмас, чунки Навоий жонининг ипидан эшиб, унинг чангига тор қилган. Бу ерда

Навоийнинг ҳар бир яратган ғазали унинг жон риштасидан эканлигига ишора мавжуд.

Мазкур ғазал ошиқона ғазаллар сирасига кириши билан биргаликда унда маълум маънода орифоналик ҳам мавжуд. Зеро муҳаббат бир вақтнинг ўзида ҳам олам, ҳам одам гўзалликларига, Аллоҳ жамолига қаратилган бўлади. Аллоҳнинг тажаллийси ҳамма ерда зуҳур топади. Мана шу муҳаббат орқали солиқ илоҳий қудратни кашф этади.

**Назора БЕКОВА**



---

**“Кўнгулким зарнишон пайконларингдин нотавон бўлмиш...”**

---



Кўнгулким зарнишон пайконларингдин нотавон бўлмиш,  
Магар бу боғ аро ул барглар бирла хазон бўлмиш.

Гули раъно кеби коғаз уза номингни ёзмай мен  
Сариғ эрди юзи, хуноби ашким бирла қон бўлмиш.

Юзумни ашкму ёълар қилиптурсен назар пайки  
Сени истарга кўп ҳар ён югурмакдин нишон бўлмиш.

Қуруғ шохедурур жисмимки, кўз даврида қирпиқдин  
Хаёлинг қушларига анда икки ошён бўлмиш.

Кўзум хуноб аро бўлмиш биайних уйлаким кўнглум  
Қораси қон аро кўнглумдаги доғи ниҳон бўлмиш.

Сиришк оллида мужгон шохи санчиб боғлайин дермен,  
Ёълин бу селнингким, элга андин кўп зиён бўлмиш.

Юзунг ҳажрида билким, қон ёшим оқмиш чаман ичра,  
Қачон кўрсангки, ҳар бир шох уза гул арғувон бўлмиш.

Мурассаъ қилма чатринг ложувардий атласин, эй шах,  
Гадо оллидаким, бу навъ чатри осмон бўлмиш.

Навоийға деманг ул тифл ишқин асрағил махфий,  
Бу дамким ҳоли шаҳр атфоли ичра дoston бўлмиш.

V — — — V — — — V — — — V — — —  
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
хазажи мусаммани солим

### Луғат

**Пайкон** – ўқ  
**Сиришк** – кўз ёши  
**Ниҳон** – яширин  
**Арғувон** – қизил  
**Мурасса қилмоқ** – келишмоқ  
**Чатр** – 1) чодир, соябон; 2) байроқ  
**Тифл** – бола

### Насрий баён

1-байт: Менинг кўнглим зарнишон ўқларингдан нотавон бўлган, Гўёки, бу боғ аро бурглар хазон бўлди.

2-байт: Гулираъно каби қоғоз узра номингни ёзмай мен, Сарик эди юзи кўз ёшим билан қон бўлди.

3-байт: Ёллар кўзимни ёшга тўлдирди, сени кўп истаб ҳар ён югурмоқдан нишон бўлди.

4-байт: Жисмим қуруқ шохдир, кўз даврида кирикдан, хаёлинг қушларига у ерда икки ошён бўлди.

5-байт: Кўзим қон бўлди, худди кўнглимдек қораси қон аро кўнглимдаги доғи пайдо бўлди.

6-байт: Кўз ёшим олдида киприк санчиб боғлайин дерман, бу селнинг ёликим, элга ундан кўп зиён бўлди.

7-байт: Юзинг ҳажрида қон ёшим чаман ичра оқмиш, қачон кўрсангки, ҳар бир шох узра гул арғувон бўлди.

8-байт: Муроса қилма чодиринг ложувард атласу, эй шох, гадо олдидаким бу нав чодирини осмон бўлди.

9-байт: Навоийга деманг у гўдак ишқини махфий асрагин, бу дамки унинг ҳоли шаҳар ичра достон бўлди.

### Шарҳ ва изохлар

Ҳазал ҳажми нисбатан катта – 9 байтдан ташкил топган. Қофия-си муқайяд қофия : нотавон – хазон – қон – нишон – ошён – ниҳон – зиён – арғувон – осмон – достон . Радиф ҳам мавжуд: бўлмиш .

Биринчи байтдаёқ Навоий ўз ҳолатини акс эттириш учун гул ва хазон тимсоллари орқали тазод санъатини қўллайди. Ҳазалнинг бошидан охиригача кўнгил, юз, кўз, жисм тимсоллари орқали мисралар бутунлиги таъминланган. 4-байтда ҳам кўз, киприк, жисм тимсоллари орқали таносуб санъати қўлланилган. Кўз ва кўнгил тимсоллари 5-байтда ҳам давом этади. Қорачиқ ва кўнгилдаги қора доғ қиёси орқали эса ташбеҳ санъатининг гўзал намунаси яратилган. 9-байт Навоийга мурожаат билан бошланган, махфий тутмоқ ва достон бўлмоқ бирикмалари тазод санъатини юзага келтирган. Бу ҳазал ҳам ошиқона ҳазал бўлиб, унда ошиқнинг кечинмалари баён этилган.

Матлада ёрнинг олтин рангли пайконлари ошиқ кўнглини яралаганлиги айтилади. Пайконлар деганда ёрнинг қараши, боқиши назарда тутилган. Демак, маъшуқа ошиққа назар ташлаган. Бу ошиқни хурсанд қилиши билан бирга унга азоб ҳам етказди.

Иккинчи байтда эса ошиқ ёрининг номини нега номага ёзмаганлигининг сабабини келтиради: чунки қоғознинг сариқ ранги ошиқнинг қонли ёшидан қизил рангга киради. Бу тасвир орқали ошиқ изтироблари тасвири кучайтирилган. Ҳазалда ёрнинг жисми қуруқ шохга ўхшатилади. Кўз атрофидаги киприклар эса маъшуқа хаёлининг қушлари учун уйга ўхшатилади. Демак ошиқ ёрини кун-у тун ўйлайди. Ошиқ кўз ёшининг ёълига киприклардан тўғон

ясамоқчи бўлади. Чунки ошиқнинг кўз ёши сел каби халққа зиён етказди.

Шу тариқа турли ўхшатишлар асосида ошиқ руҳияти Навоийга хос усталик билан чизилган.

Назора БЕКОВА



**“Чиқти ёрим кеча ёъл азмин қилиб ул бағри тош...”**



Чиқти ёрим кеча ёъл азмин қилиб ул бағри тош,  
Бас, ажойибдур қоронғу кеча чиқмоғлиғ қуёш.

Гар қуёшқа эл назар қилса кўзига ёш тўлар,  
Ул қуёш борғач назардин, кўзларимга тўлди ёш.

Захмидин кўп қон борурдин қолди чок ўлган кўнгул  
Зангдек афғон чекиб, хайлида бўлғай эрди кош.

Фурқатингдин йиғлабон ҳақдин висолинг истарам,  
Ғаҳ сочармен бошқа туфроғ, ғаҳ қўярмен йерга бош.

Қатра қонларким томар кўксумга урған тошдин,  
Захмдиндур демаким, қон йиғлар аҳволимға тош.

Чун тўшарлар оқибат устунга хоро бирла фарш,  
Не осиг остингда гар чарх атласидиндур фирош.

Фош этар меҳрин Навоийнинг сариғ рухсораси,  
Субҳдекким сарғариб рухсори айлар меҳр фош.

—V— — —V— — —V— —V~ (—V—)

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон (фоилун)  
рамали мусаммани мақсур (маҳзуф)

### Луғат

**Заҳм** – яра

**Хоро** – тош

**Фарш** – тўшак

**Фирош** – тўшак, ўрин, кўрпа

**Меҳр** – қуёш

### Насрий баён

1-байт: Кеча ул бағри тош ёрим ё`лга чиқди, қуёш қоронғу кеча-да чиқмоқлиги қандай ажойиб.

2-байт: Агар эл қуёшга назар солса кўзи ёшга тўлади, Ул қуёш боргач кўзимга ёш тўлди.

3-байт: Заҳмидан кўп қон бўлдиўлган кўнгил, зангдек афғон чекиб кошки ёнида бўларди.

4-байт: Фурқатингдан йиғлаб ҳақдан висолинг истайман, гоҳ бошимга тупроқ сочарман, гоҳ йерга бош қўярман.

5-байт: Катра қонлар томар қўксимга урган тошимдан , заҳмдан демаким аҳволимга тош ҳам йиғлайди.

6-байт: Оқибатда устингга тошлар билан тўшак тўшарлар, не фойда остингга чарх атласидан ўрин бўлса.

7-байт: Фош этар меҳрини Навоийнинг сариқ рухсораси, Гўёки, тонгдек сарғариб рухсори меҳрини фош айлар.

### Шарҳ ва изоҳлар

Ғазал ананавий етти байтдан иборат. Қофияси муқайяд қофия: бағри тош – қуёш – ёш – қош – бош – тош – фирош – фош .

Биринчи байтдаёқ ёрнинг ёълга чиқишини қоронғу кечада қуёш чимоғига қиёслаб гўзал ташбеҳ ва қуёш – қоронғу кеча зиддияти орқали эса тазод санъати қўллашга муваффақ бўлган. Иккинчи

байтда биринчи мисрадаги кўзига ёш тўлар ва иккинчи мисрадаги кўзларимга ёш тўлди бирикмалари тарду акс санъатидан фойдаланилган. Тўртинчи байтда ҳам фурқат ва висол сўзлари тазод санъатини юзага келтирган. Ҳазалнинг бошидан охиригача тазод ва тарди акс санъатларидан унумли фойдаланилган.

Бу ҳазал ҳам ошиқона ҳазал бўлиб, ёрининг сафарга кетганидан изтиробга тушган лирик қаҳрамоннинг руҳияти тасвирланган. Ошиқ ёрини қуёшга ўхшатади. У кечаси бағритошлик қилиб, ёлга тушган. Одатда, қуёш кундузи кўринади, аммо у қуёш кечаси кўринади.

Иккинчи байтда ҳам лирик қаҳрамон маъшуқасини қуёшга ўхшатишни давом эттиради. Қуёшга эл қараса кўзи ёшланади, аммо ошиқ ўз қуёшини йўқотиши билан унинг кўзига ёш келади. Бу йерда тазод санъати воситасида гўзал манзара юзага келган.

Байтдан байтга ўтган сайин ошиқнинг азоблари кучайтира борилади. Ошиқ маъшуқасининг висолини тангридан илтижо қилиб гоҳида бошига тупроқ сочади, гоҳида эса тупроққа бош қўяди. Ошиқнинг бошига урган тошлардан қатра-қатра қонлар томади. Аммо шоир бу йерда ўхшатиш санъатидан фойдаланган ҳолда бу қонлар унинг ярасидан эмас, балки тошдан тушади, дейди. Чунки тош ҳам ошиқнинг аҳволини кўриб қон йиғлайди. Мақтадан олдинги байтда Навоийнинг фалсафий фикрлари акс эттирилган. Инсон вафот этганидан кейин устига тош ва тупроқ тўшайдилар. Шундай экан, остга атлас ташлашнинг қандай фойдаси бор?! Бу билан умрнинг ўткинчилигига, боқий эмаслигига ишора бор.

Навоийнинг изтиробда сарғайган юзи унинг меҳрини аён этади. Чунки субҳ, яъни тонг ҳам сарғайганидан кейин қуёш чиқади. Байтда иштиқоқ ва тамасил санъатидан кенг фойдаланилган.

**Назора БЕКОВА**



**“Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш...”**



Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.

Кут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,  
Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.

Бу дамо-дам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.

Бўсае қилмас мурувват асру қаттиқдур лабинг  
Десам, оғзи ичра айтур: “Лаъл ҳам бор навъи тош”.

Новакинг кўнглумга киргач жон талашмоқ бу экин  
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.

Умри жовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур,  
Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.

Қоши оллинда Навоий берса, жон айб этмангиз,  
Ғар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидур барча бош.

– V – – V – – V – – (–V ~) – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун (фоилон) фоилун  
рамали мусаммани (мақсур) маҳзуф

**Луғат**

**Гўша** – бурчак, хилват, чекка жой

**Даъб** – одат, қилиқ

**Жовид** – абадий, доимий, мангу

**Ифшо** – фош қилиш, очиш, ошкор қилиш

**Навъ** – тур, жинс, хил

**Ниҳон** – яширин, кўринмас

**Новак** – камоннинг ўқи; киприк

**Пайкон** – камон ўқининг учи; киприк

**Фард** – якка, ёлғиз

**Қут** – емак, овқат, озиқ

**Ғорат** – талон қилиш, барбод бериш

### Насрий баён

Севгилим юзини ёпгач, кўзимдан тинимсиз ёш тўкилади. Бу гўё қуёш бекинганидан сўнг юлдузлар пайдо бўлганига ўхшайди.

Мен узлатга чекинган эдим: меҳроб бурчагига ўтириб олиб, кунда бир бодом билан озиқланардим. Кутилмаганда қошу кўзи офатижон бир гўзал учради-ю, динимни паймол этди.

Дам-бадам тортган охларим севгилимга бўлган муҳаббатимни фош этадилар. Бу бот-бот тонготар бўлиши натижасида қуёш чиққанига ўхшайди.

Лабларинг жуда хасисдирлар, бирор марта бўса ҳадя этмайдилар, деб гинахонлик қилсам, у пичирлаб “Лаъл ҳам бир хил тош-ку, ахир”, – дейди.

Сен отган ўқ кўнглимга теккач, жон аччиғида тўлғана бошладим. (Сен буни азоб деб ўйлама): кўнглим ва жоним сенинг ўқинг учини талашмоқдалар...

Боқий умр истасанг, ёлғиз – бўйдоқ бўлгин. Кўрмайсанми: ёлғизлик ва эҳтиёжсизликни одат қилиб олган сарв бўстондаги Хизрдир.

Ёр қошини кўриб, Навоий жон берса айб қилма. Агар қош шунақа мўжизакор бўладиган бўлса, барча унга бирма-бир сажда қилади (жон фидо қилади).

### Шарҳ ва изоҳлар

Ўзбек халқининг маънавий доҳийси бўлган Алишер Навоий ҳали ўсмирлигидаёқ ўз ижодий ютуқлари билан устозлар

мақтовига сабабчи бўлган. Истеъдодли шоирнинг қуйидаги байт билан бошланадиган ғазали Мавлоно Лутфийнинг таҳсинига сазовор бўлганлигини кўпчилик билади:

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

Шоир ёр юзини қуёшга ўхшатмоқда. Ошиқнинг тўккан кўз ёшларини эса юлдузларга ташбеҳ бермоқда.

Қут бир бодом-у ерим гўшайи меҳроб эди,  
Ҳорати дин этти ногаҳ бир балолиғ кўзу қош.

Чиллага ўтирган зоҳид ва уни йўлдан урувчи гўзал бир-бирига қарама-қарши бўлган икки қутбдаги одамлар. Ёшлик жўши динини бир лаҳзада оёқости қилган. Шоир зимдан ўхшатиш (ташбеҳи измор) санъати орқали бу ажойиб манзарани тиклай олган. Уззукун бир бодомни ризқ-рўзи деб қаноат этадиган зоҳид бодомкўз гўзалга махлиё бўлди-ю, динидан воз кечди. У меҳроб гўшасида эди, у ердан кечиб янги меҳробга – ёр қошига сажда қилгани шайланди. Демак, бодом кўзга, меҳроб қошга ўхшатиш экан.

Учинчи байтни ўқийлик:

Бу дамо-дам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.

Шоир гўзал дейиш ўрнига “ой” демоқда. “Субҳнинг бот-бот дами” деганда шоир ҳар саҳардаги икки тонготарга ишора қилмоқда. Одатда, тун охирлаётганда осмон оқариб кела бошлайди. Кишилар тонг отди, деб ўйлайдилар. Аслида эса бу “субҳи козиб”-дир, яъни ёлғончи тонгдир. Ундан сўнг Шарқ осмони яна қорайиб, оламни қоронғулик босади. Орадан анча муддат ўтгандан сўнг яна шарқ уфқи ёриша бошлайди ва энди ушбу “субҳи содиқ” – ҳақиқий тонготардан сўнг қуёш чиқади. Шоир ошиқнинг тортган оҳларини, табиатнинг икки тонготар жараёнига ўхшатган: ошиқ оҳидан одамлар унинг “ой”ини – севгилисини кўрадилар, табиат тонготаридан эса – табиий қуёш кўринади...

Бўсае қилмас мурувват асру қаттиқдур лабинг  
Десам, оғзи ичра айтур: “Лаъл ҳам бор навъи тош”.

Қизғанчикликни “қаттиқ” сўзи билан ифодалаш жуда кучли образли усулдир. Ҳозир ҳам баъзи жойдарда хасис одам ҳақида “қаттиқ одам” ибораси қўлланилади. “Бўсае қилмас мурувват” гапида ҳадя, тортиқ ўрнида “мурувват” сўзининг қўлланилиши ҳам санъаткорона лексик топилдиқдир. Дарҳақиқат, “тортиқ қилинг” дейиш ўрнига “мурувват қилинг”, дейиш жудаям кўнгилли ва ўринлидир. Матндаги “оғзи ичра айтур” гапи ҳам шу даражада ўринлики, гўзал дангал, очиқчасига ўша гапни айтганида хунук чиқарди. Бу гапни ўқувчи “пичирлаб” ёки “кўнглидан кечирди” каби маъноларда тушуниши мумкин. Муҳими, бу гап қизнинг беҳад зукко ва зийраклиги кўрсаткичи ҳамдирки, ошиқ гинахонлигига маъшуқанинг ўткир жавобидир. Жавоб ҳам зукколик намунаси, ҳам шоиронадир. Чунки “қаттиқ” деганда тош назарда тугилади. Лаб истиораси эса лаълдир. Тамагир ошиқнинг хом илтимоси маъшуқанинг пишиқ жавоби билан таъминланган. Ошиқ унинг лабларини қаттиқ деб қочирим қилган эди. Маҳбуба “лаъл ҳам бир навъ тош-ку” деб, нега ҳайрон бўласиз, дегандай ошиқни лол қилиб қўйди. Дарҳақиқат, классик адабиётда лаб лаълга ўхшатилади: чунки лаблар ҳам қизил, лаъл ҳам алвондир.

Новакинг кўнглумга киргач жон талашмоқ бу экин  
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.

Новак – камон (ёй) ўқидир. Мумтоз адабиётимизда ёр боқиши – ошиқ бағрига киприк ўқини отиши деб қаралади. Ўқ – икки қисмдан иборат: учигаги жароҳатлайдиган металл парча – пайкон; қолган қисми қанотсимон парли новдадан иборат бўлади. Қаранг-а: жон талашмоқ – жон аччиғида тўлганмоқ ва ўқ учини кўнгил ва жоннинг талашаётгани...

Умри жовид истасанг, фард ўлма, бўстон Хизридур  
Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.

Умри жовид – абадий умр, барҳаётлик. Фард – якка-ёлғиз. Хизр – оби ҳаёт ичиб, мангу тирик қолган афсонавий зот. Даъб – одат, машғулот. Маош – тирикчилик.

Навоий даврида сўфийлик фалсафаси ва диний-ғоявий оқими ҳукм сурган бўлиб, шоир ҳам ана шу қараш тарафдори эди. Сўфийдан, аввало, жисмоний поклик талаб қилинардики, бунинг биринчи ифодаси – бўйдоқлик эди. Байт мазмунини ўйлаганимизда, ана шу масалани ҳам кўзда тутишимиз лозим. Балки, Навоийнинг умрини ёлғиз ва бўйдоқликда ўтказгани боисларидан бири ҳам шундадир.

Қоши оллинда Навоий берса жон айб этмағил,  
Гар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидур барча бош.

Ушбу ғазалнинг ютуқлари бадий-тасвир воситаларига бойлиги, таъсирчанлиги, никтапардозлиги – ҳар байтда кишини ўйлатадиган фикрий кашфиётлар қилиниши билан белгиланади.

**Ваҳоб РАҲМОНОВ**



**“То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш...”**



То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,  
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.

Сарв ўлмади боғ ичра оҳим ели бирлан ҳам,  
Боқ кўз учи бирланким, қаддингга салом этмиш.

Ҳайвон суйидур шудрун, Исо дамидур салқин,  
Бўстон сари жононим гўёки хиром этмиш.

Ҳажр ўқлари захмидин жисмим била ашкимни,  
Тутмоққа бало сайдин, ғам донаву дом этмиш.

То ошиқу шайдомен қатлим қилур ул кўзлар,  
Мажнунға кийикларни ишқ улфати ром этмиш.

Маъшук қилур жилва, ҳар кимки анинг кўнглин,  
Дард ўти кули бирла ишқ ойинафом этмиш.

Искандару Жамлиқдур ишқингда Навойға  
Ким, рахшинг изу наълин кўзгу била жом этмиш.

--V V--- --V V---

мафъувлу мафойилун мафъувлу мафойилун  
ҳазажи мусаммани ахраб

### Лугат

**Ғамза** – Кўз қисиш, кўз билан ишора қилиш

**Мақом** – Ўрин, жой, макон

**Сарв** – Тик ўсадиган хушқомат дарахт

**Хам ўлмоқ** – Эгилмоқ

**Хайвон суйи** – Тириклик суви, ичган одам абадий яшайди деб  
эътиқод қилинган сув

**Исо дами** – Исонинг жон бахш этувчи нафаси

**Хиром этмоқ** – Ноз-карашма билан юриш, чиройли юриш

**Ҳажр** – Айрилик, жудолик, етиша олмаслик

**Захм** – Яра, жароҳат

**Жисм** – Тана, вужуд, ғавда, жасад, жусса

**Ашк** – Кўз

**Сайд** – Ов, шикор; овланган нарсa, қўлга туширилган нарсa

**Дом** – Тузоқ, тўр

**Шайдо** – Севгидан девона бўлган мафтун ошиқ

**Ром этмоқ** – Жалб қилмоқ, ўзига тортмоқ

**Ойинафом** – Ойна ранг

**Искандар** – Таниқли ва машҳур шоҳ Искандар Зулқарнайн

**Жам** – Пештодийлар сулласидан бўлган учинчи подшо жам-  
шиднинг қисқартирилган номи

**Рахш** – Югурик от, тулпор

**Жом** – Қадах

## Насрий баён

Токи ёрнинг кўз қисиб ишора қилиши кўнглим билан кўзимни макон қилган экан, бу менинг қонимни ҳалол қилиб, уйқумни ҳаром қилиб қўйибди.

Боғ ичидаги сарв оҳим елидан эгилмади. Кўз ишораси билан унга боққинки, у қадинга салом бераётган экан.

Шудринг тириклик сувидир, боғдаги салқин ҳаво - Исо нафаси. Гўёки жононим бўстон сари ноз-карашмали юриш қилибди, шекилли.

Ғам бало овини тутиш учун айрилиқ ўқи яраларидан абгор бўлган танам билан кўз ёшимни дону тузоқ қилибди.

Токи мен севгидан девона бўлган мафтун ошиқ эканман, у кўзлар мени қатл этмоқчи бўлади. Гўёки ишқ улфати Мажнунга кийикларни жозибадор қилиб қўйибди.

Ишқ ҳар кишининг кўнглини дард ўтининг кули билан ойнадек тиниқлаштиргандагина, ўша кўнгилда маъшуқа жилвалана бошлайди.

Ишқингда тулпорингнинг изу наълини ўзи учун кўзгу билан жом қилган экан, бу Навоийга Искандару Жамшидликдир.

## Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ошиқона ғазалиётида шеър қаҳрамонининг маъшуқага бўлган самимий муҳаббати ниҳоятда эҳтиросга бой сатрларда бадий ифодасини топади. Улуғ шоир ўқувчи туйғуларини жунбушга келтириш учун табиат ва севикли ёр қадду-жамоли орасидаги ўзаро уйғунликларни шу қадар моҳирона кашф этадики, шеърхон бу топқирлик қаршисида ўзини хайрат денгизида ҳис эта бошлайди. Ижодкорнинг “То кўз била кўнглимни ул ғамза мақом этмиш” (Алишер Навоий. Ғаройиб уссиғар. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том. Тошкент: “Фан”, 1988, 213-214-бетлар) сатри билан бошланувчи ғазали ана шундай назм намуналаридан биридир.

Ғазалнинг дастлабки байтида севикли маъшуқасини кўрган ошиқнинг руҳий ҳолатида кузатилган илк ўзгаришлар ўз ифо-

дасини топган. Унда тасвирланишича, маъшуқа ғамзаси – ноз ва дилбарона ишва билан киприк сузиб боқиши ошиқнинг кўзи ва кўнглини ўзига мақом – турар жой қилиб олгандан бошлаб, шеър қахрамонининг қонини ҳалол айлаб, уйқусини ҳаром қилиб қуйган эмиш:

То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш,  
Қонимни ҳалол айлаб, уйқумни ҳаром этмиш.

Аёнлашадики, севикли ёр бир назари билан ошиқнинг кўзу кўнглидан жой олган, айна ҳолат ошиқнинг руҳиятига сезиларли таъсирини кўрсатган. Шу воқеа сабаб ошиқнинг кўзидан уйқу қочиб (уйқумни ҳаром этмиш), у изтироблар исканжасида (қонимни ҳалол айлаб) қийнала бошлайди. Байтдаги ўзаро зиддиятли тасвир, яъни ошиқнинг уйқу билан дўстлашиб, бир оз бўлса-да, тану руҳининг ором олиши ўрнини қийналишлар забт этганлигининг образли тасвири шеърхонга ҳиссий таъсир этади.

Ҳазалнинг навбатдаги байтларида ошиқ руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни шеърхонга янада теранроқ етказиш мақсадида табиат тасвирига мурожаат қилинади ҳамда маъшуқа таърифу тавсифи ўта муболағали мисраларда ўқувчига ҳавола этилади:

Сарв ўлмади боғ ичра оҳим ели бирлан хам,  
Боқ кўз учи бирланким, қаддингга салом этмиш.  
Хайвон суйидур шудрун, Исо дамидур салқин,  
Бўстон сари жононим гўёки хиром этмиш.

Маълумки, сарв дарахти бир текисда тик ўсиши билан мумтоз шеърият ихлосмандларига таниш. Ошиқ ишқ кўйида ўртанаркан, шу қадар ўтти оҳ торта бошлайдики, уни тасаввурга сиғдириш қийин. Шу боис ошиқ ўзининг фарёди ели – шамолининг таъсиридан боғдаги сарв дарахти хам бўлмаганлигидан ажабланади. Айна муболағали тасвир ўқувчини ҳам таажжубга солмасдан иложи йўқ. Кейинги мисрадаги маъшуқага мурожаат эса бу эҳтиросни янада кучайтиради. Унда ошиқ тилидан: “Сарв дарахти сенинг қоматингга салом бераётган эмиш, унга кўз учи билан бир боқиб қўй”, - дейилади. Мағрур турган сарвнинг ошиқ ўтти оҳидан хам

бўлмай, маъшуканинг охи таъсирида эгилиши орасидаги зиддият ўқувчига завқ бағишлайди. Айни ҳолат гурурли ошиқ руҳиятида ҳам кузатилаётганини ҳис этган шеърхон таажжуби яна бир карра ошади. Учинчи байтда шудринг ҳайвон сувига қиёсланади, эсиб турган шабада эса Исо нафасидек салқин – жонбахш эканлиги ўзининг бадий ифодасини топади. Муҳими шандаки, жононнинг боғ сари хиром этгани табиатдаги ана шундай жонга роҳат берувчи гўзалликнинг содир бўлишига сабаб бўлган. Байтдаги “ҳайвон суйи”, “Исо дами” бирикмаларининг ўлик танга жон бахш этиш маъносини англатиши, шу боис шоир байтда маъшуккага нисбатан “жонон” сўзини қўллаганлиги шеърхон туйғуларига таъсир этишда давом этади.

Ҳазалнинг тўртинчи – бешинчи байтлари ҳажр изтироблари тасвирига бағишланган:

Ҳажр ўқлари захмидин жисмим била ашкимни,  
Тутмоққа бало сайдин, ғам донаву дом этмиш.

То ошиқу шайдомен қатлим қилур ул кўзлар,  
Мажнунға кийикларни ишқ улфати ром этмиш.

Мазкур байтларда дастлаб ғам бало овини тутиш учун айрилик ўқи яраларидан абгор бўлган ошиқ жисми билан кўз ёшини дону тузоқ қилганлиги ўз ифодасини топган. Айрилик изтиробларидан абгор бўлган ва ғаму ташвишлар гирдобидида қолган ошиқ ҳолатининг бу қадар санъаткорона образли ифодаси шеърхонни нафақат ҳаяжонга солади, балки уни мушоҳада этишга ҳам чорлайди. Улуғ шоир айни ҳолат билан боғлиқ ўқувчи мушоҳадаларини теранлаштириш учун талмеҳ бадий санъатидан фойдаланиб, Мажнун ҳолатини хотирга келтиради. Мажнун дашт-у саҳроларни макон этганида, борлиқдаги барча нарса унга Лайли қиёфасида намоён бўлар, жумладан, у кийиклар кўзини севиклисининг кўзи сифатида кўра бошлаганди. Ошиқ-у ҳам барча ашёда севикли ёрининг кўзларини тасаввур қилгани боис: “Ошиқу шайдо бўлган онимдан бошлаб, бу кўзлар мени ҳалок эта бошлади”, – дея зорланади. Буюк мутафаккир ушбу бадий лавҳалардан шавққа тўл-

ган ўқувчи шуурига инсон маънавий камолоти учун муҳим бўлган мулоҳазаларига зеб берилган байтини тақдим этади:

Маъшуқ қилур жилва, ҳар кимки анинг кўнглин,  
Дард ўти кули бирла ишқ ойинафом этмиш.

Ғазалнинг ана шундай моҳият касб этувчи таҳлилга тортилган олтинчи байтида тасвирланишича, ишқ ҳар кишининг кўнглини дард ўтининг кули билан ойинадек тиниқ ҳолга келтиргандагина, ўша кўнгилда маъшуқа жилвалана бошлайди. Бу - чинакам ошиқнинг ошиқ-у шайдо бўлганидан ибтидо топган асл орзуси. Кўринадики, улуғ шоир Мажнун номи тилга олинган байтдан бошлаб, мажозий ишқ тасвирига илоҳий руҳ бера бошлайди. Ишқ изтиробларига сабр-у бардош қилиб, кўнглидан нафс кирларини йўқотган ва уни ойинадек шаффофлаштирган инсон қалбида Аллоҳ жилваланишини ниҳоятда катта эҳтирос-у санъаткорлик билан бадиийлаштиради.

Ғазалнинг мақтаида яна талмехга мурожаат этилиб, ишқ ўти кўнглини ойинафом этиши учун ошиқ сабр-у қаноат билан зийнатланиши лозимлигига эътибор қаратилади:

Искандару Жамлиқдур ишқингда Навоийға  
Ким, рахшинг изу наълин кўзгу била жом этмиш.

Маълумки, Искандару Жамшид донғи оламга кетган ҳукмдорлар саналади. Искандар бутун оламни ўзида акс эттира олувчи ойнасию Жамшид эса ичган сари майи тугамайдиган жоми билан ҳам машҳурдир. Шунингдек, Искандар ойнасида комил инсоннинг кўнгли сингари бутун борлиқ акс этса, Жамшид жоми абадийлик, чеки йўқ саодатни ўзида мужассамлаштиради. Ана шундай бахтни истаган ижодкор Мажнун каби ишқ кўйида маъшуқа рахши – тулпорининг из-у наълини ўзи учун Искандар ойнасию Жамшид жоми сифатида тасаввур этади. Тулпорнинг изи – маъшуқа рахшининг тупроқдаги акси эканлиги улуғ шоирга Искандар ойнасини эслатса, наъл шаклан Жамшид жомини хотирга келтиради. Бундай теран мушоҳадаларга таяниб, кашф этилган

ўзаро ўхшашлик ғазал сўнгида ҳам шеърхонга олам-олам завқ бағишлайди.

Кўринадики, мутафаккир шоир бир ғазалининг ўзида ўқувчи-га ҳам завқ-у шавқ бағишлайди, ҳам уни теран мушоҳада қилишга ундайди, ҳам сабр-у қаноатдек юксак маънавий фазилатларга эга бўлишга чорлайди. Айни чоқда бундай фазилатлар инсонга саодат бахш этишини санъаткорона эътироф этади.

**Хусниддин ЭШОНҚУЛОВ**



**“Хар кун оқшомғача ҳажрингда менга зорлиғ иш...”**



Хар кун оқшомғача ҳажрингда менга зорлиғ иш,  
Кеча тонг отгунча андуҳ ила бедорлиғ иш.

Иш вафо қилмоқ эрур гар қила олсангки, эмас  
Эй вафосиз, бу жаҳон ичра жафокорлиғ иш.

Ишқ аро қочма, кўнгул, хор-у забунлуғдинким,  
Ошиқ ўлғанға забунлуғ бўлур-у хорлиғ иш.

Лутфу дилжўлуғ эрур хуб паривашларға,  
Эй пари, билки, эмас жавру дилзорлиғ иш.

Тақво аҳлиға билинса эди чарх авзойи,  
Айлагайлар эди бу дайрда ҳамморлиғ иш.

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш.

Хаста кўнглини Навоийнинг олиб асраки, бор  
Сенга дилдорлиғ иш, бизга дилафгорлиғ иш.

-V-- VV-- VV-- VV-

фоилотун файлотун файлотун файлун  
рамали мусаммани махбуни махзуф

### Лугат

**Андуҳ** – ғам-ғусса

**Ҳажр** – айрилиқ, жудолиғ

**Бедор** – уйғоқ

**Вафо** – аҳдни бузмай, ваъда устидан чиқмоқ

**Вафосиз** – ваъдани бажармайдиган киши

**Жафокорлиғ** – зулм қилишга одатланиш

**Забунлуг** – хор-зорлик

**Лутф** – илтифот, назокат

**Париваш** – парисимон, паридай

**Хуб** – гўзал, яхши

**Тақво аҳли** – тақводорлар

**Чарх авзойи** – фалак табиасти

**Дайр** – майхона, бутхона

**Ҳамморлиғ** – май сотувчи, май тайёрловчи

**Дилафгорлиғ** – юраги эзилганлик

**Дилдорлиғ** – кўнгил олишлик, кўнгил кўтаришлик

### Насрий баён

Ҳар куни оқшомгача айрилиғингда мен зорлик азобини чекам. Кечаси тонг отгунча ғам-у андуҳ билан уйғоқ бўламан. Агар қўлингдан келса, вафо қил! Бу чинакам иш дегуликдир.

Эй кўнгул, муҳаббатда хорлик ва бечоралиқдан қоча кўрма. Чунки ошиқ бўлган кишининг иши хорлик ва бечоралиқдир. Паривашларнинг лутфу кўнгил олишлари яхшидир. Эй пари, жабру дилозорлик иш эмас!

Агар тақводорлар фалак авзойини билганларида эди, майхонада майфурушлик қилган бўлур эдилар.

Эй олам аҳли! Билингларким, душманлик – иш эмасдир. Бир-бирингизга ёр-дўст бўлингки, бирдамликни ишдеса арзигуликдир.

Севгилим! Хаста Навоий кўнглини олиб авайлаб асрагин. Чунки сенга дилдорлик – ишдир, менга дилафгорлик ишдир.

### Шарҳ ва изоҳлар

Биринчи байтда ошиқнинг тонгдан оқшомгача ва оқшомдан тонггача айрилиқдаги ўртанишлари ифодаланган.

Иккинчи байт вафо тасдиғи учун яратилган бўлиб, вафо ва жафо тушунчаларининг зидлигидан бирининг эзгулиги ва иккинчисининг ярамаслиги исботланади. Ўрта асрлар фожеаси майда давлатларнинг ўзаро муттасилурушлари билан изоҳланади. Шунинг учун мутафаккир шоир олам аҳлини тотувликка чорлаб, душманлик иш эмаслиги, ҳақиқий иш – кишиларнинг бири-бирига ёр-дўст бўлишида эканлигини уқтиради. Олам аҳлига қарата айтилган бу фикр ҳозир ҳам долзарбдир. Илғор инсоният ва уларнинг дохийлари шунинг учун ҳам бугун мамлакатлар орасидаги дўстлик ва тинч-тотувликни барқарор этиш учун қурашмоқдалар.

Ваҳоб РАҲМОНОВ



“Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос...”



Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос,  
Яна не суд керак ўзлугунгдин этса халос.

Авомдин, демаким, ўзни қутқарай, эр эсанг,  
Ўзунгдин ўзни қутулмоққа жажд қилгил хос.

Кўнгул алил эса, фориг эмас хавотирдин,  
Жароҳат узра йиғилмоқ дурур чибинга хос.

Ажаб эмастур агар топти гавҳари мақсуд  
Бировки, бўлди фано ашки баҳрида ғаввос.

Овуч қоқармен ўз аҳволима таҳайюрдин,  
Рамида кўнглум эрур бу усул ила раққос.

Десанг, бу йўлда ўлай, нафсни бурун ўлтур,  
Ки ишқ шаръида гўё бу навъ келди қисос.

Ризо йўлида Навоий борур қаён чексанг,  
Чу ишқ боғлади бўйнига риштаи ихлос.

V- V- VV— V- V- VV -  
мафоилун фаилотун мафоилун фаилон  
мужтасси мусаммани маҳбуни мақсур

### Луғат

**Дилжўлиғ** – кўнгил олишлик

**Авом** – оддий халқ; умум, омма

**Алил** – иллатли, нуқсонли; касал, ғаш

**Ашк** – кўз ёши

**Баҳр** – дарё, катта дарё; денгиз

**Жаҳд қилмоқ** – ғайрат қилмоқ, ҳаракат қилмоқ

**Овуч қоқмоқ** – чапак чалмоқ

**Раққос** – рақсга тушувчи; ўйинчи

**Рамида** – хурккан, чўчиган, кўрққан

**Суд** – фойда, нафъ

**Таҳайюр** – ҳайратланиш, ҳайратда қолиш, ҳайронлик

**Қисос** – интиқом, қасос, ўч

### Насрий баён

Фано йўлига киришдан фойда нима? – деб сўрама, сени ўз-  
гингдан (нафс юкидан) халос этса, сенга яна қандай фойда керак.

Сен мард инсон бўлсанг, ўзингни авомдан, яъни одамлардан қутқаришга интилма, балки ўзингдан ўзингни қутқаришга жаҳд қилгин.

Кўнгил булганган, яъни унда нуқсон (иллат)лар қўп бўлса, у ташвиш ва таҳликада яшайди, қийналади, жароҳат устига пашшанинг тўдаланиши табиий.

Кимки, кўз ёш тўкиб ҳосил этгани – фано денгизига шўнғиса ва у ердан мақсад гавҳарини олиб чиқса, ажаб эмас.

Ўз аҳволимдан ҳайратланиб қарсак чаламан (қўлларимни силкитаман), ҳуркак кўнглим шу усулда рақсга тушади.

Мана шу йўл (фано йўли)да ўлай десанг, аввал нафсингни ўлдир, ишқ шаръи (шариати – қонуни)да ҳам шу хилдаги қасос олиш йўли бор.

Навоий ризо (розилик – бу ўринда: фано мазмунига уйғун) йўлида қай томонга йўлласанг ҳам бораверади, чунки ишқ унинг бўйнига ихлос риштасини боғлади.

### Шарҳ ва изоҳлар

Орифона ғазаллар ўз мавзуси, услуби, тимсоллари ва ҳатто қўлланилган бадиий санъатлари билан ажралиб туради. Фано, ўзлик, нафс, бақо, ориф ва шу каби бошқа тимсол ва тушунчалар ушбу туркум ғазалларда муҳим ўрин эгаллаш билан бирга, бундай ғазалларни тушунишда муҳим “очқич” бўлиб ҳам хизмат қилади. Мазкур ғазал мисолида фикрларимизни далиллаймиз. (1, 199)

Дема, не суд эрур фано ҳаримиға хос  
Яна не суд керак ўзлугунгдин этса халос.

Чиндан, “Фано йўлига киришдан мақсад (фойда) нима? – деб сўраш шартми, қачонки у инсонни ўзлигидан халос этишга имкон берса!” Фано йўлига кирган инсон ўзлигидан халос бўлмоғи лозим. Нега? Чунки мана шу ўзлик юки одамзодни нафс ва унинг иллатлари билан, дунё ва унинг қувончу ташвишлари – бутун моддият билан чамбарчас боғлаб ташлайди. Бунини шоир бир ўринда шундай ифодалаган эди:

Талаб йўлинда аввал фоний ўлғил  
Ки, йўқ бу йўлда ўзлукдин оғир банд.

Мақсадга – ёр (Ҳақ) висолига етишишнинг асосий шарти фонийликка эришиш, унга эса ўзликдан халос бўлиш орқалигина етиш мумкин. Тасаввуф йўлига кирган солиқ шариат босқичида ўзлигини англаш билан боғлиқ масалаларга қизиқади ва уларнинг барчасига ана шу босқич даражасида жавоб топади. Байтдаги банд сўзи занжир, ип, арқон маъноларига эга. Бу байтда у кўчма – мажозий маънода келмоқда, яъни вужуднинг руҳ учун банд эканлиги ифодаланган. Демак, иборадаги мажозий маънони бўрттириб ифодалашга хизмат қилмоқда. Тариқат босқичи мақомларида эса у ана шу анланган ўзликдан кечиш жараёнини бошидан ўтказади. Тариқатнинг сўнгги мақоми (талаб, ишқ, маърифат, истиғно, ҳайрат, тавҳид мақомларидан кейин) фано ҳақиқатга – бақога эришишдаги бош мақсад бўлгани учун ҳам, кўпинча, тариқат йўли фано номи билан ҳам аталади. Қисм билан умумни номлаш усулини қўллаган шоир фано ҳарими тушунчаси орқали тариқат йўлини назарда тутди. Байтда тақрир санъати, иншо санъатининг амр ва наҳий усули қўлланилмоқдаки, унинг кўмагида шоир ўз фикрини ўзгага мурожаат тарзида ифодалаб, масаланинг муҳимлигига эътиборни қаратади.

Ўзликдан кечиш – оғир, мураккаб жараён, машаққатли меҳнат. Бу ғазалнинг иккинчи байтида шундай изоҳланган:

Авомдин, демаким, ўзни қутқарай, эр эсанг  
Ўзунгдин ўзни қутулмоққа жад қилғил хос.

Инсон одамлардан қочиб, дейлик, узлатда – ёлғизликда яшай олиши мумкин. Бироқ унинг ўзидан (ўз нафсидан) қутулиб яшаши осон иш эмас. Бу ўринда инсонни дунё билан боғлаб турадиган нафс, дунёга, ўзига, дунёвий нарсаларга муҳаббат, дунёвий ташвишу қувончлар, хуллас, мукамалликни эгаллаш йўлидаги тўсиқлар ўзлик мафҳуми воситасида тушунтирилар экан, мақсадга етиш учун инсон ўзини ана шу ўзлик юкидан халос этмоғи шарт, дейилади.

Кўнгил бундай “ташвиш”лардан фориғ бўлмаса, унинг қай аҳволга тушиши кейинги байтларда янада ойдинлашади:

Кўнгул алил эса, фориғ эмас хавотирдин,  
Жароҳат узра йиғилмоқдурур чибинга хос.

Иллатлардан қутула олмаган кўнгилни жароҳат – ярага, ундай кўнгилга тушган хавотирни пашшага қиёслаш (ташбеҳ санъати) билан бирга, фикрларини ойдинроқ ифодалаш учун шоир ҳаётий мисолдан (тамсил санъати) фойдаланади. Дунё, дунёвийлик, ундаги нуқсон у хавотирлар, иллатларга пашшанинг муносиб ташбеҳлиги бир ҳадисни ёдга солади: “Агар дунё Худо қошинда бир пашшанинг қанотин баробарида қадри бўлса эди, ҳеч бир кофирга бир ичим сув бермас эрди” (2, 199). Ҳақ васлига муяссар бўлишдек олий мақсад билан яшаётган сўфий учун дунёга, унинг қувончу ташвишларига, моддийлигига берилиш, боғланиш пашшадек мавжудотга тенглашиш билан баробар. Аллоҳ бундай дунёни барчага – инсонга ҳам, бошқа жониворларга ҳам, ҳатто кофирга ҳам раво кўраверади. Аниқроғи, ушбу ҳадисни келтиришимиздан мақсад, ориф нигоҳидаги алил дунёни изоҳлашдир. Ана шу иллатлардан қутулиб, софланиш йўлини шоир кейинги байтда тушунтирар экан, ғазалнинг тадриж санъати асосига қурилгани аёнлашади:

Ажаб эмастур, агар топти гавҳари мақсуд  
Бировки бўлди фано ашки баҳрида ғаввос.

Фанонинг моҳиятини англаш учун Е.Э.Бертелснинг фано ҳақидаги фикрларини келтирамиз: “...кўпчилик тасаввуф назариётчилари учун фано – сўнгги марра эмас, фанонинг ортидан бу тасаввуфнинг будда динидаги нирванадан яна бир муҳим фарқи – унинг мантиқий натижаси бўлмиш бақо келади: ўзининг муваққат, ўткинчи “мен”и барбод бўлганини сезиб, инсон мутлақ руҳ денгизига шўнғийди, бу билан илоҳий моҳият каби боқий яшажагини узил-кесил ҳис этади. Бу боқийликни англаб етиш ҳолатидир, аёнки, у толиб эришиши мумкин бўлган энг олий ҳолатдир” (3, 199).

Байтда қўлланилган мақсад гавҳари – гавҳари мақсуд тушунчаси фанодан кейин келадиган бақо мақомининг бадиий ифодаси. Фано мақомида чеккан изтироблар, машаққатлар, яъни кўз ёш тўкиб ҳосил этгани – фано денгизида ғаввослик қилгани эвазига у боқийликка эришмоқда. Буни шоир гавҳар, баҳр, ғаввос каби сўз-образлар таносубида тушунтиради. Шуниси эътиборлики, Навоий ижодини яхши ўрганиш унинг бирор шеъри ёки байтида ўртага қўйилган муаммонинг шарҳи ёхуд изоҳини иккинчи бир ғазал ё байтдан топиш имконини ҳам беради. Жумладан, шоирнинг юқоридаги фикрларини унинг қуйидаги байти ёрдамида изоҳлаш ҳам мумкин:

Фано баҳрига чўммоқдин ғараз толибқа васл ўлди  
Ки, ғаввос ўлмакига ғарқ ўлуб, гавҳар эрур боис (4, 199).

Шундай қилиб, фано баҳри – ориф инсон эришган маърифат ва ҳақиқат олами; ғаввос – орифликка талабгор солиқ; гавҳар – Ҳақ ҳузури, бузилмайдиган, ўзгармайдиган ва абадий маънавий-руҳий ҳаловат манбаи бўлган мақом. Шоир бунда қадимий ҳунарлардан бири – денгизга шўнғиб гавҳар олиб чиқиш касбига ишора этган (бу ташбеҳ бошқа шоирларда ҳам бор): гавҳар – денгизда чиганок (садаф) ичида ҳосил бўлади ва ғаввослар сувга шўнғиб, уни топиб олиб чиқадилар. Бу жуда хавfli ва машаққатли касб, жасорат ва кўп йиллик машқни талаб қилади. Шу боис ҳам тариқат солиқи ғаввосга ўхшатишган. Гавҳар эса энг олийқиймат, бузилмайдиган, доим бир хил жилоланиб турадиган тош – бойлик, яъни парвардигор жамоли, илму ҳикмати тимсоли. Солиқ фано баҳрига шўнғимасдан бу бойликка эга бўлолмайди. Ана шундай дунёвий ташбеҳ ва тасвир билан Навоий ҳазратлари илоҳий маърифатга эришиш машаққатини тушунтирган.

Овуч қоқармен ўз аҳволима таҳайюрдин,  
Рамида кўнглум эрур бу усул ила раққос.

Байт мазмуни шайх Зуннун Мисрийнинг: “Маърифатнинг ҳақиқати ҳайратдир” (5, 199), деган сўзларига ҳамоҳанг. Аввалги байтдаги фикрлар узвий давом эттирилган ушбу байтда мақ-

сад гавҳарини қўлга киритган солик аҳволини англасак, ажаб эмас. Борлиқни янгича идрок этаётган солик-шоир мақомдан – мақомга ўтгани сари латифлашиб бораётган (хуркак) кўнглини тасвирлаш билан ўзида кечаётган кечинмаларни ифодалашга мурассар бўлади. Шунини айтиш керакки, аввалги байтларда фикр баёни – шоирнинг фано ҳақидаги орифона қарашлари ифодаси кўзга ташланса, мазкур байтда энди шоир “ҳолатга кириб”, фикрини ҳиссий кечинмалар орқали етказмоқда. Бошқача айтганда, шоир “лирик қаҳрамон” сифатида ҳам иштирок этиб, қалб ҳароратини изҳор қилади. Натижада жонлантириш – ташхис санъати орқали айтилаётган фикрларнинг таъсирчанлиги оширилган.

Мақтаъдан аввалги байт фонийликка эришишдаги муҳим масалага бағишланади:

Десанг, бу йўлда ўлай, нафсни бурун ўлтур  
Ки, ишқ шаръида гўё бу навъ келди қисос.

Нафсни ўлдириш – солик учун энг машаққатли амаллардан. Бусиз у ҳеч қачон мақсадига эриша олмайди. Ўлдирмоқ, қисос (яъни қасос) каби тушунчалар таносубида шоир нафсни ўлдирмай туриб, бу йўлга кириш мумкин эмаслигини, ишқ йўлига кирганлар учун шундай қасос олиш шакли борлигини таъкидлайди. Бу ўринда ҳам, демак, ҳаётий деталга мурожаат қилинган: шариятда қасос олиш шартлари бор. Ишқ шариятида ҳам шу хилдаги қасос олиш бор, дейди шоир. Чиндан нафсни ўлдирмай, том маънода ошиқ бўлиш мумкин эмас.

Сўнгги байтда яна бир сўфиёна атамага дуч келамиз:

Ризо йўлида Навоий борур қаён чексанг,  
Чу ишқ боғлади бўйнига риштаи ихлос.

Навоий ризо йўлида қай томонга йўлласанг ҳам бораверадди, чунки ишқ унинг бўйнига ихлос риштасини боғлади, – деган мазмун англашилган байтда тариқатнинг сўнгги мақоми – ризо билан боғлиқ мулоҳазалар ўз ифодасини топган. “Ризо қалбдан қабоҳат – кирларнинг кетиши, қазову қадар ҳукмига бўйсуниб, нафс розилигидан чиқиб, Ҳақ розилигига киришдир. Қазо амрига

таслим бўлган қалбнинг сурури. Солиқда ушбу мақомда ҳеч нарсадан ғазаб, ҳаяжон, гина-қудурат ва хафаланиш бўлмайди” (6, 199).

Фано йўлига кириш нияти билан бошланган бу ғазал ризо йўлига етган солиқ аҳволи ифодаси билан якун топмоқда. Фано ёхуд ризо (улар моҳиятан битта маънони ифода этади) мақомини эгаллаган солиқ фонийликдан боқийликка эришади, ҳақ вужуди-га сингиб кетади. Лоҳижий таъкидлаганидек, “ризо – банданинг ўз ризосидан чиқиб, маҳбуб ризосига кириши, илоҳий қисматга заррача эътироз қилмаслик” (7, 199). Навоийнинг ўзи бир ғазалида шундай таъкидлаган эди:

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,  
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф (8, 199).

“Тасаввуфдаги қатор мураккаб масалаларни тушунишда “фано” зарур очкичдир, деса хато бўлмайди” (9, 199), деган фикрнинг тўғрилигини ўрганиб чиққанимизни ушбу ғазал ҳам исботламоқда. Ғазалнинг қурилиши ҳам ўзига хос. Унда дастлаб “фанони (фонийликни) эгаллашдан мақсад нима?” деган савол қўйилгани ҳолда, кейинги байтларда унга етишиш йўллариини ўзида мужас-самлаштирган мураккаб масалалар ўз ифодасини топган. Улуғ мутафаккир ва мутасаввиф шоир бунда битта фикр, яъни ориф-ликнинг бош йўли – фано бўлиш нима эканини турли мисол ва ташбеҳлар билан тушунтирган. Фоний бўлмасдан ориф бўлиш – бақо мартабасига эришиш мумкин эмас, бунинг учун бандлардан қутулиш керак. Бандлар эса, ўзлук, дунё ташвишларига гирифтор кўнгил, нафс домидаги вужуд. Бу бандларни узсанг – “фано денгизига чўмсанг – истаган гавҳарингни топасан”, деган мазмун Навоийга хос маҳорат билан бадий талқин этилган.

**Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА**



“Ичиб ул шўх гул-гул қилди лаъли ноб ила ораз...”



Ичиб ул шўх гул-гул қилди лаъли ноб ила ораз,  
Мени маҳзун нечукким дам-бадам хуноб ила ораз.

Магар сиймоби ашким қилғали шингарфгун ул шўх  
Қилур шингарфдин гулгуна юб сиймоб ила ораз.

Ҳам ул кун меҳри иқболимни шоми ғам ниҳон қилди  
Ким, ул гул қилди пинҳон сунбули сероб ила ораз.

Қуёшнинг партави бирла агар ул юзни тенг тутса,  
Эрур андоқки тенг тутқай қуёш маҳтоб ила ораз.

Магар занжири зулфунг шомида мотам насибимдур  
Ки, ҳар соат харош айлармен ул қуллоб ила ораз.

Қоши бирла ишорат саждага айлар хуш ул давлат  
Ки, айлаб сажда равшан қилсам ул меҳроб ила ораз.

Дема қиш совуғ, оҳимдин дурурким, чекти ул чобук  
Қоши устида қиш буркин ёпиб синжоб ила ораз.

Талаб йўлинда юз қўй ҳар эшик туфроғига, яъни  
Бир аҳли дин оёғига етур ҳар боб ила ораз.

Навоий орази сарғарди ғам еб беҳуд ўлмоғдин,  
Нечук сарғармағай бу навъ хўрду хоб ила ораз.

V --- V --- V --- V ---

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
хазажи мусаммани солим

## Луғат

**Гулгун** – гулранг, қизил

**Ҳамул** – ўша, шундай

**Партав** – нур

**Харош** – 1) яғир, тирналган; 2) тирнаш; қиртишлаш; 3) харош топмақ – озор чекмоқ

**Қуллоб** – қармоқ, чангақ, илгақ

**Чобук** – чаққон, эпчил

**Синжоб** – 1) силовсин; 2) силовсин пўстини

**Бўрк** – бош кийим, қалпоқ, телпак

**Беҳуд** – 1) ҳушсиз, ўзидан кетган, ақлу ҳуши кетган; 2) маст; 3) ихтиёрсиз

**Навъ** – тур (кўпчилиги анвоъ)

**Хўрд** – 1) овқатланиш; 2) овқат, таом, емиш

## Насрий баён

1. Ул шўх [Маъшуқа] янги [қизил] май билан юзини гул-гул [қизил] қилди, Мен маҳзун-мунгли юзини қонли ёш билан дам-бадам [қизил] қилганидек.

2. Менинг кумушдек оқ ёшимни ул шўх қизил тусли қилиш учун Юзини сиймоб билан ювиб, шингарф гардидан ғоза қилганмикан?

3. Ул гул яшнаб турган сунбул билан оразини пинҳон қилгач, Ўша кун гўёки иқболим қуёшини ғам шоми ниҳон қилди.

4. Агар кимки Қуёшнинг нури билан ул юз, яъни Маъшуқа юзини тенг тутса, Қуёшнинг юзини Ойнинг юзи билан тенг тутгандек бўлади.

5. Эй Маъшуқа, зулфинг занжирининг шомида насибим мотам шекилли, Зеро, ҳар соат сочинг чангаги билан юзимни тирнайман.

6. Ул Маъшуқа қоши билан саждага ишорат қилади, не ҳуш давлатки, меҳробимни ул юз билан равшан қилиб сажда қилсам.

7. Қиш совуқ оҳим туфайли дема, ул чавандоз Қоши узра қишки қалпоғини кийиб, юзини синжоб (силовсин териси) билан ёпди.

8. Талаб йўлида ҳар эшик туфроғига юз қўй, яъни Бир аҳли дин оёғига қандай қилиб бўлмасин, юз еткур.

9. Навоийнинг юзи ғам еб, беҳуш бўлмоқдан сарғайди, Бу хил емак-ичмак билан юз нечук сарғаймасин?

### Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ушбу ошиқона ғазали арузнинг ҳазажи мусаммани солим (V --- / V --- / V --- / V --- Мафойилун / мафойилун / мафойилун / мафойилун) вазнида яратилган. Шоир айтмоқчи бўлган асосий ғоя ошиқона фикрлар замирига яширинган бўлиб, унда Ул Маъшуқа ишқида маҳзун ошиқ шарҳи ҳоли, ҳиссий кечинмалари тасвирланган.

Ҳазал матлаъсида шоир таносиб (ораз, лаъли ноб, хуноб), истиора (Ул шўх, лаъли ноб) каби воситалар асосида ишқ дардида қон йиғлаган ошиқ ҳолатини тасвирлар экан, маъшуқа янги [қизил] май ичиб, юзи гул-гул, яъни қизил рангга кирганлигини, маҳзун ошиқнинг мунгли юзини қонли ёшлар қизартирганлигига қиёс этади. Иккинчи байтда тажохули ориф (юзини шингарф гардидан ғоза қилганмикан?) санъатидан моҳирона фойдаланган шоир, маъшуқа юзидаги қизиллик табиийми ёки юзига шингарф, яъни қизил рангли тош гардидан оро берганмикан, дея шубҳага боради.

Учинчи байтда истиора (меҳри иқбол, шомӣ ғам, гул, сунбул) санъати воситасида шоир ўз аҳволи ҳолатини табиат тасвири билан қиёс этади. Гўёки ошиқ қалбидаги гумону шубҳалар қаро тун бўлиб, кўкдаги қуёш (маъшуқа) юзини яширмоқда.

Тўртинчи байтда Маъшуқа юзини Қуёшнинг нури билан тенг тутганидан истиҳола этган шоир Ойнинг юзи Қуёш юзига тенглаша олмаслиги ҳақида таъкидлайди.

Бешинчи байтда шоир таносиб (зулф, қуллоб, ораз) санъатидан моҳирона фойдаланган. Байтда ҳар дам сочинг чангаги билан юзимни тирнайман, дея маъшуқанинг зулфи занжиридан қалби тилка-пора бўлаётган ошиқ мотам тутиш тақдирида борлигини айтиб ўтади.

Олтинчи байтда шоир таносиб, истиора (сажда, меҳроб) санъати воситасида Маъшуқанинг қоши билан саждага ишорат этиши ошиқ учун катта бахт эканини таъкидлайди, чунки у сажда айлаб ул юз билан меҳробини равшан этади.

Еттинчи байтда қоши узра кишки қалпоғини кийиб, юзини синжоб (силовсин териси) билан ёпган чавандозга совуқ таъсир этмаслигига ишора этган шоир ҳусни таълил санъатидан моҳирона фойдаланиб, киш фаслидаги совуқ ҳарорат ошиқнинг совуқ оҳу доди эмаслигини таъкидлайди.

Навоийнинг фалсафий қарашлари акс этган мақтаъдан олдинги саккизинчи байтда Талаб йўлида ҳар эшик туфроғига юз қўймоқ, яъни бир аҳли дин оёғига қандай қилиб бўлмасин, юз еткур иш муҳимлиги айтилади. Мақтаъда эса ошиқ Навоийнинг юзи маъшуқа ишқида ғам еб, беҳуш бўлмоқдан сарғайгани, яъниким, бундай ғам емак-ичмак билан юзнинг сарғайиши табиий ҳол экани эслатиб ўтилган.

Озодахон БОЛТАБОЕВА



“Жонға зулфунг тобидин ул лаъли хандондур ғараз...”



Жонға зулфунг тобидин ул лаъли хандондур ғараз,  
Хизрға зулмат тилардин оби ҳайвондур ғараз.

Шавқ ўтиға урмасам су, куйдурур кўнглумни пок,  
Истагандин ўқларинг кўнглумга пайкондур ғараз.

Невчун, эй ҳижрон, азоб айларсен онсиз жонима,  
Истагилким, топшурай гар худ санга жондур ғараз.

Юз туган қўйдум, эмас қоний, кетинг, жону кўнгул,  
Гўйиё ул бевафоға доғи ҳижрондир ғараз.

Ол этар бўлсанг кафингни даҳшат этма, тийғ сур,  
Мен бихилмен гар санга бу бир овуч қондур ғараз.

Оламу одам фидонг ўлсунки борсен, эй Ҳабиб,  
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондур ғараз.

Эй Навоий, воқиф ўл ҳолингтаким ёр оллида  
Бас фаровондур ғаразғў, асру паррондур ғараз.

– V – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лутат

**Ғараз** – 1) мақсад, ният; 2) яширин ёмон ният

**Тоб** – 1) ҳарорат, иссиқлик; 2) куч-қувват, бардош; 3) ўрам, жин-  
галак

**Пайкон** – 1) ёй ўқлари; 2) ёй ўқининг учи

**Худ** – ўз

**Қониъ** – қаноат қилувчи

**Туган** – доғ, из

**Туган қўймоқ** – доғ туширмақ, из қолдирмоқ

**Ол** – қизил

**Каф** – қўлнинг билак учидан бармоқларгача бўлган ички қисми

**Биҳил** – рози

**Овуч** – ҳовуч, кафт, чангал

**Ар** – агар нинг қисқаргани

**Воқиф** – хабардор

**Асру** – жуда

**Паррон** – учувчи

### Насрий баён

1. Жонга зулфинг жилвасидан мақсад ул хандон оғзингдир,  
Зеро, Хизрга зулматга киришдан мақсад оби ҳайвон, яъни тирик-  
лик сувидир.

2. Шавқ ўтига сув урмасам, кўнглимни тамоман куйдиради,  
Дарҳақиқат, ўқларингни излашдан кўнглимга мақсад пайкондир.

3. Эй ҳижрон, нега усиз жонимга азоб айлайсан, Агар мақсадинг жон бўлса, уни сенга топширай.

4. Жону кўнгилга юз жароҳат қўйдим, эй жону кўнгил, сиз кетинг, Гўёки ул бефоба мақсад ҳижрон доғи эмиш.

5. Агар кафингни қизартирмоқчи бўлсанг, қўрқмасдан пичоқ уравер, Агар мақсадинг бир ҳовуч қон бўлса, мен розиман.

6. Эй Ҳабиб, олам ҳам, одам ҳам сенга фидо бўлсин, Чунки агар оламини яратишдан мақсад одам бўлса, одамни яратишдан мақсад Сендирсан.

7. Эй Навоий, Ёр олдидаги ҳолингдан беҳабар бўлма, Чунки ға-разгўйлар жуда кўп, аммо пок мақсадлилар жуда кам.

### Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ушбу ошиқона ғазали арузнинг Рамали мусаммани маҳзуф ( – V – – – V – – – V – – – V – фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилун ) вазнида яратилган.

Ушбу ғазал матлаъсида шоир Хизрга зулматга киришдан мақсад оби ҳайвон, яъни тириклик суви бўлганидек, Маъшуқа зулфининг жилвасидан мақсад унинг хандон оғзи эканини таъкидлайди. Байтда истиора (лаъли хандон, оби ҳайвон) санъати асосида биринчи мисрадаги “лаъли хандон” сўз бирикмасини иккинчи мисрадаги “оби ҳайвон”, яъни тириклик сувига қиёс этган шоир ташбеҳи измор санъатидан моҳирона фойдаланади.

Иккинчи байтда шоир тазод (ўт, сув) воситасида ишқ ўтида куйган кўнгил тасвирини изоҳлайди. Учинчи байтда ҳижрон азобида қийналган ошиқ Маъшуқа васлига эришмоқ учун ўз жонини Унга фидо этмакка тайёр эканини таъкидлаб, тўртинчи байтда У (Маъшуқа)нинг мақсади ҳижрон доғи эканини англаган ошиқ ишқ йўлида ўз жону кўнглига юзлаб жароҳат берганидан истиҳола этади. Бешинчи байтда ошиқ Маъшуканинг мақсади менинг бир ҳовуч қоним бўлса, мен бунга ҳам розиман, дея таъкидлайди.

Мақтаъдан олдинги олтинчи байтда Навоийнинг наът ғазалларига хос хусусиятларни кузатамиз. Чунки байтда Ҳабиб – Муҳаммад (с.а.в) образи воситасида олам ва одам яратилиши ҳақидаги шоирнинг мухтасар фалсафий қарашлари ўз ифодасини топган.

Байтда шоир тарду акс, тадриж санъати воситасида оламни яратишдан мақсад одам бўлса, одамни яратишдан мақсад Ҳабиб – Мухаммад (с.а.в) эканлигини гўзал тарзда тасвирлайди.

Мақтаъда нидо санъатидан фойдаланган ҳолда шоир ўзига муaroжаат қилар экан, Ёр олдидаги ҳолингдан беҳабар бўлма, чунки ғаразгўйлар жуда кўп, аммо пок мақсадлилар жуда кам, дея таъкидлайди.

Озодахон БОЛТАБОЕВА



---

“Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимға арз...”

---



Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимға арз,  
Йўқки, жисми нотавон аҳволин эт жонимға арз.

Оҳ дудин, ашк қонин, нола маддин айлагил  
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви хиромонимға арз.

Куфри зулфи, дину имонимни барбод айлабон,  
Қилганин жон қасди, эткил номусулмонимға арз.

Ваъдаи васлиға етмай ўлганимни, эй рафиқ,  
Қилғасен ҳар ерда кўрсанг аҳди ёлғонимға арз.

Ошиқ ўлтурмакка чиқмиш маст, ваҳ, ишқим сўзин,  
Эй рақиб, этсанг не ул бебоки нодонимға арз.

Васл шавқи ғолибу мен гунгменким, айламак  
Ҳожат эрмас қошифи асрори пинҳонимға арз.

Эй Навоий, ҳажр зиндонида жоннинг хавфи бор,  
Қилғасен топсанг маҳал, албатта султонимға арз.

-V-- -V-- -V-- -V-

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

## Луғат

**Ашк** – кўз ёши

**Мадд** – узайиш, узунлик; мадд айламак- узайтирмак

**Куфр** – динсизлик

**Бебок** – қўрқмас

**Кошиф** – очувчи, кашф этувчи

## Насрий баён

1. Эй сабо, жоним ҳалокини Жанонимга айт, Бўлмаса, нотавон жисм аҳволини ул жонимга айт.

2. Оҳ тутуни, кўз ёш қонини, нола чексизлигини сочи сунбул, юзи гул, сарви хиромонимга айт.

3. Зулфи куфри дину имонимни барбод айлаб, Жонимга қасд қилганини номусулмонимга айт.

4. Эй рафиқ, васлининг ваъдасига етмай ўлганимни Ул аҳди ёлғонимни қаерда кўрсанг ҳам арз эт.

5. У ошиқни ўлдирмоқ учун маст ҳолда чиқмиш, ваҳ, ишқим сўзини, Эй рақиб, не бўлар эдики, ўша нодон бепарвойимга арз эйтсанг).

6. Васл иштиёқи ғолиб, аммо мен соқовман. Бу яширин сирларимни очувчига арз этишнинг ҳожати йўқ.

7. Эй Навоий, жоннинг ҳажр зиндонида ҳалок бўлиш хавфи бор, Агар қулай пайтини топсанг, албатта, султонимга арз қил.

## Шарҳ ва изоҳлар

Ҳазал матлаъсида сабога мурожаат этган ошиқ жони ҳалокатда қолгани ҳақида маъшуқага хабар етказишини айтади.

Иккинчи байтда ошиқ оҳидан чиққан тутун, кўзидан оққан қонли ёш ва чексиз ноласи ҳақида сочи сунбул, юзи гул, сарви хи-

ромонига хабар беришини айтади. Байтда шоир оҳ дуди – зулфи сунбул; ашк қони – юзи гул, нола мадди – сарви хиромон каби сўзлардан маҳорат билан фойдаланиб, ташбеҳи измор санъатининг гўзал намунасини келтиради.

Учинчи байтда таносиб (куфр, дин, имон, номусулмон) санъати асосида маъшуқанинг ошиққа нисбатан муносабати ёрқин ифодаланган. Тўртинчи байтда маъшуқа васлига ета олмаган ошиқ арз додини тасвирлаган шоир аҳди ёлғон деб ёрни назарда тутган. Бешинчи байтда ҳам таносиб (ошиқ, ишқ, маст, рақиб) санъатидан моҳирона фойдаланган шоир ёрни ул бебоки нодон дея таърифлайди.

Мақтаъдан аввалги олтинчи байтда ғолиб васл шавқи олдида ўзининг нақадар ожиз эканини тан олган ошиқ ҳолати тасвирланади. Навоий еттинчи байтда ҳажр зиндонида жоннинг хавфи бор, дея Юсуф алайҳиссаломнинг Миср зиндонида кечган ҳаётига ишора этади, чунки Юсуф алайҳиссалом зиндондан озод бўлаётган ғамхонасидан вақт толиб ўзининг аҳволи ҳақда Миср султониға мурожаат қилишини илтимос этади. Байтда ана шу воқеаларга ишора этган шоир ошиқнинг ҳам жони хавф остида қолганини айтиб ўтади.

Озодахон БОЛТАБОЕВА



---

**“Нафс куттоъ-ут-тариқи манзилидур бу работ...”**

---



Нафс куттоъ-ут-тариқи манзилидур бу работ,  
Нақди дин ҳифзиға қил ўткунча андин эҳтиёт.

Манзил этсанг бу работ ичра иқомат қилмаким,  
Ҳар кун ўзга корвон оромгоҳидур бу работ.

Не тўшарсен тахти жоҳинг фаршин олтун хишт ила  
Ким, сенингдек шоҳни кўп ўтқариπτур бу бисот.

Тавқи лаънат десалар бўйнинда тасбеҳин не тонг,  
Макру ҳийлат бирла шайх эл бирла қилса ихтилот.

Шайхи жоҳил бўлмоқ ўз асрори бирла мунбасит,  
Ғафлат аҳли банг ила қилган кибидур инбисот.

Зарқ жоми бирла важд этган эрур ул тифлким,  
Май дебон рангин суни қилгай ичиб амдо нишот.

Фақр кўйи итларидин кимки кам кўрди ўзин,  
Топсанг ани, итлари силкида топқил инхирот.

Васлга йўл ҳажрдин фақр ўлди, кўргил турфаким,  
Бирдин учмоғдур хижил, бирдин томуғ, бирдин Сирот.

Эй Навоий, ишқ аро берабт агар сурсам ҳадис,  
Анда мазмун бил ғараз, мақсуд кўрма иртибот.

–V-- –V-- –V-- –V–

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

### Лугат

**Нафс кутгоъ-ут-тариқ** – йўлтўсар, қароқчи (нафс ҳавосига етакловчи йўл)

**Работ** – мусофирхона; карвонсарой; йўловчилар тўхтаб ўта-диган жой

**Нақди дин** – иймон; савоблар

**Ҳифз** – сақлаш, қўриқлаш

**Иқомат қилмоқ** – туриб қолмоқ, истиқомат қилмоқ

**Ярш** – тўшаш, ётқизиш; тўшама

**Бисот** – тўшама, гилам, палос; шахмат; кенг майдон; мато; асбоб-анжом

**Тавқи лаънат** – лаънат; лаънат халқаси

**Ихтилот** – аралаштириш, қотиштириш, борди-келди қилиш

**Мунбасит** – очиқ чехрали, шод, хурсанд

**Инбисот** – шодлик, ёзилиш, ёйилиш

**Зарқ жоми** – макр, ҳийла жоми

**Важд** – ҳаяжон; шавқу завқ ҳолати

**Тифл** – бола, гўдак

**Амдо** – қасддан, билиб-тушуниб, атайин

**Нишот** – шодлик

**Фақр** – камбағаллик; дунёдан кечиш

**Кўй** – кўча, йўл; қишлоқ, маҳалла

**Инхирот** – 1) бирор гуруҳ орасига кириш, бирор нарса ичига кириш; 2) ипни игнадан ўтказиш; 3) ипга тизиш; 4) тарошланиш

**Учмоғ** – жаннат

**Томуғ** – дўзах

**Сирот** – кўприк, йўл; дўзах устидан жаннатга ўтиладиган ингичка йўл

**Берабт** – боғланишсиз, алоқасиз; интизомсиз

**Иртибот** – боғланиш, уланиш; бир-бирига боғлаш

## Насрий баён

Бу дунё йўлдан урувчи нафс қароқчиларининг манзили, ундан ўтгунча иймонингни эҳтиёт қил.

Бу дунё ичра агар манзил қурсанг, кўп туриб қолма, чунки бу работ ҳар кун ўзга – бир келиб-кетувчининг оромгоҳидир.

Нима учун мансабинг тахтини олтин ғишлардан қурасан, ахир, бу тўшама (тахт) сендек шоҳларнинг кўпини бу дунёдан ўтказди.

Бўйнидаги тасбеҳини “лаънат халқаси” десалар ажабмас, чунки шайх макру ҳийлалар орқали элни ўзига ром этишга ҳаракат қилади.

Ғафлат аҳли кўкнори билан хурсандчилик қилгани каби жоҳил шайх бўлмоқ ҳам ўз сирлари билан ёқимлидир.

Макру ҳийла жомидан завқу шавқ туйган киши рангли сувни май деб атайлаб ўзини маст қилиб кўрсатаётган болага ўхшайди.

Фақрлик кўчасининг итларидан ҳам ўзини кам кўрган кишини топгудек бўлсанг, унинг итлари қаторига қўшил.

Ҳижрондан висолга олиб борувчи йўл фақрлик йўлидир, бу турфаликка қара: ҳижрондан дўзах, васлдан жаннат, фақр йўлидан эса сирот – дўзах устидан жаннатга олиб ўтувчи ингичка йўл ҳам хижолатда.

Эй Навоий, агар ишқ ҳақида палапартиш, узук-юлуқ сўзлар айтсам, ниятим мазмун эканлигини билавер, зинҳор бу бобда гўзал жумлалар тузишни мақсад қилган эмасман.

### Шарҳ ва изоҳлар

Орифона ғазалларда илгари сурилган ғояларнинг барчаси муҳим. Уларнинг деярли ҳаммаси бу дунёнинг ўткинчилиги, унинг нафсоний мулк (макон) эканлиги, нафсни енгиш, руҳни юксакликка олиб чиқиш, Ҳақ йўлига кириш зарурати каби масалаларга бағишланган. Мазкур ғазал ҳам ана шу мавзуда.

Нафс қуттоғ ут-тариқи манзилидур бу работ,  
Нақди дин ҳифзига қил ўткунча андин эҳтиёт.

Истиора ёрдамида дунё тушунчасини работ сўзи орқали ифодалаган Навоий шу дунёга келиб-кетувчиларнинг, умуман, умрнинг ўткинчилигига очиқ ишора қилади. Работ луғатларда йўловчилар қисқа муддатга тўхтаб ўтадиган манзил сифатида изоҳланади. Нафс ва динни бир-бирига қарама-қарши қўйган (тазод санъати) шоир нафсонийлик ва руҳонийлик кураши доимий эканлигини, руҳни (динни) ўлгунча нафс қароқчиларидан асраш муҳимлигини таъкидлайди. Кейинги байт:

Манзил этсанг бу работ ичра иқомат қилмаким,  
Ҳар кун ўзга қарвон оромгоҳидир бу работ.

Чиндан, бу дунё – бир работ. Унга кимлар келиб-кетмаган, ҳали яна қанча-қанча кишилар келиб-кетаверади. Шундай экан,

унга (худди абадий яшайдигандек!) жойлашиб олиш нодоннинг иши. Аввалги байтдаги “динни асра!” деган фикрни ушбу байт мазмунни билан боғласак, “бу дунёга берилиб, унда абадий яшайдигандек кун кечирма, балки моҳиятни англашга урин”, деган ички мазмунни илғаб олиш мумкин.

Не тўшарсан тахти жоҳинг фаршин олтун хишт ила  
Ким, сенингдек шоҳни кўп ўтқариптур бу бисот.

Шоирнинг бу дунёда энг баланд мақомга, имконга эга деб тасаввур этганимиз шоҳга мурожаат қилиши бежиз эмас. Дунё ушбу байтда истиора кўмагида бисот тушунчаси ёрдамида ифодаланмоқда. У шоҳ, тахт каби тушунчалар билан биргаликда байт таносубини таъминлайди (таносуб санъати). Бу дунёнинг, унда кечадиган умрнинг фонийлигини шоҳ тимсолида бўрттириб кўрсата олган шоир кейинги байтларда шайх тимсолига эътиборни қаратади. Бунда, албатта, чуқур рамзийлик бор:

Тавқи лаънат десалар бўйнида тасбеҳин, не тонг,  
Макру ҳийлат бирла шайх эл бирла қилса ихтилот.

Зоҳирбинликни бутун ижоди давомида қаттиқ қоралаган Навоий кўп ўринларда риёкор шайх тимсоли воситасида ўз ниятига эришади. Келтирилган байтда ҳам одамлар (эл) билан макру ҳийла орқали муносабатда бўладиган шайхнинг тасбеҳи унинг бўйнига осилган лаънат тамғасидир, деган фикр шундай давом эттирилади:

Шайхи жоҳил бўлмоқ ўз асрори бирла мунбасит,  
Ғафлат аҳли банг ила қилғон кабидур инбисот.

Ҳа, ўзининг бундай сирлари билан хурсанд бўлган жоҳил шайх нашавандлик билан шодланиб юрган ғафлат аҳлига тенг, деган фикрини шоир ташбеҳ санъати воситасида ифодалайди. Шайхнинг жоҳиллиги – мана шу ўткинчи дунё учун ўзини хор айлаши – риё йўлига кириши. Бу дунёнинг, шайхнинг риёву алдовларига учган кишининг қиёфаси кейинги байтда янада очилиб боради:

Зарқ жоми бирла важд этган эрур ул тифлким,  
Май дебон рангин сувни қилғай ичиб омдин нишот.

Шайхнинг бу риё-алдовларига учиб, улардан завқ шавқ ҳолатига тушган киши рангли сувни май деб ичиб олиб, одамлардан хурсанд бўлган ёш боладир. Кишиларни риё билан алдаб юрган шайхга нисбатан айтилган фикрларда қўлланилган қиёсларнинг барчаси ҳаётий асосга эга. Шайхни танқид этаётган Навоий аслида руҳонийликни тарғиб этиши лозим бўлган бу кимсанинг моддийликка – нафс балосига бу қадар берилиб кетганлигидан афсусда. Унинг жоҳиллиги оддий авом жоҳиллигидан фарқ қилиши, айниқса, китобхонга таъсир этади. Ҳамма нарсани англаб, билиб яна нафсга қул бўлиш – ўзини йўқотиш билан баробар.

Фақр кўйи итларидин кимки кам кўрди ўзин,  
Топсанг они итлари силкида топқил инхирот.

Хўш, фақирлик нима? Фақирлар кимлар? Тасаввуф луғатларида фақирлик – дунёга, унинг молига мутлақо эътиборсизлик маъносини англатади. Фақирлар ёлғиз Аллоҳга эҳтиёжманд кишилар, бутун яратилган нарсалар, ҳатто ўзи ҳам Аллоҳга тегишли эканини чуқур ҳис қилиб яшайдиган инсон сифатида талқин этилади. Фақирлик – тариқатнинг мақомларидан бири, деб ҳам ҳисобланади (205). “Фақирлик – фаҳримдир”, деган эдилар Муҳаммад с.а.в.

Байтдаги ит тимсоли фақирлик билан бевосита боғланган ҳолда ҳам хокисорлик, ҳам садоқат каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган тимсол. Мақсадга фақирлик орқали эришиш мумкинлигини шоир кейинги байтда шундай тушунтиради:

Васлға йўл ҳажридин фақр ўлди, кўргил, турфаким,  
Бирдин учмоғдир хижил, бирдин томуғ, бирдин сирот.

Демак, висолга ҳижрон азобларини бошидан ўтказибгина эришиб бўлмайди. Висолга олиб борадиган ҳижрон йўли фақирлик йўли билан тутшиб кетган. Фақирлик машаққатларини бошидан кечирган ошиқ ёки ориф ўз ёрига бутун нафсоний – дунёвий иллатлардан тозаланиб, софлангачгина эриша олади. Бундай висол

олдида жаннат хижолатда, ҳижрон азоблари олдида дўзах ҳеч гап эмас, пули сирот (қил кўприк, аросат) ваҳималари ҳеч нарсага арзимаслигини шоир тақсим санъати ёрдамида ифодалайди. Бу изтиробларни бошидан кечириб ёзгандагина мақсадга эришиш мумкинлигини эса мақтаъда шундай келади:

Эй Навоий, ишқ аро берабт агар сурсам ҳадис,  
Анда мазмун бил ғараз, мақсуд кўрма иртибот.

Демак, ишқ ҳақида уни бошидан ўтказмай туриб ёзиш қуруқ гапга тенг. Бироқ ориф-шоир буни истамайди. Ишққа боғланиб, аниқроғи, уни бошидан кечириб ёзсагина, мақсадига етишини билади. Бу байтда, одатдагидек, амр ва наҳий усулининг қўлланилиши билан бирга иштиқоқ санъатига мурожаатни ҳам кўриш мумкин.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА

---

“Масихойин агар минбарда зоҳир қилса дам воиз...”

---

Масихойин агар минбарда зоҳир қилса дам воиз,  
Набий ўрнига урмоқ беҳаёлигдур қадам воиз. .

Анинг бу журъатиға бўлмаған бўлса жунун боис,  
Недин солиб оёғ илгин чекар ун дам-бадам воиз.

Оёғ минбарға қоқиб айламак дасторин ошуфта,  
Недур гар завқи маҳз эрмасдурур сар то қадам воиз.

Агар жоми гурур ичмакка мажлис тутмамиш, невчун  
Назойирхон ила ўз лаҳнин айлар зеру бам воиз.

Малода қичқириб май манъин элга айламак не суд,  
Эрур чун хилват ичра май ичарга муттаҳам воиз.

Карам тарғиби айлар мажлис аҳлига фиғон айлаб  
Рибо важҳини элдин олмаса, айлар карам воиз.

Магарким осмоннинг зинаси бўлди анга минбар  
Ки, анда чиққан ўз ғайри гумон айлар адам воиз.

Қадаҳ ол дайр пиридинки, бу дайри фано ичра  
Қилурлар зарқ яхши англасанг ҳам шайху ҳам воиз.

Навоий тонг эмас бу ваъздин майхонаға борса  
Ки, шод эткай ўзинким, кўп анга еткурди ғам воиз.

V — — — V — — — V — — — V — — —  
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
ҳазажи мусаммани солим

## Лугат

**Адам** – йўқ, йўқлик

**Важҳ** – 1) Сабаб, важ; 2) Чехра, юз; 3) Пул, олтин танга, мол

**Воиз** – арабча тарғиб қилувчи, ваъзхон. 1) Диний мазмунда ваъз қилувчи, ваъз айтувчи. 2) Насихатомуз ёки ташвиқий нутқ сўзловчи, нотиқ

**Дастор** – салла

**Жунун** – телба

**Зарқ** – алдов, ҳийла, макр, мунофиқлик

**Зеру бам** – мусиқада ингичка ва йўгон товуш, паст ва баланд нола

**Лаҳн** – овоз; куй, ашула, сайраш

**Мало** – 1) Тўлалик, тўла; 2) Хало (хоилилик)нинг тескариси;

3) Очиқ ер, очиқлик; 4) Тўпланиш, тўплам, тўда

**Маҳз** – 1) Холис, соф, нуқул; 2) Фақат, фақатгина, ёлғиз

**Муттаҳам** – тухмат қилинган, шубҳага олинган, айбланган

**Назойирхон** – маддоҳ ва воизлар ёрдамчиси, шогирди  
**Ошuftа** – 1) Паришон, тарқоқ, тўзиган; 2) Берилган, мафтун,  
ошиқ, шайдо

**Ошuftа дастор** – Салласи чувалган, ўзига эътибор бермовчи.

**Рибо** – судхўрлик

**Сар** – 1) Бош; 2) Уч, чўққи

**Ун** – овоз, товуш

## Насрий баён

Воизнинг минбарда сўзга чиқиб, ўзини Масихдек тутиши ва пайғамбар сингари қадам ташлаши беҳаёлик ҳисобланади.

Унинг бундай журъатига телбалиги сабаб бўлмаган бўлса, нима учун қўл-оёғини қимирлатиб ун (овоз) чиқаради.

Салласи тўзиган ҳолатда, оёқларини минбарга уриб турган бўлса-да, бу ҳолат унинг бошдан оёққача завққа тўлмаганини англатиб туради.

Агар жоми ғурур ичмакка мажлис тутамиш, невчун  
Назойирхон ила ўз лаҳнин айлар зеру бам воиз.

Ғурурланиш, мақтаниш мақсадида мажлис қилмаган бўлса, нега ўзига ўхшаганлар билан овозини баланд-паст қилмоқда.

Одамлар тўпланган жойга келиб қичқириб, майни таъқиқлаш ҳақида гапиришдан нима фойда бор, хилват жойда ўзи май ичиш бўйича айбланиб турибди-ку.

Йиғилганларга овозини кўтариб, карамни тарғиб қилади, аммо ўзи рибо (судхўрлик орқали ундириладиган пул)ни элдан йиғиб олмаса, карам қилган бўларди.

Осмон зинаси худди унга минбару, минбарга чиққан воиз ўзини гуноҳдан холи санайди.

Майхона бошлиғи (пири)дан қадаҳ ол, шайх ҳам, воиз ҳам бу дайри фанода сенга мунофиқлик қилади.

Ушбу ваъз (маъруза)дан кейин Навоийнинг майхонага бориши ажабланарли эмас, чунки воиз унга жуда кўп ғам келтирди. Шунинг учун у ўзини хурсанд қилиши керак.

## Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали тўққиз байтдан иборат бўлиб, ҳазаж баҳрида яратилган. Ҳазаж мусаммани солим ғазалнинг асосий вазни саналади. Воиз сўзи радиф сифатида ишлатилган ва воизга мурожаат тариқасида яратилган, ҳажвий мавзудаги ғазаллардан бири. Воиз – арабча сўз бўлиб, тарғиб қилувчи, ваъз (диний тушунчаларни халққа, қавмга етказиш) айтувчи, насиҳатомуз ёки ташвиқий нутқ сўзловчи, нотиқ маъноларини беради. Навоийнинг ушбу ғазалида воизнинг хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши, ўз ваъзи орқали тингловчиларга роҳат эмас, балки озор етказиши танқид қилинади. Чунки тасаввуф аҳли воизларни унчалик хушламайди, сабаби улар хатти-ҳаракатлари билан зоҳидларга яқин туради. Зоҳидлар сингари воизлар ҳам зоҳирга эътибор қаратишади, яъни қўлларида тасбеҳ, эғниларида ридо, ҳақиқий гўзалликни англамайдиган, жаннат таъмаида тоат-ибодат қиладиган кишилардир. Уларнинг нутқи тингловчиларга озор етказади, изтиробга солади. Айниқса, ўзини Масиҳ сингари тутиши, Масиҳ ўз нафаси билан тирилтирувчи хусусиятга эга бўлганидек, ўз нутқини ҳам Масиҳ дамига қиёс қилгандек минбарга чиқиб келиши беҳаёликдан бошқа нарса эмасдир.

Масиҳойин агар минбарда зоҳир қилса дам воиз,  
Набий ўрнига урмоқ беҳаёлигдур қадам воиз.

Жунун – бу телбалик. Шарқ шеъриятида ошиқ тушиши мумкин бўлган ҳолат. Ҳақиқий ишқ ўтида ёнган ошиқ ақлдан озиши, унинг қўл-оёқлари занжирбанд қилиниши мумкин. Бундай ҳолга тушган ошиқ Мажнун номи билан аталади. Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достонида Қайс Лайлига ошиқ бўларкан, ҳамма нарсани унутади, ақлдан ҳам мосуво бир ҳолга келаркан, халқ уни “Мажнун” деб атай бошлайди. Ўзини бутунлай унутган Қайснинг оёқларига банд солинади. Негаки:

Ким, топса эди жунунга пайванд,  
Мажнунга илож банд эрур, банд.

Демак, телбаликка гирифтор бўлган кимса оёқ-қўллари ҳама тартибсиз қимирлатиб, бетоқат бўлади, яъни нима қилаётганини билмайди, ҳаракатлари ҳам тартибсиз бўлади. Шоир айтмоқчики, воиз телба бўлмаса, ўзини пайғамбар ўрнида тутиши, унинг оёқ-қўллари бу қадар кўп қимирлатиб, ҳар хил овозлар чиқаришига сабаб нима?

Анинг бу журъатиға бўлмаган бўлса жунун боис,  
Недин солиб оёғ-илгин чекар ун дам-бадам воиз.

Воизнинг ташқи кўриниши ва ўзини тутиши ғалати, яъни салласи тўзғиган, оёқларини минбарга уриб-уриб турибди. Аммо бу ҳолатлар ҳам унинг бошдан охир завққа тўлганига асос бўлолмайди.

Оёғ минбарга қоқиб айламак дасторин ошуфта,  
Недур гар завқи маҳз эрмасдуруп сар то қадам воиз.

Бу мажлис аслида ғурурланиш, мақтаниш мақсадида ташкил этилган. Назойирхон – воизлар ёрдамчиси, шогирдлари билан баланд ва паст овозларда гапиришдан асли маъни шудир.

Агар жоми ғурур ичмакка мажлис тутмамиш, невчун  
Назойирхон ила ўз лаҳнин айлар зеру бам воиз.

Май мумтоз шеъриятда жуда кўп ишлатиладиган истилоҳлардан бўлиб, бода, шароб шаклларида ҳам учрайди. Жом, соғар, аёқ, қадах, пиёла кабилар ҳам май маъносида қўлланилади. Ранги маъшуқа лабига, ёноғига, ошиқ жигар қонига, кўз ёшига қиёс қилинади. Мумтоз шеъриятда лаззати ва сархуш қилувчи хусусиятлари ташбеҳ учун асос бўлиб хизмат қилган. “Аммо май ва майхўрликнинг ёмон оқибатларга олиб келиши, инсонни аянчли қиёфага солиши” мумтоз адабиётда ҳам қораланган бўлса-да, “маърифий-ирфоний атама сифатида май Ҳақ жамолига ташналик, маънавий-руҳий эҳтиёж рамзи бўлиб келади”. Воиз эса майни тўғри, юзаки маънода тушуниб, майни ман қилганлиги учун ҳам сўфийлар уларни ёқтиришмайди, ҳатто ўзига душман санайди. Шоир мало (одамлар тўпланадиган жой)га келиб майни таъ-

қиқлайдиган, кишиларни май ичишдан қайтаришга уринадиган, аммо хилватда қолганида май ичишни ўзига одат қилиб олган воизни танқид остига олади, унинг бундай ваъзаларидан ҳеч қандай фойда бўлмаслигини таъкидлайди:

Малода қичқириб май манъин элга аламак не суд,  
Эрур чун хилват ичра май ичарга муттаҳам воиз.

Мутафаккир боболаримизнинг тафаккурлари, дунёқарашлари Қуръони карим асосида шаклланган. Уларнинг асарларида ҳатто ғайри ихтиёрий равишда Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан таъсирланиш кўзга ташланади. Худди шунингдек, Навоий асарларида Қуръон ғоялари акс этганлиги тасодифий ҳол эмас. Қуръони каримда рибо (судхўрлик) қаттиқ қораланади. Рибо (судхўрлик) бечораларнинг ночорлигидан фойдаланиб, уларнинг меҳнати эвазига бойлик орттиришдан иборатдир. Ночор, камбағал инсон оиласини тебратиш, бола-чақасини боқиш учун пулдор кишидан ёрдам сўраб борса, унга садақа ёки қарз бериш ўрнига судхўр сифатида муомила қилинади. Ҳазалда сўз юритилаётган воизда ҳам ана шундай хусусиятлар бор. Шунинг учун ҳам воиз нафақат май тарки хусусида, балки карам, яъни сахийлик, эҳсон ҳақида ҳам ваъз қилади, аммо энг афзал сахийлик рибо учун халқдан пул олмасликдир, дейди шоир.

Карам тарғиби айлар мажлис аҳлига фиғон айлаб  
Рибо вайҳини элдин олмаса, айлар карам воиз.

“Ислом жоҳилиятдаги номаъқул ишлардан ҳеч бирига қарши рибога қарши ўт очгандек, ўт очмаган”. Зеро, Қуръони каримда бир неча оятлар келадики, уларда рибо, рибонинг ёмон оқибатлари, судхўрнинг қиёматдаги ҳоли баён қилинади. Масалан, “Бақара” сурасининг 275-оятида “Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек довдираб турарлар. Бундай бўлиши уларнинг, тижорат ҳам рибога ўхшашда, деганлари учундир. Ва ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилган...”. “Тафсири Ҳилол”да айтилишича, ушбу ояти каримада судхўрнинг қиёматдаги ҳоли баён қилинмоқда. Уларнинг қабрла-

ридан туришларини кўрганлар биров танитмаса ҳам, судхўрлар эканлигини биладилар. Чунки уларнинг туриши, ўзларини тутишлари соғ одамники сингари бўлмай, ақлдан озган кишилар сингари судхўрлар ҳам тартибсиз ва нотўғри ҳаракат қиладилар. Довдираб, ўзларини ҳар тарафга урадилар. Баъзи судхўрлар тирклик вақтларида ҳам ҳатто шундай ҳолатга тушишлари кузатилган. Биз ғазалнинг иккинчи байтида воизнинг ўзини тутиши, қўл-оёқларини тартибсиз ҳаракат қилиши тасвири берилганлигини кўрдик ва бунинг сабаби нима эканлиги бўйича берилган саволга гувоҳ бўлган эдик. Демак, унинг бундай ҳолга тушишининг сабаби аёнлашди. Воиз нафақат, ўзининг бошқаларни энсасини қотирадиган ваъзалари билан, балки рибо билан ҳам шуғулланади.

Минбар – масжидларда устига чиқиб хутба ўқиш ва ваъз айтиш учун ясалган баланд жой. Воиз унга чиқар экан, худди осмон зинасига кўтарилгандек, ўзини бутун гуноҳлардан холи бўлгандек тутати. Чунки унда ўзидан мамнунлик, қилаётган амалларини кўз-кўзлаш, сохта тақводорлик кўзга ташланиб туради.

Магарким осмоннинг зинаси бўлди анга минбар  
Ки, анда чиққан ўз ғайри гумон айлар адам воиз.

Дайр пири – майхона бошлиғи, майхоначи. “Майхона тасаввуфда илоҳий олам, илоҳий ишқ улашадиган жой, комил орифнинг шавқу завқи, илоҳий файз кони бўлган қалби ва давраси, сўфийлар зикру самоъ ўтказадиган хонақоҳ, ҳақ ошиқлари тўпладиган макон каби бир қанча маъноларда келади”. Қадаҳ эса маърифат зиёси билан тўлган кўнгил маъносини англатади. Дайр пиридан олинган қадаҳ қалбга илоҳий файзнинг кириб келиши, ҳақиқий ишқ ўтининг учқунланиши, ғайб маърифатидан баҳраманд бўлишга йўл очади. Шунинг учун ҳам шоир лирик қаҳрамони дайр пири қўлидан қадаҳ олишга иштиёқманд:

Қадаҳ ол дайр пиридинки, бу дайри фано ичра  
Қилурлар зарқ яхши англасанг ҳам шайху ҳам воиз.

Аслида бу дунё, унинг нозу неъматлари, турли орзу-ҳаваслар, уларга интилиш йўлидаги ҳаракатлар инсонни ҳақиқий маъри-

фатдан узоқлаштирувчи, ғамга солувчи нарсалардир. Воизнинг Аллоҳ мағфиратидан холи, ҳақиқий ишқдан беҳабар бўлган ваъзи туфайли ғамга ботган кўнгулни кўтариш, бу ғам-ташвишларни унутишнинг бирдан-бир йўли майхона – қалбга илоҳий ишқ улашадиган маконга бориш. Бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ.

Навоий тонг эмас бу ваъздин майхонага борса  
Ки, шод эткай ўзинким, кўп анга еткурди ғам воиз.

София ЖУМАЕВА



### “Истасангким урғасен давронға тийғи инқитоъ...”



Истасангким урғасен давронға тийғи инқитоъ,  
Ул видоъ эткунча сен қилғил бурунроғ алвидоъ.

Жон бериб ширин-у муҳлик жоҳ учун илгингда тийғ,  
Назъ вақти шарбати марғ истаб айлайсен низоъ.

Асрадинг каттон кафан қилмоқ учун, не судким,  
Ҳашр бозорида беқийматдурур мундоқ матоъ.

Масканинг охир чу туфроғдур, не ўткармақдур-ур  
Мадфанинг айвониға кўк гунбазидин иртифоъ.

Сандалойин эв ясаб, элдин кўрарсен сарзаниш,  
Ким бу янглиғ кўрди сандалники, еткургай судоъ.

Ер ўпарсен ризқ учун миннат юкидин ҳам бўлуб,  
Тенгри ёрингким, қилибсен хуш намозе ихтироъ.

Дур қулоғингда момуқдин бир чигитдур, эл сўзин  
Бу момуқ бирла чигитдин айламассен истимоъ.

Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,  
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужоъ.

Эй Навоий, Тенгри асрориға тил маҳрам эмас,  
Чок кўнглунг ичра тутким “жоваз-ал-иснайни шоъ”.

–V– –V– –V– –V–

фоилотун фоилотун фоилотун фоилон  
рамали мусаммани мақсур

### Лугат

**Инқитоъ** – кесилиш, узилиш, ажралиш, битиш

**Видоъ этмоқ** – хайрлашиш, видолашиш

**Алвидоъ** – хайр, кетар чоғда айтилувчи сўз

**Муҳлик** – ҳалокатли, ҳалок қилувчи, ўлдирувчи

**Жоҳ** – амал, мартаба; мансаб

**Назъ вақти** – жон чиқар пайт

**Марг** – ўлим, ажал

**Низоъ** – низо, талаш

**Каттон** – канождан тўқилган кийимлик (каттон гўё ойдинга  
чидамай тезда йиртилар эмиш)

**Ҳашр** – тўпланиш; қиёмат

**Мадфан** – дафн қилинадиган жой; гўр

**Иртифоъ** – кўтарилиш; баландлик

**Сандабойин** – хушбўй исли сандал дарахти каби, сандал рангли

**Сарзаниш** – койиш; танбих, ҳақорат

**Судоъ** – бош оғриғи

**Момуқ** – чигитсиз пахта, тоза пахта

**Истимоъ** – эшитиш

**Беша** – чангалзор; ўрмон

**Забун** – ожиз, бечора, нотаваон

**Шужоъ** – шижоатли, ботир

**“Жоваз-ал-иснайни шоъ”** – арабча ибора: “куллу сиррин жоваз ал-иснайни шоъ” – мисранинг бир қисми бўлиб, “ҳамма сир икки тиш орасидан ўтса ёйилади” демақдир

### Насрий баён

Агар сен бу дунёдан узилишни истасанг, у сендан воз кечмасдан бурун (ўлмасингдан аввал) унга алвидо де, сен ундан аввалроқ воз кеч.

Бу дунёда ҳалокатли бўлган улуг мартабани эгаллаш учун ширин жонингни бериб, қўлингга тиғ олиб курашасан, шу жонни олиш вақти (ўлим) етганда эса ўлим дорисини (ўлмаслик учун дори) истаб жанжал чиқарасан, аниқроғи, ўлмаслик учун курашасан.

Ҳашр бозорида, яъни қиёмат куни бирор моддий нарсга ўз қийматига эга бўлмай қолади, шундай экан, кафанлик учун каттон (канопдан тўқилган мато)ни асраб қўйганингдан нима фойда?

Охир-оқибат борадиган масканинг тупроқ бўлса, қабринг устига осмондек баланд гумбаз қуриш нимаси?!

Сандал рангли уй қуриб, элнинг нафратига учрайсан, чунки бу каби сандални кўрганнинг бошига бало етади.

Ризқ учун миннат юкидан эгилиб, ер ўпасан, Аллоҳ ёринг бўлсинки, жуда чиройли намоз ўқиш (усуллари)ни кашф этибсан.

Қулоғингдаги дур момуқ чигити (пахтадан ясалган чигит) бўлиб, у қулоғингни ёпиб қўйгани учун элнинг сўзини эшитмайсан.

Чангалзордаги шерни енгишинг шижоатдан эмас, балки нафс итини енга олсанг, оламда сенга тенг келадиган шижоатли ботир топилмайди.

Тангри сирларини тил билан ифодалаб бўлмайди, уни чок кўнглинг ичида асра, чунки ҳар қандай сир икки тиш орасидан ўтса, ёйилади.

### Шарҳ ва изоҳлар

Ҳодисавий маънода бу дунёнинг ҳеч нарсасига арзимаслигини орифона нигоҳ билан англаган шоирнинг ундан воз кеча олиш, аниқроғи, дунёга берилмасдан ҳаёт кечириш ҳақидаги панд-на-

сиҳатлари бу туркум ғазаллар орасида муҳим ўрин тутати, жумладан:

Истасангким урғасен давронга тийғи инқитоъ,  
Ул видоъ этгунча сен қилғил бурунроғ алвидоъ.

Байтдаги видолашиш ҳақидаги фикр нафсга тегишли, албатта. Тасаввуф ҳақида сўфий шоир Бобо Тоҳир шундай деган эди: “Тасаввуф – ўлими йўқ ҳаёт ва ҳаёти бўлмаган ўлимдир, яъни нафсоний-хайвоний ҳаётда ўлмоқ ва инсоний ҳаётда яшамоқ” (1, 210). Тасаввуф йўлига кирган ҳар бир солиқ учун энг муҳим ва мушкул вазифа – нафсни енгиш, уни ўлдириш. Тасаввуфнинг назарий масалаларига бағишланган асарларда нафсни маломат қилиш, уни ўлдириш ҳақидаги фикрлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бадиий-орифона асарларда эса нафс – рақиб, дев, ит каби рамзий тимсоллар воситасида ифодаланади. Жумладан, ўрганиб чиқаётганимиз ушбу ғазалнинг мақтаъдан олдинги байтида шоир шундай ёзади:

Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,  
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужоъ.

Чангалзордаги шерни енгишинг шижоатдан эмас, балки нафс итини енга олсанг, оламда сенга тенг келадиган шижоатли ботир топилмайди, деган шохбайтда беша шери, нафс ити каби истиоравий атамалар воситасида таъсирчанлик оширилган. Шунингдек, шоир икки ўринда битта ўзакка эга бўлган шижоат ва шужоъ сўзларини қўллаб, иштиқоқ санъатига ўрин беради; забун сўзини икки марта қўллаб тақрир санъатига мурожаат қилади.

Демак, бир томондан, фикрнинг аниқлиги, иккинчи томондан, бадиий санъат ва тасвир воситаларининг кенг ва ўринли қўлланилиши байтнинг ўта таъсирчан чиқишини таъминламоқда. Шунини таъкидлаш керакки, истиоравий тушунча ва мафҳумлар (жумладан, фано боғи, адам саҳроси, нафс ити ва ҳоказо) ғазаллар таъсирчанлигининг ошишига яхши имконият туғдиради.

Ғазалнинг иккинчи байти дастлабки байтдаги фикрни изчил давом эттиради:

Жон бериб ширину муҳлик жоҳ учун илгингда тиг,  
Назъ вақти шарбати марг истаб айлайсан низоъ.

Ушбу ғазалда ўзига хос ўрин тутган бир шеърий санъат иштиқоқ (1-байтда видоъ ва алвидоъ, мақтаъдан олдинги байтда шижоат ва шужоъ ҳамда ушбу байтда назъ ва низоъ)нинг қўлланилиши шеърда фикрий ва шаклий изчилликка эришишининг бир йўлидир.

Инсондан бу дунёда яхши амал қолади, деган ғояни кўплаб асарларида илгари сурган Навоий мана бу байтида у дунёда яхши амалларигина унга ҳамроҳ бўлишини матн остига яшириб шундай дейди:

Асрадинг каттон кафан қилмоқ учун, не судким,  
Ҳашр бозорида беқийматдурур мундоғ мато.

Бу байт Хоразмшоҳ ва имом Фахр Розийнинг ҳаммомдаги суҳбати ҳақидаги ҳикоятни (2, 210) ёдга солади. Ҳақиқатан ҳам, бу дунёда орттирган мол-у давлати, бола-чақаси – барчасининг қолиб кетишини каттон кафан тимсолида тушунтирган шоир кейинги байтда инсоннинг дунёга яхши амалларни бажариш, камолотга етишиш учун келиши ҳақидаги фикрини ўта таъсирли қиёслар мисолида тасдиқлаб беради:

Масканинг охир чу туфроғдур, не ўткармакдурур,  
Мадфанинг айвониға кўк гумбазидин иртифоъ?

“Охир-оқибат борадиган масканинг тупроқ бўладиган бўлса, қабринг устига осмон гумбазидан баланд ҳашамат куришдан нима фойда”. Жисмнинг интиҳоси шундай экан, уни бу қадар эъзозлаш ўрнига руҳнинг камолоти йўлида қийналиш афзал эмасми?!

Ғазалнинг дастлабки байтидан бошлаб, нафсни ўлдиришни тарғиб этаётган шоир, нафсга тўсиқ бўлолмаган иллатларни қоралар экан, ушбу байтда авж пардага еткандек:

Ер ўпарсен ризқ учун миннат юкидин ҳам бўлуб,  
Тенгри ёрингким, қилибсен хуш намозе ихтироъ.

Бадий жихатдан ҳам жуда мукаммал ва ўзига хос бу байтда: “Ризқ учун миннат юкидан эгилиб, ер ўпасан (лаганбардорлик, ялтоқилик қиласан), Аллоҳ ёринг бўлсинким, жуда чиройли намоз ўқиш (усуллари)ни кашф этибсан”, – деган шоир нафснинг қулига айланган, ҳеч нарсадан андиша қилмайдиган беорликни танқид қилади, байтда енгил юмори ҳам қўллайди. Бу каби жонли қиёслар кейинги байтларда ҳам давом этган:

Дур қулоғингда момукдин бир чигитдур, эл сўзин  
Бу момуғ бирла чигитдин айламассен истимоъ.

Байтда қулоққа тақилган дур (зирак) воситасида шоир дунёвий бойлик тимсолини берар экан, нафсига қухл бўлган дунёбанди кишининг кўзлари кўру қулоғи қар (дурни момуқ чигитига қиёслаган ҳолда) бўлиб қолишини эътиборда тутган бўлса ажаб эмас. Ҳазални иншо санъатининг амр ва наҳий усули билан бошлаб, давом эттирган шоир, мақтаъга келиб ўзига мурожаат қилиб шундай дейди:

Эй Навоий, тенгри асрориға тил маҳрам эмас,  
Чок кўнглунг ичра тутким: “жоваз ал-иснайни шоъ”.

Байтдаги “жоваз ал-иснайни шоъ” ибораси арабча “куллу сиррин жоваз ал-иснайни шоъ” иборасининг бир қисми бўлиб, у ҳамма сир икки тиш орасидан ўтса, (барчага) ёйилади, деган маънони англатади. Бундай усулни қўллаш шеършуносликда иқтибос санъати деб юритилади. Айни пайтда ушбу ҳикматли фикр тамсил санъатини қўллашга имкон берган. Шоир тасаввуфдаги муҳим масалалардан бири – Аллоҳга етишиш илмини тил билан тушунтириб бўлмаслигига, унинг ақл орқали эмас, балки кўнгил воситасида амалга ошишига ишора қилади. “Ўлмасдан бурун ўлиш”, яъни нафсни ўлдириш гоёси ифодааланган бу фикр шоирнинг бошқа бир ғазалларида янада чуқурлашганини кўриш мумкин.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА

## Мундарижа

|                                                            |     |
|------------------------------------------------------------|-----|
| ЗОҲИРИЙ ВА БОТИНИЙ МАЪНОЛАР ТАЛҚИНИ.....                   | 3   |
| “Жон берур элга агарчи лабидин қон томадур...” .....       | 10  |
| “Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулғуздор...” .....        | 15  |
| “Чикти ов азмиға жавлон айлаб ул чобуксувор...” .....      | 20  |
| “Барги гул юзинда лаълинг рашкидин хуноблар...” .....      | 25  |
| “Телба кўнглум, ваҳки, ҳар соат биров сори борур...” ..... | 31  |
| “Ул ойки, жафо нардени хўблардин утуптур...” .....         | 39  |
| “Барча хўбларнинг қаду рухсору хатту холи бор...” .....    | 45  |
| “Чораи қор истабон бечоралиғ кўнглум тилар...” .....       | 51  |
| “Тар ўқи ул қоши ёнинг жонниким, қурбон қилур...” .....    | 55  |
| “Эй сабо, шарҳ айла аввал дилситонимдин хабар...” .....    | 59  |
| “Ё Раб, бу не гулдурким, бошиға чечак санчар...” .....     | 63  |
| “Ҳар қаён боқсам кўзумга ул куёшдин нур эрур...” .....     | 68  |
| “Жаҳони буқаламун ичра тушмиш элга гудоз...” .....         | 72  |
| “Рафиқлар, мене маҳзун нечук бўлай ғамсиз...” .....        | 78  |
| “Рафиқлар, мене маҳзун нечук бўлай ғамсиз...” .....        | 83  |
| “Тиргузур ҳар хастани бир ноз ила ул дилнавоз...” .....    | 89  |
| “Рамида кўнглум эрур ишқ мубталоси ҳануз...” .....         | 97  |
| “Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз...” .....          | 102 |
| “Меҳнат ўтидин ёруқтур ҳар тараф қошонамиз...” .....       | 108 |
| “Бўлмаса ул бут қоши меҳробим ичра жилвасоз...” .....      | 112 |
| “Жилваму қилди сариғ бўркин кийиб ул сарвиноз...” .....    | 118 |
| “Туфроғимдин қошки жисме мураттаб қилсангиз...” .....      | 122 |
| “Юзунг фироқида ҳар оҳ ўтинки, чектим тез...” .....        | 125 |
| “Тийрадур, ўйлаким, ёруғлуғ анга қўймас юз...” .....       | 130 |
| “Йўқки ул кўз қорадур ҳуснунг аро, эй қоракўз...” .....    | 134 |
| “Манга ул кўзи қора деди чучук чандин сўз...” .....        | 138 |
| “Нуктаси мафҳум ўлур, бўлмас вале мафҳум оғиз...” .....    | 141 |

|                                                                    |  |
|--------------------------------------------------------------------|--|
| “Ғам юки қилмайдурур ёлғуз мени маҳзунни кўж...” ..145             |  |
| “Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас...” .....149             |  |
| “Не ажаб гар нуқл тухми ғам қушин ром айламас...” ...155           |  |
| “Кийик чарми заиф эғнимга мажнунлуғ нишони<br>бас...” .....159     |  |
| “Нафиси кийгулук ўлса яланг танимға ҳавас...” .....165             |  |
| “Даме эрмаски, лаълингдин кўнгул юз лахт қон<br>эрмас...” .....168 |  |
| “Сунбулин Лайло очиптур, ел абиросо эмас...” .....173              |  |
| “Зиҳе камол ила кавнайн нақшиға наққош...” .....178                |  |
| “Мени саргашта жисмим доғ ила қон лолазор<br>этмиш...” .....183    |  |
| “Кўнгулким зарнишон пайконларингдин нотагон<br>бўлмиш...” .....187 |  |
| “Чиқти ёрим кеча ёъл азмин қилиб ул бағри тош...” ....190          |  |
| “Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш...” .....193           |  |
| “То кўз била кўнглумни ул ғамза мақом этмиш...” .....197           |  |
| “Ҳар кун оқшомғача ҳажрингда менга зорлиғ иш...” ...203            |  |
| “Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос...” .....205            |  |
| “Ичиб ул шўх гул-гул қилди лаъли ноб ила ораз...” .....213         |  |
| “Жонға зулфунг тобидин ул лаъли хандондур<br>ғараз...” .....216    |  |
| “Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимға арз...” .....219            |  |
| “Нафс қуттоъ-ут-тариқи манзилидур бу работ...” .....221            |  |
| “Масихойин агар минбарда зоҳир қилса дам воиз...” ..227            |  |
| “Истасангким урғасен давронға тийғи инқитоъ...” .....234           |  |

Алишер Навоий

# ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

*Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари*

5 ЖИЛД

*Монография*



*Муҳаррир С. Абдунабиева  
Бадий муҳаррир А.Набиев  
Компютерда саҳифаловчи У.Рахматов*

**Нашр. лиц. АА №0038.  
“О‘ЗКЇТОBSAVDO” наشريёти**

Босишга рухсат 19.12.2020-йилда берилди.  
Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Офсет усулида босилди.  
“PT-Serif” гарнитураси. Шартли б.т. 10,75. Нашр ҳисоб т. 10,35.  
Адади 40 дона. 16-букюртма.

**“О‘ЗКЇТОBSAVDO” наشريёти.  
100000, Тошкент, Қуйлуқ даҳаси, 5.**

ISBN 978-9943-6858-8-8



9 789943 685888